

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТИЛШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Т. РУСТАМОВ

СОФ КЎМАКЧИЛАР

*(Ўзбек тили соф кўмак-
чиларининг тарихий
тараққиёти)*

ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ
«ФАН» НАШРИЕТИ
1991

Монографияда ёзма ёдгорликлар асосида XIII—XX асрлар ўзбек тили кўмакчиларининг тараққиёти ёритилган. Кўмакчиларнинг фонетик, морфологик ва семантик хусусиятлари аниқланган, уларнинг ҳозирги ўзбек тилида тутган ўрни белгиланган.

Китоб туркшунос-мутахассислар, олий ўқув юртлари филология факультетининг ўқитувчи ва талабаларига мўлжалланган.

М а с ъ у л м у х а р р и р:
филология фанлари доктори Б. Бафоев

Т а к р и з ч и л а р:
филология фанлари доктори Н. МАҲМУДОВ, филология
фанлари кандидати Қ. ҚАРИМОВ

460200000—329
P—————248—91
M355 (04)—91

ISBN 5—648—00862—7

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан»
нашриёти, 1991 й.

АЙРИМ ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

1. АДД — автореферат докторской диссертации.
2. АКД — автореферат кандидатской диссертации.
3. АН СССР — Академии наук Союза Советских Социалистических Республик.
4. ВЯ — «Вопросы языкознания» журналы.
5. ВЛ — восточная литература.
6. ВВ — веков.
7. В — век.
8. Вып — выпуск.
9. Гос — государственный.
10. Докл — докладлар.
11. ДД — докторлик диссертацияси.
12. ЗКВ — Записки коллегии востоковедов.
13. Изд — издание.
14. Изв. АН КазССР — Известия Академии наук Казахской Советской Социалистической Республики.
15. Ин-та — института.
16. Инв — инвентарь.
17. Изд-во — издательство.
18. КД — кандидатлик диссертацияси.
18. КН — книга.
20. Л. — Ленинград.
21. ЛГУ — Ленинградский государственный университет.
22. М. — Москва.
23. М.—Л — Москва — Ленинград.
24. ОЛЯ — Отдел литературы и языка.
25. Пгр — Петроград.
26. Препад — преподаватель.
27. Проф. — профессор.
28. Сб. — сборник.
29. Сообщ. — сообщения.
30. Сурх. — Сурхондарё.
31. Т. — том.
32. Тош. — Тошкент.
33. ТашГУ — Ташкентский государственный университет.
34. ФАН — Фанлар академияси нашриёти.
35. Ч. — часть.
36. ШИ. — Шарқшунослик институти.
37. 173.264₃ — библиографияда кўрсатилган 173 — асар ва ўша асарнинг саҳифасидаги учинчи колонка.
38. 10., 25., 11., 34., — Библиографияда кўрсатилган тўртта асар рўйхати: ўнинчи, йигирма бешинчи, ўн биринчи, ўттиз тўрттинчи номерларда кўрсатилган асарлар кўзда тутилмоқда ва бошқалар.
39. УН, 38. II, III, IV — «Ўғизнома» асари. 38-бет. II, III, IV бўлимлари.
40. 2.17.IV.1965 — иккинчи номердаги манба, 17-число, 4-ой, 1965 йил.

Фойдаланилган манбаларнинг шартли қисқартмалари

1. А.Код. — Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. Тошкент, 1958.
2. Амирий — Юсуф Амирий. Банг ва чоғир орасинда мунозара. (XV аср). Қўл ёзма. Британия музейи. Add. 7914.
3. Ахмадий — Ахмадий. Руджоманинг орасинда мунозара ва мубохаса. (XV аср). Қўл ёзма. Британия музейи. Add. 7914.
4. А. Юг. С VIII. 220 — Ахмад Югнакий «Хибатул ҳақойиқ» асарининг «С» нусхаси. VIII бўлим, 220-бет.
5. БВ — Восифий. «Бадоеул вақое (XVIII аср). Қўл ёзма. ЎзССР ФА Беруний номидаги шарқшунослик институти, инв. № 3344 (Форсчадан ўзбек тилига Диловар таржимаси.)
6. БН — Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. (XVI аср) (Н. И. Ильминский нашри). Козон, 1857.
7. Бобур — Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон (XVI аср). (А. Н. Самойлович кайд этиш учун улар алоҳида-алоҳида диахроник планда ўрганинши). Петроград, 1917.
8. Б.Б — Борот Бойқобулов. Бугун сенинг туғилган кунинг, Тошкент ҳақиқати, 1974, 6 ноябрь.
9. Гулҳанӣ — Гулҳанӣ. Зарбул масал (XVIII аср). Ф. Искоков нашри. Тошкент, 1976.
10. ДН — Юсуф Амирий. Дахнома (XV ас). Қўл ёзма. Британия музейи. Add. 7914.
11. ДЛТ — Маҳмуд Қошғарий. Девону луғатит турк (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов.) Тошкент. I том — 1960; II — том — 1961; III — том 1963.
12. «Еш. лен.» — «Еш ленинчи» (газета).
13. КМТ. — Комсомоллар тарихидан. Тошкент, 1935.
14. Кук. — Қапитан Кукнинг саргузаштлари. Тошкент, 1931.
15. ЛН. — Хожандий. Латофатнома (XV аср). Қўл ёзма. Британия Музейи. Add. 7914.
16. Лат. Н. — Хожандий. Латофатнома (XV аср). Э. Фозилов нашри. Тошкент, 1976.
17. Лутфий — Лутфий. Девон (XV аср). Қўл ёзма. Британия музейи. Add. 7914.
18. Лутфий ГН. — Лутфий. Гул ва Наврӯз (XV аср). (Қўл ёзма. Британия музейи. Add. 7914; Лутфий. Лирика. Гул ва Наврӯз. (Нашрга тайёрловчи С. Эркин-ов. Тошкент. 1965).
19. Махмур — Махмур. Танланган асарлар. (XVII—XIX асрлар) Тошкент, 1948.
20. Мунис — Шермуҳаммад Мунис. Танланган асарлар. (XVII—XIX асрлар). (Нашрга тайёрловчи Юнус Юсупов.) Тошкент, 1957.
21. Мунтахаб — Ҳакимжон Ибн Саид Маъсумхон. Мунтахабут таворих (XIX аср). Қўл ёзма. ЎзССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти. инв. № 594, 1560.
22. Мухтасар — Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мухтасар (XVI аср). Саидбек Ҳасан нашри, Тошкент. 1971. И. В. Стеблева нашри. М., 1972.

23. Мушриф — Мирза Олим Мушриф. Ансубус салотин ва таворихул хавокин (XIX аср). Қўл ёзма. ЎзССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инв. № 1314.
24. Муқимий I — Муқимий. Асарлар тўплами, икки томлик, I том. (XIX аср) (Нашрга тайёрловчи Ғулом Қаримов). Тошкент. 1960.
25. Муқимий II — Муқимий. Асарлар тўплами, икки томлик, II том (XIX аср) (Нашрга тайёрловчи Ғулом Қаримов). Тошкент. 1960.
26. М.ча. — Абдулла Қодирий. Мехробдан чаён. Тошкент, 1957.
27. МН. — Хоразмий. Мухаббатнома (Қўл ёзма, Британия музейи, Add. 7914; Э. Н. Наджип нашри, М., 1961).
28. Навоий ЛТ — Алишер Навоий. Лисонут тайр (XV аср). (Илмий-танқидий текст, тайёрловчи Шарафиддин Эшонхўжаев) Тошкент, 1965.
29. Навоий МА — Алишер Навоий, Меъзонул авзон (XV аср). (Танқидий текст, тайёрловчи Иззат Султонов). Тошкент, 1949.
30. Навоий МЛ — Алишер Навоий. Мухокаматул лугатайн (XV аср). (М. Катрмер нашри). Париж. 1841.
31. Навоий МН — Алишер Навоий. Маҷалисун нафоис (XV аср). (Илмий-танқидий текст, тайёрловчи С. Ғаниева). Тошкент, 1961.
32. Навоий МК — Алишер Навоий. Махбул кулуб (XV аср). (Танқидий текст, тайёрловчи А. Н. Қононов). М.—Л., 1948.
33. Навоий СС — Алишер Навоий. Сабъан Сайёр (XV аср). (Илмий-танқидий текст, тайёрловчи Порсо Шамсиев). Тошкент, 1956.
34. Навоий ФШ — Алишер Навоий. Фарход ва Ширин (XV аср). (Танқидий текст, тайёрловчи Порсо Шамсиев). Тошкент, 1963.
35. Навоий ХА — Алишер Навоий. Хайратул аброр. (XV аср). (Илмий-танқидий текст, тайёрловчи Порсо Шамсиев) Тошкент, 1970.
36. НФ — . — Наҳжул фародис (Қўл ёзма. Истанбул. Сулаймония кутубхонаси № 879; Я. Экман нашри, Анкара, 1956).
37. НН. — Таворихи гузида — Нусратнома (XVI аср). (А. Акрамов нашри). Тошкент, 1966.
38. Нодира I — Нодира. Асарлар. (XVIII—XIX асрлар). Икки жилдлик, 1-жилд (Нашрга тайёрловчи М. Қодирова). Тошкент, 1968.
39. Нодира II — Нодира. Асарлар. (XVIII—XIX асрлар). Икки жилдлик, 2-жилд (Нашрга тайёрловчи М. Қодирова), Тошкент, 1971.
40. Огаҳий — Огаҳий. Танланган асарлар (XIX аср) (Нашрга тайёрловчи Сувбутой Долимов). Тошкент, 1958.
41. Отойи — Отойи. Девон (XV аср). Қўл ёзма, СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими, В-2456.
42. Саккокий — Саккокий. Девон. (XV аср). Танланган асарлар. (Нашрга тайёрловчи Қ. Муниров). Тошкент, 1960.
43. Сайфи Саройи. — Сайфи Саройи. Гулистон бит-туркий (Қўл ёзма, Лейден кутубхонаси № 1553; А. Бодроглигети нашри, Будапешт, 1969; Э. Фозилов нашри, Тошкент, 1973; Х. Усмонов ва З. Махсудовлар нашри, Қозон, 1980).
44. «Сов. Ўзб.» — «Совет Ўзбекистони» (газета).
45. ТФ — Тафсир (Қўл ёзма, СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими, С—197).
46. ТО — «Тошкент окшоми» (газета).
47. ТХ — «Тошкент ҳақиқати» (газета).
48. ТИ — Турсун Иброҳим. «Ўзбекистон», «Тошкент окшоми» газетаси, 1974. 24 октябрь.
49. Турквилгаз — Туркистон вилоятининг газети, 1890, 14-сон; 1891, 3, 5, 10, 15, 16, 19, 20, 23, 24, 25-сонлари; 1892, 14-сон; 1893, 10, 20, 45-сонлари; 1894, 26-сон; 1896, 3-сон; 1897, 45-сон.
50. Увайсий — Увайсий. Девон. (XIX аср). (Тузувчилар А. Қаюмов, Э. Иброҳимова). Тошкент, 1959.
51. ФИ — Мунис ва Огаҳий. Фирдавсул иқбол (XIX аср), Қўл ёзма, ЎзССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти инв, № 5364.
52. Фуркат I — Фуркат. Танланган асарлар. (XIX аср). Икки томлик, I том (Нашрга тайёрловчи Холид Расул) Тошкент, 1959.

53. Фуркат II — Фуркат. Танланган асарлар. (XIX аср). Икки томлик, II том (Нашрга тайёрловчи Холид Расул). Тошкент, 1959.
54. Хлар — Худосизлар, журнал. Тошкент, 1930, 12, 25-сонлар; 1933, 12, 33-сонлар.
55. ХШ — Кутб. Хусрав ва Ширин (Қўл ёзма, Париж Миллий кутубхонаси, Мис. Tuges. Apс. F. 312; А. Зайончковский нашри, Варшава, 1958; Э. Фозилов нашри, Тошкент, 1973).
56. ШИ. — Огахий. Шохидул икбол (XIX аср). Қўл ёзма. СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими. С.572.
57. ШТ. — Шавкат Туроб. Хотира//Тошкент окшоми, 1974, 14 октябрь.
58. ШН. — Мухаммад Солих. Шайбонийнома (XVI аср). (П. М. Мелиоранский нашри). Спб., 1908.
59. Ш.тар. — Абулғози Баходирхон. Шажараи тарокима (XVII аср). (А. Н. Кононов нашри). М.—Л., 1958.
60. Ш.турк I — Абулғози Баходирхон. Шажараи турк (XVII аср). (Н. Румянцев нашри Қозон, 1825; С. Н. Иванов, Родословное древо тюрк Абу-л-Гази-хана, Ташкент, 1962.)
61. Якиний — Якиний. Ўқ(ва)-ёй орасинда мунозара (XV аср). Қўл ёзма. Британия музейи. Add. 7914.
62. Ўзизлуғ. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I—2-томлар. М., 1981.
63. ЎН. — Ўғузнома (Қўл ёзма, Париж Миллий кутубхонаси, Suppl. turc., 1001; А. М. Шчербак нашри, М., 1959).
64. ҚР — Қисаси Рабғўзий (Қўл ёзма, СССР ФА Шарқшунослик институти-нинг Ленинград бўлими, С-245).
65. ҚБ. — Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг (Қўл ёзма, Наманган нусхаси. ЎзССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, № 1809; Қ. Каримов нашри, Тошкент, 1971).
66. Ғозий — Ғозий. Девон (XVIII-XIX асрлар). (А. Қаюмов нашри). Тошкент, 1959.
67. Хайдар — Хайдар Хоразмий. Маҳзанул асрор (XV аср). Қўл ёзма. Британия музейи. Add. 7914 (Абдуллаев Н. Хайдар Хоразмий ва унинг Маҳзанул асрори, ҚД, Тошкент, 1974).
68. Хувайдо — Хувайдо Девон (XVIII аср). Литографик нашр. Тошкент, 1913.
69. ХХ — Аҳмад Югнакий. Ҳибатул ҳақойик (Рашид Раҳматий Арат нашри, Истанбул, 1951; Қ. Махмудов нашри, Тошкент, 1972).

СУЗ БОШИ

Тил система бўлганидан барча категорияларидаги ўзгаришларни қайд этиш учун улар алоҳида-алоҳида диахроник планда ўрганилиши керак. Ана шундагина ҳар бир тилнинг ривожидаражаси якқол кўринади. Ўзбек адабий тилининг ҳам тарихий тараққиёт босқичларини аниқ белгилаш мақсадида унинг барча даврлардаги ёзма ёдгорликлари манба сифатида олиниб, лингвистиканинг ҳамма яруслари бўйича текширилиши лозим. Шунга кўра, биз ҳам ушбу монографияда ўзбек тили тарихи морфологиясининг соф кўмакчилар категориясини диахроник асосда тадқиқ этишга ҳаракат қилдик. Ишда манба қилиб XIII—XX асрларда ёзилган ёзма ёдгорликлар олинди. Улардаги материаллар ўрни-ўрни билан лозим бўлганда VI аср Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликларидаги ва XI асрдаги соф кўмакчилар билан қиёсланди.

Теманинг ўрганилишини шартли равишда уч катта даврга бўлиб олиб борилди:

1. XIII—XIV аср ёзма ёдгорликлари.
2. XV—XVI аср ёзма ёдгорликлари.
3. XVII—XX асрнинг бошлари ёзма ёдгорликлари.

Минг йилга яқин даврда ижод қилинган ёзма манбалардаги соф кўмакчиларнинг фонорморфологик, семантик хусусиятлари тарихий-қиёсий планда ёритилди ҳамда улар ҳозирги туркман, ўзбек, чуваш ва козок тиллари материаллари билан қиёсланди. Булардан ташқари, айрим кўмакчиларнинг маъносини аниқлаш ва материаллардаги фактлар кўрсатмасига кўра этимологик изоҳлар беришда бошқа туркий тиллар ҳам чоғиштириш учун асосга олинди.

Ўзбек тилининг эски ёзма манбаларида қўлланган соф кўмакчилар ҳозирги ўзбек ёзма манбаларидаги соф кўмакчиларнинг маъно ва структурал вариантлари билан қиёсланганда, асосан, А. Н. Кононовнинг грамматикаси ҳамда ҳозирги ўзбек тили грамматикаларидаги, яна авторнинг монографиясидаги материаллар манба сифатида олинди¹. Булардан ташқари, ёзма манбалардан

¹ Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.—Л., 1960; Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент: Фан, 1975; Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2 томлик. Тошкент, 1981; Рустамов Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар. Тошкент: Фан. 1965.

олинган соф кўмакчилар — материаллар қиёсланганда айрим туркий тиллардаги илмий адабиётлар манба қилиб олинди². Одатда, тил категориялари диахроник планда ўрганилганда ҳозирги адабий тилнинг диалектлари материаллари билан қиёсланганидек, биз ҳам бу ишимизда ўзбек адабий тилининг диалектларидаги ҳозирда истеъмолда бўлган кўмакчилар ҳақидаги фикрларни диалектологик илмий манбалардан олдик³.

Теманинг бир бутун ҳолда шаклланиб, ундаги масалаларнинг янада пишиқроқ ишланишида, муҳокамасида ўз фикрлари билан ёрдамлашган Тилшунослик институтининг «Ўзбек тили тарихи, диалектология ва тилларни қиёсий ўрганиш» бўлими ходимларига ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти профессори, филология фалари доктори Низом Маҳмудовга автор ўз миннатдорчилигини билдиради.

Типография талабига асосан мисоллар транскрипциясиз берилди.

² Исанғалиева В. А. Служебные имена и послелогои в Казахском языке. Алма-Ата, 1957; Современный казахский язык. Алма-Ата, 1962; Грамматика туркменского языка. Часть 1. Фонетика и морфология. Ашхабад, 1970; Левинская Л. С. Историческая морфология чувашского языка. М., 1976.

³ Решетов В., Шобдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. Тошкент, 1962; Ўзбек халқ шевалари луғати. Тошкент, 1971; Ўзбек халқ шевалари морфологияси. Тошкент, 1984; Ўзбек шевалари лексикаси. Тошкент, 1966.

КИРИШ

Ҳар қандай тил ўзининг ички қонунияти асосида ривожланади. Жумладан, тилдаги лексик қатламлар асосида неологизм вужудга келганидек, архаик сўзлар истеъмолдан чиқа бошлайди. Шунингдек, тилда янги кўмакчиларнинг пайдо бўлиши у тилнинг лексик бойлигининг ривожланишида, грамматик структурасининг такомиллашишида катта аҳамиятга эга бўлади. Шундай экан, кўмакчилар нутқимизда грамматик категория сифатида алоҳида ўрин тутади. «Кўмакчиларнинг келиб чиқишини ўрганишнинг муҳим назарий аҳамияти бор. У лексикология ва семасиологиянинг қатор масалаларини ҳал этишда муҳимдир. Ҳар қайси сўз туркумидаги сўзларнинг ривожланиши ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, шу билан бирга сўздаги лексик-грамматик маъноларнинг ўзаро боғлиқ эканини ҳам исботлаб беради». (162.4). Шунинг учун ҳам олимларимиз «Кўмакчи» темасини ўрганишга алоҳида аҳамият бериб келмоқдалар.

Туркий тилларда, жумладан ўзбек тилида, бу тема монография, брошюраларда (62., 63., 72., 125., 160., 168.) ҳамда диссертацияларда (14., 20., 46., 78., 81., 92., 113.), қатор илмий мақолаларда (6., 11., 18., 19., 21., 22., 23., 53., 64., 66., 68., 71., 126., 127., 128., 129., 130., 131., 146., 170., 171., 193.) ёритилган.

Умуман грамматик категориялар, жумладан кўмакчилар ҳам, қиёсий ёки тарихий-қиёсий аспектда ўрганилгандагина самарали натижалар бериши мумкин. Шунинг учун ҳам туркий тиллардаги кўмакчилар икки йўналишда қиёсан ўрганилган: 1. Айрим туркий тиллардаги кўмакчилар рус тилидаги предлогларга қиёсланган (49., 51., 133.). 2. Туркий тиллардаги кўмакчилар ўзаро қиёсланган (62., 80., 86.). Лекин уларнинг пайдо бўлиш жараёни етарли ёритилмаган.

Туркий тиллардаги кўмакчиларнинг, жумладан ўзбек тилидаги кўмакчиларнинг, тарихига оид фикрлар луғатларда, дарсликларда, диссертацияларда қисман айтилган (7., 8., 41., 44., 55., 56., 67., 74., 82., 90., 102., 103., 104., 118., 119., 155., 157., 161., 176., 177., 184., 197.). Бундан ташқари, ҳозир мавжуд бўлган туркий тилларнинг ҳамма дарсликларида «Кўмакчилар» темаси ёритилган. Лекин тур-

кий тиллардаги кўмакчиларнинг, жумладан ўзбек тилидаги кўмакчиларнинг тарихий тараққиёти алоҳида текшириш объекти бўлмаган, ваҳолонки, «Уларнинг (тилларнинг — Т. Р.) ҳар бири ўз тарихига эга бўлиб, бугунги шаклга киргунга қадар кўпгина босқични босиб ўтган, талай ўзгаришларга дуч келган (2.17.IV.1985). Шунинг учун ҳам кўмакчиларнинг тарихий тараққиётини ўрганиш ўша кўмакчи тааллуқли бўлган тилнинг тарихий тараққиётини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. «Ҳамма кўмакчилар (от кўмакчилар ҳам, кўмакчи юкламалар ҳам) ўзларининг келиб чиқишларига кўра ё отларга, ё феълларга узлуксиз равишда боғлиқдирлар» (68.4; 180.3). Шундай экан, туркий тиллардаги кўмакчилар, жумладан ўзбек тилидаги кўмакчилар ҳам, мустақил маъноли сўздан келиб чиққанлар.

Тилда янги сўзнинг пайдо бўлиши ўша тилнинг ички ривожланиш қонуниятига боғлиқдир. Аффиксация йўли билан янги сўз ясалганда тилнинг лугат бойлиги ортади. Шунингдек, мустақил маъноли сўзларнинг ёрдамчи сўз туркумига ўтиши ҳам ўша тилнинг ички ривожланиш қонуниятини асосида бўлади. Шундай қилиб, тилнинг ривожланишидаги биринчи ва асосий омил унинг ички қонуниятини бўлса, иккинчи омил ташқи муҳитнинг таъсирidir. Ҳар қандай тил бошқа бир тилнинг таъсирида маълум бир ўзгаришга, ривожланишга эга бўлганида иккита алоҳида-алоҳида тилда гаплашадиган халқларнинг ўзаро ижтимоий муносабати катта аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун ҳам форс-тожик ва араб ҳам бошқа тилларнинг таъсири натижасида ўзбек тилида форс-тожик, араб ва бошқа тиллардан келиб кирган кўмакчиларни учратамиз: *биноан*, *равишда*, *янглиғ* ва б. Бундай ҳолатлар ҳам шу монографияда алоҳида масала сифатида эътиборга олинади.

Мустақил сўзларнинг кўмакчи сўзлар туркумига ўтиши ундаги лексик ва грамматик хусусиятларнинг ўзгаришига олиб келади. Кўмакчилар грамматик категория бўлгани учун ҳам ўзбек тилида кўмакчиларнинг пайдо бўлиши ўзбек тили грамматикасининг бир элементи ҳисобланади.

Туркий тиллардаги кўмакчиларнинг ҳаммаси ягона битта туркий тилгагина тааллуқли бўлмаганидек, айрим кўмакчилар кўпчилик туркий тилларга хос бўлса, баъзи кўмакчилар алоҳида туркий тиллардагина учрайди. Сабабки, туркий тиллар агглютинатив тиллар группасига киргани ва туркий халқлар қадимдан ўзаро муносабатда бўлганидан туркий тиллар кўмакчиларида муштараклик ҳосил бўлади. Аммо ҳар қайси туркий тил ўзининг ички қонуниятига кўра ривожлангани учун ҳар қайси туркий тилга хос кўмакчилар яратилади. Масалан, *учун* ўзбек тилида, унинг фонетик варианты *ушун* козок тилида фақат кўмакчи функциясида қўлланади. Лекин у чуваш тилида аффикс-кўмакчи тарикасида ишлатилиб, *-ŕŕn// -ŕŕn* шаклига эга (80. 25). Шунингдек, ўзбек тилида ҳам унинг *-чун* шакли учрайди. Лекин у ҳозирги ўзбек тилида фақат поэзиядагина ишлатилади.

Озарбайжон тилидаги *учун* эса тарихан кўмакчи ва мустақил

сўз сифатида қўлланиб, сабаб маъносини англатган (90. 28). Ҳозирги озарбайжан тилида эса у, асосан, кўмакчи сифатида учрайди. Кўмакчилардан *салым, жавық* фақат козок тилига хос-дир (78. 5).

Умуман, кўмакчилар туркумига тааллуқли қатор назарий масалалар борки, уларни аниқ тасаввур қилиш учун кўмакчиларнинг ҳозирги нутқимиздаги хусусиятига қарабгина эмас, балки унинг тарихий тараққиётига кўра аниқлаш лозим бўлади. Масалан, кўмакчиларнинг қайси мустақил сўзлардан кўмакчига ўтиши тарихий жараёнда ҳар хил бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар қайси кўмакчининг тарихий тараққиёти ўрганилгандагина мустақил сўз туркумидаги сўзларнинг ёрдамчи сўзга, кўмакчига ўтишидаги кону-нчии ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлиш мумкин. Шунингдек, ҳозирги ўзбек тилида *-ла, -лан* аффиксларининг отлардан феъл ясаши олимларимиз томонидан қайд этилади. Бу мутлақо тўғри фикр. Лекин *бирлан* кўмакчисининг этимологияси ҳақида фикр юритилганда *бир* сон сўзига *-лан* аффикси қўшилганидан *бирлан* кўмакчиси пайдо бўлгани айтилади. *Бирлан* кўмакчисининг қарат-қич келишидаги олмошга бирикиши унинг феъл туркумига эмас, от туркумига яқин эканидан далолат беради. Бундай масалаларга шу монографияни ёритишда алоҳида эътибор берилади.

Ҳар қандай тилдаги сўзлар аввало иккита гурпуага бўлинади: 1. Мустақил маъноли сўзлар; 2. Ёрдамчи сўзлар. Ҳар икки гурпуа-даги сўзлар ўз ичиди яна қисмларга ажратилади.

Кўмакчиларнинг мустақил сўзларга муносабати, уларнинг бир-биридан фарқи муҳим масалалардандир. Бир гуруҳ олимлар кў-макчиларнинг сўз эканини тан олмайдилар. Натижада қуйидаги хатога йўл қўядилар:

1. «Ёрдамчи сўзлар» терминини ишлатадилар-да, уларнинг сўз эканини тан олмайдилар. Бунда мантиқсизлик пайдо бўлади.

2. Ёрдамчи сўзлар, жумладан кўмакчилар ҳам мустақил сўз туркумларидан келиб кирганини айтадилар-у, уларнинг сўз экани-ни тан олмайдилар.

3. Кўмакчиларни тасниф қилганларида кўмакчи юкламалар, ёрдамчи отлар, сифат-кўмакчилар, равиш-кўмакчилар, феъл-кўмакчилар деб атайдилар ва улар қандай аталмасин, кўмакчи-лик хусусияти мавжуд эканини тан оладилар. Лекин кўмакчилар-нинг сўз эканига шубҳа қиладилар. Ваҳоланки, от-кўмакчилар, сифат-кўмакчилар, равиш-кўмакчилар, феъл-кўмакчилар дейилган термин ҳар қандай кўмакчини қайси сўз туркумларига тааллуқли эканини қайд этишдир. Шунинг учун ҳам кўмакчилар кейинги пайтларда, асосан, иккита қатта гурпуага — соф кўмакчилар ва функционал кўмакчиларга бўлинади.

Соф кўмакчилар қандай сўз туркумидан ўтиб келишидан қатъи назар, релятив муносабатни ҳосил қилиб, ундаги лексик маъно ҳам маълум даражада ўзгаради. Яъни у кўчма маъно ифодалайди ёки ўша кўмакчи бажараётган релятив муносабатнинг яратили-шида хизмат қилади. Соф кўмакчилар таркибидаги морфологик

қўшимчалар ўзларининг грамматик хусусиятини батамом ёки қисман йўқотиб, ўзи бирикиб келган сўзнинг кўмакчи функциясини бажариши учун хизмат қилади.

Ҳозирги нутқимизда ҳам кўмакчи, ҳам мустақил сўз сифатида қўлланаётган кўмакчилар функционал кўмакчилар термини билан аталади. Функционал кўмакчилар от-кўмакчилар, сифат-кўмакчилар, равиш-кўмакчилар ва феъл-кўмакчиларга бўлинадилар.

4. Кўмакчиларнинг социал кийматга эга бўлган товушлар йиғиндисидан иборат эканини тан олиш уларнинг сўз эканини тан олиш демакдир.

5. Кўмакчиларнинг ўз урғусига эга бўлиши уларнинг сўз эканидан далолат беради.

6. Кўмакчилар мустақил маъноли сўзларга бемалол бирикаверади. Шундай экан, кўмакчили сўз бирикмаси яратилади. Кўмакчининг бу хусусияти ҳам унинг сўз эканидан дарак беради.

Маълумки, ҳозирги тилимизда мавжуд бўлган кўмакчиларни сўз дейиш керакми ёки йўқми эканини аниқ тасаввур қилиш учун ўша кўмакчиларнинг этимологияси ва тарихий тараққиётини ўрганишимиз лозим бўлади. Бундан ташқари, мустақил сўзлар ва кўмакчиларнинг грамматикада, лексикада ўз ўринлари борки, бу масала уларнинг ўзаро тафовутини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

Бир гуруҳ олимлар кўмакчиларда лексик маъно йўқолиб, фақат грамматик маъно қолади, дейдилар (75. 412; 45. 85, 86; 163. 227, 432; 115. 37, 67, 83; 100. 296; 139. 296, 244; 167. 504). Иккинчи гуруҳ олимлар эса кўмакчиларнинг грамматик маънога эга бўлишини тан олиб, биринчи гуруҳ олимларга қўшилади. Лекин кўмакчиларда тўлиқ бўлмаганда ҳам маълум миқдорда лексик маъно сақлаиб қолишини қайд этиб, биринчи гуруҳ олимлардан фарқланади. Шунинг учун ҳам иккинчи гуруҳ олимлар кўмакчиларни «неполнозначные слова» термини билан аташни маъқул кўрадилар. (166. 267; 15. 611; 112. 260; 17. 119; 59. 4; 198. 440; 180. 8). Масалан, иккинчи гуруҳ олимлардан бири В. В. Виноградов: «Рус тилидаги кўмакчилар ўзларининг лексик мустақиллигини маълум даражада сақлаб қоладилар», — дейди (48. 677).

Кўмакчиларнинг лексик, грамматик маънолари масаласи назарий масала бўлиб, кўмакчиларнинг мустақил маъноли сўзлардан келиб чиқишини аниқлашда ёрдам беради.

Маълумки, сўзнинг мазмун томони ундаги лексик ва грамматик маъноларнинг бирлигидан ташкил топади. Шундай экан, мустақил маъноли сўзларда ҳам, ёрдамчи сўзларда ҳам лексик ва грамматик маъно мавжуд. Лекин бундан улар мустақил маъноли сўзлардаги лексик ва грамматик маънога тенг хусусиятга эга деган фикр келиб чиқмайди. Аввало, грамматик маъно, категориал маъно, лексик маъно дейилган терминларни аниқлайлик, кейин шу терминларни ёрдамчи сўзларга, жумладан кўмакчиларга қўллаганда нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида фикр юритамиз.

Грамматик маъно бир морфологик группани ташкил этувчи

хамма сўзларга хос хусусиятдир. Грамматик маъно сўзларга кўшимча воситалар қўшилиши орқали ифодаланади (сўз ўзгариши, сўз бирикмасининг ташкил қилиниши ва бошқалар).

Грамматик маънога категория маъноси ҳам киради. Категория маъноси жуда кенг лексик маъно бўлиб, предметлик, белги, ҳаракат кабиларни ўз ичига олади. Ҳар қайси грамматик категориянинг ташки ифода воситаси бўлади. Отнинг категориал маъноси предметни билдириб, сон, келишиқ кўшимчаларини олиб, субстантивлик бирикмани яратилишида сезилади. «Грамматик маънолар предмет билан объектив олам ҳодисалари орасидаги муносабат ва алоқани акс эттиради» (140. 163).

Ҳар қайси сўзнинг лексик маъноси бўлиб, у лексик маъно битта сўз туркумига тааллуқли бўлган сўзларнинг бир-биридан фарқини таъминлайди. Масалан, от: *қалам*, *дафтар*; сифат: *оқ*, *қора* ва б.

Кўмакчиларда ҳам категориал маъно ва ўзига хос хусусиятга эга бўлган лексик маъно мавжуддир. Кўмакчиларнинг категориал маъноси уларнинг бошқа бир мустақил сўзга бириқиб келишидир. Кўмакчилар икки томонлама синтактик муносабатни яратадилар. яъни тобе бўлакка бириқиб, ўша тобе бўлакнинг ҳоким бўлакка тобеланиш муносабатини таъминлайди. Кўмакчилар шу хусусияти билан мустақил маъноли сўзлардан фарқланади.

Кўмакчилар аслида мустақил маъноли сўзлардан келиб чиқиши юқорида қайд этилган эди. Лекин «Кўмакчилар мустақил маъноли сўзлардан фарқли равишда икки томонлама синтактик муносабатни яратишда қўлланади. У синтактик муносабат тобе бўлакнинг ҳоким бўлакка бўлган муносабатининг яратилишида намоён бўлади» (170. 66, 79).

Кўмакчиларнинг лексик маъноси ўзи бириқиб келаётган мустақил маъноли сўзнинг лексик маъносига боғлиқдир. Кўмакчиларнинг лексик маъноси умумий ёки хусусий бўлади. «Кўмакчиларнинг лексик маънолари жуда хилма-хил бўлиб, кўмакчи бирикаётган мустақил маъноли сўзга боғлиқ бўлади. У маънолар ниҳоятда умумий ёки ниҳоятда хусусий характерга эга бўлиши мумкин» (154. 11). Масалан, *сари*, *томон*, *қараб* кўмакчиларнинг умумий лексик маъноси отларга бириккандан кейин ҳаракатнинг бирор нуқтага йўналишини ифодалашидир. *Учун* кўмакчисининг аталганлик маъносини ифодалаши унинг хусусий лексик маъноси ҳисобланади. Чунки *учун* кўмакчисидан бошқа кўмакчи аталганлик маъносини билдирмайди.

Кўмакчиларнинг умумий маъноси уларнинг синонимлик хусусияти бўлиб, албатта, ҳар қайси кўмакчининг ўзига хос стилистик аҳамияти ҳам сезилиб туради. Масалан, *сари* кўмакчиси ўзбек адабий тилига хос бўлиб, *Коммунизм сари*, *олға* каби конструкциялардагина ишлатилиб, *сари* кўмакчиси ўрнида бошқа бир кўмакчи ёки грамматик воситани қўллаш мумкин эмас. Чунки бундай конструкция шиорлар яратилишида тузилиб, ундаги компонентлар турғун бирикма шаклига яқинлашади. Кўмакчиларнинг бундай

хусусиятларига ҳам ишнинг ёритилиши процессида алоҳида эътибор берилади.

Кўмакчиларнинг мустақил маъноли сўзлардан фарқи кўмакчиларда мустақил лексик маъно йўқ эканлигидагина эмас, балки кўмакчилардаги лексик маъно қандайдир ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар мустақил маъноли сўзларга бириккандагина пайдо бўлишидир. Масалан, *мақсад, сабаб* отлари *мақсадида, сабабли* морфологик шаклларида кўмакчи категориясига ўтиб, соф кўмакчилардек грамматик хусусиятга эга бўлиб, мақсад, сабаб маъноларини ифодалайдилар: *Бу шаҳарга ўқиш мақсадида келган эдим. Таниганим ва билганим сабабли унга алоҳида ҳурмат билдирдим.* Айрим кўмакчилар ҳам мустақил маъноли сўзларга бирикиб, сабаб, мақсад маъноларини билдирадилар. Бундай сабаб, мақсад маъноси ўша кўмакчининг лексик маъноси ҳисобланади: *У кўп ўқигани учун кўп билади (сабаб). Сиз билан суҳбатлашиш учун келдим (мақсад).* ва б.

Кўмакчиларнинг грамматик маъноси сўзларнинг ўзаро синтактик муносабатини ҳосил қилиб тобе бўлакнинг ҳоким бўлакка тобеланиш муносабатини таъминлашдир.

Кўмакчиларнинг лексик маъноси ҳоким бўлак билан тобе бўлакнинг маъновий муносабатининг характерини аниқлайди. Масалан, *масофа, пайт* ва б.

Мустақил маъноли сўзлар билан кўмакчиларнинг ўзаро фарқларидан яна биттаси уларнинг лексик ва грамматик маъно ифодалашида билинади. Мустақил маъноли сўзларнинг асосий белгисини, яъни уларнинг лексик маъносини предмет, ҳаракат, белги, микдор ва шу кабиларни билдириши, бирорта сўроқка жавоб бериши ва алоҳида гап бўлаги бўлиши ташкил этади.

Кўмакчиларга хос асосий белги уларнинг грамматик маъноси, яъни битта мустақил сўзнинг иккинчи мустақил сўзга тобеланиши муносабатини яратишидир. Кўмакчиларнинг грамматик маъноси ниҳоятда устун бўлиб, унинг лексик маъносини аниқлаш, сезиш қийин бўлгани учун айрим олимларда кўмакчиларда лексик маъно бўлмайди, деган фикр ҳукмрон бўлган (75, 192; 45. 45; 114. 123; 115. 37; 100. 296; 47. 85,86). Бундай назарий камчиликларга эга бўлган фикрнинг пайдо бўлишига асосий сабаб кўмакчиларнинг худди келишиқ кўшимчаларидек хусусиятларга эга бўлиши, яъни тобе бўлакнинг ҳоким бўлакка бўлган грамматик муносабатининг яратилишида қўлланишидир. Лекин шунга эътибор бериш керакки, келишиқ кўшимчалари билан кўмакчилар мантиқан мутлақо битта тушунча деб бўлмайди. Аниқроғи, кўмакчи деганда келишиқ кўшимчаси, келишиқ кўшимчаси дейилганда кўмакчи тушунилади деб бўлмайди. Чунки келишиқ кўшимчаси отга кўшилиб, унинг морфологик бир қисми бўлади ва релятив муносабатни яратади.

Кўмакчи эса от билан бирикма шаклида бўлиб, релятив муносабатни яратади. Келишиқ кўшимчалари морфема. Кўмакчилар эса маълум даражада лексик маънога эга бўлган сўзлардир

(Кўмакчиларнинг лексик маъноси ҳақида юқорида айтилган). Шунингдек, кўмакчилар келишиқ кўшимчаларидан фарқли равишда ўзларининг сўз урғусига эга бўладилар. Кўмакчилар формал жиҳатдан мустақил маъноли сўзларга ўхшайдилар, яъни кўмакчиларнинг морфологик таркибида эгалиқ ва келишиқ кўшимчаларини ва сўз ясовчи кўшимчаларни учратиш мумкин (*сабабли, ҳақида, мақсадида, янглиғ* ва б.).

Кўмакчилар мустақил гап бўлаги бўлолмайдн. Шунга асосланибгина кўмакчилар лексик маънога эга эмас дейиш назарий унча тўғри бўлмаса керак. Чунки бундай фикр олға сурилганда иккита ҳар хил тушунчани (лексик ва грамматик тушунчани) аралаштириб юборамиз. Мустақил маъноли сўзлар кўмакчига ўтганида унинг лексик маъноси ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. Масалан, мақсад, сабаб отлари *мақсадида, сабабли* шаклларида кўмакчи функциясида ишлатилганларида бири мақсад, бири сабаб маъноларини англатаверади. Шунингдек, мустақил маъноли сўз кўмакчига ўтганида ўзи мансуб бўлган грамматик категорияга хос хусусиятни йўқотиб, сўз ясовчи, сўз ўзгартувчи кўшимчаларга бефарқ бўлганидек, тобе бўлакнинг ҳоким бўлакка бўлган грамматик муносабатини (релятив муносабатни) ифодалаб, тобеланиш алоқани таъминлайдиган грамматик воситага айланади. Лекин уларнинг мустақил маъноли сўзлардан, бошқа сўз туркумидан ёрдамчи сўзларга, кўмакчилар туркумига ўтганини унутмаслик керак.

Ўзбек тилидаги кўмакчиларнинг тарихий тараққиётини ўрганиш кўмакчиларнинг яратилишидаги назарияни тўлатади ва унинг туркий тилларга хос хусусиятини янада мукамалроқ ёритилишига асос бўлади. Шунинг учун ҳам ўзбек тилидаги кўмакчиларнинг тарихий тараққиётини ёритиш ўринлидир.

Айрим кўмакчилар шакл жиҳатидан от кўмакчиларга ўхшасалар-да, аслида уларда соф кўмакчиларга хос хусусият бор. Масалан, *қошида* оти мустақил маъноли сўз бўлганида унда предметликни ифодалаш мавжуд бўлади. Масалан, куйидаги мисолимизда *қошида* оти англатаётган предмет кимгадир қарашли бўлган нарса эканини билдиради: *Боланинг қошида гард бор эди*. Лекин *қошида* кўмакчи функциясида қўлланганда кўчма маъно касб этиб, ўзи бириқиб келаётган отнинг бошқа бир отга бўлган грамматик муносабатини билдириб, мустақил лексик маъно ифодалаш, яъни предметни билдириш хусусиятини йўқотади: *Ресторан қошида ошхона бор*. Бундай конструкцияда *ресторан қошида* — тобе бўлак, *ошхона* — ҳоким бўлак бўлиб, тобе бўлак ҳоким бўлакнинг белгисини, хусусиятини, яъни ресторан ихтиёрида бўлган ошхона эканини *қошида* кўмакчиси билдирмоқда. Шунинг учун ҳам бундай конструкцияда кўмакчи *қошидаги* шаклида ишлатилиши ҳам мумкин. Масалан, *ресторан қошидаги ошхона ишляпти* гапида ҳам *қошидаги* сифати кўмакчи функциясини бажараётган ёрдамчи сўз бўлиб, *ресторан* отининг ошхона отига бўлган грамматик муносабатини таъминламоқда. *Қошидаги* сифатнинг бундай грамматик хусусиятга эга бўлишида асосий сабаб унинг предметни

ифодалаш хусусияти йўқолиб, кўчма маъно англата бошлаганидир.

Ҳақда, ҳақида, тўғрида, тўғрисида каби қатор отлар ҳам худди *қошида, қошидаги* кўмакчиларидек грамматик хусусиятга эга бўладиларки, биз уларни соф кўмакчилар тарикасида ёритишни лозим топамиз. Лекин В. А. Эсанғалиева қозоқ тилидаги бундай кўмакчиларни «оралиқ кўмакчилар» термини билан атайди. Бундай кўмакчиларда соф кўмакчи ва от кўмакчиларга хос хусусият бўлгани учун ҳам ўшандай термин билан аталган ва улар алоҳида бобда ёритилган (63).

Биз бундай конструкциядаги кўмакчиларни соф кўмакчилар бўлимида ёритишни шунинг учун ҳам лозим топамизки, *қошида, қошидаги* ва бошка шунга ўхшаш қатор кўмакчиларнинг морфологик шакли от ва сифат туркумларига тааллуқли бўлса-да, уларнинг нутқимиздаги ўрни ва фаолияти фақат кўмакчидир.

Ҳозирги ўзбек тилидаги кўмакчиларнинг тарихий тараққиёти ўрганилгандагина унинг туб моҳияти очилади. Масалан, ўзбек тилининг тарихида қўлланган кўмакчилар билан ҳозирги ўзбек тилида қўлланаётган кўмакчилар тенг ва бир хил деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўзбек тилидаги кўмакчиларнинг тарихий тараққиётини ўрганганда ўша ҳар қайси кўмакчининг тарихан фонетик, грамматик, семантик ўзгариши, бундай ўзгаришларнинг асосий принциплари алоҳида диққат-эътиборда бўлиши керак.

Ўзбек тили тарихида қўлланган кўмакчиларнинг даврлар бўйича миқдорини аниқ белгилаш қийин. Чунки мустақил маъноли сўз кўмакчи функциясида ишлатилиб, яна мустақил маънода қўлланган бўлиши мумкин. Ҳатто ниҳоятда кўп ва қайта-қайта ишланишига қарамасдан, ҳозирги ўзбек тилида қўлланаётган кўмакчилар бирорта асарда тўлиғича ёритиб берилмаган. Масалан, 1975 йилда нашр қилинган «Ўзбек тили грамматикаси» асарида *довур, нисбатан, соясидда, ҳузурида* ва бошка кўмакчилар кўрилмаган. Шунингдек. А. Н. Кононовнинг 1960 йилда нашр қилинган «Ҳозирги замон ўзбек адабий тили грамматикаси» («Грамматика современного узбекского литературного языка») асарида ва муаллифнинг 1965 йилда нашр қилинган «Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар» монографиясида қатор кўмакчилар ёритилмаган: *оша, асосан, мисол* ва б.

Ўзбек тили луғатларида ҳам ўзбек тилида ишлатилаётган ҳамма кўмакчилар ўз аксини топмаган. Натижада, ўзбек тили луғатларида кўмакчиларнинг берилиши ҳар хил бўлган. Масалан, 1981 йилда Москвада нашр қилинган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да *боиси, боисидан, сифатида, ҳузурида* каби сўзларнинг кўмакчи вазифасида келиши қайд этилмаган. Лекин *мобайнида, асносида, асно, қаршисига, қаршисида, қаршисидан, яқинига, яқинидан, яқинида, узасида, тепасига, тепасида, тепасидан, орқасида, орқасига, орқасидан, мақсадида* каби қатор сўзларнинг кўмакчи функциясида келишини ёритиши тўғри бўлган. 1959 йилда Москвада нашр қилинган «Ўзбекча-русча луғат»да *деб, оша* ва бошка сўзларнинг кўмакчи функциясида келиши қайд этилмаган. Бундай

камчиликлар ўрганилаётган теманинг характерига боғлиқ бўлиб, ҳозирги ўзбек тилидаги кўмакчиларнинг миқдорига чегара қўйиб бўлмайди. Масалан, Ғ. Ғуломнинг асарида *узасида* (184, 26, 43); Ҳабибийнинг асарида *уза* (184, 264₂); Ойбек, Шўҳрат, Р. Чинмирзаевнинг асарларида *мисол, мисоли* (184, 467₃) кўмакчилари учрайди.

Узасида, уза кўмакчилари ўзбек тили тарихига тааллуқли бўлиб, ҳозирги ўзбек тили нормасига кирмайди. Шунингдек, *мисол, мисоли* кўмакчиси ҳам ҳозирги ўзбек поэзиясида баъзан учраб, ўзбек тилининг актив лексик қатламида кўмакчи сифатида катта роль ўйнамайди.

Маълумки, вақтнинг ўтиши билан янги кўмакчилар пайдо бўлиб, баъзи кўмакчилар истеъмолдан чиқиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам кўмакчиларни тарихий тараққиёт аспектида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Тарихан қўлланган соф кўмакчилар ҳозирги туркий тилларга қиёслангандагина унинг ривожланиш даражаси янада аниқ бўлади. Шунга кўра ўзбек тилида ишлатилган ва ишлатилаётган соф кўмакчиларни ҳозирги чуваш, туркман, козоқ тилларида ишлатилаётган соф кўмакчиларга ўрни-ўрни билан қиёслаб борамиз. «Она тилининг вужудга келиши ва аста-секин ривожланиши кузатиб борилган тақдирдагина «она тилининг материяси ва формаси» тушунарли бўлади, бу эса, биринчидан, унинг ўлик бўлиб қолган формаларига ва иккинчидан, қардош жонли ва ўлик тилларга эътибор қилмасдан туриб, мумкин бўлмайди» (1. 412).

ТАРИХАН ВА ҲОЗИР ҚЎЛЛАНИШДА БЎЛГАН СОФ ҚЎМАКЧИЛАР

Бу бобда ҳозирги ўзбек тилида қўлланаётган соф кўмакчиларнинг тарихий тараққиёти фактик материаллар асосида ёритилади. Бундай кўмакчилар элликдан ортик бўлиб, уларнинг фонетик вариантлари, қўлланиш даври ва морфологик, семантик ривожланиши асос-эътиборга олинади. Бундан ташқари, уларнинг этимологиясини ёритишга ҳаракат қилинади.

Б и р л а-б и р л а н кўмакчиси ва уларнинг фонетик вариантлари. Бу кўмакчининг этимологияси ҳақида фикр юритган кўпчилик олимлар *бир* сон сўзига *-ла, -лан*, феъл ясовчи қўшимчаларнинг бирикишдан пайдо бўлганини қайд этадилар: *бир-ла; бир-лан* (70. 294; 170, 72 ва б.).

Ҳақиқатдан ҳам бу кўмакчининг XIII—XIV асрлардаги ва ундан кейинги даврлардаги ёзма манбаларда қўлланишига кўра пайдо бўлишини юқоридагича тушунилиши тўғри эканини тасдиқлайди. Чунки XIII—XIV асрларда *бирласун, бирлаганлар, бирласа, бирланг, бирламишдин* каби шарт, буйруқ майли, сифатдош каби феъл формалари қўлланган: *бирлаганлар* (ҚР, 96^а, 27); *бирласун* (ҚР, 38^а, 11); *бирлан* (НФ, 17); *бирласа* (НФ, 228₅); *бирламишдин сўнг* (НФ, 26). Худди шунингдек, XIII—XIV асрларда бу кўмакчининг *бирла, била* шакли равиш функциясида ҳам қўлланган: *Дарвишлар бирла била келур эди* (ТФ, 100^а, 18). *Ул тақи бирла кирди* (ТФ, 9^а, 32).

XIII—XIV асрларда равиш функциясида қўлланган *бирла, била* ҳозирги ўзбек тилида *бирга* шаклида равиш бўлади. Уларнинг фарқи шундаки, XIII—XIV асрларда қўлланган *бирла, била* равиш ва кўмакчи функциясида қўлланган бўлса, ҳозирги ўзбек тилидаги *бирга* фақат равиш бўлади. Шунингдек, XIII—XIV асрларда ишлатилган *бирла* феълнинг ҳар хил грамматик формалари кейинги даврларда учрамайди. Балки ҳозирги ўзбек тилида *бирлашмоқ* феълнинг ҳар хил грамматик шакллари қўлланади, холос: *Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!* Лекин бу кўмакчининг XIII—XIV асрларда ишлатилган айрим хусусиятларига ва VIII, XI асрларда қўлланишидаги фактларга эътибор берсак, унинг этимологиясини бошқача тушуном кераклиги маълум

бўлади. Масалан, *бирла*, *бирлан*, *била*, *ила* кўмакчилари XIII—XIV асрлар ва ундан кейинги даврларда қаратқич келишигидаги олмошларга бирикиб келган. Шундай экан, бу кўмакчи этимологиясига кўра феъл сўз туркумига эмас, балки от сўз туркумига тааллуқли дейишга тўғри келади. Қуйидаги фактларга эътибор берайлик: *оларның бирлә* (ҚР, 37^б); *сениң бирла* (ҚР, 37^б, 47^б; НФ 46; ХШ 82^б); *меним бирла* (ТФ, 28^б; ҚР, 30^б); *бизинг бирла* (ҚР, 7^а); *сизиң бирла* (ТФ, 82^а); *сенинг бирла* (Муқимий I, 196. 211); *мениң бирла*, *бизинг била* (БН, 8, 13, 66); *анынг илә* (ШН, 3^а); *анынг бирлан* (Сайфи Саройи, 102^б); *бизниң бирлан* (Ш. тар., 55).

Бирла-била XI аср ёзма ёдгорликлари (57. 102; 3. 39) тилида ҳам равиш функциясида қўлланган: *Икки азғыр бирла исришти* (ДЛТ II, 237); *Ул икки бирла татлашди* (ДЛТ II, 249); *Эсизка қатылма юригыл кўни кўни эгри бирла кунни тўр кўни* (КБ, 5393); *Асал қайда бўлса била ариси* (А. Юг, С УШ. 220). Лекин унинг *бирла* шакли VI—VIII асрларга оид ёзма ёдгорликларда биргалик-қурол келишигини ифодалаган (102. 43; 12. 155, 245). Шундай экан, *бирла* кўмакчисидаги *-ла* аффикси феъл ясовчи аффикс эмас, балки от туркумига тааллуқли аффикс деб тушуниш керакка ўхшайди. Лекин худди шу даврда *бирла* феъл, равиш, кўмакчи функцияларида ишлатилганки, бундай факт *-ла* аффикси туркий тилларнинг энг қадимги даврларида алоҳида хусусиятга эга бўлиб, у хусусиятлар бизгача фактик материаллар асосида етиб келмаган. Чунки туркий тилларнинг энг қадимги пратуркий тиллар ривожланиши жараёнларига тааллуқли ёзма ёдгорликларга эга эмасмиз. Лекин *бирла* у даврларда феъл, равиш, кўмакчи функцияларида қўлланган. Шунинг учун ҳам туркий тилларнинг ривожланиши жараёнининг V—VII асрлардаги ҳолатида равиш ва кўмакчи тўлиқ дифференциация қилинмагани олимлар томонидан қайд этилган (102. 41; 103. 90).

Юқоридаги фикр ва фактлардан маълумки, *бирла*, *бирлан* кўмакчисининг этимологиясини аниқроқ тасаввур қилиш учун *бир* сон сўзига бириккан *-ла*, *-лан* аффиксига алоҳида эътибор берилиши керак.

Ҳозирги ўзбек тилидаги *-ла*, *-лан* аффикси отлардан феъл ясовчи аффикс экани қайд этилади (199. 21). Лекин *-ла* аффикси тарихан беш хил маъно ифодалагани назарий адабиётларда кўрсатилган (56. 436; 55. 332). Шу-*ла* аффикси ҳозирги ёқут тилида отларга кўшилиб, ҳаракатнинг шу предмет томонга йўналишини ифодалайди (142. 65; 159. 98). Шундай қилиб *-ла*, *-лан* аффиксининг туркий тиллар тарихий тараққиётидаги функцияси ва маъно ифодалашлари кўп хил экани аниқ бўлиб қолади.

Қадимги туркий тилларда биргаликни ифодалайдиган аффикс *-ли*, *-ла* шаклларида бўлган. Кейин эса *-луғ* шаклига эга бўлган. Бундай кометатив маъно ифодалайдиган аффиксларнинг яратилишида, асосан, иккита грамматик элемент иштирок этган.

Энг муҳим элемент қадимги жўналиш келишигининг қўшимчаси *-а*, *-е* ҳисобланади. Улар детерминатив элемент билан биргаликда комитатив маъно ифодалаган: *-қа*, *-ла*, *-ли* ва бошқалар (143. 279).

Детерминатив «л» умумолтой тилида биргалик маъносини англатган. (142. 282). Бу суффикс қадимги монгол тилидаги *-лу* *-га* биргалик келишигининг суффиксига тааллуқли бўлган бир элемент сифатида *-лу* шаклида ҳам ишлатилади. Ҳозирги монгол тилида эса биргалик келишиги қўшимчаси *-ла* шаклида ифодаланади.

Детерминатив *-л* баъзан *-и* суффикси билан бирга келади. У *-и* аслида *-а*, *-е* келишик қўшимчасининг варианты бўлса керак дейилган тахмин бор. Детерминатив *-л* қадимги туркий тилларда жўналиш келишигининг қўшимчаси *-а* билан ҳам бирикиб келгани қайд этилган: *-бир-ла* «вместе» (143. 28). Ҳозирги ёқут тилида биргалик келишигининг қўшимчаси *-лун* ёки *-лан* шаклларида бўлади, ундаги «н» инструкторив суффиксдир.

Қадимги қурол келишиги қўшимчаси *-ин*, *-ла* бўлиб, *-ин* ҳолат оттенкасига эга бўлса, *-ла* биргалик оттенкасига эга бўлган. Булар ҳозир қўлланмаслиги, баъзи диалектларда учраши мумкин экани, ўзбек тилида *учала* каби шакли борлиги айтилади (143. 283). Маълумки, *-ла*, *-лан* аффиксининг тарихий ҳар хил хусусиятларидан бири биргалик маъносини ифодалаш бўлиб, ҳатто ҳозирги ёқут тилида биргалик келишигининг қўшимчаси сифатида ишлатилар экан. Шундай экан, *бирла*, *бирлан* қўмакчилари таркибидаги *-ла*, *-лан* аффикси туркий тилларнинг энг қадимги тараққиёти даврларида биргалик келишигининг қўшимчаси бўлгани ва даврларнинг ўтиши билан уларнинг *бир* сон сўзига бириккан ҳолати *бирла*, *бирлан* қўмакчиларининг яратилишида катта роль ўйнаганига шубҳа йўқ. Шунинг учун ҳам *бирла*, *бирлан* қўмакчисининг асосий лексик маъноси биргаликни англатиш бўлганидек, уларнинг қаратқич келишигидаги олмошларга бирикиши ҳам уларнинг от туркумидаги сўзларга хос грамматик хусусиятга эга бўлганидан далолат беради. Маълумки, *-ла*, *-лан* аффикслари ҳозирги ўзбек тилида отлардан феъл ясаш хусусиятига эга бўлишидан қатъи назар, *бирла*, *бирлан* қўмакчиларининг яратилишида хизмат қилган *-ла*, *-лан* аффикси туркий тилларнинг энг қадимги тараққиёти давридаги келишик қўшимчаларига ҳам тааллуқли экан.

Бирла, *бирлан* қўмакчилари ўзларининг тарихий тараққиёти даврларида қандай фонетик ўзгаришларга учраган бўлмасин, ўзининг асосий хусусияти комитатив маъно англатишни сақлаган.

Бирла, *бирлан* қўмакчилари ўзларининг тарихий тараққиёти даврида қуйидагича фонетик ўзгаришларга эга бўлган: *бирла* > *била* > *ила* > *ла*. *Бирлан* > *билан* > *илан* > *лан*.

Бирла қўмакчиси VIII аср ёзма ёдгорликларига тааллуқли бўлиб, (102. 43; 12. 155, 156, 245) ундаги «р» товушининг гуширилишидан (94. 118; 8. 39, 40, 41). *била* қўмакчиси пайдо бўлган ва XI асрдан бошлаб *бирла била* қўмакчилари параллель ишлатилган.

Била кўмакчисидан б ундош товушининг туширилиши *ила* кўмакчисини яратган: *била* > *ила*. *Ила* кўмакчиси XV—XVI асрлардан бошлаб актив қўлланган. «Хибатул ҳақойиқ» асарининг «А» ношасида *ила* кўмакчисининг қўлланиши (55. 207) унинг анча аввалроқ ишлатилганидан далолат беради.

Ила кўмакчиси *ил* ўзагидан яратилган мустакил кўмакчи (170. 75) дейилган фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки *бир* ўзагидан яратилган кўмакчи ўз функциясини бажариб турганда бошқа ўзакдан яна шундай кўмакчининг яратилишига зарурат бўлмайди.

Ила кўмакчисининг фонетик варианты сифатида *-ла* кўмакчиси пайдо бўлган: *Ила* > *ла*. *Ила* кўмакчисидан «*и*» товушининг туширилиши *-ла* кўмакчисининг яратилишига асос бўлган (141. 81).

Бирла кўмакчиси қандай фонетик ўзгаришларга эга бўлган бўлса-да, ундаги *-ла* шакли сақланиб қолганидек, *бирлан* кўмакчиси қандай фонетик ўзгаришларга эга бўлган бўлса-да, ундаги *-лан* сақланиб қолгани биргалик маъносини ифодалашда, асосан, *-ла*, *-лан* аффикслари хизмат қилишидан далолат беради. Лекин бу кўмакчининг ўзбек тили диалектларидаги морфологик шакллари бошқачароқ кўринишга ҳам эга: *мънэм*//*мънэн*, *пинэн*, *ман* (185. 4; 122. 354₁, 355₂, 358₁, 357₂).

Билан кўмакчиси ўзбек тили шеваларида *мънэн*, *мънэн* (н), *минэн*, *мнэм*, *бълэн бълэй* (Фарғона) *-мэн*, *-мэм*, *-лэй*, *мэтэн* (барча шеваларда), *вуйлан*, *вълэн* (Хоразм), *мънэн* (Хазорасп), *вулэн* (Жанубий Қорақалпоғистон), *былан* (Манкент) формаларида учраши айtilган (188. 222—223).

Шуни эътироф этишимиз керакки, *-лан* аффикс бўлиб, *билан* кўмакчисининг айрим семантикасига яқинроқ маъно англатади, холос. Бу кўмакчининг *бирла* шакли энг қадимгиси бўлиб, VIII аср ёзма ёдгорликларида ишлатилган. *Била*, *бирлан*, *билан* эса X—XI аср ёзма ёдгорликларидан бошлаб қўлланади. *-Ла* шакли XIII асрда учраса ҳам XV—XVI асрларда учрамайди. *Ила*, *илан* эса XV асрдан бошлаб кузатилади.

Ушбу кўмакчининг фонетик шакллари ҳар хил бўлишига қарамасдан, морфологик хусусиятлари бир-бирига ўхшашдир. Лекин ҳар қайсининг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд: *ила*, *илан* поэзияда актив ишлатилганидек, *-ла*, асосан, поэзияга хос бўлиб, XIII—XIV аср прозасида ҳам ишлатилган. Бу кўмакчининг қолган фонетик вариантлари эса ҳам прозада, ҳам поэзияда қўлланаверади.

Билан кўмакчининг ҳамма фонетик вариантлари бош келишикдаги отга бирикади:

Бирла: *зенжир бирла* (ТФ, 45^а), *сув бирла* (ҚР, 418^б), *йига бирла* (УН, 3^б). (ТФ, 10^б; ҚР, 114^б; НФ, 65; МН, 294^а; ХШ, 61^б; Сайфи Саройи, 150^б). *бўғачи бирла* (Яқиний, 317^а), *рақиб бирла* (Отойи, 90), *Умар Шайх Мирзё бирла* (БН, 75), (Аҳмадий, 330^б, ЛН, 213; ДН, 230^б; Навоий ФШ, 186; ШН, 130^б, 20^б). *Куюмурат бирла* (Ш. тар., 141). *захри ҳажрине*

бирла; ўз-ўзим бирла (Мунис, 47, 101). Хат бирла (Муқимий II, 147), ғамза бирла; ўзим бирла (Фурқат I, 55; II, 55). Била: ёт эр била (ҚР, 113^а), тил била. (МН, 222^а), бугдай била (XIII, 102^а), ориф била (Сайфи Саройи, 120^а). завқу томошо била (Амирий, 330^а), парда била (Навойи МК, 87). Завқ била (ШН, 14^а). (Отойи, 12,4; Яқиний, 315^а; БН, 18). Жоми била (Мунис, 251). ҳасрат била (Фурқат I, 40). Жон била (Муқимий I, 247). **Бирлан:** ёрлығы бирлан; эли бирлан (ҚР, 3^а, 60^а). Бу фан бирлан (ДН, 254^а). Саксон киши бирлан (Ш. тар, 10). Русия халқи бирлан (Фурқат II, 149), тумшуғи бирлан (Муқимий II, 64). **Билан:** чароғ билан (Сайфи Саройи, 75^б); ўз бошын билан (Амирий, 335^б). таъна билан (Аҳмадий, 327^б). куч билан (ДН, 239^б). қироат билан (Навойи МН, 69). занжир билан (БН, 154). Қўл билан (Муқимий II, 47). вақти билан (Фурқат I, 23). севинч-қувонч билан (Кўк, 5). Қувват билан (КМТ, 14). оиласи билан (А. Қод., 9). **Ила:** дард ила (Лутфий, 64^б) манозил ила (Навойи СС, 150). фақир ила (Аҳмадий, 326^а). ўғлум ила (ШН, 226). Ила XV асрда қаратқич келишиқдаги кўрсатиш олмошига ҳам бириккан: *Кўнгулни анынг ила хуш қилди* (ШН, 3^а).

Бу кўмакчи XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида поэзияда ва Муқимий, А. Қодирийнинг прозасида учрайди: қон ёш ила (Мунис, 165). бир жом ила (Муқимий I, 156). ағёр ила (Фурқат I, 87). лутф-у марҳамат ила (Муқимий II, 141). зар-у зевар ила (М. ча., 75). касиб ва тўни эскилар ила (А. Қод., 75). *Ғози эшоннинг «настлиги» ила* (А. Қод., 134). -Ла: тунла, кун-ла (ТФ, 39^а), тун-ла (ҚР, 39^б). тун-ла (НФ, 313). ғайри-ла (Муқимий I, 150) тадбир-ла (Фурқат I, 24). **Илан:** навбат илан (Аҳмадий, 326^б), лутф илан (БН, 240^а). ўткаришма илан (Ш. тар., 80). Рамз илан (Муқимий II, 296). соз илан (Фурқат II, 69). овоз илан (Фурқат II, 69).

Бу кўмакчининг бирла, била, бирлан, билан фонетик вариантлари тарихан ниҳоятда актив қўлланган. Уларнинг грамматик хусусиятида бир хиллик бўлиши билан бирга ўзаро фарқлари ҳам сезилиб туради. Масалан, бирла, бирла, бирлан, билан бош келишиқдаги ўзлик олмошига бириккан. Бош келишиқдаги -лик (-лық, -луқ) аффиксли мавҳум отга бирла, била, бирлан, билан бириккан.

Қаратқич келишиқдаги кўрсатиш олмошига XIII—XIV, XV—XVI асрларда бирла, билан; XV—XVI, XVII—XIX асрларда била; XVII—XIX асрларда эса бирлан бириккан. Шунингдек, XIII—XIV асрлардаги била бириктирувчи боғловчи сифатида ишлатилган бўлса, бирлан кўмакчиси XIII—XIV асрларда эргаштирувчи боғловчи, XV—XVI асрларда бириктирувчи боғловчи бўлган ва бошқалар.

Бирла, била, бирлан, билан қуйидагича грамматик хусусиятга эга бўлган:

Олмошларга бирикиб келиши: а) ўзлик олмоши: ўзи бирла (ТФ, 10^б). ўзин бирла (ҚР, 114^б). ўзим бирла (ШН, 20^б).

ўзим бирлан (ДН, 236^б) *ўзи билан*, *ўзингиз билан* (А. Код., 64, 207) *ўзлари билан* (КМТ, 15). б) **кишилик олмоши:** *анлар бирла* (ТФ, 9^а, НФ, 308); *уларның бирла* (ҚР, 37^б); *сениң бирла* (Қр, 47^б; НФ, 46; ХШ, 32^а); *меним бирла* (ТФ, 28^б, ҚР, 30^б); *бизинг бирла* (ҚР, 7^а); *сизиңг бирла* (ТФ, 82^а, НФ, 115); *анинғ бирла* (ТФ, 117^а, ҚР, 10^а, НФ, 310; Ш. тар, 15; Фуркат II, 49); *анинғ бирла* (УН, 10^б, ХШ, 59^б); *менинғ бирла* (Якинйй, 318^б; БН, 10); *анынғ бирла* (Ш. тар., 15; Навоий ЛТ, 10); *сен била* (Муқимий I, 252); *мен била*, *сен била* (Фуркат I, 197, 62); *сен бирла*, *сенинғ бирла* (Муқимий I, 196, 211); *бизинг била* (ҚР, 113^б, 148^а); *бизим била* (Сайфи Саройи, 124^а); *менинғ била*, *бизинг била* (БН, 8, 13, 66); *анинғ била* (Мунис, 204); *анинғ бирлан* (Сайфи Саройи, 102^б); *анлар бирлан* (Ш. тар., 59); *бизниңг бирлан* (Ш. тар., 5); *сенинғ бирлан* (Ш. тар., 47); *сиз бирлан* (Муқимий II, 123); *бизиңг билан* (Сайфи Саройи, 59^б); *Меним билан* (Сайфи Саройи, 65^б); *менинғ билан* (Амирий, 336^б, 331^б; БН, 65, 129); *Мен билан*, *сен билан*, *сиз билан* (Муқимий I, 182, 65, 47); *мен билан*, *сизлар билан* (А. Код., 203, 168). *У билан*, *униң билан* (А. Код., 186, 141). в) **кўрсатиш олмоши:** *буларның бирла* (ТФ, 51^б), *муниң бирла* (ҚР, 12^б), *анунг бирла* (ХШ, 67^а), *аныңг бирла* (Навоий ЛТ, 10), *муниңг бирла* (Мунис, 36); *анинғ бирла* (Фуркат II, 9, 138); *мунлар била* (Сайфи Саройи, 169); *аныңг била* (Навоий МК., 46; Мунис, 236); *Муниңг бирлан* (Ш. тар., 55); *булар билан*, *муниңг билан*, *аныңг билан* (Сайфи Саройи, 51^б, 120^б, 39^б). г) **сўроқ олмоши:** *не била* (ҚР, 131^а), *ким бирлан* (Муқимий I, 40); *Не билан* (Сайфи Саройи, 48^б); *кимлар билан* (Муқимий I, 228); *нима билан* (А. Код., 120). д) **гумон олмоши:** *бир ким эрсэ билэн* (Сайфи Саройи, 124^б). е) **бўлишсизлик олмоши:** *ҳеч ким билан* (А. Код., 64).

-лик (-лық, -луқ, лығ) **аффиксли мавхум отга бирикиши:** *дўстлық бирла*, *ўқымақлық бирла* (ТФ, 83^б, 14^а) *адиллик бирла* (ҚР, 45^а). (НФ, 115; ХШ, 65^а, Сайфи Саройи, 31); *нотавонлық бирла* (Лутфий, 4^а); *яхшылық бирла* (Навоий МН, 176^б) *атлуғ била* (ХШ, 42^б), *ситамақшилик била* (Отойи, 9, 6); *қатығлық бирлан* (ҚР, 4^б). *ширин комлық билан* (Амирий, 335^б); *ошнолығ билан* (БН, 120).

Харакат номларига бирикиб келиши: *йемэк-ичмэк бирла* (ҚР, 43^б), *ўлтурмақ бирла* (НФ, 115). *бир урмоқ бирла* (ХШ, 65^а), *кўтурмақ бирла* (Сайфи Саройи, 31); *кўп демэк бирла* (Навоий МК, 142); *урушмоқ била* (Аҳмадий, 324^а), *кўрмақ била* (Навоий ФШ, 114); *унутмоқ била* (Мунис, 336); *йумоқ билан* (Сайфи Саройи, 15^а); *бир боқши билан* (Муқимий I, 89), *кўриниши билан* (А. Код., 150, КМТ, 18); *чиқиши билан* (А. Код., 120).

Отлашган сифат, сон, ундовга бирикиши: а) **сифатга бирикиши:** *қайн бирла* (ТФ, 9^б); *сасиғи бирла* (НФ, 25); *ўзга*

бирла (XIII, 102^а); *ёмон бирла* (Сайфи Саройи, 13^а); *эдгулар била* (XIII, 14^а); *Эйгу бирлан* (Сайфи Саройи, 134^а); *Яхшилар бирлан* (Муқимий I, 116); *ёмонлар билан* (Сайфи Саройи, 174^а); б) *сонга бирикиши*; *бир-бири била* (Фурқат I, 142); *бири бирлан* (Амирий, 32^а); *бир-бири бирлан* (Ш. тар., 61); *бири билан* (Сайфи Саройи, 22^а); *бири билан*, *бир-бирлари билан* (А. Код., 87, 106). в) *ундовга бирикиши*; *Оҳ бирла куйдурумиз* (Фурқат II, 97); *бир ҳой бирлан* (ДН, 254^а).

Пайт равиши ва сифатдошга бирикиши: а) *пайт равишига бирикиши*: *Эрта бирла* (ТФ, 100^б); *тоғ боши бирла* (ШН, 13^б); *Эрта бирлан* (Муқимий II, 58; Фурқат II, 144); *Эрта билан* (А. Код., 218). б) *сифатдошга бирикиши*: *сочылган бирла* (Навойи ФШ). 3); *чиққан билан* (БН, 260); *биткан билан* (Муқимий I, 230); *тебратган билан* (А. Код., 197); *кўрган бирла* (Фурқат II, 18); *дона сочқан бирла* (Муқимий I, 212).

Йўқ инкор сўзига бирикиши: *йўқ била* (XIII, 78^б).

Боғловчи функциясида ишлатилиши:

1) **Эргаштирувчи боғловчи:** *Кунаш анча буюклуби бирлан*, *бир айача булут кўрунмас этар* (Сайфи Саройи, 174^б). 2) **Бириктирувчи боғловчи:** *Туркистон тарафидан бир-икки букилган қари бирлан бир сарв бўйлуғ йигит йетиштилари* (Яқиний, 315^б). *Мени тариз бирлан ташни қилур—сен* (Амирий, 335^б). *Туркистон бирлан Андижанни олиб* (Ш. тар, 21). *Юқоридағи тушок бирла н қуйығи тушукны забт қила билмаслар* (Ш. тар., 7). *Қорахон бирлан Ғузухон уруштилари* (Ш. тар., 17). *Не бор йўқлуб била борлуқ ареси/кўруб кўзлуб кишининг-тег тўраси* (XIII, 105^б). *Маъшуқа қатинда чун туброқ била олтун бир* (Сайфи Саройи, 113^б).

Айрим грамматик турғун бирикмаларнинг яратилишида ишлатилади.

Кўмакчили турғун бирикмаларнинг ҳар қайси ўзига хос кўчма маъноларни ифодалайди: *Суруд айтиб, бўлиб тупроқ била паст*. *Бари бўлди қаро тупроқ била паст* (Лутфий ГН, 364, 405). *Гаҳ ман бир кўзи учи бирлан имоға мубтало*. *Гоҳе-гоҳе кўз учи бирлан назар сол, айланай* (Муқимий I, 173, 276). *Кўзига душманам ер бирла яқсон айладинг кетдинг* (Муқимий I, 72). *Сарвларни боғ аро ер бирла яқсон айлаган* (Фурқат I, 149). *Жон-у дил бирла камина Фурқатий бўлди ғулум*. *Қош учи бирла клуб боқса нигорим ҳар тараф*. *Қунжи лаб бирла табассум айладинг бир йўл боқиб* (Фурқат I, 130, 35, 34).

Бирла/бирлан кўмакчиси ва унинг фонетик вариантлари грамматик маъно англатилишида ҳам ўзаро ўхшаш хусусиятларга ва алоҳидаликка эга. Масалан, бу кўмакчининг ҳамма фонетик вариантлари восита, биргалик, сабаб, ҳолат, пайт, объект, ўрин маъноларини англатади. Лекин мақсад маъноси XIII—XIV асрлардаги *бирлан* кўмакчиси ва XV—XVI, XVII—XIX асрлардаги *бирла* кўмакчисидан учрайди. Шунингдек, XVII—XIX асрлардаги эваз, зидлик маъноси *бирла* кўмакчисига хос бўлиб, бошқаларида учрамайди.

XIII—XIV асрдаги буюм материали маъносини англадиш ҳам бирлан кўмакчисигагина хосдир.

Билан кўмакчиси пайт ифодалаганда икки хил маъно отенкасига эга бўлади: а) умуман иш-ҳаракатнинг ижро этилган пайти; б) бир иш ҳаракатдан кейин тезлик билан иккинчи иш-ҳаракатнинг ижро этилишига кўра пайт ва б.

Бу кўмакчи куйидаги маъноларни англаган:

Восыта, б и р л а: бичиқу бирла бичди (ТФ, 129^а). Ул мол бирла сизлар севунур — сиз (ҚР, 117^а). (НФ, 12; МН, 304^а; Сайфи Саройи, 49^а). Неча юракни жафо тиғи бирла пора қылуру (Отыйи, 50). Кўб демак бирла бўлмағил нодон (Навойи МК, 142). (Лутфий, 1^а, Лутфий ГН, 371; Ахмадий, 327; Навойи ЛТ, 23; Навойи МН, 213; Навойи ФШ, 134; БН, 123; ШН, 16). Не бўлур Мунисга васлинг бирла берсанг тоза руҳ (Мунис, 158). Коматимни ғам юки бирла дуто ҳам қилмасун (Муқимий I, 161). Ани зебо иборатлар бирла турк забониға таъбир бердим (Фуркат II, 139). **Б и л а:** Қилич — тек тил била туттум жаҳонни (МН, 311^б). Ажунқа берди ой юзи била нур (XIII, 18^а). Ҳз өғғи била гўр өғғина келди душман (Сайфи Саройи, 149^б). Кўнгулни асрағил тил била боре (ДН, 244^б). Уйнатар-мен мен сени бармөқ била (Ахмадий, 324^а). (Отыйи, 12; Лутфий, 7^а, Лутфий ГН, 427; Навойи МЛ, 193; Навойи МК, 122; Навойи МА, 583^а; Навойи МН, 78; Навойи ФШ, 114; Навойи СС, 37; БН, 203; ШН, 2^б). Бер жило май била соқийки, хумор (Мунис, 27). Грибон ўлди кўз ёшим била нам (Фуркат II, 33). **И л а:** Жон ҳасрат ила куйди дилдор топилмас (Лутфий, 32^а). Мени бир жом ила беҳушироқ қил (Навойи ФШ, 114). (Отыйи, 43; Навойи ЛТ, 56; Навойи СС, 149; ШН, 3^а). Ҳажр саҳросини гулгун айладим қон ёш ила (Мунис, 165). Хуррам этсанг не бўлур ким, соқие, бир жом ила (Муқимий I, 156). Дильбаро, бар жом ила таъбимни чоғ этсанг нетар (Фуркат I, 197). Атрофи зар-у зевор ила тўлғай... (М. ча., 175). -лэ: Кўзингким манъ идоб тиғи ғазаб-ла, ваҳ, на қотилидур (Мунис, 320). Ёр-у аҳбобим дуоси-ла, Муқимий, зиндаман (Муқимий II, 107). Май олингда акси руҳсоринг-ла юз гул мавж ура (Фуркат I, 128). (Муқимий II, 5; Фуркат I, 24). **Б и р л а н:** юруб қаршу эли бирлан тутар итти қилични ул (Сайфи Саройи, 9^а, 122^б). Агар мен анда келтурдум сўзумни//бу фан бирлан сиғиндурдум ўзумни (ДН, 232^а, 254^а, 232^б). Бичиқ бирлан санчтим (III тар., 76). Темир машина бирлан тўғриланадур (Фуркат II, 143). (III тар., 27^б; Муқимий II, 123). **Б и л а н:** Аждам тили билан сўзлар (Сайфи Саройи, 132^а). Ҳзумнинг хурмати менин биландур (Амирий, 330^б). Раҳимсиз сурадда қамчилар билан жазолашлар ҳукм сурад эди (КУК, 7). (Ахмадий, 327^б; Муқимий I, 343; Фуркат II, 152; А. Қод., 120; КМТ, 14). **И л а н:** Ҳазабни лутфилан қилди маркаб (ДН, 240^а). Юз қизартиб бодадин ақлимни олдинг ноз илан (Фуркат II, 69). (Фуркат II, 123).

Бирғалик: Бирла: Ҳғуз тақи чериг бирла туруб турди

(ҲН, 18). *Сенинг бирла дўст бўлдум* (НФ, 223). *Хусрав Румға боруб Қайсардин чериг олуб Баҳром чубин бирла урушқони* (ХШ, 45^а). (ТФ, 38^а; ҚР, 24^б; Сайфи Саройи, 68^а). *Андин ўзга сўзга майлим оз эди/қуш тили бирла кўнул ҳамроз эди* (Навоий ЛТ, 207). *Менинг бирла бир туққан эди* (БН, 70). *Оз киши бирла қолиб жангга кириб* (ШН, 12^а). (Отойи, 8; Лутфий ГН, 356; Навоий ФШ, 156; Навоий СС, 142). *Аҳли дониш бирла ҳар дам айлангиз базми китоб* (Мунис, 143). *Ўзни ўлтурсам агар ман бирла ўлтурмас даме* (Муқимий, I, 284). *Ўзга бирла май ичар...* (Фуркат I, 32). *Била: Ул муминлар била урушмоққа борғайлар* (ҚР, 139). *Жаҳонда салтанат қулар била хуш* (МН, 303^а). (ХШ, 42^а; Сайфи Саройи, 67^а). *Ул санам ким су ёқосинда пари-тек ўлтурур//ғоят нозуклукидин су била ютса бўлур* (Отойи, 12). *Жонвафобий била қўлдаш йўлда* (ШН, 45). (Лутфий, 5^б; Лутфий ГН, 376; Аҳмадий, 326^а; Амирий, 334^а; Ҳайдар, 460^а^б; Навоий МН, 119; Навоий СС, 114; БН, 120). *Жами нодонлар била изҳори улфат қилмангиз* (Мунис, 143). *Тоғларга чиқиб бўлсун ёри била пайваста Фуркат II, 93*). *Ила: Недин тўлун ой юзунг ила ҳусн талашур* (Отойи, II). *Инсон ила чун мудом эрур ром* (Лутфий, 50^а). *Барча жон ўғли кеткайлар, кетиб Аҳмадбек ила йеткайлар* (ШН, 223). *Хилвати бўлмас муяссар ёр ила ағёрсиз* (Мунис, 135). *Юқорида Сафар бўзчи билан воқе бўлганидек, Маҳдум ариза ва кенгашга келувчи косиб ва тўни эскилар ила чиқиша олмас...* (А. Қод., 85). (Муқимий I, 67; Фуркат I, 87). *ла: Тоғуқ ўзга тоғуқ-ла бирикиб Илйас тўнын олдылар* (ҚР, 35^б). *Бирлан: Элинг юв мунофиқ дўстдын ким, юрур душманларыннг бирлан фароғат* (Сайфи Саройи, 165^а) *Мақоми этиб ўзим бирлан ҳикоят* (ДН, 236^б). (ДН, 854; Амирий, 330^а). *Кўб мал бирлан йибариб* (Ш. тар., 41) *Ушал сиз бирлан кўрганимча қайтиб дубори. Кўрганимда йўқ* (Муқимий II, 123). (Фуркат II, 256; Муқимий I, 116). *Билан: Ул паҳлавон йигит билан йўнай-кула келур эдук* (Сайфи Саройи, 149^а). *Ҳар кимнинг паймонаси тўлыбтур менинг билан ўжашур* (Амирий, 351^б). *Кичик хон дадам билан бирга келдим* (БН, 127). *Ерли халқ билан бўлган урушда Магиллан ўлдирилди* (Кўк, 10). (Аҳмадий, 324^а; БН, 129; Фуркат II, 149; Муқимий I, 182; КМТ, 24). *Илан: Тўлғаниб чиқдинг кеча гажжак тақиб пардоз илан* (Фуркат II, 69).

ОБЪЕКТ: *Бирла: Сизнинг бирла этсам не-тек қилайин* (ҚР, 45^а). *Яна ул ой кун бирла ёношиб, йазуқа сурдилар мундоғ кенгашиб* (ХШ, 36^а). *Барқ анинг бирла қила олмас стиз* (Навоий ЛТ, 10). *Ҳақиқий маъноси бирла ишинг йўқ* (Фуркат I, 124) (Отойи, 18; Яқиний, 319^а; Навоий ФШ, 186; БН, 175; ШН, 20). *Била: Хўблар била ошно қилур-сен* (Лутфий, 62^б). *Бу мазмун била хатлар келди* (БН, 66) (Отойи, 26; Лутфий ГН, 350; Ҳайдар, 479^а; Навоий МК, 74). *Билан: эй малик, севмак шарти улдурур ким, бу икки тоифа билан эҳсон қилғай-сен* (Сайфи Саройи, 71^а). *Муносиб сиз билан хуршеди пуранвар, айлансун* (Муқимий I, 47). *Уқувчи*

болалар билан муомиласи жуда яхши эди (А. Қод., 13) Ёшлар манфаати билан боғланиши бўлган идораларга аралашадилар. (КМТ, 8). Ила: Буны Исо ила тенг бўлур-му (Навойи МК, 124). Қўнгул айлаб сен ул шолығ билан кенг // менинг олимда ул туфроғ ила тенг // (Навойи ФШ, 142). Ким менинг ўғлум ила бўлган улус, // Тошкент эшигида тўлган улус (ШН, 226).

САБАБ: Бирла: Кимни каромат қилсам тоати бирла қылғам ёқи кимни хор қилсам, ёзуқи бирла қилғам (ТФ, 138^о). Мени қайу ёзуқ бирла ўлтурур-сиз (ҚР, 46^а). (НФ, 113; XIII, 48^а; Сайфи Саройи, 31). Лаълинг ғами бирла барадур мулки адамға (Отойи, 158). Мени бу нотавонлық бирла зулфунг жаҳонда кездуруб (Лутфий, 40^а). (Навойи ФШ, 110; Навойи ЛТ, 3). Навойи бенаволиғ бирла доим май ичар ҳар тун (Муқимий I, 251). Била: Бу мақомға не била текдинг (Қр, 131^а). Оз хато била иллайида номавжуд (Навойи МК, 13). (Лутфий ГН, 424; Навойи МН, 5; Навойи МЛ, 33; БН, 8). Шод бўлдунг қора қайғу била ким чекса Фигон (Мунис, 34). Ила: Нега ким нолиш қилур-мен дард ила (Лутфий, 64^а); Деди меним фақир ила олижануб (Аҳмадий, 326^а). (Навойи ЛТ, 44; Отойи, 6). Сенинг қудуминг ила шодмон зурур олам (Мунис, 183). Лутф-у марҳамат ила сиҳатга мубаддал топиб хат қилалдук (Муқимий II, 141). Масжиддин кеча қайтиш билан бузилган авзо, Ғози эшоннинг «пастлиги» ила жуда ҳам авжга чиққан эди (А. Қод., 134). -ла: Суҳбатинг-ла шод бўлишди бу ғамлик хотирим. (Муқимий II, 112). Новаки ҳажринг-ла дилафгар бўлдим айрилиб (Муқимий I, 61). Бирлан: Аззаважалла ёрлығы бирлан қузуруқчи тушды (ҚР, 8^а) (ҚР, 28^а). Анынг маслаҳати бирлан элнинг яхшиликларини чорлаб (Ш. тар., 5). Билан: Ул меҳнат била халок бўлды (Сайфи Саройи, 90^а). Қомсомол ёшлар уюшмаси бўлиш сифати билан ер юзининг ҳар бир бурчагида бордир (КМТ, 4). (Муқимий II, 129, 17; Фурқат I, 148; А. Қод., 10, 43).

УРИН. Бирла: Мадина йўли бирла келдим (НФ, 181). Ёнмоқ ўлды ўзи қундуз бирла (ШН, 157^а). Била: Юрусун баҳрнинг қирағи била (Навойи СС, 151). Бу вилайатинг ичи била ўтуб ғарб сари оқар (БН, 2). Йиғилиб келди бери жар била (ШН, 179). Билан: хотин ички эшик ёнида тўхтаб, йўлак билан сўзлашди (А. Қод., 214). Гулзор ичи билан айлиниб кирди (А. Қод., 180). Магиллан очқан йўл билан савдо кемаларини юрита бошлаган эдилар (Кук, 10). (А. Қод., 26). Ила: Бошлабан ул черикни соҳил била су ёқоси манозил ила (Навойи СС, 150). Бирлан: Бир нечаси йўл бирлан Харазмға келдилар (Ш. тар., 5) (Ш. тар., 22).

ПАЙТ. Бирла: Эртә бирла келдилар (ТФ, 1006). Иброҳим тонг бирла қўпты (ҚР, 326). (XIII, 406; Сайфи Саройи, 163а). Сочылған бирла туфроғ ичра салма (Навойи ФШ, 3). Тонг боши бирла йетарбиз жавға (ШН, 1306). Била: Тунла ёттылар тонг била қўптылар (ҚР, 896). Сен алардын олмасанг ибрат букун, тонг била сендин булар олур (Сайфи Саройи, 1766).

Мушкин нафаси субҳ б и л а замзамайи уд (Отойи, 44). Ушал босқан б и л а Шайбони хон барыб Бухороны олады (БН, 23). Кеча б и л а ғор ошиқон тарафға келинг (БН, 50). -Л а: Сандуқға кириб бир тун-ла кун-ла юқлады (ТФ, 39а). Тун-ла ёттылар тонг била кўптылар (ҚР, 896). Тун-ла қўбуб тоат қылған (НФ, 313). Бир-лан: Эрта б и р л а н бор жанозамға хабар даркор эмас (Муқимий I, 58). Учинчи соатда эрта б и р л а н ҳамма тўралар андин ёниб, ўз уйларига бориб уйқуға борур эканлар (Фуркат II, 144). Б и л а н: Бу уқубат меним уза бир нафас б и л а н кэчар дағы қиёматқа тегру сениңг бўйынгда қолур (Сайфи Саройи, 416). (Сайфи Саройи, 135а). Овозы чыққан б и л а н бары қочарға юз қуйдылар (БН, 128). (БН, 250). И л а н: Навбат и л а н хушлар урарлар сени (Ахмадий, 326).

ХОЛАТ: Б и л а: Бугун минг жон б и л а ким ке кўнгулни, сенга бермас танымда жон йўқ эй жон (МН, 2186). Узун рағбат б и л а ул тошқа суртар (ХШ, 14 б). Жавр қылса неча ким аблаҳ анга, кўнгул алур анынг бу лутф била (Сайфи Саройи, 108а). Парда б и л а сўзлали (Ахмадий, 323а). Йугуруб чықты изтироб б и л а (Навойи СС, 141). (Отойи, 26; Лутфий, 42а; Амирий, 330а; Яқиний, 3156; Хайдар, 347а; Навойи МЛ, 9; Навойи ЛТ, 191; Навойи ФШ, 78; Навойи МН, 152; Навойи МК, 49; БН, 250; ШН, 156). Бордим лаби хандон б и л а тавфи ҳараминга//ғамгин кўнгул-у дийда//гирён б и л а боқиб табассум айласанг (Фуркат II, 130). Эй кўзгу кўнгул жон б и л а муштоқ юзингга (Муқимий I, 247). И л а: юз уза солсанг тараб мушкин сочынгни ноз и л а (Отойи, 15). Барча шарманда бўлур қошыда//сидқ и л а банда бўлур қатыда (ШН, 14а). (Навойи МН, 219; Навойи СС, 89; Навойи ЛТ, 43). Жон берадур шавқ и л а Мунис сенга (Мунис, 149). Шоҳига бажон-у дил и л а хизмат қилса (А. Қод., 75). (Муқимий II, 15; Фуркат I, 199). -л-: Расад-ла тўп отиб кунни қиёми (Фуркат II, 19). Б и р л а н: Бадбахт-ким эрсэнинг жони қатиглиғ б и р л а н чықар (ҚР, 46). (Сайфи Саройи, 806, 816). Кечиб судин юруб кўз ёшы б и р л а н (ДН, 2326). Дуои хайр б и р л а н ёд қылғай (Яқиний, 3216). Б и л а н: Неча ким мискинлик этиб, лутф б и л а н сўзлади,//фойда қылмады (Сайфи Саройи, 100а). Езыларда ўз бошынг б и л а н ўлғай-сен сен (Амирий, 3356). (ДН, 3326; БН, 333). Етти кеча муваффақият б и л а н ўтди (Кук, 8). (Муқимий I, 105; А.Қод., 90; КМТ, 25). И л а н: Кўб вақт эҳтиётлар б и р л а н ўтқаришма и л а н тўғры кўчурдум (Ш. тар., 80). Разм илан турдинг рақиблар то туриб эргаштилар (Муқимий I, 296).

МАҚСАД: Бу маънони англатишда бирла, била, бирлан, билан кўмакчилари катнашган: Лозим бўлди ул тўртки қабул қылмақлык б и р л а андын сўнг кўтурмадилар (ТФ, 886). Иброҳим, мен ул шарт бирла мусулмон бўлур мен ким мени олсанг (ҚР, 286) (ХШ, 846, Мунис, 173, 64). Уйдан ол шарт б и л а н чықтылар ким не ерда фақир тоифасин топсалар туккайлар (Сайфи Саройи, 766). Сайр расми б и л а Хуросонға келди (Навойи МН, 192). Халқ раҳмати умиди била тун-кун маст (Навойи МК, 62). Шайбақхон Самар-

қанддин Хуросон дайғаси б и л а черик отланды (БН, 259). Кимиким кўрсанг ичар ишрат аёғи б и л а нўш (Мунис, 34). Сағдийнинг жадали бир муддаи бир л а н бойлық дағи фақырлық бойони ичинди (Сайфи Саройи, 1506).

Буюм материали: Бу маънони ифодалашда бирлэн кўмакчиси қатнашган: *Пайғамбар кечмишта кезин Йаҳуда арҳам таши б и р л а н табут қилдуртды* (ҚР, 74а).

Ўхшатиш, эваз, зидлик: Бу маъноларнинг яратилишида бирла, билан кўмакчилари ишлатилган: а) **Ўхшатиш:** *Йурур йар қадғуси б и р л а болиб шод//хароб ер ғанж б и р л а болмуш тек обод* (XIII, 616). *Ариф эрга бил жаҳаннамнинг озоби б и р л а тенг кирмаги қонши айағи б и р л а жаннат бағина* (Сайфи Саройи, 826). б) **Эваз:** *Бир минг китоб минг сўм б и р л а тайёр бўлди* (Фурқат II, 142). в) **Зидлик:** *Хат чиқарган бирла ҳуснингга на нуқсон-у халол* (Муқимий I, 175). *Зерикмас кимса кўрган бирла асло* (Фурқат II, 18а). *Бу қадар туз алмақ б и л а н не ҳалал келгай* (Сайфи Саройи, 31а). *Бўлма овора, билолмайсан суриштирган б и л а н* (Муқимий I, 57). *Тебратган б и л а н бола тийила бермагач* (А. Қод., 19) (Муқимий II, 67; Муқимий I, 230).

Билан пайт ифодалоганда ўзига хос маъно оттенкасига эга бўлиб, а) умуман иш-ҳаракатнинг ижро этилаётган пайтини; б) бир иш-ҳаракатдан кейин тезлик билан иккинчи иш-ҳаракат бошланганини; в) икки иш-ҳаракат параллель ривожланишини билдиради:

а) **умуман иш-ҳаракатнинг ижро этилган пайти:** *Бўлур вақти б и л а н ҳар навъ хор оҳиста-оҳиста* (Фурқат I, 23). *Туни б и л а н шуни ўйлаб чиққан Раъно, эрталабдан бери Анварни хафа қилади...* (А. Қод., 234). б) **бир иш-ҳаракатдан кейин тезлик билан иккинчи иш-ҳаракатнинг бўлиши:** *Бир каниз Гулшанни кўриши б и л а н қўлидаги сувлик катқулни ерга қўйиб, югурди* (А. Қод., 200). в) **икки иш-ҳаракатнинг параллель ривожланиши:** *Ташвиқи иши билан б и р г а ишчи ёшлар орасида иқтисоди ва тарбиявий ишлар ҳам ишлади* (КМТ, 35).

Маълумки, *бирлан//бирла* кўмакчисининг фонетик вариантлари ўзбек тили тарихига оид ёзма ёдгорликларда ўзига хос хусусиятларга эга.

1. *Бирла* кўмакчиси ўзбек тили тарихининг ҳамма даврларида бош келишикдаги от, ўзлик олмошига бириккан. XIII—XIV асрларда бош келишикдаги мавҳум от, ҳаракат, номларига бирикиб келган. У XIII—XIX асрда бош ва қаратқич келишикдаги кишилик олмошига, XIII—XX асрда қаратқич келишикдаги кўрсатиш олмошига бириккан. У отлашган сифат, сон, ундов, пайт равиши ва сифатдошнинг бош келишикдаги шакли билан келади.

Бирла кўмакчиси ўзбек тили тарихининг ҳамма даврларида восита, биргалик, объектив, сабаб маъносини англаган. Лекин унинг ўхшатиш маъноси XIII—XIV асрга, ўрин, пайт маъноси XIII—XVI асрга; эваз, зидлик маъноси XVII—XIX асрларга оиддир. Бу кўмакчининг фразеологик бирикмаларда қўлланиши ҳам XVII—XIX асрларгагина хосдир.

Бирла кўмакчиси ҳозирги ўзбек тилида ниҳоятда кам ишлатилиб, баъзан поэзияда учрайди, холос (118. 36, 59).

2. *Била* кўмакчиси ўзининг тарихий тараққиётида бош келишикдаги от, ҳаракат номи, қаратқич келишикдаги кишилик олмошларига бириккан. У XVII—XIX асрларда кишилик олмошининг бош келишикдаги шаклига ҳам бирикади. XV—XIX асрларда қаратқич келишикдаги кўрсатиш олмошларига, XIII—XIV асрларда эса бош келишикдаги кўрсатиш олмошига бирикади. Унинг бош келишикдаги сўроқ олмошига бирикиши ва отлашган сифат, *йўқ* инкор сўзига бирикиши ҳам XIII—XIV асрга оид.

Била кўмакчиси ўзининг тарихий тараққиётидаги ҳамма даврларда биргалик, восита, сабаб, ҳолат маъноларини англаган. Бундан ташқари, XIII—XVI асрларда пайт, XV—XIX асрларда мақсад; XV—XVI асрларда объект, ўрин маъноларини ифодалаган.

3. *Ила* кўмакчиси бош келишикдаги от, қаратқич келишикдаги кўрсатиш олмошларига бирикиб, поэзияда ишлатилган. У XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида, асосан, поэзияда, қисман, прозада ҳам қўлланган.

Ила кўмакчиси биргалик, восита, сабаб, ҳолат, ўрин, объект маъноларини англаган. Ўрин, объект маънолари фақат XV—XVI асрларгагина хос.

4. *-Ла* кўмакчиси XIII—XIV асрда ишлатилиб, XV—XVI асрларда учрамайди. Лекин XIX асрдан бошлаб Мунис, Фурқат, Муқимий асарларида пайдо бўлади. Унга хос хусусиятлардан бири шуки, ҳамма вақт бош келишикдаги отга бирикади. У XIII—XIV асрда пайт, биргалик маъносини англагач, XIX асрнинг II ярмидан бошлаб биргалик, восита, ҳолат, сабаб маъноларини ифодалаган.

5. *Бирлан* кўмакчиси ўзбек тили тарихида ниҳоятда кенг қўлланади. У XIII—XIV, XVII—XIX асрларда бош келишикдаги отлашган сифатга бирикади. Унинг бу грамматик хусусиятини XV—XVI асрлардаги ёзма ёдгорликларда учратмадик. У XIII—XIX асрларда қаратқич келишикдаги кишилик олмошларига бириккан. Унинг бундай хусусияти ҳам бошқа даврларда кузатилмайди. Шунингдек, ҳам эргаштирувчи, ҳам бириктирувчи боғловчи бўлиш, грамматик юмуқ группани яратиш ҳам *бирлан* кўмакчисининг грамматик хусусиятига хосдир.

У ўзбек тили тарихининг ҳамма даврларида биргалик, восита маъносини англаган. Лекин ҳолат (XIII—XIV, XV—XVI аср), сабаб (XIII—XIV, XVII—XIX аср), буюм материали, мақсад (XIII—XIV аср), ўрин ва пайт англатиши XVII—XIX асрларгагина хосдир. Бу кўмакчининг грамматик хусусияти XIII—XIV асрларга нисбатан XVII—XIX асрларда ниҳоятда ривожланиб кетган. Маъно англатишига кўра эса XIII—XIV асрларда кенгрок, XV—XVI асрларда торроқ бўлган. У XIII—XIV асрларда олти хил грамматик маъно англаган бўлса, XV—XVI асрларда уч хил маъно англаган, холос. Лекин *бирлан* кўмакчисининг маъно англатиши ҳам XVII—XIX асрларда анча кенгайган бўлиб, саккиз хил грам-

матик маъно ифодалаган. Унинг буюм материали, мақсад маъноларининг ифодалашини XIV, XVII асрга хос. Лекин ҳаракатнинг йўналтирилган ўрни, пайтини ифодалашини фақат XVII—XIX асрлардагина учрайди. Маълумки, *бирлан* кўмакчисининг қўлланиши доираси торайганидек, унинг грамматик маъно англаштиши ҳам XV—XVI асрларда ниҳоятда торайган. *Бирлан* кўмакчиси XVII—XIX асрларда кенг истеъмолда бўлган.

Бирлан кўмакчиси ҳозирги ўзбек адабий тилида айрим ёзувчиларнинг стилига хос равишда қўлланади: *Ул одам бола-чақаси бирлан аллақандай таомни еб ўтирибдур* (А. Қаххор, «Миллатчилар») (184. 119₃—120).

6. *Билан* кўмакчиси ўзбек тили тарихида ниҳоятда актив ишлатилган. У, асосан, бош келишиқдаги от ва олмошларга бириккан. Унинг семантикаси ҳам хилма-хил бўлиб, биргалик восита, ҳолат, сабаб, пайт, объект, зиддиятлик, мақсад каби маъноларни англаган. У пайт ифодалаганда маълум оттенкаларнинг яратилишида хизмат қиладики, бу кўмакчининг бошқа фонетик вариантларида бундай семантика ифодаланмайди.

7. *Илан* кўмакчиси XV—XIX асрларда бош келишиқдаги отга бириккан. Маъно англаштиши ҳам ниҳоятда чегараланган бўлиб, XV—XVI асрларда пайт, XV—XIX асрларда восита; XVII—XIX асрларда биргалик, ҳолат маъноларини англаган.

Юқорида қайд этилганлардан маълумки, ўзбек тили тарихига, умуман туркий тиллар тарихига оид ёзма ёдгорликлардаги *бирла*//*бирлан* кўмакчиси ва унинг фонетик вариантлари грамматик, семантик хусусиятлари билан ўзаро ниҳоятда яқин бўлган. Лекин қўлланиш даврига кўра, истеъмол даражасига кўра ва бошқа жиҳатларда фарқли ҳолатлар ҳам учрайди.

VIII аср ёзма ёдгорликларида *бирла*, XI—XIII асрдан бошлаб эса *била*, *бирлан*, *билан* ишлатилган. *Ила*, *илан* XV асрдан бошлаб учрайди. Бу кўмакчининг фонетик жиҳатдан энг қисқарган варианты *-ла* XIII—XIV асрда прозада ишлатилган. XV—XVI асрда учрамасада, ундан кейинги даврларда поэзияда ишлатилади. Шундай экан, бу кўмакчининг фонетик вариантлари жуда қадимдан истеъмолда бўлган. Лекин ўзбек тили тарихининг маълум бир даврида бирорта фонетик варианты актив қўлланилган бўлса, айримлари кам истеъмолда бўлган. Худди шунингдек, ҳозирги ўзбек тилида бу кўмакчининг кўпчилик фонетик варианты учраса-да, асосан, *билан* шакли кенг истеъмолдадир.

Бирла//*бирлан* кўмакчининг фонетик вариантлари ўзбек тили тарихининг ҳамма даврларида бош келишиқдаги отларга бирикиб келган. Унинг *илан*, *-ла* шакли фақат бош келишиқдаги отгагина бирикса, *ила*, *бирла*, *била*, *бирлан*, *билан* шакллари қаратқич келишиқдаги олмошларга ҳам бириккан. *Ила* XV—XVI асрда фақат поэзияда ишлатилган. У XIX асрда прозада ҳам қисман қўлланилган. *Ила*, *илан*, *-ла* поэзияга тааллуқли бўлса, *бирла*, *била*, *бирлан*, *билан* ҳар иккала жанрда ишлатилган. Шунинг учун ҳам бу кўмакчининг ўша бешта варианты ўзбек тили тарихида жуда кенг

истеъмолда бўлган. Маълумки, бу кўмакчи фонетик вариантларининг яратилишига асос ўзбек тилининг ички қонуниятлари, алоқа воситаси эканидир. Масалан, *-ла* кўмакчиси XIII—XIV асрларда ТФ, ҚР, НФ асарларида ишлатилган. Лекин XV—XVI асрларга оид ёзма манбаларда бу кўмакчининг қўлланганини учратмадик. *-ла* кўмакчиси XIX асрнинг иккинчи яримида Мунис, Фурқат, Муқимий поэзиясида қўлланган, *-ла* кўмакчисининг қўлланишидаги бундай фарқнинг яратилиши сабаби шундаки, қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида *бирла* кўмакчиси *-ын*, *-ин* қурол келишиги билан параллель қўлланганидек, *бирла* кўмакчисининг фонетик варианты *-ла* кўмакчиси қурол келишиги воситаси сифатида ишлатилган. Аслида *-ла* кўмакчиси XI—XII асрлардан бошлаб жанубий группага хос туркий тилларда *-ын*, *-ин* қурол келишиги қўшимчаси ўрнида *-ла*, *-лэ* шаклида ишлатилган. Шарқий группага хос туркий тилларда ҳам *-ла*, *-лэ* қурол келишиги ўрнида қўлланган (176.89) Кейинги даврларда қурол келишиги йўқолиб, унинг функциясини *бирла* кўмакчиси ва унинг фонетик вариантлари бажара бошлагач, *-ла* фақат кўмакчи функциясида бўлади. Лекин XIX асрларда у поэзиянинг талабига кўра фақат шеърларда ишлатилган. Бу кўмакчининг *-ила*, *-ла* шакллари умуман тарихий ёзма ёдгорликларда жуда ҳам кам қўлланган.

XV—XVI асрларда қўлланган *ила* кўмакчиси, асосан, поэзияга хос бўлиб, Лутфийнинг биз кўриб чиққан асарида 38 марта; А. Навоий асарида 59 марта учраса, «Бобирнома»да икки мартагина учрайди.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида *ила* кўмакчисининг қўлланиши янада активлашади. У Муқимийнинг икки томлик «Танланган асарлари»да 136 марта, Муниснинг бир томлик шеърлар тўпламида эса 69 марта учрайди. А. Қодирийнинг «Мехробдан чаён» асарида 3 мартагина қўлланиши унинг проза асарига эмас, балки поэтик асарларигагина хос эканини билдиради.

-Ла кўмакчиси XIII—XIV асрларга хос ёзма ёдгорликлардан ТФда 2 марта; ҚР, НФда 3 марта; ХШ да 6 марта учрайди. Лекин XV—XVI ва XVII—XVIII асрларга хос биз кўриб чиққан ёзма ёдгорликларда уни учратмадик, XIX ва XX асрларда поэтикада қўлланган. Масалан, Муқимийнинг икки томлик асарида 136 марта, Фурқатнинг икки томлик асарида эса 8 марта учрайди.

XVI асрдаги айрим асарларда *била* кўмакчиси қўлланса (197. 18; 155. 17; 120. 21), айримларида *била*, *бирла* шакллари ишлатилган (61. 20).

Била кўмакчиси ҳозирги ўзбек тили диалектларига хос бўлиб, *бирга* ҳозирги ўзбек тилида равиш функциясини бажаради.

Бирла, *била* кўмакчиси ўзбек тили тарихида параллель ишлатилган бўлишига қарамасдан, XV—XVI асрларда *била* кўмакчиси кўпроқ қўлланган бўлса, кейинги даврда *бирла* кўмакчиси кўпроқ ишлатилган. Масалан, Алишер Навоий асарларидан («Саббаи Сайёр», «Мажолисун нафоис», «Лисонут тайр», «Фарҳод ва Ширин»,

«Маҳбубул қулуб», «Муҳокаматул луғатайн) олинган мисолларнинг 260 таси *бирла*, 537 таси *била* кўмакчисига хосдир.

XVII—XIX асрларда ҳам *бирла*, *била* кўмакчиси параллель ишлатилган. Лекин *бирла* кўмакчиси кўпроқ ишлатилгани сезилиб туради. Масалан, Муқимийнинг икки томлик асарида 86 та *бирла*; 16 та *била* кўмакчиси ишлатилган. Фурқатнинг икки томлик асарида *бирла* 196 марта; *била* 38 марта қўлланган. Муниснинг бир томлик «Танланган асари»да 77 марта *бирла*, 74 марта *била* кўмакчиси ишлатилган.

Билан кўмакчиси оғуз группа тиллари диалектларида *вълэн* шаклида ҳам ишлатилади (3.62). Лекин ҳозирги туркман тилида *билен*, *биле* шаклида қўлланади. Туркман тили тарихига оид адабий асарларда *бирлен*, *бирле*, *иле* шакллари ҳам ишлатилган (50. 402, 405).

Қадимги турк тилида ишлатилган *бирла* ҳар хил туркий тиллар ва уларнинг диалектларида қуйидагича шакллarga эга бўлган: *биле* (тув), *пиле* (салар.) *иле* > *ле*; *била* (Қараым, бараб, алт.; диал.) *бла* (Кбал., хак., диал.) *ба* (Қараим, шор, чув.) (80. 113).

Чуваш тилидаги *perle* — (вместе) равиш функциясида қўлланади. *Перле* кўмакчи функциясида ишлатилганда қаратқич ва жўналиш келишигини бошқаради (223. 128).

Ҳозирги ўзбек тилида *билан*, *бирлан*, *бирла*, *била*, *ила*, *-ла* шаклларида учраса, оғзаки нутқ ва ўзбек тили диалектларида: *минан*, *манан*, *ман* шаклларида учрайди.

Билан кўмакчиси келиб чиқишига кўра *бирлан* кўмакчисига тааллуқлидир (70. 297).

Билан кўмакчиси ҳозирги ўзбек тилида биргалик, қурол-восита, пайт, масофа маъноларини ифодалайди. (70. 300).

Билан кўмакчиси ҳозирги ўзбек адабий тилида ўн хил семантик хусусиятга эга: биргалик, қурол, восита, бир ҳаракатдан кейин иккинчи ҳаракатнинг бўлиши, пайт, объект, ҳолат, мақсад, жараён ёки иш-ҳаракатнинг усули, тарзи иккита иш-ҳаракат бир пайтда содир бўлгани, умумлаштириш, ҳулосалаш.

Билан кўмакчисининг фонетик варианты ҳисобланган *бирлан*, *бирла*, *ила*, *-ла* ҳозирги ўзбек тилида учраса ҳам, унинг учун норма ҳисобланмайди (183, 54, 544).

Бу кўмакчининг фонетик вариантлари грамматик маъно англатишига кўра ҳам параллель ишлатилган. Улар восита, биргалик, сабаб, объект, ўрин, ҳолат, мақсад каби маъноларни англатаверган. Лекин ҳар қайси фонетик вариантнинг грамматик маъно англатишида ўзига хос ҳолатлари ҳам бор. Масалан, эваз, зидлик маъноларини англатиши XVII—XIX асрда ишлатилган *бирла* кўмакчисига хос. Буюм материалини ифодалаш XIII—XIV асрдаги *бирлан* кўмакчисига хос бўлса, пайт ифодалашда алоҳида маъно оттенкаларини яратиш XVII—XIX асрлардаги *билан* кўмакчисига хосдир.

Бирла/ *бирлан* кўмакчиси ва унинг фонетик вариантлари ўзбек тили тарихида ниҳоятда кенг қўлланган кўмакчилардан биридир.

Учун кўмакчиси. Учун кўмакчиси морфологик таркибига кўра икки қисмга бўлинади: *уч-от*; *ун-восита* келишигининг кўшимчаси. Уч эса икки хил маъно англатган: 1) предметнинг энг юқори қисми-учи; 2) сабаб (72.15; 69. 83; 176. 190).

Учун озарбайжон фольклор материалларида мустақил сўз сифатида қўлланган ва лексик маъносидан сабаб англашилган: *Сенинг учундан ишэ гетэ билмэдим; бағбан ағалар бар учундан* ва б. (125. 59). Юқорида келтирилган мисолдан маълумки, *учун* ўзига *-дан* чиқиш келишиги кўшимчасини қабул қилиб, *учундан* шаклида сабаб маъносини англатади. *Учундан* ўзи бирикиб келаётган кишилиқ олмошининг қараткич келишигида келишини талаб қилиши унинг от туркумига хос эканидан далолат берса, ўзи бирикиб келаётган отнинг бош келишиқдаги шакли билан грамматик муносабатга кириши мустақил лексик маънога эга бўлиб, сабаб англатишидан далолат беради. Шунингдек, козок тилидаги *ушін* кўмакчисини от туркумига тааллуқли экани сабаб маъносини англатиши қайд этилгани (78. 45) бизнинг фикримизни янада тасдиқлайди.

Учун кадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида (102. 42; 67. 49), кадимги уйғур тили ёзма ёдгорликларида кўмакчи функциясида қўлланган (103. 92; 157. 135). Бу кўмакчи XI асрга оид ёзма ёдгорликларда ҳам *учун* шаклида қўлланган (8. 45).

Бу кўмакчи XIII—XIV, XV—XVI ва XVII—XIX асрларда ҳам *учун*, *-чун* шаклларида ишлатилган: *иницоалло-чун* (ТФ, 115^а). *не-чун* (КР, 9^б). *анунг-чун* (XIII, 24^а) *не-чун*, *хурмати-чун* (Сайфи Саройи, 67^б, 80^б). *рухсори-чун* (ЛТ, 8). *бўлур учун* (БН, 61). *газак учун* (Мунис, 77) *маним-чун* (Муқимий I, 121). *ғалла учун* (Кмт, 34). *Учун* кўмакчиси ўзбек тили тарихининг ҳамма даврларида бош келишиқдаги отга, ҳаракат номига, сифатдошга бириккан: *оқибат учун* (ТФ, 135^б). *Юсуф учун* (КР, 67^а). *рахмат учун* (НФ, 7^б) *мол учун* (МН, 311^б). *Ширин учун* (XIII, 53^б) *хаста учун* (Сайфи Саройи, 137). *қиёмати-чун* (Навоий СС, 50). *пайваста учун* (Яқиний, 319^а) *шакаристанинг учун* (Лутфий, 55^б). *дини учун* (Ш. тар., 2^б). *мактаб учун* (Муқимий II, 256). *илм учун* (Фуркат I, 129). *мактуб учун* (М.ча., 11). *омон бўлмоқ учун* (ТФ, 90^а) *мирос олмоқ учун* (КР, 14^б). *билдурмак учун* (НФ, 211). *кўрмак үчүн* (МН, 303^а). *билмак үчүн* (XIII, 3^б). *Хосил этмак үчүн* (Сайфи Саройи, 96^а). *ўпмак үчүн* (Амирий, 331^а). *Кўра турмоқ үчүн* (Саккокий, 63) *ёры бермак үчүн* (НН, 112). *Билмак үчүн* (Ш. тар., 57). *қилмоқ учун* (Муқимий I, 337). *туриб' қолиш учун* (Фуркат II, 143). *Ўз қўлига олиш учун* (М.ча., 14). *эшитмазлик үчүн* (ТФ, 30^б). *ўгут берган үчүн* (КР, 8^б). *Билмиш үчүн* (XIII, 72^б). *билур үчүн*, *севар үчүн* (КР, 103^б, 87^б). *сўрар үчүн* (БН, 61). *бўлур үчүн* (БН, 61). *ўғирқил қилғон учун* (Оттойи, 136). *кўрган үчүн* (Лутфий, 22^а). *қилур үчүн* (Навоий МК, 54). *бўлғон учун* (Фуркат II, 27). *тарк этмагани учун* (М.ча., 12) XIII—XIV ва XV—XVI асрларда бош кели-

шикдаги ўзлик олмошига бириккан: *ўзи үчүн, ўзларнигиз үчүн* (ТФ, 119^а, 115^б) *ўзи үчүн* (БН, 119). *ўзлари үчүн* (Навоий МК, 98). XIII—XIV ва XVII—XIX асрларда бош келишикдаги сўрок олмошларига бириккан: *не учун* (Ф, 73^а). *не учун* (ҚР, 7^б). *не чун* (Сайфи Сарой, 23) *не учун* (Ш.тар., 48) *не учун* (Муқимий I, 328). *нима учун* (М.ча., 131). *нө-чун, ким учун* (Муқимий I, 207, 338). Шунингдек, XIII—XIV асрларда *-лык, -лик* аффиксли бош келишикдаги мавҳум отларга бирикиши ҳам учрайди: *кўнгул хушлуқи үчүн, душманлиқ үчүн* (ТФ, 144. 45^о). *севиқлуқи үчүн, кечалиқ үчүн, ўғирлиқи үчүн, беклик үчүн* (ҚР, 35^а, 68^б, 70^а, 76^б).

Учун кўмакчиси XIII—XIV асрларда бош келишикдаги равишга, *-ғу (-ғу), -син* аффиксли феъл формаларига бирикиб келганки, унинг бу хусусиятлари кейинги даврларда учрамайди: *кўргүтгү үчүн, ўтғу үчүн* (ТФ, 28^а, 30^б), *кўб үчүн, бўлғу үчүн, алсунлар үчүн* (ҚР, 90^а, 6^б, 25^а).

Бош келишикдаги инкор олмошига бирикиб келиши XV—XVI асрларга хосдир: *ҳеч қайси үчүн* (Навоий МЛ, 8).

Бош келишикдаги белгилаш олмошига бирикиб келиши XVII—XIX асрларда кузатилади: *ҳар ким учун* (М.ча., 111), XIII—XIV ва XVII—XIX, XX аср бошларида эса қаратқич келишигидаги кўрсатиш олмошларига бириккан: *аьинг үчүн, бунинг үчүн* (ТФ, 73^б, 138^б) *аьинг үчүн, буьны үчүн, буларнинг үчүн* (ҚР, 40^б, 31^а, 83^а). *анунг үчүн* (Сайфи Саройи, 163^б). *бунинг учун шунинг учун* (М.ча., 214, 118). *Шунинг учун* (Кук, 8) *бунинг учун* (Қмт, 29).

Чиқиш келишигидаги отларга бирикиши XIII—XIV ва XV—XVI асрларга хос ёзма ёдгорликлардагина учрайди: *уларнинг уруғиндын үчүн* (ҚР, 21^а). *кишидин үчүн* (БН, 61).

Учун, -чун кўмакчиси тарихий тараккиёти даврида кишилик олмошларининг бош ва қаратқич келишигидаги шаклларига бирикса, айрим кишилик олмошларининг ё бош келишик ёки қаратқич келишигидаги шаклларига бирикиб келаверган. Масалан, XIII—XIV асрларда учинчи шахс кишилик-кўрсатиш олмоши *ан//о(-у)* шаклида бўлиб, унинг кўплик қўшимчасини олган шаклига бош келишик формасидан кейин бириккан: *анлар үчүн* (ТФ, 78^а). *улар үчүн* (ҚР, 92^а). Бу олмошнинг бирликдаги шакли *ан* бўлиб, *учун* кўмакчиси унга қаратқич келишиги шаклидан кейин бириккан: *аьинг үчүн* (ХШ, 12^б).

XV—XVI асрларга келиб, бу кўрсатиш-кишилик олмошининг кўпликдаги шакли XIII—XIV асрлардаги каби *анлар, олар* бўлмаган, балки *алар* бўлган. *Учун* кўмакчиси бу даврда *алар* кишилик-кўрсатиш олмошининг бош келишикдаги шаклига бирикиб келган: *алар үчүн* (Навоий МН, 44). *алар-чун* (Навоий ФШ, 128). Учинчи шахс бирликини кўрсатадиган кишилик олмошининг шакли *ан* бўлиб, ўзбек тили тарихининг ҳамма даврларида *учун* кўмакчиси унинг қаратқич келишикдаги шаклига бирикиб келган: *аьинг үчүн* (ХШ, 12^б) *аьинг-чүн* (Навоий ФШ, 37). *аьинг үчүн*

(ШН, 40^а). *анинг учун* (Муқимий II, 133). *анинг учун* (Фуркат I, 140).

XX асрнинг бошидан бошлаб *ан* кўрсатиш-кишилик олмоши истеъмолдан чиқиб, унинг ўрнида факат *у* учинчи шахс бирликни ифодаловчи кишилик-кўрсатиш олмоши ишлатила бошлайди. *У* кўрсатиш олмоши тарихан ниҳоятда кам ишлатилиб, асосан, *ан* кишилик-кўрсатиш олмоши қўлланган эди. *Учун* кўмакчиси XX асрнинг бошидан бошлаб кенг истеъмол қилинадиган *у* кишилик-кўрсатиш олмошининг қаратқич келишигидаги шаклига бирика бошлайди: *унинг учун* (М.ча., 156).

Учун кўмакчиси XIII—XIV асрларда *мен, сен, биз, сиз* кишилик олмошларига қаратқич келишиги қўшимчасидан кейин бирикиб келган. XV—XVI асрларда эса *сен, биз, сиз* кишилик олмошларининг қаратқич келишикдаги шаклига бириккан. XVII—XIX асрларга келиб, *биз* кишилик олмошининг қаратқич келишигидаги шаклига бириккан бўлса, *сен* кишилик олмошининг бош ва қаратқич келишигидаги шаклига бирикаверган. Лекин *бизлар* кишилик олмошининг бош келишикдаги шаклига бириккан: XIII—XIV асрлар: *меним учун, бизинг учун, сизинг учун* (ТФ, 44^б, 88^а, 90^б). *сенинг учун, меним учун* (КР, 8^б, 67^б). *меним учун, сенинг учун* (НФ, 202^а, 203^а). *сенинг учун* (ХШ, 34^б). *сенинг учун, сизинг учун* (Сайфи Саройи, 110^б, 68^б). XV—XVI асрлар: *сенинг учун* (Навойи МК, 168). *сенинг учун* (Амирий, 335^б) *бизинг учун* (БН, 79). *сизнинг учун* (ШН, 300). *сенинг учун* (ШН, 273). XVII—XIX асрлар: *сенинг учун* (Ш.тар., 72). *бизлар учун, сан учун* (Муқимий II, 100; Муқимий I, 170). *сен учун* (Фуркат I, 203). *бизинг учун* (М.ча., 156).

Тарихан ишлатилган *учун, -чун* кўмакчиси беш хил семантикани англатган: сабаб, мақсад, аталганлик, эваз, объект. Лекин биз материал тўплаган XVII—XIX асрлардаги манбаларда мақсад маъносини ифодалайдиган мисолларни учратмадик.

1. **Сабаб:** XIII—XIV асрлар: *Езуқи учун қийнамаз. айулар ким одаб учун ёрлиқады* (ТФ, 56^б, 29^а) *Йиғламоқ не учун теди. Олты қушны ўлтүрманг тебти бири кўк қарға қулауз учун* (КР, 67^б, 8^б). *Ануң учун анга сақлаб от қўйды* (УН, 23, 11). *Ҳалоклик бўлсун сенга бу сўз учун* (НФ, 9^б). *Кулар ушбу жаҳрн ул одамийдин//ким ул дунё учун ичғынса диниң* (ХШ, 50^{а, б}). *Узини олтун учун ўтқа ёқмас* (Сайфи Саройи, 72^{а, б}). XV—XVI асрлар: *Аның учун-му қиладурсыз фиғон* (Аҳмадий, 323^{а, б}). *Менинг учун чиндан қонлар оқыбтур* (Амирий, 331). *Ошиқлар маъшук қашина пайваста учун ўқурлар* (Яқиний, 319^а). *Улгали етти Отойи ул қад-у қомат учун. Уғирлиқ қилгон учун рангли лабингдин арғувон* (Отойи, 177, 136). *Солди йўқ қайғуға мени шакаристонинг учун* (Лутфий, 55^б). *Менинг учун мунигдек зор бўлган* (Лутфий ГН, 369). *Бай(аз)ға бармаған учун шаҳрат тутмади* (Навойи МН, 73). *Менинг таъбим турк алфозиға мулойим тушган учун таърифиди муболаға изҳор қылуур-мен* (Навойи МЛ, 24). *Бас, сенга маълум учун бўлды яқин фош қылма розни эй хўрда бин*

(Навоий ЛТ, 63). *Бир ботмон буғдой у ч у н бир хирмонни совурмоқдин алами йўқ* (Навоий МК, 23). *Бу мақсади у ч у н сочиб дирамлар* (Навоий ФШ, 32). *Шо ке бир сўз у ч у н тўқар қониқ* (Навоий, СС, 101). *Сени севган у ч у н жонни севарман* (ЛН, 126). *Қалин кишин қирған у ч у н алача дедилар* (БН, 14). *Барчасин туздунг аның ишқи у ч у н, элга кўргүздунг анинг ишқи ү ч ү н* (ШН, 25). XVII—XIX асрлар: *Халқ сенинг ү ч ү н қырылады* (Ш. тар., 72). *Қон ютарман рашкдин ёнингдаги аёр у ч у н* (Муқимий I, 171) *Ғараз дунё-у ч у н Исқандар-у Дороға бормасмиз* (Фуркат, I, 82). *Анварга бунчалик марҳамати у ч у н бироз шашиб қолса ҳам* (М.ча., 47). *Шунинг у ч у н кемалар жуда кўп ҳалокатга учрар эдилар* (Кук, 8).

Мақсад: XIII—XIV асрлар: *Ўз ёлғончиликни билқурмак у ч у н ўқиди* (ТФ, 146^а). *Ул бўри менинг Юсуфимни кўнгламак у ч у н ўлтурмиш* (ҚР, 47^б). *Ул Шомқа бориб турур эди тижорат у ч у н* (НФ, 30^б). *Юрур-мен йерда изни кўрмак у ч у н* (Навоий МН, 303^а). *Сен ўз фойданг у ч у н бир пандим ол ёр* (ХШ, 75). *Ризқ у ч у н жаҳд қил* (Сайфи Саройи, 172^б). XV—XVI асрлар: *Халқ жаҳон маскан у ч у н хок эрур* (Ахмадий, 325^б). *Турубтурлар өёқим ўпмак у ч у н* (Амирий 331). *Ҳимоят у ч у н ўзин чиришка боғлады* (Яқиний, 320^б). *Ёримни кўра турмоқ у ч у н умр тилармен* (Саккокий, 63). *Мен хастани бир олқиш у ч у н сўрғонингиздин сизга не зиён бўлғай...* (Отойи, 44). *Тўҳмат маъшуқлуқны ўзгага ёбмоқ у ч у н юз сори нар тўса олыб аъшиқни мойил қилди* (Лутфий, 14^б). *Гулни кўчирмак у ч у н хоқон элчилари келгани* (Лутфий ГН, 37). *Шаҳарга таҳсил у ч у н келибдур* (Навоий СС, 196). *Демак ҳар иш қилмоқ у ч у н пир керэк* (Ҳайдар, 486^а). *Бир-бириндин ўтмаганидин сўнгра бу фақир алиға муҳокама у ч у н келтуруб турурлар* (Навоий МЛ, 30). *Ҳар киши лаъби ясаб кулмак у ч у н/ишрат артыб хазон оксулмак у ч у н* (Навоий ЛТ, 54). *Қызыл йузлук қылуру ч у н бўйниға тиг сураулар* (Навоий МК, 54). *Алар кўнели у ч у н ўзин қилур банд* (Навоий ФШ, 167). *Қосимбек сиёсат у ч у н ики-учни пора-пора қилдурдилар* (БН, 49). *Барчасин туздиңг аның ишқи учун, элга кўргүздунг аның ишқи у ч у н* (ШН, 5^б). *Подшо ҳунар адоларни бир-бир от бирла Батуға ёри бермак у ч у н таъмин қилиб эдилар* (НН, 112).

3. Аталганлик: XIII—XIV асрлар: *Халқлар у ч у н бор анда мевалар* (ТФ, 64^б). *Кечалик у ч у н тақы қирқ минг олтуң харж болур эрди* (ҚР, 68^б). *Бу молни мен муҳтожлар у ч у н тутар-мен* (НФ, 63^б). *Ширин у ч у н қарши қўбартиб* (ХШ, 25^б). *Вокиф муҳтожлар у ч у н турур* (Сайфи Саройи, 56^а). XV—XVI асрлар: *Ой юзунгдур эҳсон ул таквим у ч у н равшан далил* (Лутфий, 42^а). *Бориб меҳмон у ч у н суфра кетурди* (Лутфий ГН, 397). *Босқон изинг тузини Отойи кўзи у ч у н истар, йўлингда шом-у саҳар интизорни бор* (Отойи, 88). *Азиз жонинг у ч у н жоно, даранг бирла этиб басни* (Саккокий, 53). *Бу қитъани алар у ч у н этти* (Навоий МН, 44). *Анча эрди ахи у ч у н бад ҳал* (Навоий СС, 91). *Ҳар нима ким тан тилаки юрт у ч у н* (Ҳайдар, 326^а). *Мулк хайли йеса ашким у ч у н рашк/тўқибон ул пари ҳар дев у ч у н ашк* (Навоий

ФШ, 19). *Сенинг учун сотқун олали* (Навойи МК, 168). *Масалани ғолибо Ахси Учун айтибтурлар* (БН, 6). *Сол учун бор қамиш ҳам бисёр* (ШН, 27^а). XVII—XIX асрлар: *Ул мадраса учун махсус табиб бор экан* (Фуркат II, 13^б). *Ҳар илм учун асбоб ва суратлар мавжуд экан* (Фуркат II, 129). *Маним-чун не бўлир бир нолаи имдод еткурсанг* (Мукимий I, 121). *Хусни хат машқи учун алоҳида хона айиради* (М.ча., 11). *Комсомол ўспирин ишчи ёшлар учун мактаб-қулуб тузиш ишига киришди* (Кмт, 5).

4. **Эваз:** XIII—XIV асрлар: *Неча ҳашаматли султон бўлса бўлсун, этмам мол учун мадҳ-у сано мен* (МН, 311^б). *Алимга кирса ул ганжи равоним, севинч учун берга-мен бу хон-у моним* (XIII, 21^а). *Икки дирам учун қўлун кескайлар* (Сайфи Саройи, 95^б). XV—XVI асрлар: *Тенгри учун бизнинг арамизда ҳакам бўлуб* (Якиний, 320^б). *Жонимни васл учун десам ол, эй қаро кўзум* (Отойи, 97). *Қоши учун жон берурам дўстлар* (Лутфий, 12^а). *Инжунин олсалар муфаррах учун* (Навойи МЛ, 2). *Жон бериб ёр муддаоси учун балки юз жон анинг ризоси учун* (Навойи СС, 60). *Беш кун ўтар дунё учун бир ўзи асраган валенеъматзодасини кўр қилди* (БН, 36). *Бир киши жони учун юз минг жон* (ШН, 130). XVII—XIX асрлар: *Танга учун сенга Асфихоннинг даруғалиқин бердим* (Ш. тар., 25). *Кичкина сурат учун олти ва ё тўрт сўм олинадур* (Фуркат II, 144). *Айбонам учун мирзо Анварга мен бошқа бир қиз топиб берай* (М.ча., 186).

5. **Объект:** XIII—XIV асрлар: *Мумин жони учун айтур ким жони чиқдуқ вақтда нишон қилур* (ТФ, 123^б). *Киши учун киши ҳеч ўлмиш йўқ* (XIII, 113^а). *Сен сақинма ким егай-мен қайғу ул дам жон учун* (Сайфи Саройи, 56^а). XV—XVI асрлар: *Сенинг учун айтибтурлар* (Амирий, 335^б). *Мен бир гадо-у мубтало бўлғум рақиб жаври била тангри учун додимни бер, эй ҳусн элининг довари* (Саккокий, 57). *Кечмайин Юсуф учун номус-у нанг-у оридин* (Отойи, 139). *Тош бағирлиқ ёр учун фарсуда булғон хок* (Лутфий, 30^а). *Куюб Булбул ичи Наврўз учун хор* (Лутфий ГН, 336). *Эъвоз-у икром қилғандин сўнгра йилда беш минг олгун ярмақ маош учун муқаррар қилдилар* (Навойи МН, 150). *Ҳеч қайси учун сарт тилида лафз ясалмайдулар* (Навойи МЛ, 8). *Ўзлари учун бир тилак тилар* (Навойи МК, 98). *Алар-чун шобҳасига топмайин дафэ* (Навойи ФШ, 128). *Ким не қилғай бу иш учун чора* (Навойи СС, 88). *Бўлмады шату-йу тура ҳожат чекмадилар анинг учун заҳмат* (ШН, 40^а). XVII—XIX асрлар: *Жон қасди учун турфа бало бўлди манга кўз* (Мунис, 137). *Қайрилиб бир боқмаса мен хастаи афкор учун* (Фуркат I, 151). *Гаплашиб инсоф қилди сан шакар гуфтор учун* (Мукимий I, 171). *Яна ўйлашмоқ учун олқишлар олишга йўл очилди* (Кук, 9). *Октябрь воқеалари комсомол учун бир тажриба бўлди* (Кмт, 58). *Учун, -чун қўмакчиси бошқа даврларга нисбатан XIII—XIV асрларда ниҳоятда кенг қўлланган. У бош келишиқдаги равиш, инкор олмоши, III шахс кишилиқ олмошлари, -ғу(ғу), -син аффиксли феъл*

формаларига бирикиб келган. Унинг бундай хусусиятлари бошқа даврларда учрамайди.

Бу кўмакчи ўзбек тили тарихининг ҳамма даврларида бош келишикдаги от, ҳаракат номи, сифатдошга бирикиб келган. Унинг бош келишикдаги ўзлик олмоши, сўроқ олмоши ва чиқиш келишигидаги отга бирикиб келиши XIII—XIV ва XV—XVI асрларга хос. Бош келишикдаги мавҳум отларга бирикиши эса XIII—XIV ва XVII—XIX асрларга хос хусусиятидир. Бош келишикдаги белгилаш олмошига бирикиши ҳам XVII—XIX асрларга хосдир. Шунингдек, *бу, шу* кўрсатиш олмошининг қаратқич келишигидаги шаклига бирикиши ҳам XVII—XIX асрлардаги грамматик хусусиятидир.

Учун -чун кўмакчиси XIII—XIX асрларда кишилик, кўрсатиш олмошининг қаратқич келишикдаги шаклига бирикаверган. Лекин XV—XVI асрларда эса III шахс кўпликни ифодаловчи *алар* кишилик олмошининг бош келишикдаги шаклига бирикади. Лекин XV—XVI асрларда *ан* кишилик олмошининг қаратқич келишиги шаклига бирикади.

XVII—XIX асрларда эса *бизлар* кишилик олмошининг бош келишикдаги шаклига, қолган кишилик олмошларининг қаратқич келишикдаги шаклига бирикади. Унинг грамматик маъно англатиши ҳамма даврларда бир хил бўлган. Бу кўмакчи ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам *учун -чун* шаклида ишлатилади. Унинг *-чун* шакли поэзияга хос. Бош келишикдаги от, *-ган* аффиксли сифатдош, *ш(-иш)*, *-моқ* аффиксли ҳаракат номи *ҳамма* белгилаш олмошига, *ким, нима, не* сўроқ олмошига бирикиб келади. Бош келишикдаги ўзлик олмошига бирикиб келганда у олмош, албатта, эгалик кўшимчасини олади. *Мен, сен, биз* кишилик олмошларининг бош ёки қаратқич келишигидаги шаклига бирикиб келади. *Бизнинг учун, не учун* каби ҳолатни поэзияда учратамиз, холос. *Бу, у, шу* кўрсатиш олмошларининг бош ёки қаратқич келишигидаги шаклига бирикаверади. Аслида бу олмошларнинг, асосан, қаратқич келишигидаги шаклига бирикади. Лекин кўплик сондаги кўрсатиш олмошларининг бош келишикдаги шаклига бирикади: *булар учун, улар учун, шулар учун*.

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам-*син* феъл формасидан кейин келади. Ҳозирги ўзбек тилида тўрт хил грамматик маъно англатади: сабаб, мақсад, аталганлик, эваз (126. 59, 67; 189. 545; 70. 303, 304). Бу кўмакчи ўзбек тили диалектларида *учун, -чун, чън, ичин* шаклларида қўлланиб, мақсад, аталганлик, сабаб маъноларини англатгани таъкидланади. (185. 225; 165. 173; 144. 159; 85. 226; 16. 130; 13. 119; 95. 224; 169. 375; 147. 196).

Ўзбек тилининг Жанубий Фарғона диалектида *учун, ъчун, йчун* шаклида қўлланиши қайд этилган (152. 173).

Учун кўмакчиси *-га* жўналиш келишиги аффиксига синоним бўлиши айтилади (60. 183). Бу фикрга қисман қўшилиш мумкин. Чунки *-га* жўналиш келишиги кўшимчасининг ҳамма грамматик хусусиятини *учун* кўмакчиси бажаравермайди.

Ўзбек тилининг баъзи шеваларида *учун* кўмакчисидан кейин *деб* равишдоши келиб, ўша *учун* кўмакчиси ифодалаган грамматик маънони қучайтиради (111. с. 260).

Ҳозирги козоқ тилида *ушин* шаклида қўлланиб, тушум келишиги кўшимчасидан кейин келиб, рус тилидаги *для, ради, за, из-за, на* предлогларига синоним бўлади, сабаб маъносини англатади (63. 86).

Туркий тилларнинг кўпчилигида бу кўмакчи, асосан, икки хил шаклда учрайди: *учун* шакли ўзбек, қумик, қирғиз, туркман, уйғур, хакас, шор, караим каби тилларда учраса, *ушин* шакли козоқ, қорақалпоқ, ногай тилларида учрайди. Бундан ташқари, *ичин, ичун, ушун, учан* шакллари ҳам қўлланади. *Ичин* гагауз, турк тилида, *эжин* караим, гал тилида, *ичун* ктат., *ушун* башқирт, *учан* татар тилларида учрайди (80. 26). Шундан маълумки, ўзбек тили диалектларида учрайдиган *ичин, ичун* каби шакллари айрим туркий тилларда ҳозир ҳам мавжуд экан.

Ўзбек тилидаги *учун* кўмакчисининг *-чун* шакли ҳозирги чуваш тилида сабаб-мақсад келишигининг кўшимчаси *шан//шан* аффиксига тенг келади. *-шан//шан//шан* аффикси эса қаратқич келишигидаги кишилиқ олмошларига бирикади (80. 25, 26). Ҳатто *-жан, -жен* (для) кўмакчиси аффиксдек қўшилиб ёзилади (132. 890). Чуваш тилидаги *-шан(шен)* кўмакчи-аффиксга ўтгани учун ҳам сингармонизмга, урғуга бўйсунди (133, 127).

Ҳозирги туркман тилида *учун* шаклида қўлланиб, сабаб, мақсад, қарашлиқ, аталганлик маъноларини англатади (60. 407). Унинг *-чун* шакли кейин пайдо бўлган.

У озарбайжон тилида мустақил сўз ва кўмакчи бўлган. Лекин ўзбек тилида ҳамма вақт кўмакчи бўлган. У, асосан, бош келишикдаги отга бириккан. Лекин чиқиш келишигидаги отга бириқиш хусусияти ҳам учрайди. Шунингдек, ҳозирги козоқ тилида тушум келишигидан кейин келоллади.

Кишилиқ, кўрсатиш олмошларининг қаратқич келишигидаги шаклига қўшилиши тарихан актив бўлган. Ҳозирги ўзбек тилида кишилиқ-кўрсатиш олмошларининг бош келишикдаги шаклига бириқиши активлашган. Натижада, унинг грамматик қўлланиши такомиллашган. Тарихан англатган маъноси билан ҳозирги ўзбек тилидаги маъносида тафовут деярли йўқ.

Ўзбек тили шеваларида ҳам, асосан, *учун, -чун* шаклида бўлган. Лекин қатор туркий тилларда ҳар хил шаклга эга бўлиб, ҳатто аффикс даражасига ўтган.

К а б и кўмакчиси. Бу кўмакчи ўзбек тили тарихида *каби, киби, кибин, кибиқ, бикин* (129.) шаклларида қўлланган. Кўмакчи таркибидаги *а* унлисининг и унлисига ўтиши энг қадимги туркий тилларга хос бўлган диалектларнинг бирортасида бўлганлиги тахмин қилинади ва бундай фонетик ҳодисанинг тува, ёқут тилларида ҳозир ҳам учраб туриши қайд этилади (179. 145). «Хусрав ва Ширин», «Муҳаббатнома» асарларида *каби, кабин* формалари параллель қўлланган (156. 573).

Ҳозирги ўзбек тилида *каби* шаклида қўлланган бу кўмакчи XVII—XIX асрларда туркман тилида *кими*//*киби* формаларида ишлатилган (50. 406).

Турк тилида *гиби* (41. 22). Қараим, татар тилларида *кибик*, *кебек* (93. 319; 51. 59; 138. 316), кумик тилида *йимик* шаклида қўлланади. Кумик тилидаги *йимик* кўмакчиси туркий тиллардаги *кимик*//*кибик* формаларида келиб чиққани фараз қилинади (512. 319).

Ўзбек тили шеваларида *каби* кўмакчиси ишлатилмайди. Балки у *дастури*, *сънъэ:ръ*, *сънъэ:рън*, *қатаръ*, *тенъэ* шаклларида Тошкент, Наманган, Фарғона шеваларида учрайди. Шунингдек, ўзбек адабий тилидаги *каби* кўмакчиси ўрнида ўзбек тили шеваларида *доғ*//*-дэ*, *дэй*//*дэк*, *-дай-таг*, *глай*, *-лай*//*-тай* аффикслари ишлатилади. Хоразм тип шеваларда *дъйы*//*дъйн*, *дайън* аффикслари қўлланади.

Ўзбек тили шеваларида солиштириш, ўхшатиш ва тўдадан бўлақни ажратиш учун *-дэк* аффиксига *-чикин* формаси бирикиб *дэкчикин* *дэчикин* мураккаб аффикслари яратилади (185, 225, 226).

Каби кўмакчиси этимологиясига кўра отларга мансуб бўлиб, (177. 190, 193) морфологик таркибига кўра: *каб*, *кеб*, *киб* форма, модель маъносидан: *и* учинчи шахс эгалик кўшимчасидан (72. 18; 69. 319) иборатдир. Маълумки, *каби* аслида мустақил сўз бўлиб, кейин кўмакчига ўтган.

Каби тарихан мустақил сўз сифатида икки хил маъно англатган: 1) форма, шакл; 2) ўхшаш. Унинг *форма*, *шакл* маъноси XI-XIV асрлардаги ёзма манбаларда учрайди: *Керпич кеби* (асбоб). (М. Кошғарий). *Кўнгулсиз кишилар қуруғ кеп бўлаур* (Қутадғу билиг) (55. 299).

Каби тарихан мустақил сўз сифатида ўхшаш деган маънони ифодалаганини олимларимиз эътироф этишган. Масалан, М. Кошғарий *кеби* ўғузча бўлиб, ўхшаш деган маънони англатганини айтган: *Бу эр анинг киби* (87. 111-131). Шунингдек, А.Қ. Боровков ҳам *кеби* тарихан қандай, *ўхшаш* деган маъноларда қўлланганини таъкидлайди (41. 168). Ҳақиқатдан ҳам *киби* XIII-XIV асрларда ўхшаш деган маънони ифодалайди: *Неча сенинг кибилар бу дард била мубтало бўлуб турурлар* (Сайфи Саройи, 14^а). Бу мисолда *кабилар кўмакчиси* даги *-лар* сон категориясининг аффикси бўлиб, бу кўмакчи этимологиясига кўра от туркумига хослигини билдиради. *Сенинг кабилар* кўмакчили конструкция аслида *сенинг каби кишилар* шаклида бўлиши керак эди. Лекин *сенинг* олмошидан *киши*, *шахс* лексик маънолар англашилиб туриши сабабли бу конструкцияда *киши* сўзи ортикча бўлган. Натижада унга бирикиб келган *-лар* аффикси *каби* кўмакчиси га бирикиб, *киши* сўзи тушиб қолган.

Каби ҳозирги чуваш тилида мустақил сўз ва кўмакчи сифатида ишлатилади. У мустақил сўз бўлганида *кепе* шаклида *кўйнак* деган лексик маънони билдиради. Лекин фақат *кепе* шаклида ишлатила бермайди. Ойрот, шор тилларида *кеп* хакас тилида *кип*, тува тилида *хеп* шаклларида қўлланиб, уст-бош, кийим, ички, ташқи кўйнаклар деган маънода мустақил сўз сифатида ишлатилади. Лекин чуваш тилидаги *кепе* ифода қилинганда *кебе* бўлади (58. 7,14).

Кебе кўмакчиси чуваш тилида *рек* (*пек*) шаклида бўлиб, «как, по-

добно», деган маъноларни англатади. Чуваш тили диалектларида эса *кер, кап, рак, кар* шаклларида «образ», «выкройка» маъноларини ифодалайди. Ўзбек тилида *кави* (каби), туркман тилида *киви, кимин* (*киби, кимин*); караим, к. бал. тилида *кивик*, ктат тилида *киви* (*киби*), татар тилида *кавак* (*кабак*), кумик тилида *йимик* (емик), башқирт тилида *кавак* (кавак), гагауз тилида *гиби* (гиби), озарбайжон тилида *кими* (кими) шаклида ишлатилади (80.117).

Маълумки, бу кўмакчининг чуваш тилида *пек* шаклида келиши ўзбек тили тарихининг XV-XVI асрларда ишлатилган *бикин* кўмакчисининг яратилишида *бик* (*пек*) асос бўлганини исботлайди. У *бик* (*пек*) ўзагига-ин кадимги курул-восита келишиги кўшимчасининг бирикишидан яратилган: *бик-ин-бикин: уд бикин* (Аҳмадий, 3236).

XV-XVI асрларда бу кўмакчига синоним сифатида-*дек* аффикси ишлатилган. Озарбайжон тилининг тарихига оид асарларда *кими* шакли учрайди (57, 116). Ўзбек тилининг тарихига оид айрим ёзма ёдгорликлардагина *кибик* шакли ишлатилган (61. 20; 20. 21).

Бу кўмакчининг *каби* шакли ўзбек тилининг ҳамма даврларида қўлланган. XIII-XIV асрлар: *ўқ каби* (ХШ 42а); XV-XVI асрлар: *булбул каби* (Навоий МА, 31), *мен каби* (Аҳмадий, 3236); XVII-XIX асрлар: *юлдуз каби* (Муқимий I, 89). *Бумбай каби* (Фурқат, II, 116).

Кабин, кибин шакли XIII-XIV асрлардаги ёзма ёдгорликларда учрайди: *ул кабин* (ХШ, 91а). *Мунунг кибин* (Сайфи Саройи, 45а).

Бикин шакли XV-XVI асрларда қўлланган: *уд бикин* (Аҳмадий, 3236).

Киб шакли эса XV—XVI ва XVII—XIX асрларда ишлатилган: XV—XVI асрлар: *сен киб* (Мухтасар, 616). XVII—XIX асрларда қўлланган *киби* кўмакчиси факат Муниснинг асарларида учрайди: *мен киб* (Мунис, 285). Бу кўмакчи XV—XVI асрларда *-дек* ўхшатиш аффиксига синоним сифатида қўлланган: *Гоҳи гулдек юзини ул шакар сўзлукни исласам // гоҳи шакар киб* *ул юзи гулининг лағлидин тотсам* (Бобир, 296). *Қани сен киб* *саркаш қани менигдек уфтода* (Мухтасар, 616). Бу кўмакчи ўзбек тилининг ҳамма тарихий даврларида бош келишиқдаги отга бирикади. XIII—XIX асрлар: *юнг каби, қуланлар каби* (ТФ, 141б, 1186). *Ўқ каби* (ХШ, 42а). *фил каби* (Сайфи Саройи, 39а). XV—XVI асрлар: *Юсуф киб* (Отойи, 31). *булбул каби* (Навоий МА, 31). *кўнглум киб* (Бобир, 26). *Жаннат киб* (Мухтасар, 396). *кийик киб* (БН, 248). XVII—XIX асрлар: *қозон каби* (Ш. тар., 66), *юлдуз каби* (Муқимий I, 89), *қумри каби* (Фурқат I, 184), *Бўмабай каби* (Фурқат II, 116), *тил киб* (Мунис, 179).

XIII—XIV асрларда кўплик сондаги *анлар* кишилик-кўрсатиш олмошининг бош келишиқдаги шаклига бириккан бўлса, XV—XVI асрларда *мен* кишилик олмошининг бош келишиқдаги шаклига бириккан. XVII—XIX асрларда эса *мен, сен* кишилик олмошининг бош келишиқдаги шаклига бириккан: *анлар каби* (ТФ, 826, 83а). *Мен киб* (Навоий, МА, 32). *Мен киб* (Бобир, 6а), *мен киб* (Мухтасар, 32). *Ман каби* (Муқимий I, 173). *Мен каби* (Фурқат II, 69). *Мен киб* (Мунис, 285). *Сан каби* (Муқимий I,

266). *Сан киби* (Муқимий I, 305). *Сен каби* (Фуркат I, 81). *Сен киби* (Мунис, 145). XV—XVI асрларда *сен* кишилик олмошининг бош ва қаратқич келишигидаги шаклига бирикаверган: *сен киби*, *сенинг киби* (Мухтасар, 616, 53а).

XIII—XIV ва XVII—XIX асрларда бош келишикдаги сифатдошларга бириккан: *айтқанинг каби* (Сайфи Саройи, 276). *Тушган каби* (Муқимий I, 194), *чиққон каби* (Фуркат I, 168), *боққан киби* (Мунис, 305). *Очилғон киби* (Мунис, 289). Бу кўмакчи XIII—XIV асрларда кенг қўлланиб, бош келишикдаги кўрсатиш олмоши, *-дук* аффиксли ҳаракат номи, *ўзга* сифатига бирикиб келган: *бу каби* (ҚР, 1176), *ул кабин* (XIII, 91а), *кулдуки каби* (ТФ, 128а, 127), *ўзгалар каби* (Сайфи Саройи, 736).

XIII—XIV асрларда *сиз*, *мен* ва III шахс бирликни кўрсатувчи кишилик-кўрсатиш олмошининг *ан* шаклларига қаратқич келишиги кўшимчасидан кейин бирикади: *сизинг каби* (ТФ, 70а), *меним каби* (Сайфи Саройи, 916), *аниңг каби* (ТФ 676), *анинг каби* (Сайфи Саройи, 68а).

*Каб*и кўмакчиси ва унинг ҳамма фонетик вариантлари ўзининг бутун тараққиёти даврида чоғиштириш маъносини англатган. Чоғиштириш маъноси эса киёслаш, ўхшатиш оттенкаларига эга бўлган.

а) Ўхшатиш маъносини ифодалаганда чоғиштирилаётган предмет, шахс, ҳолат, ҳаракат бошқа бир предмет, шахс, ҳаракат, ҳолатга тенглаштирилади: XIII—XIV асрлар: Эшитурулар анинг унини *ешак уни каби* (ТФ, 97а). *Чиз көрөр хатун киши киби* (ҚР, 1376). *Сычқан кэби тишлэри бар* (ҚР, 1376). *Чатыб йа-тэк қалын оқ кэби сөзлэб* (XIII, 42а). *Ўғлон эсрук фил каби майдона кириб* (Сайфи Саройи, 39а). XV—XVI асрлар: *Булбул каби ҳажрида ишим нола-у фарёд* (Навойи МА, 31). *Тоққа чиқтуқ хазарани қувлаб, қийр-у кўлда кийик киби овлаб* (БН, 248). *Бобир ул гул кўйида булбул киби тобтиң мақом* (Бобир, 5а). *Умиди висолингдин гар бўлмаса эй ой, ҳажринг алами ичра юз мен киби ўлгай* (Мухтасар, 406). Хордин *гул киби терди барини* (ШН, 406). XVII—XIX асрлар: *Қозон каби кўк осмондин эниб келди* (Ш. тар, 66). *Нола айларман кўнгиллар най каби афгор учун* (Муқимий I, 171). *Қилса саҳрони ватан Мажнун каби Фурқат нетонг* (Фуркат I, 88). *Эй сарв киби қадди камолинг на бало хуб* (Мунис, 322).

б) Бу кўмакчи киёслаш маъносини билдирганда чоғиштирилаётган предметларнинг бирортасида белгининг ортиқлиги ифодаланеди: *Дунёда аниңг азоби каби азоб йўнмағай* (ТФ, 65а). *Менда изгалар каби фозил ва одоб йўқтурур* (Сайфи Саройи, 73). XV—XVI асрлар: *Ишқ ичра қани мен киби зир-у забар ўлган* (Навойи МА, 32). *Қилмади Фарҳод-у Мажнун сени расво мен киби* (Бобир, 66). *Сен киби жафақар қилмади киши зар* (Мухтасар, 406). *Жаҳонда сениңг киби бор башар аро* (Мухтасар, 53а). *Ўзга хонлар киби мажлис қурмас* (ШН, 126). XVII—XIX асрлар: *Боғ аро ҳам сен каби сарви хиромон бормукин*

(Муқимий I, 157). *Мен к а б и шўридаға қаҳру итоб* (Фурқат I, 50). *Эмас хўб зулфинг киби сунбули* (Мунис, 87).

Бу кўмакчи кейинги даврларга нисбатан XIII-XIV асрларда кенг-роқ қўлланган. Масалан, бош келишикдаги от, ҳаракат номи, сифатдош, *анлар* кишилик олмошига бириккан. Лекин қаратқич келишигидаги *мен, сен, ан* кишилик олмошларига бирикиши кейинги даврларда учрамайди. XV-XVI асрларда эса *сен* кишилик олмошининг бош ва қаратқич келишигидаги шаклига бирикаверган.

XVII—XIX асрларда эса от, сифатдош, *мен, сен* кишилик олмошларининг бош келишикдаги шаклларига бирикаверган. XIII—XIV ва XV-XVI асрларда айрим қаратқич келишигидаги отларга бирикиши унинг аслида от туркумидан келиб чиққанини билдирувчи грамматик хусусияти бўлиб, XVII-XIX асрларда фақат бош келишикдаги отларга бирикиши унинг батамом ёрдамчи сўзлар группасига ўтганининг белгисидир.

Ҳозирги ўзбек тилида эса у фақат соф кўмакчи сифатидагина қўлланади. Шунингдек, фақат бош келишикдаги отларга бирикади. Баъзан *шу* кўрсатиш олмошининг қаратқич келишигидаги шаклига бирикади. Бу кўмакчи ўзининг тараққиёти даврида биргина маънони (чоғиштириш маъносини) ифодалаган. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам худди *шу* маънони англатиш хусусиятини сақлаб қолган (125, 67, 71) *у-ган* аффиксли сифатдош билан келганда ҳолат маъносини ҳам англатади (70. 304, 305).

Ҳозирги ўзбек тилида ўхшатиш, солиштириш, қиёслаш маъноларини англатди. Унга *мисол, мисоли* сўзлари синоним бўлиши мумкин. Сифатдош ва модал сўзлар билан келганда ишонмаслик, гумон маъноларини ҳам ифодалайди. Вақт билдирувчи сўзлар билан келганда доимий ўхшашлик, мунтазамлик маъносини билдиради (189. 545, 546).

Бу кўмакчи *кимин, киби* шаклларида қўллангани ва худди шу грамматик функцияни *дек//дей//тек// дейин* бажариши ҳозирги туркман тили грамматикаларида қайд этилади. Шунингдек, *кимин, дек//дай* ҳозирги туркман тилида баъзан ишлатилиб, *киби, тек, дейин* архаиклашиб, фақат XVII-XIX асрлардаги бадиий адабий асарлардагина учрайди.

Бу кўмакчи ўрнида ҳозирги туркман тилида *ялы* кўмакчиси қўлланади.

Туркман тилида қўлланган *кимин//киби, дек//дей/тек, дейин*лар қиёслаш, чоғиштириш маъноларини англатганлар (50. С. 405, 40).

Бу кўмакчи козоқ тилида учрамайди. Бунинг функциясини *сыяқты, секилди, таризиди* кўмакчилари бажаради (63. С. 87).

Ара кўмакчиси ва унинг фонетик вариантлари.

Бу кўмакчилар этимологиясига кўра *ара* сўзига тааллуқлидир. *Ара* иккита лексик маъно англатади: 1. *Ара* феъл туркумига мансуб бўлиб, *ар* феълнинг равишдош формасидир (70. С. 318). 2. *Ара* от туркумига хос бўлиб, қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида равишга яқинлашаётган от бўлган (102. С. 41:67. С. 50).

Қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида *ара* оти ўрин анг-

латган ва соф кўмакчи сифатида ишлатилган (55. С. 501₂).

Бу ҳар икки манбада *ара* кўмакчисининг қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларидаги хусусияти ҳақида фикр юритилиб, *ара* от туркумига хос экани тасдиқланади. *Ара* отининг соф кўмакчи функциясида ишлатилиши унинг от туркумидан узоқлашиб, равишга яқинлашишидан далолат беради.

Қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида *арала*, *арасы*, *арада* шаклларида кўмакчилар бўлган.

Арасы кўмакчиси *ара* отига III шахс бирликни ифодалайдиган эгалик қўшимчасининг бирикишидан пайдо бўлган.

Арада кўмакчиси эса *ара* отига-да ўрин-пайт келишиги қўшимчасининг бирикишидан ҳосил бўлган.

Арала кўмакчисининг яратилиши ҳақида шуни айтиш керакки, у даврда-ла аффикси ҳар хил грамматик вазифани бажарган. Шунинг учун ҳам *ара* отига-ла қўшилиб, *арала* феълини ясаган ва қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида *арала* феъли ишлатилган. Шунингдек, ўша даврда ўрин келишкни ифодалайдиган қўшимчалардан бири-ла бўлган. Бундай ҳолатда *арала* кўмакчи функциясида бўлиб, *арада* кўмакчиси XIII-XIV асрлардан бошлаб ишлатилган. Шундан ҳам маълумки, *арала* кўмакчиси от сўз туркумига мансубдир.

Арасынта, *араларынта*, *арасынға*, *арасындын* от кўмакчилари ҳам этимологиясига кўра *ара* отига тааллуқлидир (булар кейинги ишларимизда алоҳида ёритилади).

Арала қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида ва XI асрларгача бўлган даврларда кўмакчи функциясида қўлланган. Лекин кейинги даврларда учрамайди. *Арала* қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида ҳар хил лексик маъно ифодалаган: 1. Ўринни билдирадиган от бўлган. 2. Предметлар орасидан ўтмоқни билдириб, феъл бўлган. 3. Икки киши орасига тушмоқ, уларни келиштириб, яраштириб қўймоқ каби маъноларни ифодалаган (55. 502).

Худди шу кейинги хусусияти Урганч, Хива, Ҳазорасп шеваларида *араламоқ*-яраштирмақ, орага тушмоқ, восита бўлмоқ маъносида ҳозир ҳам ишлатилади (185. 19).

Арала ўрин ифодалашига кўра қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида *ара* кўмакчиси билан параллель қўлланган (55. 50).

Ара, *арала* XI аср ёзма ёдгорликларида *отра* кўмакчисига синоним бўлган (8. 42. 43).

Арада кўмакчиси ўзбек тили тарихида ниҳоятда кам ишлатилган. У XIII-XIV асрлардан бошлаб қўлланади. *Арада* кўмакчиси этимологиясига кўра такрорланиб келувчи *арата-арата* мустақил сўзига тааллуқлидир. *Арата-арата* эса вақти-вақти билан деган маънода пайт ифодалаган (55. 50).

XIII—XIV асрларда ишлатилган *арада* кўмакчиси НФ да учрайди. У бош келишикдаги *бу* кўрсатиш олмошига бирикиб, пайт ифодалайди: *Бу арада бир тиши увуқ келди* (НФ, 148а). *Бу арада мэн сокол болдум* (НФ, 2086).

XV—XVI асрларда қўлланган *арада* кўмакчиси бош келишикдаги

ол кўрсатиш олмошига бирикиб, пайт ифодалайди; *Чун бу сўз ул арада табты қарор* (ШН, 1006).

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида бош келишиқдаги кўрсатиш олмошларига, бирикади ва ўрин, пайт маъноларини ифодалайди: 1. **Ўрин:** Анингдек паҳлавон йўқ бу арода (Фурқат II, 36). 2. **Пайт:** *Шул арода бетоброғ бўлиб, хатга фурсат бўлмай, сизнинг хатингизни жавобига жавоб қайтара олмай хижолатда ва шармисор эдим* (Муқимий II, 141). *Бу арода неча марта ул устодимга озодлиғ келтурдим* (Фурқат II, 133). *Бу арода ўзимга лойиқ ишларга машғул бўлдим* (Фурқат II, 126).

Арада кўмакчисининг қўлланишида ўзгариш бўлмаса ҳам, унинг маъно англатиши кейинги даврда кенгайган.

Хозирги ўзбек тилида *шу орада, тез орада, орада* шаклларида қўлланиб, равиш бўлади.

Тарихан қўлланган *арада* кўмакчиси ўрнида *орасида, орасидан, орасига* от кўмакчилари қўлланади (125. 116,117).

Араси кўмакчиси XIII—XIV асрларда ишлатилиб, XIII да учрайди. У бош келишиқдаги отга бирикиб, ўрин англатади: *Не бор йўқлик била борлиқ араси* (XIII, 1056).

XV—XVI асрларда қўлланган *арасы* кўмакчиси Отойи асарида, БН, ШНда ишлатилган. У бош келишиқдаги отга бирикиб, ўрин, пайт маъноларини ифодалаган: 1. **Ўрин:** *Кечва била Чандари араси чангаллиқ ер воқе бўлубтур* (БН, 43). 2. **Пайт:** *Кўз ёшида ғарқ айлар ҳар дам араси бизни* (Отойи, 167).

XX аср бошларида *ароси/ораси* шаклларида қўлланиб, бош келишиқдаги отга бирикади ва ўрин, пайт маъноларини ифодалайди: 1. **Ўрин:** *Манглайини қошир экан, бармоқ ораси Султанали мирзонинг юзидан бир нарса ўқишга тиришар эди* (М. ча., 171). 2. **Пайт маъносини ифодалаши:** *Анвар кулги ораси ташқарига чиқди...* (М. ча., 175).

Ораси кўмакчиси хозирги ўзбек тилида ўзи бирикиб келаётган от билан турғун бирикмани яратади. У *сўз ораси* каби бирикманинг равишга ўтишига сабаб бўлади (125. 116).

XIII—XIV асрларда қўлланган *ара* кўмакчиси бош келишиқдаги отга, отлашган сонга, бош ва қараткич келишигидаги кишилик олмошига бириккан: *Уғлонлари аро, жуфт аро, икки аро* (ТФ, 88а, 246, 36). *Хотунлар аро, халойиқ аро* (НФ, 97а, 90а). *Хулд аро, чаман аро* (МН, 301а, 2986). *Эзгу аро, тоғлар аро* (XIII, 876, 266). *Жаҳиллар аро, халқ аро* (Сайфи Саройи, 170а, 176а, *Бизинг аро, анлар аро* (ТФ, 84а, 56). *Сизинг аро, анлар аро* (ҚР, 306, 101а). *Анлар аро* (XIII, 25а, 75а).

Бу кўмакчи XIII—XIV асрларда қуйидаги грамматик маъноларни ифодалаган: 1. **Ўрин:** *Оқитимиз анлар икки аро ариқлар* (ТФ, 36). *Эв барқ жуфт аро мувофиқлик пайдо бўлғай* (ТФ, 88а). *Фиръаун халқ аро ўфтанди не қилғусин билмади* (ҚР, 886). *Халқ аро ортуқ бағирсақ эрди* (ҚР, 31а). *Бу хотунлар аро адл қилу билса* (НФ, 90а). *Нечук ким кезди йолғуз тоғлар аро, йама чимган чечаклар, боғлар*

аро (ХШ, 128а), *Не эзгу не ёмон ким халқ аро бор* (ХШ, 46). *Эшитиб тутмаса ҳар ким насиҳат бўлур ул халқ аро доим фазихат* (Сайфи Саройи, 1756). *Бас урғайлар мунлар аро ҳисор* (ТФ, 74а). 2. **Кўмакчили бирикма предметнинг белгисини ифодалайди.** *Ани кўруб йигитли қизли аро тафовут бекинди* (ҚР, 1326).

XV—XVI асрларга келиб аро кўмакчисининг қўлланиши такомиллашган. Натижада, фақат бош келишидаги отларгагина бирика бошлаган. Лекин маъно англатиши анча кенгайган, яъни ҳолат, пайт, сабаб, объект, восита каби қатор маъноларни англата бошлаган: 1. **Иш-ҳаракатнинг ижро этилаётган ўрнини билдиради:** *Бўлди халойиқ аро машҳур отим* (Аҳмадий, 3236). *Масалдур эл а ро гарди ва марди* (Амирий, 332). *Яна муаллифки, ушшоқ аро муҳаббат ўқина нишона бўлур* (Яқиний, 320а). *Хусн ичра қусурун билибон то дами маъшар. яшунди юзунг хижлатидин жаннат а ро ҳур* (Отойи, 11). *Бўйун-тэк бутмади бўстон аро сарви равон, эй жон* (Саккокий, 9). *Эй юзунг олида хижил ҳусн эди Рум-у Чин аро* (Лутфий, 26). *Тез қилични элга ол тутмағил ани қин аро* (Лутфий, 26). *Туфроқ аро хасам баасу хорлиғ* (Навоий МН, 82). *Етти йил бир тоғ аро қилди макон* (Навоий ЛТ, 128). *Яшунди дуд аро олам фазоси* (Навоий ФШ, 69). *Яшил айвон аро мақом этти* (Навоий СС, 109). *Қолди ғарибликда бу душмон аро* (Ҳайдар, 54). *Чун боғбон чаман аро ризо-у ихтиёри биладур* (Навоий МК, 89). *Ханжари кўкрак аро кирғучидур* (ШН, 40). *Бақа Тархон Яшунуб қалъа аро чиқора олмади бошин асло* (ШН, 74). *Сенинг каби жаҳонда башар аро қачон бор* (Мухтасар, 516). *Даҳр аро чун йўқ киши сендин менга ғамхўрроқ* (Бобир, 86). 2. **Иш-ҳаракатнинг горизонтал йўналишига кўра ўрнини билдиради:** *Эрур дарё аро беш кунчалик йўл* (Навоий ФШ, 94). 3. **Ҳолатни ифодалайди:** *Очти Маъсуд кўз малолат аро* (Навоий СС, 136). *Водийи ҳайрат аро саргардон мен* (Мухтасар, 556). *Фироқ аро мени қўйиди-ю кетар маҳал хабар этмади* (Мухтасар, 68а). 4. **Пайтни билдиради:** *Сена бўлмыш соғар аро манзур* (Навоий СС, 47). *Ҳам такаллум узалди нағма аро//бу янглиғ айлади ҳангома аро* (Навоий ФШ, 58). *Хон бу сўзни дегач ул ҳолат аро, бордилар беклар ўшўл соат аро* (ШН, 281). 5. **Сабабни билдиради:** *Ишқ аро мен зор ўлуб Фарҳоди Мажнун тўхмати* (Навоий МН, 247). *Ишқ аро ҳеч ким мениңгдек зору шайдо бўлмасун* (Навоий МН, 288). *Ажаб беҳуш ўлуб мен ишқ аро бил* (Навоий ФШ, 114). *Тўйдилар ул фироқ аро жондин* (Навоий СС, 85). *Ишқ аро Бобир каби расво-ю олам бўлмасун* (Бобир, 26а). *Тарк номус айлабон бадном бўлғил ишқ аро* (Бобир, 26а). *Тарк номус айлабон бадном бўлғил ишқ аро* (Бобир, 5а). *Шоҳ ўлуб ҳамдам-у ҳамроз анга барча иш куч аро ҳамсоз анга* (ШН, 166). 6. **Объектни ифодалайди:** *Ишқ аро дард-у балодин ўзга йўқ, зулм-у жафодин ўзга йўқ* (Навоий ЛТ, 93). *неча ул ҳол аро қилди тафкир* (Навоий СС, 115). *Барча фазл-у ҳунар аро моҳир* (Навоий

СС, 110). *Ҳам латофат аро масал қилди* (Навойи СС, 11).
7. **Восита:** *Қайсини ҳусн ила Фарҳод эттинг қайсини ишқ аро шайдо қилдинг* (ШН, 26).

XVII—XVIII асрларда яратилган манбаларда *ара* кўмакчисига мисоллар кам учрайди. Бу даврга оид асарлардан, асосан, «Ш. тар.»да *арасинда* шаклида учрайди. У қараткич келишигидаги отга бирикиб, иш-ҳаракатнинг ижро этилиш ўрнини билдиради: *Ул икки сувнинг арасинда неча кун туриб...* (Ш. тар., 18). *Итил бирлан Тин сувининг арасинда...* (Ш. тар., 20). *Бу икки элнинг арасинда душманлык бор* (Ш. тар., 41). (*Арасинда* кўмакчиси «Функционал кўмакчилар» бўлимида алоҳида ёритилади).

XIX асрнинг бошларида қўлланган *аро* кўмакчиси бош келишиқдаги отга бириккан. Лекин унинг грамматик маъно англатиши такомиллашиб, комитатив маъно ҳам англата бошлаган.

Бу даврда *аро* кўмакчисининг англатган маънолари қуйидагича бўлган: 1. **Урин:** *Тоғ-у биёбан аро чаман ошкор* (Мунис, 30). *Боғ аро, жоно, ўшал ким жилва бунёд айладинг* (Муқимий I, 69). *Укомиз Эрмуҳаммад Сим ара тилмоч ўлуб эрмиш* (Фурқат II, 119). *Ногохон бир боғ аро тушти гузорим бир кун* (Фурқат II, 116).

2. **Сабаб:** *Телбараб, кўюнг аро ҳар ён югурсам тонг эмас* (Мунис, 209). *Нолаларким мен чекармен дам-бадам қўйинг аро* (Мунис, 55). *Васл аро масти нигоҳ эрди* (Муқимий I, 77). *Дилбаро, токайғача, ҳажринг аро расво бўлай* (Фурқат I, 112).

3. **Ҳолат:** *Ҳужум айлади андуҳу ғам ара* (Муқимий I, 256). *Кўзларим ҳайрат аро йинавор андин бери* (Фурқат I, 102). 4. **Пайт:** *Базм аро, жоно, висолинг бода ўрнига ўтар* (Муқимий I, 65). *Соқиё, май тутки бу даврон аро* (Фурқат I, 50). *Эй мени ғурбат аро маҳзун дилимни овлаган* (Фурқат II, 117).

5. **Восита:** *Жонимни рашк ўти аро ўртар исирғаси* (Мунис, 92). *Ўртаниб куймасун ашуфта кўнгул ғайрат аро* (Мунис, 78). *Васли аро гар ўлдурур, жонимға юз мининг шукр эрур* (Муқимий I, 286). *Эл ичида ҳусн аро султонливин машҳур этиб* (Фурқат, II, 66).

6. **Объект:** *Нега ҳусн аро Юсуф ўхшасин сенга, жоно* (Фурқат I, 68). *Ўхшамассан ҳусн аро инсона, айлансун қулинг* (Фурқат I, 78). *Менинг мактаб аро булдур муродим, хатимдек чиқса имлау саводим* (Фурқат II, 135). 7. **Комитатив:** *Шунинг устида катта бойликлар олиб чиқиш манбаи бўлган денгиз орасидаги мамлакатлар учун ўзаро урушқон Испания ва португалияликлар тапқан ерларини бир-бирларидан яширар эдилар* (Қук, 10).

Аро кўмакчиси ҳозирги ўзбек тилида бош келишиқдаги отларга бирикади. Лекин ниҳоятда кам қўлланади. Шунинг учун унинг маъно англатиши ҳам чегараланган бўлиб, ўрин, пайт, объект, сабаб-восита маъноларини ифодалайди: 1. **Урин:** *Яна шеърый сатрлар аро, эгиламан, тонггача бедор* (ШТ). 2. **Пайт:** *Талпинаман бу айём аро, бундай дамда маҳлиё кўзим* (ББ). 3. **Объект:** *Атгестациядан ўтказиш соҳалар аро умумдават характерини касб этади* («Сов. Ўзб.»). 4. **Сабаб-восита:** *Бир куй келди кўнглим*

а ро, тўлиб тошган куйлар а ро, кўкни тутган бўйлар а ро, қизиб кетган тўйлар а ро, таассуфга тоқатсизман (ТИ).

Ҳозирги ўзбек тилидаги *аро* кўмакчиси, асосан, поэзияда сақланиб қолган. Прозада кўпинча *ўзаро, халқаро* каби бирикмали ҳолатда учрайди.

Ҳозирги ўзбек тилида унинг *орасига, орқасида, орада, орасидан* шакллари от кўмакчи сифатида ишлатилади (70. 318, 319; 189. 565).

Орасида шакли тахминий пайт ифодалаб, кўмакчи бўлиши баъзан таъкидланади (184. 540). *Ўзаро, халқаро* бирикмалари эса предметнинг белгисини билдиради (125. 26). *Аро* ўзагидан яратилган кўмакчи ўзбек тили тарихида икки хил йўналишда ривожланган. Баъзилари (*ара, арала, араси, арада*) соф кўмакчи сифатида қўлланган бўлса, баъзилари (*орасинда, орасинга, орасиндин*) от кўмакчи бўлган.

Ара соф кўмакчиси кенг қўлланиб, *арала, араси, арада* шакллари тарихан кам ишлатилган ва кейинги даврларда истеъмолдан чиқиб кетган. *Ара* кўмакчиси XV—XVI асрлардагина актив ишлатилиб, кейинги даврларда унинг истеъмол доираси қисқарган. Бу кўмакчи ўзбек тили тарихида *ара, арала, араси, арада* шаклларида ишлатилган. *Арала* кўмакчиси XIII асргача қўлланиб, кейинги даврларда учрамайди. *Ара, арада* кўмакчилари ўзбек тилининг ҳамма тарихий тараққиёти босқичларида ишлатилган. *Арада* кўмакчисининг маъно ифодалаши ривожланса ҳам, грамматик хусусияти ҳамма даврларда бир хил бўлган. *Араси* кўмакчисининг грамматик хусусияти, маъно англатиши XIII—XVI асрларда бир хил бўлган. Лекин кейинги даврларда ишлатилмаган.

Ара кўмакчисининг грамматик хусусияти такомиллашиб, бош келишиқдаги отларга бирикиш хусусияти сақланиб қолган. XIII—XIV асрлардаги қаратқич келишиғидаги олмошга бирикиши йўқолган. Лекин маъно англатиши кенгайиб, еттигагача грамматик маъно англата бошлаган. Ҳозирги ўзбек тилида маъно англатиши тўрттагина бўлиб, тарихий ҳолатига нисбатан торайган. Лекин сўз бирикмаларини ярата бошлаган. Бу кўмакчи ўзбек адабий тилига хос бўлиб, унинг диалектларида учрамайди.

С а р и кўмакчиси ва унинг фонетик вариантлари. *Сару//сари* ўзбек тили тарихида XIII асргача кўмакчи сифатида шаклланган. *У томон, тараф* маъноларини ифодалайди. *Сари* XV—XVI асрларда функционал кўмакчи бўлган. Чунки у мустақил сўз сифатида қўлланган: *Шарқ сариғи афғонлар инад-у саркашлик мақомида эдилар* (БН, 386). *Ғарб с а р и бағ-у иморатиға ким буйурулуб эди* (БН, 439). *Гулёрдин бир карва шимал с а р и бир чарбоғда мен ўтган йил буюруб эдим келиб тушдум* (БН, 440). *У л с а р и л а р иш озроқ бўлса* (БН, 453).

Сару//сари ҳозирги ўзбек тилининг Манғит, Гурлан, Қашқадарё диалектларида *бет* шаклида қўлланиб, *томон, тараф* маъноларида бўлади (185. 50). Бу кўмакчи ўзбек тили тарихида *сару//сари, сариқа//сариға, саридин* шаклларида учрайди. *Сариқа* XI асрга

оид бўлиб, кейинги даврларда *сариға* шаклига ўтган. *Сару//сари* битта сўзнинг фонетик вариантлари бўлиб, бир вақтда яратилган бўлиши мумкин. Лекин уларнинг қўлланишларида фарқи бор. *Сару* XIII—XIV асрларда ТФ, XIII, да; *сари* XV—XIX асрларда ва ундан кейинги даврларда қўлланган. Бу кўмакчининг *сариқа//сариға* шакли ҳозирги ўзбек тили диалектларида *тарапа* шаклидаги сўзга тенг келади (122. 356).

XIII—XIV асрларда ишлатилган *сару* кўмакчиси қаратқич келишигидаги кишилиқ олмошларига бирикади: *сенинг сару* (ТФ, 136). *Сенинг сару* (XIII, 44а). Худди шунингдек, XV—XVI асрлардаги *сари* ҳам қаратқич келишидаги кишилиқ олмошларига бириккан: бизнинг *сари* (Навойи МА, 38). *Бизнинг сари* (Мухтасар, 68а). XIII—XIV асрларда *сару* бош келишидаги отларга бириккан: *шоҳзода сару* (XIII, 146). XV—XVI асрларда ва кейин қўлланган *сари* кўмакчиси ҳам бош келишидаги отларга бириккан: *об кавсар сари* (Отойи, 126). *Жон сари* (Навойи ФШ, 107). *Ғарб сари, ул сари* (БН, 2). *Юзунг сари* (Мухтасар, 656). *Қабил сари* (Бобир, 166). *Дашт сари* (ШН, 284). *Ҳар сори, ул сари, ўзга сари* (Мунис, 344, 294, 124, 351). *Ҳар сари, бир сори ошно бўлган сари* (Муқимий I, 193, 266, 198). *социализм сори* (КМТ, 62). *Ҳар кун сори* (Хлар. 1930 XII, 12).

XV—XVI асрларда *сари* кўмакчисининг қўлланиши активлашиб, қаратқич келишигидаги отга бириккан: *Андижан вилбйатининг сари* (БН, 254).

Сариға кўмакчиси XIII—XIX асрлар мобайнида истеъмолда бўлиб, XIII—XIV асрларда кам ишлатилган. Лекин XV—XVI ва XVII—XIX асрларда унинг истеъмол доираси кенгайиб боради. Масалан, у XIII—XIV асрларда фақат бош келишидаги отга бирикиб, ўН да учрайди, холос: *тонг сариға, тун сариға*

XV—XVI асрларда бош келишидаги белгилаш, кўрсатиш олмошларига; XVII—XIX асрларда бош келишидаги от, кўрсатиш олмошга бириккан: *ҳар сариға* (БН, 296). *Бу сориға* (Мухтасар, 626). *Ҳар сариға* (Бобир, 186). *Ушал сариға* (Фуркат II, 96). *Ярманка сариға* (Муқимий I, 50).

Саридин кўмакчиси XV—XIX асрларда қўлланган. У бош келишидаги отга белгилаш олмошига бириккан: *Бухоро саридин* (ШН, 206а). *Ҳар саридин* (Навойи МК, 134). *алар саридин* (БН, 81). *Боғ соридин* (Муқимий I, 67). *мағриб соридин* (Фуркат I, 84). *Ҳар соридин* (Фуркат I, 77). *Ҳар соридин* (Мунис, 292). *Саридин XV—XVI асрларда анча кенг истеъмол қилиниб, қаратқич келишигидаги кишилиқ олмошига бириккан: бизнинг саридин* (БН, 81).

Сару кўмакчиси иш-ҳаракат бирорта нуктага йўналтирилганини ифодалаган: *Эй Иброҳим, агар йиғламаса-сен сенинг сару қилмағай-мен* (ТФ, 136). *Кўб эл кўнглин сенинг сару звургай* (XIII, 44а). *Қайуттулар яна ул шаҳри сару* (XIII, 416).

XV—XVI асрлардан бошлаб қўлланган *сари* кўмакчиси эса ҳаракатнинг йўналтирилган ўрни ва объект маъносини англаган: 1. **Иш-ҳаракат йўналтирилган ўрин:** *То магар ким салсабил абина жавлони қила келди жаннат равзасиндин аби кавсар с а р и ҳури* (Отойи, 12). *Эй шоҳ бизинг с а р и бир айла назар* (Навойи МА, 38). *Бу вилоятнинг ичи била ўтуб ғарб с а р и оқар* (БН, 2). *Гузара қилай кўйинг с а р и назара қилай райинг с а р и* (Мухтасар, 69а). *Мен ҳар с а р и ға бўлсам, алар менинг с а р и бўлғайлар* (БН, 382). *Тушти андин гузари Марв с а р и* (ШН, 16а). *Бату алар с а р и равон бўлдилар* (ШН, 113). 2. **Объект ифодалаши:** *Бода ичмак с а р и бўлмас мойил* (ШН, 126).

XVII—XIX асрларда қўлланган *сари* кўмакчиси иш-ҳаракатнинг бирорта нуқтага йўналиши, давомлилиги, яъни ривожланиб, кучайиб бориши, маълум масофа-жой бўйлаб ўтишини, пайтини ифодалайди: 1. **Иш-ҳаракатнинг бирорта нуқтага йўналишини ифодалаши:** *Ҳар с о р и гар боқса қиё* (Мунис, 344). *Зулфингки эзур мушкин ул с а р и насим эсгач* (Мунис, 294). *Сургали ўзга с о р и борди саманд* (Мунис, 124). *Гарчи эрмас келмагинг мумкин менинг с о р и ва лек* (Мунис, 181) — *Чун уйдан келгали мен сори жоним чиқар* (Мунис, 244). *Сарви нози бош эгиб, ҳар сори бориб ҳам келур* (Муқимий I, 193). *Бир сори яхшилигинг ва бир с о р и устолигинг* (Муқимий I, 266). *Карам қил ман с а р и ҳам соқиё бир жом, айласун* (Муқимий I, 168). *Улим сори чиқишда ҳам ўшандоғ парвосиз эди* (М. ча., 244). *Социализм с о р и ҳаракатимизни билиб ва сезиб тургандай равишда олиб боришимиз керак* (КМТ, 62).

2. **Иш-ҳаракатнинг давомлилигини, кучайиб, ривожланиб боришини ифодалаши:** *Ошно бўлган с а р и мундоғ қадрдон куйдурур* (Муқимий I, 198).

3. **Иш-ҳаракат бирор масофа, жой бўйлаб ўтишини ифодалайди:** *Қаламингни хат с а р и сур* (Мунис, 351).

4. **Лексик маъносидан пайт англашилган отларга бирикканда иш-ҳаракатнинг пайтини билдиради:** *Ҳар кун с о р и унинг ишга лаёқати ўса боради* (Хлар. 1930 XII, 12).

Сариға кўмакчиси ўзининг тараккиётида ҳамма вақт иш-ҳаракатнинг бирор нуқтага йўналишини билдирган. Шунинг учун ҳам *сару/сари*, *сариға* кўмакчилари иш-ҳаракатнинг бирорта нуқтага йўналишини ифодалаганда синоним бўлганлар.

XIII—XIV асрларда қўлланган *сару*, *сариға* кўмакчилари қўлланаши, грамматик маъно англантиши жиҳатидан бир хил хусусиятга эга. Лекин XV асрдан бошлаб *сариға* кўмакчиси билан параллель қўлланган *сари* кўмакчисининг қўлланиши, грамматик маъно англантиши *сариға* кўмакчисига нисбатан анча кенг бўлган. *Сариға* кўмакчиси ҳамма вақт иш-ҳаракатнинг бир нуқтага йўналишини ифодалаган, холос. У морфологик таркибига кўра мустақил отга ўхшаса ҳам, аслида кўмакчи функциясини бажарган. Ундаги *-ға* жўналиш келишигининг қўшимчаси кўмакчи билдирган грамматик маънонинг янада аниқроқ ифодаланишини таъминлайди.

Сариға кўмакчисининг грамматик маъно англатиши тор бўлган.

Иш-ҳаракат бирорта нуктага йўналишини ифодалаши: *Эй юлдуз, тонг сариға сенлар борунг* (ЎН, 38, II). *Кўк, Тоғ, Теңгиз тун сариға сенлар борунг деб деди* (ЎН, 38, III, IV). *Ҳар сариға тарқаштилар* (БН, 292). *Йелдуруб ҳар сариға менинг отум тез этасан* (Бобир, 54,186). *Карам айлаб бу сариға гузорэ қил* (Мухтасар, 626). *Айладим ярманка сориға гузар* (Фуркат II, 26). *Эмди булбулдек ўшал сариға парвоз айладик* (Фуркат II, 96). *Ул кунимким бир нигоҳ қилдинг Муқимийнинг сариға* (Муқимий I, 50).

Саридин кўмакчиси XV—XVI ва XVII—XIX асрларда қўлланиб, иш-ҳаракатнинг бошланиш, чиқиб келиш ўрнини билдирган: *Давлат сарманд анга ҳар саридин йуз қилди* (Навоий МК, 134). *Бизнинг саридин Иброҳим сарунинг иниларидин Ҳамид атлиқ алар саридин Хисор моғулларидин Шосувор отлиқ рўбарў бўлдилар* (БН, 81). *Халқа-халқа дом қурмиш кўнглум ҳар соридин* (Мунис, 292). *Жилваи ноз ила чиққач боғ соридин нигор* (Муқимий I, 67). *Ҳар соридин даста-даста йиғди лашкар коқулинг* (Фуркат I, 77). *Барқуруб мағриб саридин шуълаи рухсорингиз* (Фуркат I, 84).

Бу кўмакчининг *сари* шакли ҳозирги ўзбек адабий тилига етиб келган. У ҳаракат йўналтирилган ўринни билдиради. Унинг *сариға* шакли ўзбек халқ оғзаки ижодида қўлланиб, ҳаракат йўналтирилган ўринни билдиради (125, 26, 27).

Сари кўмакчиси ҳозирги ўзбек тили шеваларида учрайди. У Тошкент, Фарғона шеваларида *саръ* шаклида ишлатилади ва ҳаракатнинг такрорланиши ёки мунтазам бўлиб туришини билдиради. У *-дан* чиқиб келишиги ўрнида *-нинг* аффиксли қараткич келишигидаги отни бошқаради. *Сари* кўмакчиси ўзбек тилининг айрим шеваларида маъно англатилишига кўра *сайъ//сайън* кўмакчиларига тенг келади (185. 227,228).

Бу кўмакчининг айрим туркий тилларда қўлланишига, маъно англатилишига кўра ўзига хос хусусиятлари бор. Чуваш адабий тилида *саран, серен*, унинг диалектларида *серен, сайран* шаклларида ишлатилиб, ундаги *-рен//ран* чиқиш келишигининг қўшимчасидир (80. 120,6). Ҳатто у чуваш тилида *-сар (сер)* шаклида аффикс-кўмакчи бўлиб ҳам қўлланади (133. 27). Чуваш тилидаги бу кўмакчи татар, бошқирт тилларидаги *ған сайин* кўмакчили конструкцияга тенг келиб, иш-ҳаракатнинг давомлилигини ифодалайди (70. 120). Л. С. Левитская чуваш тилидаги бу кўмакчи шор тилидаги *сайа*; ҳакас тилидаги *сай* кўмакчиларига тенг келишини таъкидлайди (80. 120). А. Дж. Шукюров ҳозирги ҳакас тилида *сар//сер, -зар//зер* шаклларида жўналиш келишигининг аффикси сифатида қўлланиб, унинг диалектларида *йару//сари* бўлиб ишлатилишини айтади. (171. с. 46).

Туркман тилида *сари* шаклида адабий тилда, поэзияда учрайди ва иш-ҳаракатнинг бирор томонга йўналганини билдиради. Бу кўмакчи *бака//бакан* кўмакчиларига синоним бўлади (50.с. 411, 415).

Қозок тилида *сари* қўмакчиси ва унинг вариантларини учратмадик. Лекин иш-ҳаракатни маълум нуқтага йўналишини билдириш учун *таман*, *қарай*, *жуык* қўмакчилари ишлатилади (78. 6;65. 88). А. Дж. Шукюров XIV—XVI асрлардаги озарбайжон тилида *сару// сари* ёрдамчи сўз бўлиб, ўзига эгалик, келишик қўшимчаларини олиб, бош ёки қаратқич келишигидаги отлар билан изофа конструкциясини яратиб, қўмакчи группасига батамом ўтган эди (171. 48) —, дейди. Лекин озарбайжон тили ёзма ёдгорликлариди бош ёки қаратқич келишигидан кейин келиб, ҳаракатнинг йўналтирилишини билдириши (гулшан сари, сенинг сари) тўлиқ маъноли сўзлардан ажралиб чиқаётганининг бошланиши бўлган бўлса керак (171. 49), — дейди. Ҳозирги озарбайжон тилида маним сарудин. Бу сарудан шаклларида бўлиб, унинг диалектида изофани яратади (171. 49,50). Шундан маълумки, ўзбек тили тарихида қўлланган *сарудан* шакли ҳозирги озарбайжон тилида сақланиб қолган.

Ҳозирги ўзбек тилида *сари* қўмакчиси объектни ифодалайди. У *томон* қўмакчисига синоним бўлади. *Сари* қўмакчиси феъл формалари билан келганда иш-ҳаракатнинг бир йўла содир бўлиши ва бу ҳаракатдаги давом, изчиллик маъносини ифодалайди. Бу хусусияти билан *сайин* қўмакчисига синоним бўлади.

Сари ва *сайин* қўмакчисининг параллель ишлатилиши стилистик ранг-баранглик учунгина аҳамиятлидир (189. 548).

Сари қўмакчиси ҳозирги ўзбек тилида ҳаракатнинг йўналишини ифодалайди. -ган аффиксли сифатдошга бирикиб келганда *сайин* қўмакчисига синоним бўлади (70. 306). Бу қўмакчининг тарихан қўлланган *сариға*, *сариға* шакли ўзбек фольклор материаллари, ўзбек тили диалектларидагина учрайди.

Сару//сари, *сариқа//сариға*, *саридин* қўмакчиларининг этимологияси ҳақида айрим олимларнинг фикрлари бор. А. Дж. Шукюров *сару* қўмакчиси ва *сар* оти алоҳида-алоҳида сўзлар бўлиб, этимологиясига кўра уларнинг ўзаро алоқаси йўқ эканини айтади (171. 46). В. В. Радлов эса *сари* қўмакчисининг асосида *сар// сару* ўрин билдирадиган от (*сарунда*) ётишини айтади (117. 47). А. Дж. Шукюров *сарунда* ёрдамчи от, *сару* (*эшиктин сару* «сторони дверей») қўмакчи эканини эътиборга олиб, *сар* ва *сару* алоҳида-алоҳида сўзлар деб билади. У ўз фикрини давом эттириб. *сар* оти эгалик, келишик қўшимчасини олиб, мустақил от сифатида ишлатилган бир пайтда унга параллель равишда *сару* фақат қўмакчи бўлиб ишлатилганини қайд этади (171. 46). У *сару// сари* қўмакчисининг этимологиясини қуйидагича тахмин қилади: *дар>дару>сару//сари* (171. 47). А. Дж. Шукюров *йар*, *йаар*, *йару* қўмакчилари ҳам ўша *сару//сари* қўмакчисининг фонетик варианты бўлиб, лекин кейинроқ пайдо бўлганини таъкидлайди (171. 47). Бу фикрга асос қилиб, улар бир хил лексик маънони «бок, близость, вокруг» билдиришини олади (171. 48).

Сару//сари қўмакчиси XIV—XVI асрлардаги озарбайжон тилида икки хил шаклда қўлланган: 1. Ўзига эгалик, келишик қў-

шимчаларини олиб, *сарида, саридан, сарига* шаклида; 2. бош ёки караткич келишигидаги отга бирикиб: *гулшан сари, сенинг сари* каби бўлган (171. 48, 49).

А. Дж. Шукюров бу кўмакчининг этимологиясига тааллуқли икки хил фикрини олға суради: 1. *Сор//сар* ёрдамчи оти (*сарундан*) билан *сару//сари* кўмакчисининг этимологиясига кўра ҳеч қандай алоқаси йўқ. Улар алоҳида-алоҳида сўзлар, — дейди. 2. XIV—XVI асрлар озарбайжон ёзма ёдгорлигида *сару//сари* ёрдамчи от ва кўмакчи бўлиб, қўлланишини айтади. Натижада В. В. Радловнинг қайд этилган фикрига кўшилади. А. Дж. Шукюров ўз фикрини давом эттириб, юкорида кўрсатилган хатосини аниқроқ ифодалайди. «*Сару//сари* изофа конструкциясидан ажралиб чиққанини эътиборга олганда феълдан келиб чиққани, кўмакчидек чиқиш келишигидаги отни талаб қилиши озарбайжон тилининг кейинги даврдаги ривожланишининг самарасидир», — дейди ва *-дан сару, -дан сари* конструкциялари иш-харакатнинг чиқиб келиш пайтини ва сабабини англатади», — дейди. (171. 49). А. Дж. Шукюров *сару* кўмакчисининг мустақил сўздан батамом ажралиб чиқиши ҳозирги озарбайжон тилида ҳал бўлмаганини (171. 50) айтади. Маълумки, *сару//сари* кўмакчисининг от билан изофада бўлиши, чиқиш келишигидаги отни бошқариши ундаги *са* қачонлардир от ва феъл маъносига омонимлар бўлганининг далилидир.

А. М. Шчербак *сары* этимологиясига кўра отга тааллуқли бўлиб, шарқий туркистон тилида эгалик, келишик (-да, -дан-га) кўшимчаларини олиб, мустақил маънода ишлатилганини, чиғатойча китобларда эса кўмакчи бўлиб, *сари* шаклида бўлишини айтади (176. 183, 184). Шундай экан, *сари* сўзининг кўмакчи ва ёрдамчи от ёки мустақил маънода қўлланиши туркий тилларнинг тарихий грамматикасига мосдир.

Сари қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида ҳам йўналиш, томон маъноларида *сариқа* шаклида ишлатилган (55. 488).

Сари қачонлардир *дар* кейин, *сар* бўлган деган тахмин бор. Туркий тиллар *д* даврида бўлгани, вақтларнинг ўтиши билан *й* даврига келгани *д > й* назарий асарларда айтилган. О. Ботлинг, С. Броккелманларнинг фикрича *сари* кўмакчисининг асосида *са* ўзаги ётади. Ундаги *р* директив келишигининг қотиб қолганидан иборатдир (171. 45). Чунки чуваш тилида бу кўмакчи *саран, серен, сайран* шаклларида ишлатилиб, морфологик таркиби икки қисмдан иборат бўлади: *са, се, сай* ўзақ, *-рен// -ран* келишик кўшимчасидир. Шундай экан, *са:йин, да:йин, сеин, се:н, сайа, сай* шаклларида кўмакчи функциясида қўлланиши ҳам бу кўмакчининг асосида *са, да, сай, се* ётганини исботлайди. (80. 120). Лекин туркий тиллар тарихида *са* санамок феълени яратиб, унга *-у* ёки *-ин* равишдош кўшимчасининг кўшилишидан *сайу* ёки *сайин* кўмакчиси яратилиб, пайт ифодалашини ҳам аниқ (176. 190).

Маълумки, туркий тилларда *са* омонимлар бўлиб, биттасидан от, иккинчисидан феъл ясалган. Шунинг учун ҳам Л. С. Левит-

ская чуваш тилидаги *серен, саран, сайран* кўмакчиларининг этимологияси ҳақида фикр юритганда унинг асосида от бўлиб, *сай* (са:й) санамок феълига тааллуқли, — деган. (80. 120).

Қадимги туркий тилларда *нари, бери* кейинги пайтларда кўмакчи бўлган. Унинг этимологияси *бу йеру*, яъни ўзбек тилидаги *бу ёнга* тенг келиши аниқ (176. 189).

Ҳозирги ўзбек тили диалектларида *нари, бери* равишлари: *нари тур, бери кел ва нарига бор, берига кел* шаклларида, ҳатто *нарироқ тур, берироқ кел* каби (Самарқанд областининг район шеваларида) учрайди. Шундай экан, *сару, сари* кўмакчиси ҳам морфологик икки қисмдан иборат: *са — от; ри//ру* қадимги жўналиш келишиқ кўшимчаларидан иборат деб тушуниш ҳақиқатга яқиндир (176. 35). У *сару//сари* шаклларида ўрин равишига айланиб, кейин кўмакчига ўтган. *Сару//сари, сарига* (-да, -дан) шаклларида кўмакчи функциясида ишлатилаверган. Ўзбек тили тарихида *сару//сари, сариқа//сариға, сарида, саридин* шаклларида ишлатилгани, ҳозирги озарбайжон тилида худди шу шаклда ишлатилаётгани юқоридаги фикримизга асос бўлади.

Ҳар хил кўринишга эга бўлган бу кўмакчининг тарихий тараққиёти ҳам ҳар хил бўлган. XIII—XIV асрларда *сару, сариға* бир хил маъно англатган. Лекин *сариға* кўмакчисига нисбатан *сару* кўпроқ қўлланган. *Сариға* бош келишиқдаги отга, *сару* бош келишиқдаги от ва қаратқич келишигидаги кишилиқ олмошларига бириккан. *Сару* кўмакчиси кейинги даврларда *сари* шаклига ўтган. XV—XVI асрларда *сариға* кўмакчисининг қўлланиши бироз кенгайган. У бош келишиқдаги белгилаш, кўрсатиш олмошларига бирика бошлаган. Лекин маъно англатишида ўзгариш бўлмаган. XV—XVI асрлардаги бош келишиқдаги белгилаш олмошига бириқиш хусусиятини йўқотиб, XVII—XIX асрларда қаратқич келишигидаги отларга бирика бошлаган. Аммо маъно англатиши ўзгармаган. *Сариға* кўмакчиси XX асрга келиб, мутлақо ишлатилмаган. Унинг функциясини *сари* бажарган.

Сари қўлланиши, маъно англатишига кўра ривожланиб борган. У XX асрда бош келишиқдаги от, -ган, -ажак аффиксли сифатдош, -лик аффиксли мавҳум от -ш(-иш) аффиксли ҳаракат номларига бириқиб, ўрин, пайт маъноларини билдира бошлаган. У грамматик хусусиятига кўра, боғловчига ҳам яқинлашган.

Ҳозирги ўзбек тилида ниҳоятда актив қўлланмаса-да, ўзига хос хусусиятларга эга (125. 28, 31).

Саридин кўмакчиси XV—XVI асрлардан бошлаб учрайди. У анча кенг қўлланган. Лекин XVII—XIX асрларда унинг қўлланиши қисқаради. Аммо маъно англатишида ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Кейинги даврларда *саридан* кўмакчиси мутлақо қўлланмаган. Унинг грамматик маъносини *томондан//томонидан* кўмакчиси қисман бажарган (125. 104, 105).

Сару//сари, сариқа//сариға, саридин кўмакчисининг тарихий тараққиёти туркий тилларда ҳар хилдир. Улар айрим туркий тилларда алоҳида шаклларга эга. Лекин ўзбек тили диалектларида,

Ўзбек адабий тилида, асосан, бир хил хусусиятга эга. От туркумига тааллуқли бўлган бу кўмакчи ҳозирги ўзбек адабий тилидагина, соф кўмакчи группасига ўтиб, от туркумига хос грамматик хусусиятларни батамом йўқотган. Айрим туркий тилларда отлардан батамом ажралиб кетмаган. Лекин баъзи туркий тилларда аффикс-кўмакчи, баъзан келишиқ кўшимчаси ўрнида қўлланади. Шунингдек, боғловчи группасига ўта бошлагани ҳам сезилади.

Бу кўмакчининг тарихий тараққиёти, туркий тилларда қўлланиши ёрдамчи сўзларнинг келиб чиқиш босқичларини ўзида мужассамлаштирган: Мустақил сўз > кўмакчи > юклама ёки боғловчи.

У з а кўмакчиси ва унинг фонетик вариантлари. Бу кўмакчининг асосини ташкил этган *уз* аслида *уст* маъносигаги отдир. Лекин ўзбек тили диалектларида *ўз* томон, бет «сторона» маъносига ҳам ишлатилади. Масалан, *Ўш* шеvasида *удуз-у* томон маъносигадир (122. 268). *Уз* — юз, бет «лицо» маъносига ҳам бўлган (122, 357). Бу кўмакчи *уз* (уст маъносига) отига *-а*, *-ла*, *-ра* келишиқ кўшимчаларининг қўшилишидан яратилган. Унинг энг қадимгиси *уза* бўлиб, Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликларида қўлланган (*уза* > *-уз-а*). (102. 42; 103. 91; 157. 136; 67. 49). *Уза* кўмакчиси XIX асрнинг биринчи ярмигача истеъмолда бўлган.

Узала кўмакчисининг таркибидаги *ла* аффикси тарихан беш хил маъно ифодалагани назарий адабиётларда қайд этилган (56. 436; 55. 332). *У* ҳозирги ёкут тилида отларга қўшилиб, ҳаракатнинг шу предмет томонга йўналишини ифодалайди (142. 65; 151. 98). Шундай экан, *узала* кўмакчиси таркибидаги *ла* ҳаракатнинг бирор предмет томон йўналишини ифодаловчи аффиксдир.

Узала кўмакчиси X—XIII асрларга оид ёзма ёдгорликларда ниҳоятда оз учрайди (176. 186; 8—4).

Узра кўмакчисининг таркибидаги *-ра* тарихан ўрин келишигининг қўшимчаси бўлган (102. 40; 103. 89). *Узара* кўмакчиси XIII асрдан бошлаб актив қўлланади ва ҳозирги ўзбек тилида ҳам ишлатилади. Унинг *узара* шакли XIII да бир мартагина учраб, ҳозирги турк тилида актив қўлланади (69. 307).

XIII—XIV асрларда *уза*, *узра* ниҳоятда кенг қўлланган. Бу даврдаги айрим ёдгорликларда фақат *узра* ишлатилган (179. 18). Шунингдек, ТФда фақат *уза* ишлатилган ҚР, НФ, Сайфи Саройида *уза* кўпроқ, *узра* камроқ учрайди.

XIII—XIV асрларда *уза* мустақил сўз ва кўмакчи функциясида келган. *У* мустақил сўз бўлганида эгалиқ кўшимчасини қабул қилиб, келишиқ билан турланган: *Жумла кўк уза си фаришта бирла тўлуғ* (НФ, 56). *Абу Бакрга тақи изғил узасини ачмағил теди* (НФ, 173). *Жабраил узамда намоз қилғай* (НФ, 87). *Бақиб қарши таба айтур ким эй жон жаҳон бўлды узамга сенсизин тор* (XIII, 65⁰).

Узаси отига *-даги* аффикси қўшилиб, ундан сифат ясайди: *Тақи узасиндаки тошларни кўтарди* (НФ, 97).

Уза пайт равиши бўлган: *Уза атанғу ажунда Сулаймон, уш*

андин сўнг париға қилғу фармон (XIII, 52^а). Қафасдин тўти яанлиғ жони учти уза келган ерин сақунди қочти (XIII, 31^а).

XIII—XIV асрлардаги ёзма ёдгорликларда *уза* от кўмакчи (бу «Функционал кўмакчилар» номли монографияда ёритилади) ёки соф кўмакчи бўлган.

Ўзбек тили тарихи тараққиёти даврида *уза*, *узра* актив қўлланган. Улар ҳамма даврларда бош келишиқдаги отларга бирикади: *Йиғач уза* (ТФ, 25^а) *тақи узра тонг уза* (ҚР, 4^б). *қўси уза* (НФ, 87). *Су узра* (МН, 302^а). *чимган уза* (XIII, 27^а). *Тоғ узара* (XIII, 14^б). *Девор уза*, *хилоф узра* (Сайфи Саройи, 120^а). *Гул узра* (Отойи, 25). *Ҳайрат узра* (Навоий СС, 27). *Бўйни уза* (Ҳайдар, 28^б). *ганж узра* (Бобир, 29^а) *тахти уза* (ШН, 34^а). *Киприк узра*; *мақсад уза* (Мунис, 309, 350). *Тағофул узра*; *дарё уза* (Муқимий I, 309, 51). *Гул узра*, *арба узра* (Фуркат I, 124; Фуркат II, 39).

Уза, *узра* кўмакчиси XIII—XIV асрларда қаратқич келишигидаги отга, кўрсатиш, кишилик олмошларига параллель бириккан: *аниңг*, *уза*, *мәним үза*, *бизнинг уза*, *сенинг уза*, *сизнинг уза* (ТФ, 52^а, 29^а, 52^б, 20^б, 125^а, 144^а) *Аның уза*, *меним уза*, *бизим уза*, *сенинг уза* (НФ, 176, 272, 353, 58). *Каломининг уза*, *аниңг уза*, *анинг узра*, *меним узра* (Сайфи Саройи, 166^а, 11^б, 76^б, 131^а). *Анлар*, *сизлар* кишилик олмошининг бош ва қаратқич келишиқдаги шаклига бирикаверган: *анларинг уза*, *анларнинг уза*, *сизлар уза*, *сизларнинг уза*, *анлар уза* (ТФ, 15^а, 34^а, 2^а, 23^а, 2^а, 88^а, 96^а). Лекин XIII—XIV асрларда *уза* кўмакчиси *узра* кўмакчисидан фарқли равишда ниҳоятда кенг қўлланган. У бош келишиқдаги ҳаракат номи, равиш, сон, ўзлик, гумон, белгилаш олмошларига бириккан. Унинг бундай грамматик хусусиятлари кейинги даврларда учрамайди: *Улуғ яратиг уза*, *яратмоқ уза* (ТФ, 99^а, 19^а). *Бир анчалари уза*, *бири уза*, *иккаку уза*, *ўзлари уза*, *ким эрса уза*, *ол ким уза*, *қамуғи уза* (ТФ, 101^а, 25^а, 21^а, 21^а, 26^а, 43^б). Бундан ташқари, XIII—XIV асрларда ўрин келишиқдаги отни бошқарган: *бу элда уза* (ТФ, 9^б). Шунингдек, *уза* чиқиш келишигидаги от, сифатдош, кўрсатиш олмошларига бириккан. Чиқиш келишигидаги отга бирикиши XV—XVI асрларда ҳам учрайди: *Кун туғмаздин уза*, *мундин уза* (ТФ, 52^а, 73^а). *Батилдин уза* (ҚР, 26^б). *Муҳаммаддин уза* (НФ, 93). *Ганждин уза* (XIII, 25^а). *Тундин уза* (Аҳмадий, 322^б).

XVII—XIX асрларда эса *уза*, *узра* кўмакчиларига синоним сифатида *устига*, *устида* от кўмакчилари ишлатилади: *Сарв уза* *қумри*, *гул узра* *андалиб афғонидин* (Фуркат I, 182). *Хаста булбул гул уза*, *қумри сановбар устида* (Фуркат I, 24). *Ранж узра* *ранж кўрдим*, *алам устига алам* (Муқимий I, 309).

Уза, *узра* кўмакчиси XIII—XIV асрларда йигирмага яқин грамматик маъно ифодалаб, актив ишлатилган.

XV—XVI асрларда қўлланган *уза*, *узра* кўмакчилари баъзи грамматик маъноларни ифодалаганда параллель ишлатилган. Лекин айрим фарқлари ҳам бўлган. Масалан, пайт, ҳолат, ҳукм-

ронлик-устинлик маънолари учун *уза*, комитатив, иш-ҳаракат предметнинг яқин жойида ижро этилиши, сабаб, ўхшатиш иш-ҳаракатнинг давомийлигини *узра* кўмакчиси ифодалаган. XVII—XIX асрларда *уза*, *узра* параллель қўлланган. Улар ўзбек тили тарихий даврларнинг ҳаммасида ўрин, объект, пайт, ҳолат маъноларини ифодалаган:

1. **Ўрин:** *Башини қўли уза урди* (ТФ, 9^а). *Тоғ уза кўргайсиз ани* (ТФ, 683^а). *Ул тахт узра ўлтурди* (ҚР, 4^б). *Ул балчиқ азақи уза кўкрук бўлди* (ҚР, 17^б). *Ул тоғ уза бўлур-мен* (НФ, 353). *Ҳаво узра учуб келурда* (НФ, 392). *Равон Савур элин тутти кочурди//кечиб ул сандали узра ўтурди* (ХШ, 60^а). *Кўрар ким тоғ узара хуш чечаклар очилмиш зандавозлар қарши сайрар* (ХШ, 14^б). *Ёғмаса ёғмур бир йил тоғ уза, ложарам Дажла бўлусар қуруяр* (Сайфи Саройи, 142^а). *Тиларсанг ким жаҳон ашуфта бўлғай замона сунбулуни гул уза соч* (Отойи, 8). *Хатиким, сафҳа гул узра кўрунур, ғубори хат-му ё райхон-мудур бу* (Отойи, 25, 5). *Гуллар узра бу йағдуруб шабнам* (Навойи СС, 23). *Уруб ул теша тош узра ҳамиша* (Навойи ФШ, 106). *Сўнгра ҳижрондин бу янғлығ шиддатим//ҳайрат узра ҳайрат узра ҳайратим* (Навойи ЛТ, 174). *Чиқти аълий қаср уза беихтиёр* (Навойи ЛТ, 168). *Ганж ҳуснида кўрунг зулфи била гулгунасин, гўё ўт сочды ҳар ён ганж узра аждари* (Бобир, 29^а). *Чиқти тахти уза айлаб жавлон* (ШН, с. 34^а). *Юзунг уза қаро зулфунг недур бил эй дилафрўз, йилан ганж узра ётиб ани сохлар шабу рўз* (Мухтасар, 37^а). *Ах эви ул тепа узра қолди, аны фаррош деганлар олди* (ШН, 220^а). *Камолу шадмонлиқлар бирла тахти узра ўлтурдилар* (ШН, 316). *Юз узра холи сиёҳинг нахуш яратибдур* (Мунис, 61). *Сунбул гул уза соя солибдур-му ёхуд ҳарён очилибдур-му юзинг узра кулола* (Мунис, 56). *Дилбаро, бошинг уза чун тожи султон кокулунг* (Фурқат I, 73). *Сол соя бошим узра сарвингдин, эй гуландом* (Фурқат II, 76). *Йўлларинг узра мени соғинтириб зор айладинг* (Муқимий I, 73). *Сабзаи хаттинг-му, эй ширин зебо, лаблар уза* (Муқимий I, 32).

XVII—XIX асрларда бир хил ҳолат-предметларнинг йиғилган ўрни, бирлигини ифодалайди: *Чархи золим фарёди уза фарёд ким* (Мунис, 278). *Доғ эдим аввал, Муқимий, қўйдилар доғ узра доғ* (Муқимий I, 11). *Лоладек бағримға қўйдинг шевадин доғ узра доғ* (Фурқат I, 69).

XV—XVI асрлардаги ўрин ифодалашида ўзига хос хусусияти шуки, у иш-ҳаракат предметга яқин жойида ижро этилганини билдирган: *Кўрар бу чашма узра ўзин ғамнок* (Навойи ФШ, 79). *Кўз ачиб кўрди боши узра хайли тўқуб кўз ёшидин юз узра сайли* (Навойи ФШ, 90). *Бир ўлукнинг боши узра турдум юзини гардара очиб кўрдум* (ШН, 81а).

2. **Объект:** *Меним уза осон турур* (ТФ, 12а). *Авлам сўз бирлә Иброҳим уза ҳукм қилмади* (ҚР, 26а). *Севуғлук тўрт нанг каттаси сандим башорат тўрт нанг узра тингла мендин* (ХШ, 31—32). *Кундан-кунга муҳаббат назари анинг уза зиёдат бўлди* (Сайфи

Саройи, 116). Хотирингдин гўё чиқмиш тамом қаср султони уза олий мақом (Навоий ЛТ, 33). Сурди мунши васфи узра хомани (Навоий ЛТ, 147). Қатл этгали халқ узра салоҳ солган (Навоий МА, 39). Тундин уза партау анвор йўқ (Аҳмадий, 3226). Кимки бу мартаба узра йетти//салтанат бирла ани жам этти (ШН, 95а). Вей янги ойға қуёш узра хилолингдин уёт (Мунис, 250).

3. **Пайт:** Тасбиҳ қилғил ҳамд бирла изима сен кун туғмаздин уза тақи кун ботамасда ўнг, тақи тунла тасбиҳ қилғил анга (ТФ, 52а). Пайғамбарлик келмадин уза рост тушларин кўру бошладим (НФ, 7) Қоронғу тунда анчақа талли ҳам//бўлур ким бош кўтурса субҳ уза дам (ХШ, 105а). Сарафроз ул гардиш айём уза (Навоий ЛТ, 43). Ваҳ йигирма етти узра етти ёш (Мунис, 344).

4. **Ҳолат:** Бу тартиб, бу сифат уза барди (ТФ, 1326). Тартиб уза яратиғлиғлардин оғоз килдим (ҚР, 2а). Жумласининг ишларини кўнилик уза қилғил (НФ, 316). Гавҳар кўрғазмагай-мен қилса мингал ҳаллоллуқ уза удмағунча даллол (ХШ, 35а). Келибдур тавр уза тутмоққа ором (ФШ, Навоий, 186). Чун бу сўз хондин содр ўлди ҳофиз ўл турбат уза ўқулди (ШН, 190а). Тавсани ноз уза ногоҳ бир олифта сувор, шаҳр ошубибути офатижон учрамади (Муқимий I, 113). Ул куни гулгун кийиб миндинг саманди ноз уза (Фурқат I, 86).

Бу кўмакчи XIII—XIV ва XV—XVI асрларда қуйидагича семантикани ифодалашда иштирок этган:

1. **Восита:** Буйруқ уза ким андоза қилинди. Қалам уза отларин битдилар (ТФ, 62а, 17а). Паришталар уза менга олтулар енжулар нишор қилдилар (НФ, 206). Меҳнат ўти уза кабоблиғи (Навоий СС, 71). Башыма қувват йўқ анча урғали бош уза ғам фартидин синдурғали (Навоий ЛТ, 74). Икки илкин қилиб банд узра пайванд (Навоий ФШ, 152). Дэди: «Биз сизнинг учун саврулдук, дарду ғам ўти уза қаврулдук (ШН, 250а).

2. **Кўмакчили бирикма предметнинг белгисини ифодалайди.** У бирор белги кимга, нимага тааллуқли хос эканини, шахс, предметнинг хусусияти, қандай ҳолатда эканини ифодалайди: Ул кун жума куни турур бизнинг уза осон эрур (ТФ, 526). Иблисини кўрди одами сурати уза (ҚР, 10а). Фотима отанг уза ўлмудин сўнг ҳеч қазғу йўқ (НФ, 438). Бир чўбон сурати уза бўлуб Аюб пайғамбарга келди (НФ, 329). Кўнгулда бўлмасун ҳеч турли фикрат ким ул фикрат бўлур жон узра меҳнат (ХШ, 14^а). Кўруб хусравни ул ҳол узра ширин//адақин тушти оҳ теб барди ўздин (ХШ, 306). Санинг фазилатингни анинг уза қууб турур (Сайфи Саройи, 148^б). Саодат уза саломат кўруб айттим (Сайфи Саройи, 27а). Мен ўпарам йўлунг уза изни (Ҳайдар, 54). Боши устуда илав ажабий ўзи от узра бузав ажабий (ШН, 1326).

3. **Устунлик, ҳукмронлик маъносини англатади;** Ул тенгри қамуғ нарса уза эрклик турур (ТФ, 92а). Сени кўрклуқлар узра хон яратти (Ҳайдар, 293а). Ажаб дагул ҳоким узра ғолиб бўлса (Сайфи Саройи, 1696). Мени алар уза мутағбир қилсанг неча ким тирик мен сизинг ҳукмунгиздин чиқмайин деди (НН, 182).

4. **Комитатив:** *Анлар уза ўн бир бўлдилар* (ТФ, 63а). *Бу ўғлон уза ёғи таба берур эрди* (ТФ, 129а). *Ел уза йетмиш минг бурундуқ* (ҚР, 26). *Кўзунгдин ўт уза симоб ақути* (ХШ, 91а). *Сен ўз виқоринг уза қадру қийматинг била бўл, қўюб бу завқу зарафат нодими комилга* (Сайфи Саройи, 24а). *Юзга юз қўюб оғиз узра ағиз* (Навойи ЛТ, 173).

5. **Сабаб:** *Ул ненг уза ким келди бизга* (ТФ, 226). *Жароҳат узра қайра туз эдилди* (ХШ, 556). *Салтанат авжи узра маҳмур ул* (Навойи СС, 88). *Хусн авжи узра мер жавори* (Навойи ЛТ, 158). *Менга чун толэъ фархунда кавкаб бу авж узра бисот этти мартаб* (Навойи ФШ, 22).

Уза, узра кўмакчисининг куйидаги маънолари фақат XIII—XIV асрларга хосдир: 1. **Иш-ҳаракатнинг ижро этилишидаги асос:** *Хусайни пардаси узра тузуб соз муғаний бу ғазални қилди оғоз* (МН, 2916). *Ушул шарт узра ким мен иш битурсам* (ХШ, 646). *Кўрдум ким, сўзларингиз савоб уза турур* (Сайфи Саройи, 46а).

2. **Шахсининг бирор эътиқодга мансуб эканини, унга муносабатини акс эттиради:** *Мусо ялавуч дини уза мусулмон эдилар* (ТФ, 10а). *Ўз дининг уза тутғил* (ҚР, 20а). *Мен отам Абдулмуталлиб дини уза ўлар-мен теди* (НФ, 6).

3. **Мақсад:** *Андоза уза эй Мусо узурдимиз сени* (ТФ, 206). **Деймо турли савоб узра бўлур ақл иши** (Сайфи Саройи, 956).

4. **Иш-ҳаракат бирорта шахсининг кузатишида ижро этилганини ифодалайди:** *Меним кўзум уза качан бардилар* (ТФ, 206).

5. **Иш-ҳаракат ёйилган, тааллуқли бўлган ўрин, чегара каби маъноларни билдиради:** *Юрутур этти иқлим узра фармон* (ХШ, 19а). *Қилур ул бу тоқуз кўк узра парвоз* (ХШ, 108а).

6. **Бирор предметнинг энг юқори даражадаги сифатини ифодалайди:** *ҳар кишига ўз ақли камол уза дурур.//дағи ўз ўғли соҳиб жамол кўрунур* (Сайфи Саройи, 166а).

7. **Предметда бирор белги мавжуд эканини англатади:** *Сенинг алингдан бўлгани яхшироқ ким кўб турлу неъматнинг ҳаққи бу қул уза бор* (Сайфи Саройи, 36). *Раҳм этти кўруб мени анга ошиқу зор//ул ғоят хусн уза жамолим кўрган* (Сайфи Саройи, 126а).

Узра кўмакчисининг куйидаги маънолари эса фақат XV—XVI асрлардагина учрайди: 1. **Бирор предмет бошка бир предметга ўхшатилади:** *Сафоси лағл янглиғ ошкор//дибоси лағл равшан узра хора* (Навойи ФШ, 84). *Такаввар узра елдин оташ ангиз ҳамул эл соры сурди ел каби тиз* (Навойи ФШ, 89).

2. **Иш-ҳаракат, ҳолатнинг такрорланиб туришига кўра давомлигини ифодалайди:** *Қилур жониға бедод узра бедод* (Навойи ФШ, 174). *Ки мундақ неча мушкул узра мушкул* (Навойи ФШ, 19).

Ҳозирги ўзбек тилида фақат *узра* шакли қўлланиб, асосан поэзияда, баъзан прозада ишлатилади. Ҳозирги ўзбек тилида ишлатилаётган *узра* кўмакчиси бош келишиқдаги отларга бириқиб, иш-ҳаракатнинг йўналган ўрнини (125, 17,18), иш-ҳаракатнинг

бирор предмет сатхи (сирти) бўйлаб йўналиши маъносини ифода-лайди (189, 549; 70. 307).

Уза, узра, узара, узала кўмакчисининг энг қадимгиси *уза* бўлиб, XIX асрнинг охири XX асрнинг бошигача қўлланган. Унинг *узала, узара* шакллари XII—XIII асрларда ишлатилиб, кейинги даврларга етиб келмаган. *Узра* кўмакчиси XIII асрдан бошлаб, *уза* шакли билан параллель ишлатилган. Улар бош ва қаратқич келишигидаги отлар, олмошларга бирикиб, ўн етти хилдан кўпроқ грамматик маъно билдиргани ҳолда XV—XVI асрларда улар бош келишикдаги отларга бирикиб, ўнтадан ортик грамматик маъно англатади. Бу даврда *узра* кўмакчисининг қўлланиши активлашиб, ўзига хос грамматик маъноларни ифодалайди. Лекин XX асрга келиб, *уза* ишлатилганидек, *уза* кўмакчисининг қўлланиш доираси ниҳоятда қисқариб фақат адабий тилдагина сақланиб қолган. Ҳозир унинг ўрнида *уст* ўзагидан яратилган ёрдамчи от кенг қўлланади. Маълумки, мустақил маъноли сўзлар кўмакчиларга ўтишида ўзининг лексик маъносини, грамматик хусусиятларини қисман сақлаб қоладилар. Улар мустақил сўз ва кўмакчи сифатида параллель ишлатилади. Кейинчалик унинг лексик маъноси торайиб, грамматик маъноси кенгайиб боради. Натижада у фақат грамматик маънолар англатиб, кўмакчилар группасига батамом ўтади ва унинг лексик маъноси истеъмолдан мутлақо чиқиб, ўзи чиқиб келган мустақил маъноли сўзлар группасидан ёрдамчи сўзга, жумладан кўмакчиларга ўтади. Натижада унинг грамматик маъноси ниҳоятда ривожланиб, лексик маъноси тораяди. Тарихан худди шундай хусусиятларга эга бўлиб, ҳозир соф кўмакчи сифатидагина нутқимизда учрайдиган *узра* кўмакчисидир. У ўзбек тили диалектларида учрамайди. Унинг *узасида* шакли ҳозирги ўзбек адабий тилида учрайди. Лекин у услуб талабига кўра қўлланиб, ҳозирги ўзбек тилининг нормасига кирмайди: *ҳайт-ҳуйт дегунча йзимизни шаҳарга кетадиган катта йўл уза сида кўрган эдик* (Ғ. Ғулом, «Шум бола») (184. 264) Шунингдек, биз киёслаётган чуваш, козок, туркман тилларида ҳам *узра* кўмакчисини учратмадик.

Сингари кўмакчиси. Бу кўмакчи тарихан *сингари, сингарла, сынгарқы* шаклларида мустақил сўз сифатида қўлланган (55. 50₃).

Сингар қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида *томон, ён* маъноларида кўмакчи функциясида, баъзан *ярим* деган от маъносида қўлланган (103. 93). Шунингдек, ўзбек тилининг тарихий тараққиётида *сингар* ярим кўмакчи бўлгани, *томон, йўналиш* маъноларини ифодалаши эътироф этилади (153. 137).

Бу кўмакчи XI аср ёзма ёдгорликларида ҳам қўлланиб, ўрин ва чиқиш келишигидаги отларни бошқарган, иш-ҳаракатнинг ижро этилган, чиқиб келган ўрнини ифодалаган (8.40, 41).

Сингар//сингару XIII—XIV асрларда ҳам мустақил сўз ҳам кўмакчи функцияларида қўлланиб, *томон, ён* от маъноларини ифодалаган (41. 272; 91. 34). Бу кўмакчи *сингар, сингардин, сингарға, сингару* шаклларида ҚР да учрайди. У грамматик

хусусиятига кўра: 1) бош келишиқдаги отларга бириккан: *Сағраб синғар* (ҚР, 766). *Тоғ синғарға* (ҚР, 396). *Байтул Муқаддас синғардин* (ҚР, 816). *Ўт синғару* (ҚР, 83а). 2) *Синғар* қаратқич келишиғидаги от, кишилиқ олмошларига бириккан: *йиғачни синғар* (ҚР, 696). *Бизим синғар* (ҚР, 216).

Синғар, синғарға, синғардын, синғару этимологиясига кўра от туркумига хосдир. Шунинг учун ҳам унинг *синғар* шакли қаратқич келишиғидаги отларга бирика олади ва ўзига жўналиш, ўрин каби келишиқ қўшимчаларини олади. *Синғари* тожик тилидаги *сиңгар-саңгар* сўзларига тааллуқли бўлиб, йўлдош деган маънони англатади. Қатор тожик тили диалектларида изофа муносабатидаги кўмакчи бўлиб, ўхшаш деган маънони ифодалайди (70.304). У бош, қаратқич келишиқдаги отга, қаратқич келишиқдаги кишилиқ олмошларига бириккан.

Бу кўмакчи XIII—XIV асрларда қуйидагича грамматик маъноларни англатган: 1) *Синғару, синғарға кўмакчиси иш-ҳаракат йўналтирилган ўринни билдирган*: Мусонинг илкин тутуб ўт синғару элитти (ҚР, 83а). *Бўтаси тоғ синғарға қасд қилди* (ҚР, 236). 2) *Сиңардин иш-ҳаракат чиқиб келган ўринни англатган*: *Байтул Муқаддас сиңардин ўт чиқиб келур* (ҚР, 816). 3) *Сиңгар кўмакчиси*: а) **Иш-ҳаракат йўналтирилган ўринни билдиради**: *Мениңг хушнудлуқум тилайур эрсаңг, яман вилояти сиңгар отланиң* (ҚР, 91а). б) **Иш-ҳаракатнинг белгисини ифодалайди**. Бирор иш-ҳаракат кўмакчи бириқиб келаётган предмети нинг ҳаракатига ўхшатилади, яъни чоғиштириш маъносини ифодалаб, ўхшатиш оттенкасига эга бўлади: *Ёғач куланка сиңгар барди* (ҚР, 1326). *Ун қилса уни бут сиңар бирор ёғочлиқ ерга борур эмиш* (ҚР, 696). *Икки тармоқ оқар эрди улуг бутоқ сиңгар оқар бўлди* (ҚР, 826). в) **Иккита предмет чоғиштирилиб, бирор предмет кўмакчи бириқиб келаётган отдан англашилган предметга ўхшаш экани ифодаланади**. Чоғиштиришга асос қилиб кўмакчи бириқиб келаётган от олинади: *бир йигит бор тубинда миңг қўй ётғунча кўлакалик ёғачни сиңгар илки бирла йигирма миңг эрни қайтарур* (ҚР, 696). *Юзи бизим сиңгар эрди тақи бир анчаси бизим сиңгар эрди* (ҚР, 216).

XV—XVI асрлардаги биз кўрган ёзма ёдгорликларда бу кўмакчини учратмадик.

XVII—XIX асрларга хос ёзма манбаларда *синғари* кўмакчиси ниҳоятда кам қўлланиб, бош келишиқдаги отларга бириккан ва чоғиштириш маъносини англатган: *Йўлда темир синғари қумлар қизиқ* (Гулханий, 61).

Синғари кейинги даврларда эса фақат бош келишиқдаги отларга бириқиб, грамматик маъно англатган ва бутунлай кўмакчилар группасига ўтиб кетган. Шунинг учун ҳам *синғари* ҳозирғи ўзбек тилида соф кўмакчи бўлиб, фақат грамматик маъно англатади.

Ҳозирги ўзбек тилида қўлланаётган *каби, синғари* кўмакчилар грамматик хусусияти ва маъно англатишига кўра ўхшашдир (125. 67,71). *Синғари* кўмакчиси қиёслаш, ўхшатиш маъносини

аникрок ифодалаши билан *каби* кўмакчисидан фаркланади (70. 304). *Сингари* аслида *каби* кўмакчисининг синоними бўлиб, *каби* кўмакчисидек ўхшатиш, солиштириш, қиёслаш маъноларини англатади. Феъл формалари билан келганда ҳаракат ва ҳолатдаги ўхшашликни билдиради. Вакт билдирувчи сўзлар билан келганда доимий ўхшашлик, мунтазамлик маъносини билдиради (189. 546).

Ўзбек тили диалектларида *сѣнгѣрѣ*, *сѣңерѣн* шаклларида кўлланиб, ўхшатиш, солиштириш, қиёслаш маъноларини ифодалаши олимларимиз томонидан қайд этилган (185. 225). Шунингдек, Наманган шевасида *сингерѣ*, *охшѣп*, *ошқѣп* шаклларида кўлланади (144. 159). Шаҳрисабз шевасида *сингари* кўмакчиси ўрнида *қаторѣ*, *теңѣ*, *дѣстѣрѣ* (192. 128). Жанубий Фарғона шеваларида *охшѣп* (ўхшаб) (152. 175) сўзлари кўлланиши қайд этилган. Ўзбек тилининг айрим шеваларида *сингари* кўмакчиси ўрнида *-тѣк*, *дѣйин*, *дѣйин* аффикслари кўлланади (154. 200), (60. 183). Бу кўмакчи Тошкент шевасида *сѣнгѣрѣ* шаклида ва *-тѣк*, *дѣйин*, *дѣйин* аффикслари шаклида учрайди (169. 376).

Чуваш тилидаги *пек* (подобно) (132. 890) ўзбек тилидаги *сингари* кўмакчисига тенг келади. Шунингдек, чуваш тилидаги *-дай*, *-тайнай* аффикси ва (суман) кўмакчиси (80. 119) ўзбек тилидаги *сингари* кўмакчисига тенг келади.

Ўзбек тилидаги *сингари* кўмакчиси туркман тилидаги *ялы*, *кимик киби*, *дек//дей//дек//дейин*, *тетелли* кўмакчиларига тенг келади (50. 404—407).

Қозоқ тилидаги *сияқты*, *сиықты*, *сынды*, *секилді*, *сықылды*, *иснетті* тәрізді кўмакчилари (63. 87; 78. 8) ўзбек тилидаги *сингари* кўмакчисига синоним бўлади.

Янглиғ кўмакчиси. Бу кўмакчи образ маъносидаги *яне* от сўзидан яратилган (70. 304) *Янглиғ* морфологик таркибига кўра икки қисмга бўлинади: *Ян* хитойча бўлиб, шакл, образ, усул, услуб, одат маъносини англатса, *-лығ* туркча бўлиб, ўзакдан англашилган маънога эга эканини билдирган сифат ясовчи кўшимчадир (55. 233). *Янлиғ* сўзининг лексик маъноси шаклга, образга эга демакдир.

XI асрга оид ёзма ёдгорликларда сифати, белгиси деган маъноларни ифодаласа, мустақил от бўлган: *Муни бар-му я н г л у қ ани сўзлагу* — Бунинг сўзлашга арзийдиган сифати, белгиси борми (ҚБ, 893).

Янглиғ кўмакчиси ўзбек тили тарихининг ҳамма даврларида ишлатилган. Лекин у биз кўриб чиққан ҳамма манбаларда ҳам учрайвермайди. Масалан, XIII—XIV асрларда ТФ, ҚР, МН, ХШда кўлланган, аммо ЎН, НФ да учратмадик. Шунингдек, XVII—XVIII асрларга оид «Ш. тар.»да учратмадик. Лекин XIX асрнинг I ярмига оид Муқимий, Фуркат асарларида ишлатилган.

Янглиғ кўмакчиси ўзбек тилининг тарихига оид ҳамма даврларда бош келишикдаги от, сифатдошга бириккан: *қуёш я н г л и қ* (МН, 294^а). *Чичак янглиғ* (ХШ, 95^а). *Қарушмуш янглиғ* (ХШ, 25^а). *Ит янглиғ* (Навойи МА, 51). *Тар-му янглиғ* (Бобир, 6^б).

Барги гул янглиғ (ШН, 14^б). *Истаган янглиғ* (Муқимий II, 36). *Лола янглиғ* (Муқимий II, 12). *Зарра янглиғ* (Мунис, 68). Бу кўмакчи XIII—XIV асрларда ниҳоятда кенг қўлланиб, бош келишиқдаги сифат, ҳаракат номи, кўрсатиш олмоши, кишилиқ олмоши, ўзлик олмоши, не сўрок олмошларига ва қаратқич келишигидаги анинг кўрсатиш олмошига бирикаверган: *ўзга йаңлиғ* (ТФ, 96). *Бу янглиғ* (ТФ, 129а). *Ушбу яңглиғ* (ҚР, 746). *Алар янглиғ* (ХШ, 25^б). *Не янглиғ* (ХШ, 67^а). *Анинг янглиғ* (ХШс, 70^б). *Киши янглиғ* (Мухтасар, 1296). *Зарра янглиғ* (Мунис, 68). *Истаган янглиғ* (Муқимий II, 36). *киру яңглиқ* (МН, 294а).

Янглиғ кўмакчиси ўзининг тарихан қўлланишида ҳамма вақт ўхшатиш маъносини англаган. Кўмакчи бириқиб келаётган отдан англашилган предмет ўхшатишга асос бўлган. Лекин у XIII—XIV асрларда ҳолат маъносини ҳам ифодалаган: 1. **Ўхшатиш:** *Барча ўзга яңглиғ бўлмиш* (ТФ, 96). *Бу яңглиғ бағри бирла юрюр бўлди* (ҚР, 8а). *Кўёш яңглиғ юзуңғизми яратти, фалак-тек бизни саргардон яратти* (МН, 293а). *Боқиб аниңг болур я н г л и ғ танинга//болурдин ўт ёқилди шох танинга* (ХШ, 236). *Очилмиш нор чечаги-тег яноқи//кумушдин ул олма я н г л и ғ оқ сақоқи* (ХШ, 806). *Бўйни боғлиғ ит я н г л и ғ ниссау танобиңг мен* (Навойи МА, 51). *Шукр қил бўлган киши я н г л и ғ балолардин халос* (Мухтасар, 1296). *Мениңг бу тор-му я н г л и ғ танимға тоблар солди* (Бобир, 66). *Барги гул я н г л и ғ узанғусидур ал* (ШН, 146). *Ул қуёш борур тушуб соч соя осо кейнида//зарра йаңлиғ музтарибмен зору шайдо кейинда* (Мунис, 68). *Лола я н г л и ғ доғи ғамга мубтало, деб ахтаринг* (Муқимий II, 12). *Учраса одам йўл устида ҳўкиз янглиғ сузар* (Муқимий II, 83). *Бир пучак пул хайр ногоҳ бир гадо қилса таъма истаган янглиғ вужудин андин анқо баччағар* (Муқимий II, 36).

2. **Ҳолат:** *Боқаян ким из яңглиғ ул кесер тош не-тек ишқимда кўздин оқтурур ёш* (ХШ, 67а). *Не-тек ким кўрди у эр Хусравни Баҳром не я н г л и ғ бўлди кўр иш саранжом* (ХШ, 526).

Ҳозирги ўзбек тилида *янглиғ* кўмакчиси бош келишиқдаги отга бириқиб, чоғиштириш, ўхшатиш маъноларини англатади: а) шахсни англаувчи предмет жонсиз предметга ўхшатилади; б) бирорта предмет бошқа предметга чоғиштирилади; в) шахс бошқа жонли предметга ўхшатилади; г) бирорта шахс бошқа шахсга ўхшатилади (125. 25,26). Ҳозирги ўзбек тилидаги *янглиғ* архаиклашиб бораётган кўмакчи бўлиб, *каби*, *сингари* кўмакчиларига грамматик синоним бўлади (70. 304; 189. 546,547).

Янглиғ кўмакчиси ўзбек тилининг Наманган шеvasида *йангли//йанглъ* шаклларида учрайди (144. 159). Лекин ўзбек тилининг томондан бошқа шеваларида бу кўмакчининг қўлланиши олимларимиз қоланидан қайд этилмаган. Шунингдек, чуваш, козок, туркман тилларида учратмадик.

Янглиғ кўмакчиси XIII—XIV асрларда ниҳоятда кенг қўлланган бўлиб, кейинги даврларда унинг қўлланиш доираси анча торайган. Лекин унинг грамматик маъно англатиши ҳамма даврлар учун,

асосан, бир хил бўлиб колаверган.

И ч р а кўмакчиси. Бу кўмакчи морфологик таркибига кўра икки қисмдан иборатдир: *ич* — от, *-ра* — ўрин келишигининг қадимги формаси. Лекин *-ра ич* ўзагига қўшилиб, *ичра* формаси ясалган. Бу форманинг лексикализациялашганидан кейин *ичра* равиши юзага келган. (102. 40; 103. 98;55. 202).

Ичра Ўрхун-Енисей ёдгорликлари тилида кўмакчига ўтиш процес-сидаги равиш бўлган. У ўша даврда равиш ва кўмакчи функцияси-да қўлланган (102. 41, 43; 103. 89, 94; 157. 139, 143;55. 201,202).

XI аср ёзма ёдгорликлари тилида *ичра* (*ичинта*) кўмакчига тўлик ўтиб шаклланган эди (8.44).

Ичра XIII—XIV асрларда мустақил сўз ва кўмакчи функциясида қўлланган. У мустақил сўз сифатида ўрин равиши бўлган: *Йузуф Залиҳа бирла и ч р а колдилар* (НФ, 181а). *Малик табути ким гунбадга етти/кикурди и ч р а элга узур айтти* (XIII, 113а).

Бу кўмакчи ўзбек тили тарихи тараққиётида, асосан, бош келишикдаги отга бириккан. Қаратқич келишигидаги *аниңг* кўрса-тиш-кишилик олмошига бирикиши XIII—XIV асрларда баъзан учрайди: *кишилар и ч р а* (ТФ, 206); *учмах и ч р а*, *кема и ч р а* (КР, 36, 16а); *ўт и ч р а харобат и ч р а* (МН, 291а, 311б); *зиндон и ч р а*, *тан и ч р а*, *ўқ отмоқ ичра* (XIII, 89б, 91б, 35б); *минг йил и ч р а* (МН, 294а); *хутон и ч р а* (Саккокий, 42); *боғ и ч р а* (Амирий, 329); *ўт и ч р а* (Аҳмадий, 327а); *хусн и ч р а* (Отайи, 12); *вайронлик и ч р а* (Навойи МК, 90). *жаҳон и ч р а* (Хайдар, 390б); *араб и ч р а* (Навойи СС, 42); *вайрон и ч р а* (Навойи ЛТ, 136); *хусн аҳли и ч р а* (Бобир, 5а); *жаҳон и ч р а* (Мухтасар, 42б); *тоғлар и ч р а* (МН, 156б); *хужра и ч р а* (Муқимий II, 84); *гулшан и ч р а* (Фуркат I, 87); *боғ и ч р а* (М. ча., 103).

Ичра кўмакчиси ўзининг тарихий тараққиёти даврида ҳамма вақт ўрин, сабаб, пайт, ҳолат маъноларини англатган бўлиб, иш-ҳара-катнинг ижро этилаётган ўрни, иш-ҳаракатнинг йўналтирилган ўрни аниқ ифодаланган.

1. **Ўрин ифодалаши:** а) Иш-ҳаракат ижро этилган ўрин: *Қамуғ анинг и ч р а мангу қолғайлар* (ТФ, 37а). *Иблисни кема и ч р а кўрди* (КР, 16а). *Ўзин йур чашма и ч р а ул гул андом* (XIII, 23а). *Тағи ўт и ч р а озор ўғлин асрар* (МН, 291а). *Хўблар сони йўқ Чин-у Хито-у Хутон и ч р а* (Саккокий, 42). *Боғ и ч р а гашт этиб юрур эрдим* (Амирий, 327а). *Қошларин ёсин Отойти кўрга-ли хусн и ч р а тоқ* (Отайи, 12). *Неча вайроналар и ч р а қилиб сайр* (Лутфий, ГН, 439). *Жон бирла кўнгул ишқин ўти и ч р а куйубтур* (Лутфий, 24б). *Қайси вилоят и ч р а бўлган* (Навойи МК, 90). *Қолмади андин бу жаҳон и ч р а гард* (Хайдар, 390б). *Араб и ч р а тутуб мақом аввал* (Навойи СС, 42). *Тўкти вайрон и ч р а ҳар ёндин суну* (Навойи ЛТ, 136). *Хаста кўнлум зулфи тоби и ч р а дирҳамдур букун* (Навойи МН, 237). *Ики уч ойча зиндон и ч р а турса* (Навойи ФШ, 156). *Хусн аҳли и ч р а мунча ихтироминг бор эди* (Бобир, 5а). *Эй хусни жаҳон и ч р а бало солғон, қатл этгали халқ уза сало солғон*

(Мухтасар, 426). Бўлдинг ул оина и чра зоҳир (ШН, 6а). Урда и чра қаламкашлик эрди иши (М. ча., 231). б) **Иш-ҳаракат йўналтирилган ўрин:** Кирмагай эрдилар аниқг и чра (ТФ, 37а). Учмах и чра кирган (КР, 36). Кириб дайр и чра ул фазона Савур бир оз тунгланди йўлда эрди ранжур (XIII, 15а). Кириб ғор и чра огоҳ қилди они (Навойй ФШ, 67). Чарағи нола ёқар кулбам и чра Шўълаи оҳ (Мунис, 37). в) **XIX асрларда иш-ҳаракатнинг чиқиб келган ўринни ҳам ифодалайди:** Хужра и чра қувладим ҳаргиз кетмас паишшалар (Муқимий II, 84). Агар ҳажр илқидин жисм и чра табсанг хаста жонимни (Фурқат I, 115).

2. **Сабаб ифодалаши:** Укуш йиғлаб бу янглиғ килди зори бу қадғу и чра қолмади қарори (XIII, 21а). Ғайрат ғўти и чра яна бағримни бирён айлама (Саккокий, 24). Юзи гул баргидек бўлди ғам и чра (Лутфий, ГН, 379). Деди ишқ и чра қатлинг ҳукм этгум (Навойй ФШ, 153). Шафқат и чра атодек олди анга (Навойй СС, 42). Хидматим и чра лоф урар эдингиз (Навойй СС, 69). Ишқ и чра итмиш-мен, дардимни билмай -сен, // ўлмакка йетмиш-мен, фикримни қилмай-сен (Мухтасар, 70а) Раҳим и чра ани сийлашкан (ШН, 80б). Мен айлаб икки и чра тарки номус (Мунис, 185). Айб эмас ишқ и чра дарди бедавоға йиғласам (Муқимий I, 132). Қолди шаққаристонда тўти дoston и чра (Фурқат I, 26)

3. **Пайт ифодалаши:** Бу дафтар ким бўлубтур Миср қанди йети юз эли тўрт и чра туганди (МН, 312а). Ярар-му ман-тег ўқ ўз сарв овод бу меҳнат и чра қолсам қилу фарёд (XIII, 85а). Улган кишини тургузадур бир нафас и чра (Отыйи, 131). Фироқинг тўкти бир дам и чра қоним (Лутфий, 30а). Йил оғриғанча бўлди бир дам и чра (Лутфий: 171, 379). Изтироб и чра бериб ором анга (Навойй, ЛТ, 22). Кулар бўлсанг қиш и чра ёз очилур (Навойй ЛТ, 87). Чун бу Хоразмға қўл солғандур // ушбу ой и чра келиб олғандур (ШН, 295). Найлайн бу ғурбат и чра сендин ўзга йўқ кишим (Бобир, 19а). Офтоб олмас юзидин кечалар и чра ниқоб (Мунис, 83). Қилдинг сафар рўза и чра хумор аччиғидин (Фурқат I, 172).

4. **Ҳолат ифодалаши:** Кўруб Хусрав таажжуб и чра қолди // иш олтин бирла бутмаз теъу билди (XIII, 636). Қаттиқ ваҳм и чра қолди ўз-ўзидин (Лутфий ГН, 352). Мунингдек ҳасрат-у ғам и чра нолон айладинг кеттинг (Фурқат I, 57). Бу кўмакчи XIII—XIV ва XV—XVI асрларда восита, объект маъноларини аналлатган. Лекин бу хусусияти кейинги даврларга етиб келмаган.

1. **Восита:** Тузуб тил булбули бу назм уза соз бу парда и чра келтурдим хуш овоз (XIII, 76). Қилиб булбулға ул сўз и чра бир-бир (Навойй ФШ, 160). Фарси назм и чра чун сурдум қалам (Навойй ЛТ, 210).

2. **Объект:** Ҳикоят кўб бу сурат и чра англа айлайун уш қулоқ тут яхши тингла (XIII, 18а). Ети иқлим шоҳининг ул ёдгори йўқ ул дунёда бире кўрк и чра бари (XIII, 18б). Билик билмак ичинда жавҳари сен вале ҳусн и чра жавҳардин ари сен (МН, 304).

Ичра кўмакчиси XIII—XIV асрларда мақсад маъносини англаган. Унинг бу хусусияти кейинги даврларда мутлақо учрамайди. Шунингдек, XIX асрда комитатив маъно англаган. Бу маъноси эса аввалги даврларнинг бирортасида учрамайди. а) **Мақсад маъноси:** *Нэчэ ким ол йыгачны көрмәдим мән оқудум насха и ч р э ҳам оқы сэн* (XIII, 69^б). б) **Комитатив маъно:** *Нигоро, қойма миннат жонима васл и ч р а* деб Фурқат (Фурқат I, 214).

Ичра кўмакчиси ҳозирги ўзбек тилида жуда кам ишлатилади. Фақат поэзиядагина баъзан учрайди. Ҳозир қўлланиши чегараланиб-архаиклашиб, фақат бош келишидаги отларга бирикади ва биргина ўрин маъносини — иш-ҳаракат предметнинг ичида содир бўлишини — англатади. Мавҳум отлар билан келганда *билан* кўмакчисига мос келади. Ҳозирги ўзбек тилида унинг ўринда *ичида* (-дан, -га) от кўмакчиси кенг қўлланади (70. 321; 72. 38; 125. 110, 111, 189. 550).

Ичра от туркумидан кўмакчига ўтган. У қадимги туркий тилларда ва XIII—XIV асрларда мустақил от ва кўмакчи бўлган. *Ичра* кўмакчиси бош келишидаги от, қаратқич келишидаги кишилик олмошларига бириккан. Кейинги даврларда фақат бош келишидаги отларга бирикиб, кўмакчи сифатида қўлланган.

XIII—XIV асрлардаги мақсад маъносини ифодалаши кейинги даврларда учрамайди, ҳаракатнинг йўналиши, восита, объектни ифодалаши XIII—XIV, XV—XVI асрларга хосдир. Биргалик маъноси эса XVII—XIX асрларда пайдо бўлган. Унинг ўрин, сабаб, пайт, ҳолат маъноларини англатиши ҳамма даврларга оиддир.

Ичра кўмакчиси XIII—XIV асрларда саккиз хил, XV—XVI асрларда етти хил, XVII—XIX асрларда беш хил маъно ифодалаб, XIX асрнинг охири XX асрга келиб фақат ўрин маъносини англатади, қўлланиш доираси ниҳоятда тораяди. Натижада, ҳозирги ўзбек тилида унинг ўрнида *ичинда* (-га, -дан) от кўмакчиси қўлланган.

Бу кўмакчи ўзбек тили тарихий тараққиётида актив ишлатилган бўлса-да, ҳозирги ўзбек тили диалектларида учрамайди. У чуваш, қозок тилларида қўлланмаган. Туркман тили тарихида ишлатилиб, ҳозирги туркман тилида ишлатилмайди. Унинг ўрнида *ичинде*, *ичине* кўмакчиси ишлатилиб, масофа, пайт маъноларини ифодалайди (50. 427, 428).

Томон кўмакчиси ва унинг вариантлари. *Томон* нутқимизда мустақил от ва кўмакчи функциясида ишлатилган. У, асосан, XIX асрнинг охиридан бошлаб қўлланган. Мустақил от: *Масаланинг бу томонига энг зўр аҳамият берамиз* (Хлар. 1930 I, 12). *Турли томонга тарқалдилар* (Хлар. 1930 I, 46). *Бола кўчанинг ўнг томонига қараб кетди* (М.ча., 162). *Ўрмонбекни ўзининг ўнг томонига олди* (М.ча., 141). *Отаси ўлуб, онаси ва ота томонлари тарбиясида қолди* (М.ча., 63). *Ҳавлининг тўрт томони нақшинкор* (М.ча., 106). *Сандиғнинг калитини тополмай тўрт томонни излар...* (М.ча., 76).

Томон сўзининг мустақил маънода келиши ҳозирги ўзбек тили диалектларида йах сўзи билан ҳам ифодаланади. (122. 351).

Томон ХХ асрнинг бошидан кўмакчи функциясида ишлатилади. У ўзига *-га(-ға), -да, -дан* келишик кўшимчаларини олиш билан баъзан ўша келишик кўшимчаларидан олдин III шахс бирликдаги эгалик кўшимчасини олади: *томон, томонга//томонига (-ға), томонда//томонида, томондан//томонидан*.

Томонимиздан ХХ асрнинг бошларида изофа конструкциясида бўлса ҳам, аслида кўмакчили бирикма бўлиб, объектни ифодалаган: *Бутун дунё аксил инқилобчиларига бизнинг томонимиздан, албатта, етарлик зарба берилади* (Кмт, 19).

Кейинги йилларда бундай конструкция ишлатилмайди. Балки унинг ўрнида *биз томондан, албатта, етарли зарба берилади* каби ифодаланади. Шундай қилиб, кўмакчили бирикма ҳар икки хил конструкцияда ҳам объект ифодамайверади. Маълумки, бу кўмакчи от туркумидан ажралиб чиққан бўлса-да, бошқариш хусусиятига эга бўлиб, грамматик маъно англатади ва соф кўмакчиларга яқин туради.

Томон кўмакчиси жўналиш келишигидаги отга бирикиб, иш-ҳаракатнинг ижро этилаётган ўрнини, пайтини ифодалайди: 1. **Ўрин ифодалаши:** *Ҳеч ким жанубга томон узоқ йузуб боришқа журъат қилган эмас эди* (Кук, 11).

2. **Пайт ифодалаши:** *Гражданлар уруши охирига томон комсомол қишлоқда тезлик билан ўсишқа бошлади* (Кмт, 28). *Кечга томон мирзолар тарқалишдилар* (М.ча., 153). *Томонга, томонига* кўмакчиси бош келишикдаги от, кўрсатиш олмоши, *-ган* аффиксли сифатдошга бирикади: *Анвар томонга, шу томонга, келган томонга* (М.ча., 176, 106, 178).

Бу кўмакчи иш-ҳаракат йўналтирилган ўринни ифодалайди: *Сўнгра Анвар томонига бир оз мойил этиб илжайди* (М.ча., 176). *Эшик томонига юради* (М.ча., 106). *Бир оздан кейин Анвар ёлғиз қолиб шу томонга ичкарига қараб кела бошлагандек бўлди* (М.ча., 174). *Келган томонига йўл солди* (М.ча., 178). *Ғарбий-шимол томонга юриб...* (Кук, 10).

Томонда//томонида кўмакчиси бош келишикдаги отларга бирикиб, ўринни англатади: *Икки томонда қўл боғлаб ва бош букиб тўхтадилар* (М.ча., 114). *Катта ер эгаларининг болалари оқлар томонда бўлдилар* (Кмт, 28). *Коммунист фирқаси ва комсомол томонда эди* (Кмт, 29).

Томондан//томонидан кўмакчиси бош келишикдаги отларга бирикиб, икки хил грамматик маъно англатади: 1. **Иш-ҳаракат бошланадиган, чиқиб келган ўринни билдиради:** *Имомнинг ҳасад ўти томонидан пуфланади* (М.ча., 62). *Чунки сўнги йилларда хонлик томонидан халқ устига тушган ва тушиб турган солиқлар беҳад* (М.ча., 49). 2. **Объектни англатади:** *Хон томонидан белгиланган заифларгина эдилар* (М.ча., 104). *Чиндан ҳам бу жасуруна исён хотин-қизлар томонидан Худоевнинг истагига қарши биринчи кўтарилиш эди* (М.ча., 208). *Анвар томонидан лабига текизилган гулдан Раъно ўзини олиб қочди* (М.ча., 55). *Иккинчи йўл тўғарақларнинг қишлоқ зиёлилари то-*

монидан уюштирилиши (Кмт, 17). Франция томонидан Суриянинг Лебнан вилояти олингон (Хлар. 1930 XII, 28). Миссионерлар томонидан киргизилган бўлса керак (Хлар.. 1930 I, 45). Кўк томонидан қилинган уч саёҳат (Кук, 9). Бутун дунё аксил инқилобчиларига бизнинг томонимиздан, албатта, етарлик зарба берилади (Кмт, 19).

Томондан кўмакчиси бу томондан қараганда, иккинчи томондан, бир томондан каби юмук бўлақларнинг яратилишида иштирок этади: Бу томондан қараганда пролетар ёшлар уюшмаси сиёсий бир уюшма бўлади (Кмт, 6). Иккинчи томондан оппозиция ўзининг фирқа чизиғидан жуда йироқлашганини кўрсатади (Кмт, 43). Бир томондан у ёққа ёрдам берсалар, бир томондан бу ёққа бизга моддий кўмакда бўлиб турдилар (Хлар. 1930 II, 85).

Бу даврда томондан, тарафдан кўмакчилари услуб талабига кўра параллель ишлатилганлар: Бир томондан қизларга сабоқ бериб, онасига кўмаклашса, иккинчи тарафдан отасидан қофия (араб нахв ва сарфи ҳамда Шайхи Саъдийнинг «Гулистон»идан) дарс олади (М.ча., 19).

Бу кўмакчи ҳозирги ўзбек тилида *томон*, *томонга*//*томонига*, *томонидан* шаклларида қўлланади.

Ҳозирги ўзбек тилида қўлланаётган *томон* кўмакчиси бош ёки жўналиш келишикдаги отга бирикади.

Томонга//*томонига*, *томонидан* кўмакчилари эса бош келишикдаги отга бирикади. *Томон* ўрин, пайт ифодаласа, *томонга*//*томонига*, *томонидан* кўмакчилари фақат ўрин ифодалайди (125. 104).

Бу кўмакчи ўзбек тили шеваларида *томон*, *тараф*, *бет*>*вет* шаклларида ишлатилиб, жўналиш, чиқиш, ўрин-пайт келишигидаги отларга бириккан. Баъзан бош келишикдаги отни бошқариш ҳолати ҳам учрайди (185. 227), Наманган шеvasида *тэмэн* (144. 160), Тошкент, Фарғона меваларида *томонга* шаклида қўлланган. (169. 379).

Туркманистондаги ўзбек шеваларида *тарап*, *тараф*, *томон* шаклларида қўлланиши қайд этилган (121. 132). Қўкон шеvasида *беткай*, *товон*, *тарап* (111. 261); ғарбий Фарғона шеваларида *тарап-томон* (147. 196); жанубий Фарғона шеваларида эса *томонга* ёки *қарап* (152. 176); Туркистон шеvasида *томон* кўмакчиси ўрнида *йақ*, *қарап* (95. 226.) қўлланган. Қипчоқ шеvasида *вет*<*бет* (лицо) кўмакчи функциясида ишлатилади ва *томонга*, *тарафга* кўмакчиларига синоним бўлади: *уй веткэ кеттэ* — пошел в сторону дома (3. 62).

Томон кўмакчиси ва унинг вариантлари чуваш тилида учрамайди. Лекин ҳозирги туркман тилида *тарап* шаклида қўлланиб, жўналиш келишигидаги от билан грамматик муносабатига киришиб, масофа, сабаб маъноларини ифодалайди. Бундан ташқари, *тарап*дан//*тарап*ын шаклларида субъектив маъно англатади (50. 410, 415, 421).

Қозок тилида *томон* кўмакчисини равишлардан келиб чиққан кўмакчи қаторида ўрганадилар (63. 88). Қозок тилидаги *томон*

кўмакчиси жўналиш, чиқиш келишигидаги отни бошқаради. У масофа, йўналиш, бирор жойга яқинлашишни; пайт маъноларини билдиради (78. 5, 6). Бу кўмакчи козоқ тилида *тамандау* шаклида ҳам қўлланади. *Дау* аффикси кўмакчининг маъносини, функциясини ўзгартирмайди, балки янада аниқлик оттенкасини беради (63. 86).

Бу кўмакчи қўлланишининг дастлабки даврларида *томон*, *томонга*//*томонига*, *томонидан*//*томондан*, *томонда*//*томонида*, *томонимизда* шаклларида бўлган. Ҳозирги ўзбек тилида айнан шу хилда ишлатилади.

Ўзбек тили диалектларида учрайдиган *тарап* ва ўзбек адабий тили, диалектларида учрайдиган таман шакллари козоқ, туркман тилларида қўлланади.

Бу кўмакчи қўлланиши, маъно англатишига кўра туркман, козоқ тилларида кенгроқ ишлатилади (сабаб маъносини ифодалаш, чиқиш келишигидаги отни бошқариши ва б.).

Ўзбек адабий тилига нисбатан унинг диалектларида бу кўмакчининг вариантлари кўпроқдир (беткэй, тэвон ва б.).

С а й и н кўмакчиси ва унинг **фонетик вариантлари**. Бу кўмакчи ўзининг тарихий тараққиётида *сайу*, *сайы*, *сайин* шаклларида қўлланган.

Сайу қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида равишдош ҳамда кўмакчи бўлган (102. 42; 103. 93; 67. 50; 157. 137).

Бу кўмакчи этимологиясига кўра *-са*, *сай* феълига тааллуқли бўлиб, *-у*, *-и*, *-ин* аффиксини олган равишдош кўмакчисидир. Шунинг учун ҳам бу кўмакчи *сайу*, *сайи*, *сайин* шаклларида қўлланади (176. 190; 11, 313; 44. 694, 695; 74. 20; 70. 306; 52. 88).

У XIII—XIV асрларда *сайу*, XV—XVI асрларда *сайи*, ҳозирги ўзбек тилида эса *сайин* шаклида ишлатилган. XIII—XIV асрларда ишлатилган *сайу* кўмакчиси факат ҚР да учрайди. У бош келишикдаги отларга бириқиб, иш-ҳаракатнинг давомлилигини билдиради. Кўмакчи бириқиб келаётган отнинг лексик маъносидан пайт билиниб туради: *Кун с а й у учмахтин таом келур эрди* (ҚР, 128^а) *Кун с а й у кўкдаги кунни машриқдин турдурур* (ҚР, 26^б). *Йил с а й у йилки қарадин унда берсин* (ҚР, 31^б).

XV—XVI асрларда қўлланган *сайи* кўмакчиси А. Навоий, Бобир, Муҳаммад Солиҳ асарларида учрайди. У қаратқич келишикдаги кишилиқ олмошларига бош келишикдаги от, сифатдошга бирикади: *сенинг с а й и* (Навоий МА, 36); *бизинг с а й и* (Навоий МА, 53); *салған с а й и* (Навоий МК, 164); *гардун с а й и* (Навоий ФШ, 46).

Сайи кўмакчисининг грамматик маънолари қуйидагича бўлган: 1. **Иш-ҳаракатнинг ривожланиб боришини, давомлилигини ифодалайди**: *Яна хишт салған с а й и ул парчалар ул хиштларга кўра кўб* (Навоий МК, 164). *Кўрган с а й и хатимни мени ёд айла* (Бобир, 39^с). *Хуснунга боққан с а й и ортар менинг ҳайронлигим* (Мухтасар, 129^б). *Андин юқори шарқ сари боқа борған с а й и саҳрои фил кўпрак бўлур*. (БН, 356). *Шах-у барг узаған с а й и барги саб-*

зарақ бўладур (БН, 370). Ул кизир эди югурган с а й и (Навоий МН, 84^а). Қимсаниб яғини кўрган с а й и (ШН, 135^б).

2. **Иш-ҳаракат бирор предметга яқин йўналтирилмаганини билдиради:** Айлар-мен юз дуо сенинг с а й и дам (Навоий МА, 36). Бизинг с а й и келмас-сен не бўлди эй бад меҳр (Навоий МА, 53).

XVII—XIX асрларга оид биз кўрган ёзма ёдгорликларда бу кўмакчининг қўлланишини учратмадик. Лекин ҳозирги ўзбек тилида *сайин* шаклида бош келишиқдаги от ва *-ган* аффиксли сифатдошларга бириқиб, пайт ифодалайди (125. 16). Бу кўмакчи ҳозирги ўзбек тили диалектларида ҳам *сайъ*, *сайън* (Чимкент), *саън* (Хоразм) шаклларида учрайди. Муайян вақт ичида ҳаракатнинг такрорланиши ёки мунтазам бўлиб туришини ифодалайди (185. 228).

Ўзбек тилининг Тошкент шеvasида *сари*, *сайин* параллель қўлланаверади, лекин Фарғона шеvasида *саръ* ишлатилади (169. 337).

Туркменистондаги ўзбек шеваларида (оғуз, қипчоқ) *саън*//*сайын* шаклларида қўлланган (121. 124).

Ўзбек тилининг ҳазорасп шеvasида, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *сари* кўмакчиси ўрнида *сайин* қўлланади (60. 184). Бу кўмакчини чуваш тилида учратмадик. Қозоқ тилида *сайын* шакли ишлатилиб, феълга тааллуқли экани таъкидланади. Қозоқ тилидаги *сайын* кўмакчиси бош келишиқдаги отга бириқиб, ўлчов-чегарани билдиради (78. 5, 7; 65. 87).

Бу кўмакчи туркман тилида *сайы*, *сайын* шаклларида қўлланиб, бош келишиқдаги отга бирикади ва пайт, микдор-масофа маъноларини англатади (50. 410).

Қа дар кўмакчиси. Бу кўмакчи XIII—XIV асрлардан бошлаб ишлатилган Сайфи Саройида учрайди.

Қадар этимологиясида кўра арабча бўлиб, микдор, даража, эътибор каби қатор маъноларни англатади (104, 726). XIII—XIV асрларда қўлланган *қадар* кўмакчиси бош келишиқдаги кўрсатиш, сўрок олмошларига бирикади: *не қа дар*, *ул қа дар* (Сайфи Саройи, 83^б, 71^а).

Араб тилидан келиб кирган *қадар* сўзининг эквиваленти ўзбек тили шеваларида бўлган: *Шу воха донг-шу* вақтга қадар (122. 359₂). Лекин ўзбек тили тарихига оид ёзма ёдгорликларда *қадар* кўмакчиси қўлланиб келган.

Бу кўмакчи микдор маъносини ифодалайди. Кўмакчи бириқиб келаётган от мавҳум маъноли бўлгани учун кўмакчи билдирган микдор ҳам конкретлашмайди: *Бир кунда не қа дар таом йемак* (Сайфи Саройи, 83^б). *Олимларга ул қа дар неъмат бергил ким дағи тиламасунлар* (Сайфи Саройи, 71^а). *Ул қа дар яқия келди қим кемачининг ёқаси йигитнинг элина кирди* (Сайфи Саройи, 100^б).

XV—XIX асрларда яратилган, биз кўриб чикқан ёзма ёдгорликларда *қадар* кўмакчисини учратмадик.

Қадар кўмакчиси ҳозирги ўзбек тилида жуда кенг қўлланади.

У жўналиш, бош келишиқдаги отларга бириқиб, чоғиштириш, ма-софа, территорияга кўра чегара маъноларини англатади. *Бу қадар* бириқмаси равишга яқинлашса, *шу қадар* бириқмаси боғлов-чига яқинлашади ва натижада, аниқловчи эргаш гапларни бош гапга боғлайди (125. 75, 76).

Қадар кўмақчиси жўналиш келишиқдаги отга бириқиб, иш-ҳаракатнинг вақт, макон жиҳатидан чегарасини, иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг содир бўлишида қатнашувчиларни имкони борича қам-раш маъносини ифодалайди. Бу кўмақчи бош келишиқдаги отлар билан келганда ҳажм, сон, даража, миқдор жиҳатидан чамалаш маъносини ифодалайди. Модал сўзлар билан келганда имконият чегарасини ифодалайди (189. 552.).

Қадар кўмақчисининг грамматик синоним сифатида кўшма аф-фикс *-гача* ишлатилади. Бу аффиксдан олдин *то* юқламаси ишла-тилса, ўша аффикснинг маъноси янада кучлироқ, яққолроқ ифо-даланишини таъминлайди (70. 308).

Қадар кўмақчиси бош келишиқдаги от билан бириқиб келганда таққослаш, ўхшатиш маъносини ифодалаб, *-дек* аффиксига грам-матик синоним бўлади. Лекин бу кўмақчи жўналиш келишигида-ги от билан бириқиб келганида *-гача* аффиксига *довур* кўмақчиси-га грамматик синоним бўлади. Унинг *бир қадар*, *у қадар* каби қўлланиши бириқмани яратади, холос (184. 533).

Қадар кўмақчиси ўзбек тили шеваларида ҳар хил шаклларда қўлланади. *Қадар//довур* (Тошк.); *човур* (Фарғ., Андж.). *жо:ул*, *дос:ур* (Сурх.); *дон*, *чалли* (Хоразм). *Қадар* кўмақчиси ўрнида *-гача-гача* аффикслари ишлатилади. Жумладан, Хоразм шеvasида *-чэн//чэллэ*, *-йънча* аффикслари ишлатилади. Шаҳрисабз шева-сида *қадэллик* шаклида ишлатилади. Шунингдек, *бу қадар*, *шу қадар*, *у қадар* бириқмаси ўрнида *мунноҳ//мунча*, *бунноғ//бунча*, *мунноғ//мунча*, *унноғ//унча* равишлари ишлатилади. Бу кўмақчи Тошкент тип шевада: қадар, довур шаклларида ёки уларнинг ўр-нида *-гача* аффикси ишлатилади. Бу кўмақчи Туркистан, Хоразм шеваларида умуман ишлатилмайди. Унинг ўрнида: *чийин*, *-дэйин*, *-чэллэ* аффикслари қўлланади. *Қадар* кўмақчиси ўзбек адабий тилида қандай маъно англатса, ўзбек тили шеваларида ҳам худди шундай маъно англатади (185. 226, 227). Бундан ташқари, ўзбек тилининг айрим шевалари олимларимиз томонидан ўрганилганда қадар кўмақчисининг қўлланиши ва синонимларига алоҳида эъ-тибор берганлар. Андижон шаҳар шеvasида *дэв дэвур* (давр) шаклида ишлатилиб, *-гача* аффиксига тенг келиши қайд этилган (85. 226). *Қадар* кўмақчиси ўзбек тилининг Уйчи шеvasида *қадал* шаклида ҳам ишлатилган (13. 119). Туркистон шеvasида *қадар*, *довур* кўмақчилари ўрнида *чейин*, *дейин* сўзлари қўлланган ва баъзан *-гача*, *-гача* аффикслари қўлланган (95. 225). Қўкон шеvasида *қадар* ўрнида *давэр//довур*, *чэвур* сўзлари ва *йача* аффикси қўлланган (147. 196, 169. 376). Ҳазорасп шеvasида *қа-дар*, *довур* кўмақчиси қўлланмайди. Уларнинг ўрнини *-донг*, *-чэллэ* (чоғлик) аффикслари бажаради (60. 183). *Қадар* кўмақчиси ўр-

нида қозок, тилида *дейн*, *шейн* ишлатилиб, *жўналиш* келишигидаги отларни бошқаради (63. 87).

Хусус//хусусида кўмакчиси. Бу кўмакчи *хусус* отига *-да* ўрин-пайт келишиги кўшимчасининг кўшилишидан ёки ундан олдин «и» эгалик кўшимчасининг орттирилишидан яратилган.

У кўмакчи арабча бўлиб, *хусус* ўзагига тааллуқлидир, «частность», «особенность», маъноларида ишлатилади (72. 43). *Хусус-да//хусусида* кўмакчиси ўзбек тилида XIX асрдан бошлаб қўлланади. Бу кўмакчи бош келишикдаги от, сифатдош, кўрсатиш олмошларига, баъзан улар кўрсатиш олмошининг қаратқич келишигидаги шаклига бирикади: *Ул хусусда, уларнинг хусусида, шеър муболағаси хусусида, мактабдин қочган хусусида* (Фуркат I, 130, 45, 132). *Бу хусусда* (М.ча., 85).

Хусусдан//хусусида кўмакчи объект, сабаб маъноларини ифодалайди:

1. **Объект:** *Мен ул хусусда йигирма-ўттиз байт маснавий шеър қилиб* (Фуркат I, 130). *Уларнинг хусусида шоир ҳамон демай, яхши сўзни нечук дер ёмон* (Фуркат I, 45). *Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида* (Фуркат I, 45).

2. **Сабаб:** *Ул мактабдин қочган хусусида* топшуруб келиб оёғига темурдин кишан солиб (Фуркат II, 132). Ҳозирги ўзбек тилида *хусусида* шаклида ишлатилиб, ниҳоятда кам учрайди. Бош келишикдаги отларга бирикиб, объект ифодалайди (125. 121, 122; 70. 326).

Хусусида кўмакчи вазифасида *тўғрисида, ҳақида* кўмакчиларига грамматик синоним бўлган (184. 341).

Бўй сўздан пайдо бўлган кўмакчилар. *Бўй сўзига учинчи шахс бирликни билдирадиган -и* эгалик кўшимчасининг кўшилишидан *бўйи* соф кўмакчиси яратилган. Худди шу *бўйи* отига *-га(-ға), -да, -дан* келишик кўшимчаларининг бирортасининг кўшилишидан от кўмакчилар яратилган: *бўйига, бўйида, бўйидан* (Булар кейинроқ «Функционал кўмакчилар» бўлимида ёритилади). Бундан ташқари, *бўйи* сўзига *-чан -нча* равиш ясовчи кўшимчаларнинг кўшилишидан *бўйича, бўйинча* равишлари яратилган. Лекин у равишлар ҳам ўзбек тили тарихида кўмакчи функциясида ишлатилган.

Қозок, туркман тилларида *бўй* сўздан яратилган кўмакчилар ҳам соф кўмакчи ва от кўмакчилик хусусиятига эга бўлади.

Бу кўмакчи қозок тилида, ҳам асосан, икки хил бўлади: *бойы, бойынша* ҳолат ифодалаб, соф кўмакчига яқин туради (78. 5, 7). *Бойына, бойында, бойынан, бойыман* от кўмакчи бўлиб, масофа, пайт ифодалайди (65. 72).

Бўйи кўмакчиси ўзбек тили тарихида дастлаб XV—XVI асрларда ишлатилган. У бош келишикдаги отга бирикиб, пайтга кўра тахминий ўлчов маъносини билдирган: *Офтоб бир найза бўйи и чиқиб эдиким, Санжид дара айағида келиб тушулди*. (БН, 183). *Офтоб бир найза бўйи и чиқиб эдиким, уруш ангиз бўлди* (БН, 336).

XVII—XVIII асрларга оид манбаларда *бўй* сўздан яратилган

кўмакчиларни учратмадик.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида *бўйи*, *бўйинча* кўмакчилари параллель қўлланган.

XX асрда ишлатилган *бўйи* кўмакчиси, асосан, А. Қодирий асарларида қўлланган. У бош келишиқдаги отга бириқиб, пайт билдирган. Кўмакчи бириқиб келаётган от пайт маъносига эга бўлиб, иш-ҳаракат давомли бўлганини билдиради: *У тун б ў й и учрашишининг яхши ва ёмон тарафларини ўйлаб, ухлай олмади.* (М.ча., 203). *Биз-ку майли, кунни б ў й и ишлаб келган Анварга жахро* (М.ча., 78). *Абдураҳмон уч йил б ў й и савдогарлар орасида «ахлоқ тузатган» бўлса, яна икки йил мадрасада туриб, шу «тузалган», ахлоқни «камолатга» эриштирди.* (М.ча., 65). Бу даврга оид бошқа манбаларда *бўйинча* кўмакчиси ҳам ишлатилган. У бош келишиқдаги отларга бириқиб, куйидагича семантикани ифодалашда иштирок этган: 1. **Иш-ҳаракатнинг давом этишиқдаги тахминий пайтни ифодалаган:** *Юз йиллар б ў й и н ч а алдаб келмакдадирлар* (Хлар. 1930 I, 58). *Печа-неча миллиард йиллар б о й и н ч а ғайат кучли айланиб турган курра... марказга йиға бошлаган.* (Хлар. 1930 I, 49).

2. **Ҳаракат йўнаштирилган территорияга кўра ўринни ифодалайди:** *Юлдуз тўдаси б ў й и н ч а ҳаракатлана бошлайди.* (Хлар. 1930 I, 60). *Ер юзи б ў й и н ч а тарқалдилар* (Хлар. 1930 I, 45).

3. **Сабаб ифодалайди:** *Закун б ў й у н ч а анча шулки таъзир* (Муқимий II, 153). *Иттифоқ аъзолари ҳайъатини истажлари б ў й и ч а текширсак мана нарсани кўрамыз.* (ҚМТ, 52). *Худосизларнинг ташаббуси б ў й и н ч а кўп қишлоқларда коллективлаштириш кунни эълон қилдилар* (Хлар. 1930 I, 15).

Ҳозирги ўзбек тилида қўлланаётган *бўйи* кўмакчиси бош келишиқдаги пайт маъноли отларга бириқиб, пайт англатади. (125. 91). *Бўйи* кўмакчиси вақт билдирадиган отлар билан келиб, иш-ҳаракат шу отлар ифодалаган вақт доирасида давомлилиқ маъносини ифодалайди. (189. 550).

Соясинда//соясид кўмакчиси. Бу кўмакчи форс тилига тааллуқли бўлиб, баъзан кўчма маъно англатади: *Соя густар:* 1. Соя солувчи; 2. ҳомий (104. 570). Бу кўмакчи *соя*, отига *-си*, *-син* эгалиқ кўшимчаси ва *-да* ўрин-пайт келишиғи кўшимчасининг қўшилишидан яратилган. *Соясида//соясинда* кўмакчи XV—XVI асрлардан бошлаб қўлланган. У бош келишиқдаги отларга бириқиб, ғамхўрлик, химоя қилиш, сабаб каби маъноларни англатади: *Чу туштум давлатингиз соясинда* (Лутфий ГН, 420). XV асрда ишлатилган *соясинда* сўзи кўчма маъно ҳам англатган; *Бўсағанг соясинда тахт кимдур* (Лутфий ГН, 360).

Бу кўмакчи XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида *соясид*, *сояларингиз* шаклларида учраб, **объект ифодалайди.** *Соясида* кўмакчиси бош келишиқдаги отларга бирикади: *У ўзининг шу тўғрилиғи соясида ҳамиша анови мирзоларнинг ишига билоқасд халал бериб турур эди* (М.ча., 53). *Атрофдаги бекларимизнинг таважжуҳлари соясида сайиднинг ҳарамлари уч-тўрт*

ийлнинг ичида бунчалик чўриларга эга бўлди (М.ча., 111). Комсомол шу қувват соясида оскан ва осмакдадир (Кмт, 54). Октябрь инқилоби соясида деҳқонлар катта ер эгаларининг ерлари билан казна ерларини олиб эҳтиёжларини ўтагач (Кмт, 32).

Сояларингизда кўмакчиси қаратқич келишигидаги кишилик олмошларига бирикади: *Мен сизларнинг сояларингизда тарбияландим* (М.гд., 74).

Бу кўмакчи ҳозирги ўзбек тилида соясида шаклида қўлланиб, бош келишикдаги отга бирикади ва бирорта шахснинг ёрдами, ғамхўрлиги каби кўчма маъноларни, иш-ҳаракатнинг бажарилишида асос, манба каби маъноларни англатади (125. 127).

Туфайли кўмакчиси. Бу кўмакчи XV—XVI асрларда қўлланган. У арабча бўлиб, *туфайл* шаклида икки хил маъно англатади: 1) шилқим, таклиф қилинмаса ҳам сукулиб кирувчи: 2) Сабаб, баҳона, восита (70. 326; 104. 618).

Маълумки, арабча *туфайл* отига «и» эгалик қўшимчасининг қўшилишидан туфайли кўмакчиси яратилган.

XV—XVI асрларда ишлатилган *туфайли* кўмакчиси бош келишикдаги отга бирикиб, восита маъносини ифодалайди: **Кўргач ул кўзгуда ўз дийдорин, айлади кўзгу туфайли борин** (ШН, 30).

XVII—XIX асрлардаги ёзма манбаларда бу кўмакчини учратмадик. Бу кўмакчи ҳозирги ўзбек тилида *туфайли*, *туфайлигина*, *туфайлидан* шаклларида қўлланади. У бош келишикдаги отга, қаратқич келишигидаги олмошга бирикиб, сабаб маъносини англатади (125. 21, 22, 23). *Туфайли* кўмакчиси иш-ҳаракатнинг содир бўлишидаги сабабни билдиради (189. 548).

Тўғри сўзидан пайдо бўлган кўмакчилар. Бу кўмакчилар XVII—XIX асрлардан бошлаб қўлланган. *Тўғри* сифати отлашиб, унга *-дан*, *-да*, *-га* келишик қўшимчаларининг қўшилишидан, баъзан ўша келишик қўшимчаларидан олдин «си» эгалик қўшимчасининг орттирилишидан яратилган. *Тўғридан/тўғрисидан, тўғрида//тўғрисид* кўмакчиси бош келишикдаги отларга бирикиб, объект ёки сабаб маъноларини англатадилар: 1. **Объект:** *Бу тўғрисидан хотиржам бўлсинлар* (М.ча., 22). *Наима тўғрисидан ташвиш йўқ* (М.ча., 10). *Шу тўғрида фатво сўраб мурожаат қилади* (М.ча., 8). *Бу тўғрида биз гапириб ўтирмаймиз* (М.ча., 9). *Султонали мирзо бу гапдан Анварни хабардор қилиш ва қилмаслик тўғрисид* кўп ўйлади (М.ча., 186). *Шу тўғрида гапира беринг* (Хлар. 1930 XII, 36). *Ҳамма масалалар тўғрисид* а қарор қабул этди (Кмт, 27). 2. **Сабаб:** *Мен Муҳаммад Умарбойнинг тўғрисид* а номус қилиб ва жаҳолатдин ўзимни ўзим мундоқ қилдим, дебдур (Фуркат II, 155). *Бу тўғрида менга осила кўрмангиз* (М.ча., 63). *Ақл тўғрисид* а мумтаздур (Хлар. 1930 I, 82). 3. *Тўғрисид* а кўмакчиси бош келишикдаги отга бирикиб, **макс**ад ифодалайди: *Эксплуатация қилиш тўғрисид* а Англия капитализмга ёрдам қилади (Хлар. 1930 I, 82). 4. *Тўғрисиг* а кўмакчиси бош келишикдаги отга бирикиб, **объект** ифодалайди: *Иккинчи, уларни девондан ҳайдаш тўғрисиг* а

келганда, яна андишалар бор (М.ча., 159).

А. Н. Кононов ўзининг «Хозирги замон ўзбек адабий тилининг грамматикаси» («Грамматика современного узбекского литературного языка») асаридан (70. 310) *Пул тўғрисида келганда* иборасида *тўғрисида* кўмакчи эканини таъкидлайди. Аслида *тўғрисида* кўмакчи бўлиб, *келганда* сифатдоши *пул тўғрисида* кўмакчили бирикмани бошқармоқда. Кўмакчи объект маъносини англатиб, *-га* келишиқ қўшимчасининг грамматик маъносини аниқроқ ифодалашга хизмат қилмоқда. Бундай конструкциялар айрим ёзувчининг стилига тааллуқли бўлиб, хозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлмайди.

Хозирги ўзбек тилида, асосан, *тўғримда*, *тўғрисида* шаклларида қўлланиб, бош ва қаратқич келишигидаги отларга бириқиб, объект маъносини ифодалайди (125. 121, 122, 123).

Тўғрида мустақил маънода ўрин равиши бўлиб, *қаршида*, *рў-парада* каби маъноларни билдиради. Шунингдек, *устидан*, *ҳақида*, *хусусидан* кўмакчилари билан грамматик синоним бўлади.

Тўғрисидадан шакли эса бош келишиқдаги отга бириқиб, *жиҳатидан*, *хусусидан* сўзларига синоним бўлади (184. 261з, 262,1).

Ҳақда/*тўғрида*, *ҳақида*/*тўғрисида* фикр ёки нутққа асос бўлган предмет, предметлар маъносини англатади (189. 551).

Нисбатан кўмакчиси. Бу кўмакчи XIX асрнинг охири XX асрнинг бошидан бошлаб қўлланган. *Нисбатан* арабча бўлиб, хозирги ўзбек тилида равиш ва кўмакчи функциясида қўлланади. *Нисбатан* кўмакчиси жўналиш келишигидаги отларни бошқариб, объектни ифодалаган: *Ёшларнинг иш ҳақлари катта ишчиларникига нисбатан* кундан-кун камая бошлади (Кмт, 47). *Ўзига нисбатан*, *марксизмга нисбатан*, ишчилар *фирқасига нисбатан* сира хусуси иш санамайди (Хлар. 1930 I, 74). *Кўрган районларимизга нисбатан* шу аҳволда деб тасвир қиламиз (Хлар. 1930 I, 78). Буларга *нисбатан* қандай йўл тутуши масаласи кўтарилди (Кмт, 25).

Хозирги ўзбек тилида *нисбатан* кўмакчиси жўналиш келишигидаги отни бошқариб, ҳаракат ёки хусусиятларни шу кўмакчи бошқарган от маъносига киёслаш орқали изоҳлайди (125. 95, 96).

Нисбатан кўмакчиси айириб, таъкидлаб кўрсатишни ифодалайди ва *қараганда*, *кўра* кўмакчиларига грамматик синоним бўлади.

Бу кўмакчи айириб, таъкидлаб кўрсатади ва ҳаракат-ҳолатнинг нимага, кимга қаратилганини ифодалайди (184. 503з). *Уруш ветеранига нисбатан* *принципсизларча* позиция тутганликлари ҳақида фикр билдирганди (ТО, 19. III. 1985 йил).

Биноан кўмакчиси. Бу кўмакчи XIX асрнинг бошларида ишлатилган. *Биноан* арабча бўлиб, асос деган маънони англатади (70. 316).

Биноан кўмакчиси жўналиш келишигидаги отни бошқариб, сабаб англатади: *Шу сабабларга* *биноан* *Маҳмуднинг* назарида, *Анварни* кўндириш масаласи жиддийлашган (М.ча, 131).

Ҳозирги ўзбек тилида қўлланаётган *биноан* кўмакчиси жўналиш келишигидаги отни бошқариб, *мувофиқ*, *асосан*, *кўра* сўзларига грамматик синоним бўлади: *Ваъдасига биноан* (184. 116.).

Биноан кўмакчиси иш-ҳаракатнинг содир бўлишида асос, таянч манба бўлган объектни ифодалайди (189. 555). *Биноан* кўмакчиси жўналиш келишигидаги отни бошқариб, сабаб маъносини англатади (125. 35).

Ҳузур сўзидан пайдо бўлган кўмакчилар. Бу кўмакчи XIX асрдан бошлаб қўлланган. *Ҳузур* арабча бўлиб, «присутствие» — олдида, иштирок маъноларини англатади (70. 316). Бу кўмакчи *ҳузур* отига «и», «ингиз» эгалик кўшимчаларидан бирортасининг ва ундан кейин *-да*, *-дан*, (*-дин*), *-га(-ға)* келишик қўшимчаларидан бирортасининг қўшилишидан яратилади. Лекин мустақил от сифатида ишлатилмасдан, фақат кўмакчи функциясида қўлланади.

*Ҳузур*да кўмакчиси бош келишикдаги от, қараткич келишигидаги олмошларга бирикади: *анинг ҳузур*да (Фуркат I, 124). *Тўра ҳузур*да (Фуркат II, 156). *Кимнинг ҳузур*да (М.ча., 142).

Бу кўмакчи қуйидагича грамматик маъноларни ифодалайди: 1. **Бирор предметнинг бошқа предметга тааллуқлиги, қарамлиги:** *Мадрасада аниг ҳузур*да бўлдум (Фуркат II, 124). *Кимнинг ҳузур*да турганингизни унутманг (М.ча., 142). *Тошпўлатов директор ҳузур*да ҳисоб-китоб қоғозлари билан ҳозир бўлди (Тоҳ., 21. XI. 1974). 2. **Иш-ҳаракат бирор шахс ёнида, унинг ихтиёрида ажро этилгани:** *Мулла Абдураҳмон ҳузур*да тамом бўлса керак (Фуркат II, 156). 3. **Объект:** *Сумбули сочинг ҳузур*да гулистон истасам (Фуркат I, 139).

Ҳузурдан кўмакчиси иш-ҳаракат бошланган ўринни ифодалайди: *Дайр пирини* (нг) *ҳузур*дан ажаб журмонамиз (Фуркат II, 95). *Давлат дуо қилиб «шайх-ул ислом» ҳузур*дан кетди (М.ча., 149).

*ҳузур*ига//*ҳузур*иға кўмакчиси бош ва қараткич келишигидаги отга, бош келишикдаги ўзлик олмошига бирикади: *хоннинг ҳузур*ига (М.ча., 146). *Отам ҳузур*ига, *ўз ҳузур*иға (Фуркат II, 54, 138).

*Ҳузурингиз*ға кўмакчиси бош келишикдаги ўзлик олмошига бирикади: *ўз ҳузурингиз*га (М.ча., 160).

*Ҳузур*ига, *ҳузур*иға, *ҳузурингиз*га кўмакчилари иш-ҳаракат бирор предметга яқин йўналтирилганни ифодалайди: *Эртадан бошлаб мени ўз ҳузурингиз*га олинг (М.ча., 160). *Биз ҳозир хоннинг ҳузур*ига борамиз (М.ча., 146). *Бирор ердаги китоблар ҳузур*ига бориб (Фуркат II, 150). *Мени ўз ҳузур*иға талаб қилди (Фуркат II, 138).

Бу кўмакчи ҳозирги ўзбек тилида *ҳузур*да шаклида ўрин ифодалайди (125. 127, 128).

*Ҳузурингиз*да, *ҳузур*ларига истеъмолдан чикиб бораётган кўмакчи бўлиб, унинг ўрнида *олд* отидан яратилган кўмакчи кенг қўллана бошлади (70. 316).

*Қатор*да кўмакчиси. Бу кўмакчи XX асрдан бошлаб иш-

латилган. *Қатор* отига «и» эгалик қўшимчаси ва *-да* келишиқ қўшимчасининг қўшилишидан яратилган.

Қаторида кўмакчиси бош келишиқдаги отларга бирикиб, хошлиқ, тааллуқлик маъносини ифодалайди: *Ўзлар қаторида белок энг мураккаб узвдир* (Хлар. 1930 XII, 36).

Бу кўмакчи ўзбек тили шеваларида *қатори* шаклида қиёслаш, чоғиштириш каби маъноларни билдиради (185. 228).

Ҳозирги адабий тилида *қаторида* кўмакчиси ишлатилиб, *сингари*, *каби* кўмакчиларига грамматик синоним бўлади (184. 562).

Ниятида кўмакчиси. Бу кўмакчи XX асрдан бошлаб қўлланган. *Ният* арабча бўлиб, *хоҳиш*, *истак* каби маъноларни англатади (156. 158).

Ният отига «и» эгалик қўшимчаси ва *-да* ўрин-пайт келишиқ қўшимчасининг қўшилишидан *ниятида* кўмакчиси яратилади. Бу кўмакчи бош келишиқдаги отга бирикиб, мақсад маъносини ифодалайди: *Шогирдингизга қилган марҳаматни жанобингиз ва каминангиз учун ҳам дариг тутмаслик ниятида бизни хизматингизга буюрдилар* (М.ча., 182).

Бу кўмакчи ҳозирги ўзбек адабий тилида кам қўлланади: *Хонани артиб-суртиб қўйиш ниятида Севарахон ҳужрага кирди* (То, 19, III, 1985).

Ўрнига кўмакчиси. Бу кўмакчи XX асрдан бошлаб ишлатилган. Ўрин отига «и» эгалик қўшимчаси ва *-га* жўналиш келишигининг қўшимчаси бирикишидан пайдо бўлган. *Ўрнига* кўмакчи бош келишиқдаги отларга бирикади. Таъкидлаш, ажратиб кўрсатиш маъносини ифодалайди: *Хотинни уриш ўрнига орқасини силаш* (М.ча., 16). *Байрам этиш ўрнига ўт ўчуруш машиналари сатиб алдилар* (Хлар. 1930 I, 15). *Ўрнига* кўмакчиси ҳозирги ўзбек тилида кам ишлатилади.

Юзидин кўмакчиси. Бу кўмакчи юз отига «и» эгалик, *-дин* (*дан*) келишиқ қўшимчасининг қўшилишидан яратилган. *Юзидин* кўмакчиси XV—XVI асрлардан бошлаб қўлланган. Ўзбек тили тарихида *юзидин*, *юзиндин*, *юзинга* от кўмакчилари ҳам ишлатилган. (Булар «Функционал кўмакчилар» номли ишимизда ёритилади).

XV—XVI асрларда ишлатилган *юзидин* кўмакчиси бош келишиқдаги отларга бирикиб, сабаб маъносини ифодалайди: *Инсоф юзидин артты* (Навоий МН, 168).

Бе тажрибалик юзидин масаҳала бўлди (БН, 136). Бу даврдаги *юзидин* соф кўмакчиси *сабабидин* отига синоним бўлган: *Бу хаёл бе тажрибалик юзидин эди* (БН, 38). *Илтимос юзидин арз қилдим* (Ш.тар., 73). Бу кўмакчи кейинги даврларда учрамайди.

Ҳозирги ўзбек тилида *юзасидан* шаклида қўлланиб, иш-ҳаракат бажарилишидаги асос, манба, сабаб маъноларини англатади ва бош келишиқдаги отларга бирикади (125. 126, 127).

Юзасидан кўмакчиси сабаб, асос маъноларини билдириб, *тўғрисида*, *ҳақида*, *хусусида* кўмакчиларига маъно англатиши жиҳа-

тидан якин туради (60. 326).

С а б а б сўзидан пайдо бўлган кўмакчилар. *Сабаб* арабча бўлиб, рус тилидаги «причина» маъносини билдиради (70. 636). *Сабаб* ўзбек тили тарихида *сабаби, сабабли, сабабидин//сабабиндин//сабабдан//сабабдин//сабабын* шаклларида кўмакчи функциясида қўлланган. *Сабаб* отига *-ли* сифат ясовчи аффикс, «и», «ин» егаллик қўшимчаси ва *-дан(-дин, -тын)* келишик қўшимчаларининг қўшилишидан кўмакчилар яратилиб, у сўзлар ўзидан олдин келган от билан бирикиб, кўмакчи функциясида ишлатилган. *Сабаб* отидан яратилган кўмакчилар ўзбек тили тарихида XV—XVI асрлардан бошлаб қўлланган. XV—XVI асрларда *сабаби, сабабидин, сабабтин* шакллари ишлатилган. Бу кўмакчилар бош келишикдаги отларга бирикиб, иш-ҳаракатнинг ижро этилиш *сабабини* ифодалайди: *Нашъа-ю изтироб сабабидин шуқр қила алмас эдим* (БН, 132). *Ул ҳам бу сабабтын дағ-дағ-ю таважжум ўзига йўл бериб* (БН, 291). Мен ҳам ул хумдин олуб-мен бир жўш, ул сабабдин тура олмам хамуш (ШН, 23). *Айла-сам хон отиға таснифи!* /балке улфат сабаби таклифе (ШН, 47).

XVII—XIX асрларда *сабабли, сабабдин//сабабиндин//сабабдан* кўмакчилари қўлланган. Бу кўмакчилар бош келишикдаги отга бирикиб, сабаб маъносини англаганлар: *Очлық сабабиндин балиқ авларбиз* (Ш.тар., 77). *Бу сабабдин кўчуруб юборды* (Ш.тар., 77). *Ёғи бўлган сабабдин тура билмай қайтиб кетди* (Ш. тар., 51). *Биз сабабли кишилари олди* (Ш.тар., 6). *Замона аҳли мухлис бу сабабдин Фурқатий дерлар* (Фурқат II, 76). *Сиз қишлоқ-да бўлганингиз сабабдан келгунингизча ишлар тўхтаб қолмади деб вазирамдан ташқари ишларга уринмадим* (М.ча., 70). *Кўёшқа яқин ҳаракат қилгани сабабли уни кўриш мумкин эмас* (Хлар. 1930 I, 59). *Шу сабабли уларны фақат кучли телескоплар билангина кўриш мумкин* (Хлар. 1930 I, 60). *Мана бундай аҳвол сабабиндан баъзи бир ўртоқлар деб бақирадилар* (Кмт, 61). *Шу сабабдан ёшларнинг фирқасиз уюшмалари йўқ* (Кмт, 5).

Қозоқ тилида *себебинде, себебинен* шаклларида ишлатилиб, сабаб маъносини англатади (65. 80).

Туркман тилида *себэнли* шаклида ишлатилиб, *учун* кўмакчисига ўхшашлиги сабаб маъносини ифодалаши қайд этилади (50. 409).

Ҳозирги ўзбек тилида *сабабли* шакли қўлланиб, содир бўлаётган иш-ҳаракатнинг бошқа иш-ҳаракатга алоқадор экани, сабабини билдиради (189. 548).

Учун кўмакчиси ўзбек тили тарихида сабаб-мақсад, аталганлик маъноларини ифодалаган. Лекин сабаб маъносини конкрет ифодалаш лозим бўлганда *сабаб* сўзи ишлатилган. Чунки XV—XVI асрларда араб тилининг ўзбек тилига таъсири кучли бўлиб, ўзбек тили лексикаси арабча-форсча сўзлар эвазига ниҳоятда бойиган даври бўлган.

Сабаб сўзининг ўзбек тилига кириб келиши ўзбек тили лексик қатламининг бойитилишида, грамматик хусусиятининг такомилла-

шишида катта хизмат қилган.

Бо о с и д и н кўмакчиси. Бу кўмакчи XIX асрдан бошлаб қўлланган. *Боис* арабча бўлиб, *сабаб*, *баҳона*, *сабабчи* деган маъноларни англатган. (104. 125).

Боис кўмакчиси *боис* отига «и» эгалик қўшимчасининг бирикишидан яратилган. *Боиси* мустақил маъноли сўз сифатида ишлатилган. Бу ҳолат поэзияга тааллуқлидир: *Танамда нотавонлик боиси ғам касрати дерлар* (Фуркат II, 74). У кўмакчи бўлганида бош келишикдаги отларга бирикади, ўзига *-дан (-дин)* чиқиш келишиги қўшимчасини олади ва *сабаб* маъносини билдиради: *Ушбу боисдин ўлумга ризо деб ахтаринг* (Муқимий I, 13). *Замон аҳли бу боисдин тахаллус Фурқатий дерлар* (Фуркат II, 74). *Хосият боисдин марғуб кўринмамиш* (Фуркат II, 127). Бу кўмакчи ҳозирги ўзбек тилида архаик хусусиятга эга бўлиб, ишлатилмайдиган даражададир.

Борасида кўмакчиси. Бу кўмакчи форсча бўлиб, *марта*, *дафъа* ва *хусусида*, *ҳақида*, *тўғрисида* каби маъноларни англатади (104. 128). *Борасида* кўмакчиси XV—XVI асрлардан бошлаб қўлланган. *Бора* ўзагига «си» эгалик ва *-да* келишик қўшимчасининг қўшилишидан яратилган. XV—XVI асрларда қўлланган *борасида* кўмакчиси бош келишикдаги от, қаратқич келишигидаги кишилик олмошларига бирикади: *Бу фақир борасида* (Навоий МН, 73). *Анинг борасида* (БН, 210).

Бу кўмакчи объект маъносини ифодалайди: *Анинг борасида мареъ тутулур эрди* (Навоий МН, 94). *Бу фақир борасида кўб фотиҳалар ўқубдурлар* (Навоий МН, 73). *Бу ишдин худ анинг борасида куллий иноят-у тарбият мақомида бўлдум ва куллий иноят-у тарбият ҳам қилдим* (БН, 210).

Бу кўмакчи XIX асрда *борасида*, *борада*, *борасига* шаклларида қўлланади. Улар бош келишикдаги отга бирикиб, объект ифодалайди: *Фасоҳат борасида тўтидин шаккар сухандурсан* (Фуркат I, 153). *Бу борада мол ва жонни бир қилишдин бошқа маслаҳат йўқ* (М. ча., 48). *Ҳоводис шуки, Анвар борасида сизнинг олган нишонингиз жиддан тўғри тушиб...* (М. ча., 218). Маълумки, бу кўмакчи XV—XVI асрларда фақат биргина *борасида* шаклида бўлган. Лекин XIX асрда *борасида*, *борада*, *борасига* шаклларида ишлатилиб, унинг қўлланиши анча кенгайган. Аммо грамматик маъно англатишида ўзгариш бўлмаган. У ўзининг тарихий тараққиёти даврида объект маъносинигина ифодалаган.

Ҳозирги ўзбек тилида *борасида*, *борада* шаклларида учрайди. Бу кўмакчи бош келишикдаги отларга бирикиб, **объект ифодалайди**: *Республика топширилган иш учун раҳбарларнинг масъулиятини ошириш борасида ўтказилаётган катта ва қизгин ишда ўз ифодасини топмоқда* (Тх, 30 март, 1985). *Партия ташкилотларининг ролини ошириш борасида Учқўрғон район партия комитетининг бажараётган иши тўғрисидаги қарорни муҳокама қилдилар* (Тх., 30 март, 1985). *Бу борада катта камчилик яққол кўриниб турибди.* (ТО, 10, июль 1985).

Бу кўмакчи ҳозирги ўзбек тилидаги *тўғрисида*, *ҳақида*, *хусусида* кўмакчиларидек муҳокама объектини ифодалайди (70. 325).

Сифатиға, сифатида кўмакчиси. Бу кўмакчилар этимологиясига кўра *сифат* отига тааллуқлидир *Сифат* арабча бўлиб, сифатлар, хусусиятлар, белги каби маъноларни ифодалайди (104. 563). Бу кўмакчилар *сифат* отига «и» эгалик қўшимчаси ва ундан кейин *-га(-ға)*, *-да* келишиқ қўшимчаларидан бирортасининг қўшилишидан яратилади. *Сифатиға* кўмакчиси XV—XVI асрларда ишлатилиб, бош келишиқдаги отга бирикади, ўхшатиш маънони — объектни ифодалайди: *Ишқ сифатиға мунасибдур* (Навой, МК, 94).

Сифатида кўмакчиси XX асрдан бошлаб қўлланган. Бу кўмакчи бош келишиқдаги отларга бириқиб, ҳолат, объект маъноларини ифодалайди: 1. **Ҳолат:** *Муҳожирлар сифатида яшаган* (Хлар. 1930 I, 75). 2. **Объект:** *Ёшларнинг коммунистик байналминналигини уюштириш ҳаракатининг туб вазифаси сифатида этиб қўйилди* (КМТ, 21). *Подшоҳчилик арзуси сифатида бўлди* (Хлар. 1930 I, 66). Айрим манбаларда **сифати** сўзи *вазифасида*, *ўрнида* сўзлари ва *-дек* аффиксига тенг келиши қайд этилган. Лекин кўмакчи дейилмаган (184. 58).

Ўзга кўмакчиси. *Ўзга* қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларига ҳам сифат бўлиб, (иной, другой) деган маънода ишлатилган (55. 395₁).

XIII—XIV асрларда ишлатилган *ўзга* кўмакчиси чиқиш келишигидаги отни бошқариб, предметни ажратиб кўрсатади: *Рағбат қилмаз андин ўзга менга* (ТФ, 76а). *Андин ўзга барча жуфт турур* (ТФ, 16). *Ким эрса ул элдин ўзга ерга бормиш бўлса* (ҚР, 40а). *Бир эвлук кишидин ўзга мусулмон бўлмадимиз* (ҚР, 39а). *Сен билур-сен ким бу бир қўйдин ўзга нарсамыз йўқ* (НФ, 253₁). *Сендин ўзга нав атлас тўқуйин, қиш ортада баҳорият ўқуйин* (МН, 2946). *Сенинг ёринг бор андин ўзга бари йўқ сендин ўзга ёри* (ХШ, 926). *Жаҳонда сендин ўзга йўқ тиларим сенингсиз бир замон йўқ ҳеч қарорим* (ХШ, 436). *Ҳасуд ранжига йўқтур ўлумдин ўзга даво* (Сайфи Саройи, 156). *Бу устумдаги хирқамдин ўзга неким бор эса, фақирларға шукрона бўлсун* (Сайфи Саройи, 1456).

XV—XVI асрларда қўлланган *ўзга* кўмакчиси ҳам чиқиш келишигидаги отни бошқариб, предметни ажратиб кўрсатган: *Мендин ўзга киши маҳрам эрмас* (Яқиний, 316а). *Севикли эй сим танлик кўнгли фўлодим, сени дунёда тиг жафодин ўзга қатъа кўрмадук* (Отыйи, 19). *Фалакнинг мундин ўзга не иши бор* (Лутфий ГН, 401). *Йығидин ўзга худ не чораси бор* (Лутфий ГН, 330). *Қуймаг-у саргашталиқдин ўзга йўқтур* (Лутфий, 48а). *Ёзуқдин ўзга йўқ менда бизоат* (ЛН, 31). *Сендин ўзга йўқ неким мавжуд эрур* (Навой ЛТ, 189). *Аъқил чиндин ўзга демас* (Навой МК, 163). *Йўқ иш оҳ урмоқ-у ўлмақдин ўзга* (Навой ФШ, 112). *Бу вазнда бу мастур бўлгон ғазалдин ўзга ғазал кўрилмайдур*. (Мухтасар, 1036). *Жонимдин ўзга*

ёр вафодор топмадим (Бобир, 25). *Самарқандин ўзга тамом арғанлар-у тоғ-у туз кириб эди* (БН, 51).

Кўмакчили бирикма инкор гап таркибида бирорта предмет ёки ҳолатга эга эканликни ифодалайди: *Ғамингдин ўзга киши йўқ кошимда ғамхора* (Саккокий, 10). *Зор танлардин ўзга йўқ нима* (Навойи СС, 65). *Бу эрқандин ўзга вакуъ топмас* (Навойи МА, 10). *Ғафлат-у бепарвалиғидин ўзга ҳеч аъйби йўқтур* (Навойи МН, 169). *Бу иш мундин ўзга бўла олмас* (Навойи МЛ, 37). *Хирадманд чин сўздин ўзга демас* (Навойи МК, 163). *Тапилмай ростлиғдин ўзга чора* (Навойи ФШ, 5). *Сени севган жафодин ўзга қолмас* (ЛН, 235). *Кўприқдин ўзга ердин кечиб бўлмас* (БН, 21). *Дарёлардин ўзга оқар сув бўлмас* (БН, 184). *Киши билмас муни хондин ўзга* (ШН, 956). *Мундин ўзга баса сўзим йўқтур* (ШН, 2056). *Бир қазукдин ўзга немирса тобмади* (Ш. тар., 47). *Андин ўзга кишиларнинг барчаси ўлдилар* (Ш. тар, 10). *Мунлардин ўзга ўғланлар қўб эрди* (Ш. тар., 30).

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида қўлланган ўзга кўмакчиси чиқиш келишигидаги отни бошқариб, предмет, ҳолатни ажратиб кўрсатади: *Бу чаманга тушмади ашқимдин ўзга беному нишонроқ йўқ киши* (Мунис, 165). *Мандин ўзга ҳеч ким парвонадек айланмасун* (Мунис, 191). *Ўзгалардин ўзга манга қўл тутиб юрмас даме* (Муқимий I, 284). *Ҳеч кимни баччағар деб бўлмағай то бу тирик мундин ўзга баччағар йўқ, ўзи танҳо баччағар* (Муқимий II 36) *Ихрождин ўзга чора топмади* (Фурқат II, 135). *Жондин ўзга тухфа йўқтўр шахсуворим келсалар* (Фурқат I, 178). *Менга сендин ўзга бир мувофиқ* (Фурқат II, 107).

Талаб қилинган, лекин ижро этилмаган ҳолат, ҳаракатни ажратиб, таъкидлаб ифодалайди: *Чора қилмоқдин ўзга устига тирноғ-лар* (Муқимий I, 180).

Ўзга кўмакчиси ҳозирги ўзбек тилидаги бошқа кўмакчисига синоним бўлади, мустаснолик маъносини билдиради: *Бу чексиз кенгликларда чўпонлар ташлаб кетган эски ҳужраларнинг гувала деворларидан ўзга хас асари кўринмас эди* (А. Мухтор) (189. 556).

Ўзбек тили тарихида учрайдиган ўзга сўзининг сифат вазифида қўлланиш хусусияти ҳозирги айрим туркий тиллар шеvasида сақланиб қолган. Масалан, у татар тилининг мишер диалектида сифат ҳам кўмакчи функциясида қўлланади (106. 131).

Боб сўздан пайдо бўлган кўмакчилар. Бу сўз аслида арабча бўлиб, эшик демақдир (158. 496). *Боб отига -да, -дин* келишик кўшимчаларининг кўшилишидан ёки ўша келишик кўшимчаларидан олдин *-и, -ин* эгалик кўшимчаларининг бирортасининг орттирилишидан *бобда, бобинда, бобидин* каби кўмакчилар яратилган.

XIII—XIV асрларда *бобинда* кўмакчиси ишлатилган. У бош келишикдаги отга бирикиб, объект ифодалаган: *бир кун анга насиҳат бобинда айттим* (Сайфи Саройи, 117).

XV—XVI асрларда *бобидин, бобда, бобинда, бобида* кўмакчилари қўлланган.

Бобидин кўмакчиси бош келишиқдаги от билан грамматик муносабатга киришиб, бирорта қисм, бўлак ажралиб чикқан бутуннинг манбаини — объектни билдиради: *Хусн-у малоҳат-у карам-у лутф б о б и д и н Юсуфда бори бўлса, беким, сизда бари бор* (Отойи, 88).

Бобда кўмакчиси бош келишиқдаги кўрсатиш олмоши, отларга бириқиб, **объект ифодалайди**: *Бу бобда дебдур* (Навоий МН, 18). *Бу бобда яна дағи рисоилу китоб бор* (Навоий МН, 3). *Муножат бари ул б о б д а ким* (Навоий СС, 33).

Бобинда кўмакчиси бош келишиқдаги отларга бириқиб, **объект ифодалайди**: *Зикри қилиб тур ким нафез б о б и н д а* (Амирий, 331б) *Мубошарат б о б и н д а текма киши менинг ёйимни торта олмас ким қатиқ тартқучидур-мен* (Амирий, 332б). *Басе, хожа Камол ке латофат-у зарофат бобинда соҳиб камол эрди* (Яқиний, 319б). *Тахаммул бобинда аның-дек тавр-мен* (Яқиний, 316а). *Бан-дамен ул ким, вафо б о б и н д а дерлар беназир* (Отойи, 111).

Бобида кўмакчиси бош ва қаратқич келишиқдаги отларга бириқиб, **объект ифодалайди**: *Аъзимат б о б и д а иймандим улук* (Навоий СС, 8). *Ҳар навъ назм б о б и д а таълим-у тарбиятлари бор била* (Навоий МА, 4). *Ҳамайун райлари тартиб берган девон б о б и д а бир неча сўз қистаҳлиғ юзидин сўрмак* (Навоий МЛ, 37). *Қарилик б о б и д а айтилған маснавийдин бу байт анингдур*. (Навоий МН, 132). *Вафо б о б и д а иккимизда дуаи* (Навоий ФШ, 178). *Завт-у истаҳком бобида жад-у эҳтимомни тақсир қилмади* (БН, 408). *Чун моғул ишини бир ён қилди/хонлари бобида ихсон қилди* (ШН, 138б). *Хон ишини кўрдум, ғамдин тўлдум, ўз ишим бобида ҳайрон бўлдум* (ШН, 15б).

Бобида кўмакчисининг қуйидагича маъно оттенкалари бўлган: а) **Асос — манба**: *фарсиғўйларнинг иборат-у алфоз б о б и д а тани қилур* (Навоий МЛ, 39). *Хунар б о б и д а устод замона замона ичра наққош ягона* (Навоий ФШ, 103). *Ит вафо б о б и д а андин яхшироқ* (Навоий ЛТ, 86). *Ким мукамал бўлуб отлансунлар, размнинг б о б и д а қатлансунлар* (ШН, 207а). б) **Асос — сабаб**: *Вафо б о б и д а ғампарвар ағлам* (Навоий ФШ, 204). *Тариқат бобида қардоши анинг* (Навоий ФШ, 90). *Васлдин маҳрумлуқ б о б и д а манзурни кўрмак муйассар бўлмас* (Навоий МН, 221). *Саховат б о б и д а чун ҳотамитой* (ЛН, 63). в) **Тааллуқли — аталганлик**: *Ким, муҳаббат б о б и д а сиғмас фан-у макр-у ҳиял* (Отойи, 11).

XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида бобдин, бобларда шаклларида мустақил маънода қўлланган: *Қўюб мундоғ уқубатга жафонинг б о б и н и ушлаб, кўзум ёшини гўё мавжуми туфон қилиб кетдинг* (Фуркат I, 67). *Комсомол марказкуми ишининг кўпгина б о б л а р д а чинакам заиф бўлиши мана шу нарсаларнинг ҳаммаси бирга қурултойнинг ишини қийинлаштирди* (КМТ, 42).

Бу даврдаги бобда, бобида кўмакчиси бош ва қаратқич келишиқдаги отларга бириққан ва объектни ифодалаган: *Бу б о б д а ҳам қилғон маърузаларим газетада мунаширдур* (Фуркат II, 131). *Жилва б о б и д а сенга товусни(нг) даъвоси бор* (Фуркат I, 194).

Илм б о б и д а мумтозлар (Фуркат II, 26). *Сен малоҳат б о б и д а бу жумла дилбардун баланд* (Фуркат I, 80). *Машваратин* (г) *б о б и д а борур эрди кечаси* (Муқимий II, 18). *Латофат б о б и д а ул шаҳд гуфторимни соғиндим* (Муқимий I, 301). *Давъи айлаб беадабдифдин табассум б о б и д а* (Муқимий I, 195). *Социализм тузилиши б о б и д а ўзининг қатнашини мустақил суратда белгилайди* (КМТ, 41). *Бу б о б д а тубли билимга эга бўлган кишилар тайёрлаш демакдир* (КМТ, 61).

Ҳозирги ўзбек тилида *бобида* шаклида кўмакчи функциясида қўлланади.

Бобида кўмакчиси ниҳоятда кам қўлланиб, *соҳасида*, *борасида*, *жиҳатидан* отларининг лексик маъноларига тенг келади.

Ҳозирги ўзбек тилида *бобида* кўмакчиси бош келишиқдаги отларга бириқиб, **объект ифодалайди**: *хусн б о б и д а унинг тенги йўқ*. *Мустафо Содиқ узоқ тарихий даврларда, ўрта асрларда шеър б о б и д а донг чиқарган юксак, илҳомкор шоирлар устида сўзлади* (Ойбек, Нур қидириб) (184. 124).

Ҳ а қ сўзидан пайдо бўлган кўмакчилар. Арабча *ҳақ* (104. 132). сўзига бирлик сондаги эгалик қўшимчалари ва улардан кейин *-да*, *-га*, *-ға*, *а* келишиқ қўшимчаларидан бирортасининг қўшилишидан яратилган бу кўмакчилар ўзбек тили тарихи тараққиёти даврларида ҳар хил шаклларда ишлатилган. XIII—XIV асрларда: *ҳақида*, *ҳақина*, *ҳақиға* *ҳақимда*; XV—XVI асрларда: *ҳақида*, *ҳақингда*; XVII—XIX асрларда *ҳақиға*, *ҳақида*, *ҳақда*.

Бу кўмақчидаги учинчи шахс эгалик қўшимчаси «и» XX асрга келиб, баъзан тушурилиб, *ҳақда* шакли яратилган. Маълумки, *ҳақ* отидан яратилган от кўмакчи ёрдамчи сўзига ўтиш процесининг бошланғич даврларида отга хос бўлган грамматик кўрсаткичларни ўзида сақлаган, лекин даврларнинг ўтиши билан ундаги кўмақчилик хусусияти мутлақо мужассамлашгач, айрим грамматик категория кўрсаткичлари туширилиши мумкин экан: *ҳақда*, *ҳақида*, шунингдек, *ҳақ* отидан яратилган айрим кўмақчилар маълум даврдагина қўлланиб, кейинги даврларда ишлатилмаган: *ҳақина*, *ҳақиға*, *ҳақингда*, *ҳақимда* ва бошқалар.

XIII—XIV асрлардаги *ҳақинда*, *ҳақина*, *ҳақиға*, *ҳақимда* кўмақчиларининг грамматик-семантик хусусиятлари қуйидагича бўлган:

Ҳақинда бош келишиқдаги отларга бириқиб, **объект ифодалайди**: *Берилмаган инсофлик ҳ а қ и д а* (ТФ, 996). *Мавли таола Исҳақ пайғамбар дуосини Йақуб ҳақинда мустажаб қилди* (ҚР, 85а).

Ҳақина кўмақчиси бош келишиқдаги от, қаратқич келишиқдаги кишилик олмошларига бириқиб, **объект ифодалайди**: *Малиқнинг шафқати анинг ҳ а қ и н а дағи ортуқроқ бўлди* (Сайфи Саройи, 21а). *Фалон обид ҳақина не айтур-сен* (Сайфи Саройи, 49а).

Ҳақинға кўмақчиси бош келишиқдаги отга бириқиб, **объект ифодалайди**: *Бу оят Абубақир ҳ а қ и ғ а нозил бўлды* (НФ, 95, 96).

Ҳақимда кўмақчиси қаратқич келишиқдаги биринчи шахсни ифодаловчи кишилик олмошига бириқиб, **объект ифодалайди**: *Эй қариндошларим ким иш меним ҳ а қ и м д а қилдингиз ўзгалар*

ҳақ и да қилмангиз (КР, 486).

Бу кўмакчи «Сайфи Саройи» да жўналиш келишигида қўлланади. Ҳозирги ўзбек, уйғур, озарбайжон тилларида ўрин-пайт келишигида ҳам кўмакчи бўлган (106. 132).

XV—XVI асрларда, *ҳақида*, *ҳақингда* кўмакчилари қўлланиб, асосан, Лутфий асарларида учрайди.

Ҳақингда кўмакчиси қараткич келишикдаги иккинчи шахс бирлигини ифодаловчи кишилик олмошларига бирикиб, аталганлик маъносини англатади: *Икки дунёни сенинг ҳақингда пайдо қилди ҳақ* (Лутфий, 2).

Ҳақида кўмакчиси бош келишикдаги отларга бирикиб, иш-ҳаракатнинг ижро этилишидаги манба, асос, аталганлик маъносини ифодалайди: *Мен ул ёмон ҳақ и да кўр не яхши фал қилдим* (Лутфий, 49).

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида *ҳақида*, *ҳақида*, *ҳақда* шаклларида қўлланган.

Ҳақида кўмакчиси қараткич келишикдаги отлар билан грамматик муносабатга киришиб, **объект ифодалайди**: *Домла Ниёз саховатда Ҳотами Тойдан, адолатда Нуширавон одилдан ортиқроқ-у жанобнинг ҳақида яна янги дуо ва санолар ўқиди* (М. ча., 73).

Ҳақида кўмакчиси бош келишикдаги отларга бирикиб, **объект ифодалайди**: *Пирларинг ҳақ и да кўп қилманг фиғон қурбақалар* (Муқимий II, 38). *Ишчи ёшларнинг меҳнатларини сақлаш ҳақ и да комсомол жуда катта иш ишлади* (КМТ, 36).

Ҳақда кўмакчиси бош, қараткич келишикдаги олмошларга бирикиб, **объект ифодалайди**: *Сенинг ҳақ да маориф бўлимида ҳам ёзжак* (Хлар. 1930 XII, 34). *Бу ҳақ да мақолалар бўлир эди* (Хлар. 1930 XII, 36). Ҳозирги ўзбек тилида *ҳақда*, *ҳақида* шаклларида қўлланиб, **объект ифодалайди** (125, 122, 125). *Унинг иши ҳақ и да яхши қайғурмади* (ТО, 21. XI, 1974).

Ҳозирги ўзбек тилида *ҳақда*, *тўғрисида* кўмакчилари синонимлар бўлиб, бош келишикдаги отларга бирикиб, фикр ёки нутк қаратилган предмет маъносини билдиради: *Бу ҳақ да хотиница бир нима демади* (А. Мухтор) (189. 551). Шунингдек, *ҳақида*, *тўғрисида* кўмакчилари ҳам фикр ёки нутк қаратилган предметлар маъносини билдиради (189. 551).

Тўғрисида, *ҳақида*, *хусусида* кўмакчилари грамматик синонимлар бўлиб, объектни ифодалайди: *Оиланг тўғрисида ташвишланма* (П. Турсун) (70. 325; 125. 122).

Бэри (*бэру*, *бару*) кўмакчиси. *Бэру* кўмакчиси этимологиясига кўра *бу еру* сўзларига тааллуқлидир: *Бу йеру беру* (167. 89). Лекин бу кўмакчи ўзбек тили шеvasида *шақе* шаклида ҳам ишлатилади (185. 310).

Беру//*бери* қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида, XI асрда ҳам пайт ифодаловчи кўмакчи бўлган. (157. 139; 8. 42).

XIII—XIV асрларда *беру*//*бэри* кўмакчиси чиқиш келишикдаги отни бошқариб, иш-ҳаракатнинг бошланишига кўра пайтни ифодалаган: *Ул вақтдин беру уч минг йил умр сурди* (КР, 106). *Ул*

вақтдин б е р у қолди ким... (ТФ, 296). Уғлонлар эвда уч кундин б е р у оч турур эрмишлар (НФ, 125). Ушул кундин ақлин йетурмиш (ХШ, 196). Ул тарихдин беру тарки суҳбат қилиб, узлат ихтиёр эттим (Сайфи Саройи, 52а).

Бу кўмакчи XIV асрда яратилган бошқа ёзма ёдгорликларда ҳам пайт ифодалаган (120. 21; 51. 20).

У XV—XVI асрларда бэр шаклида қўлланиб, чиқиш келишикдаги отни бошқарган. 1. **Иш-ҳаркатнинг бошланиш пайтини ифодалаган:** Ушал фурсатдин б е р и чиғатай хонларининг тасрифиди эди (БН, 7). Андин б е р и Асрушта Умар шайх Мирзонинг тасрифиди эди (БН, 10). Олған кундин б е р и бир ерда ётмай турур (Ш. тар., 14). Туна кундин б е р и барча ярам ағри турур (Ш. тар., 56). 2. **Ўрин ифодалайди:** Ҳожанд дарёсидин б е р и бари қалъалар бирга кирдилар (БН, 129).

XV—XVI асрларда бу кўмакчи пайт ифодаланганда бурундин бери каби бирикмали ҳолатда ҳам қўлланган.

Бурун иш-ҳаркатнинг бошланган пайтини ифодаласа, бери ўша иш-ҳаракатнинг давом этиб келаётганини ифодалайди: *Иброҳим алардан икки-уч йил бурун д и н б е р и ёғиқиб эдилар* (БН, 331).

Бери кўмакчиси XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида ҳам чиқиш келишикдаги отни бошқариб, иш-ҳаракатнинг пайтини ифодалаган: *Уч ойдан б е р и ошиқман* (М. ча., 127). *Маҳдум бир неча ҳафтадан б е р и бу «ҳунар»ни ўзига касб қилиб олган* (М. ча. 130). *Мен буни кўп вақтлардан б е р и андиша қилур эрдим* (М. ча., 139).

Ҳозирги ўзбек тилида бери кўмакчиси чиқиш келишикдаги отни бошқариб, пайт ифодалайди (125. 93—94). Берли кўмакчиси ҳозир кам қўлланади. У айнан бери кўмакчисига тенг: *Бу йил ўқиш бошлангандан б е р л и нечта «ағло» баҳо олдинг* (А. Қахҳор, Айб кимда) (184. 204₂).

Оша кўмакчиси. *Оша(ош-а)* қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида равишдош бўлиб, кўмакчи функциясига ўтиш процессида бўлган (102. 42).

Ўзбек тилининг тарихида *оша* морфологик birlikни яратиб, равиш ва кўмакчи функциясида ишлатилган.

XIII—XIV асрларда *оша* кўмакчиси «Сайфи Саройи»да учрайди. У чиқиш келишигидаги отларни бошқаради: 1. **Иш-ҳаракатнинг маълум пайтда такрорланиб, ортиб боришини ифодалайди:** *Кун оша келгил ким муҳаббат зиёдат бўлғай* (Сайфи Саройи, 67). 2. **Иш-ҳаракатнинг белги даражаси энг юқори эканини ифодалаб, ҳолатни бўрттириб кўрсатади:** *Ҳаддан оша ғазабланмоқ ваҳшат келтурур* (Сайфи Саройи, 164а).

XV—XVI асрларда қўлланган *оша* кўмакчиси бош келишикдаги отларни бошқариб, иш-ҳаракат бирорта предмет усти орқали ижро бўлганини — ўрнини ифодалайди. *От-у овоза учун тоғ оша тенгиз кеча юбора турур-мен* (Навойи МН, 106).

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида чиқиш келишигидаги отни бошқариб, иш-ҳаракат белги даражасининг энг юқори эканини

ва ҳолатни бўрттириб ифодалайди: *Ҳаддин оша мавҳ ўлуб беихтиёр ўйнаб кулар* (Фуркат II, 65). *Ҳаддан оша войким ранжи хумор эттинг мени* (Фуркат I, 99).

Бу кўмакчи ҳозирги ўзбек тилида жуда кам қўлланади. У бош келишикдаги отларга бирикади 1). **Иш-ҳаракатнинг кўмакчи бошқарган отдан англашилган вақт давомида содир бўлишини ифодалайди:** *Халқ шоирлари ҳофизасида бу дostonлар асрлар оша сайқалланиб, бизнинг давримизгача етиб келдилар* (ТО). 2) **Иш-ҳаракатнинг кўмакчи бошқарган отдан англашилган макон бўйлаб содир бўлишини ифодалайди:** *Мен Раънога қарардим-у ичимга сизмасдим, шамол бўлиб, учгим, бутун юртлар, водилар оша елгим... келарди* (М. Бобоев) (184. 554₂).

Профессор Э. Н. Наджип оша кўмакчиси XIII—XIV асрларга тааллуқли «Муҳаббатнома» асарида қўлланмагани, ҳозирги татар тилига хос эканини қайд этади (106. 128).

Бурун кўмакчиси. Аслида *бурун* равиш бўлган. Лекин ўзбек тили тарихининг ҳамма босқичларида кўмакчи функциясини ҳам бажарган. Жумладан, XI аср ёзма ёдгорликларида ҳам қўлланган (8. 45).

XIII—XIV асрларда бу кўмакчи ТФ, ҚР, НФ асарларида ва Сайфи Саройида ишлатилган. Бундан ташқари, XIV асрга оид бошқа қўл ёзмаларда ҳам учрайди (61. 20).

XV асрда *бурно* шаклида ишлатилгани Лутфий асарида ҳам бор.

XIII—XIV асрлардаги *бурун* кўмакчиси бош, ўрин, чиқиш келишикларидаги белгилаш, кўрсатиш, кишилиқ олмошларини, сифатдошни бошқаради: ТФ-*ялавичимиздин бурун* (376), *Минг йилдин бурун* (19а), *Туғмасдин бурун* (26а); ҚР-*Сендин бурун* (118а), *Сулаймондин бурун* (112а), *Кемадин бурун* (118а); *Озоб текмаздин бурун* (236); *Мундан бурун* (906); *Андин бурун* (27а), *Қамўдин бурун* (152а); *Йигирма уч йил бурун* (153а); НФ-*Умматимдин бурун* (55,5), *бизлардин бурун* (110), *Боймадын бурун* (194), *Келмаздин бурун* (194), *Келмаздин бурун* (69), *Жумладин бурун* (109); *Сендин бурун* (Сайфи Саройи, 125а).

Бурун кўмакчиси бирор иш-ҳаракат бошқасига нисбатан аввал бажарилганини-пайтини ифодалайди: *Бу дунёни яратмасда ети минг йилда бурун узанду ўқийу ёрлиқалди* (ТФ, 19а). *Неча ҳалок қилдимиз анларда бурун* (ТФ, 256). *Ўн икки йилдин бурун зиндонға элатти* (ҚР, 61а). *Сулаймондин бурун Аминага келди* (ҚР, 112а). *Бу саҳобаларқа ким сизлардин бурун дастур бердим* (НФ, 110). *Ул бизларга келмаздин бурун роқ биз анларқа борсақ* (НФ, 69). *Ҳайр қил, эй неъматини кўб хожя, сен андан бурун ким юриб деган мунадий қолмади хожя фалон* (Сайфи Саройи, 10а). *Тур, тафарруж қил жаҳоннинг турлу ошанларин, кўз юмуб андан бурун ким бу жаҳондан кетка-сен* (Сайфи Саройи, 97а).

XV—XVI асрларда *бурун*, *бурно* шаклларида қўлланган.

«Шажараи тароқима»да *бурунроқ* шакли ҳам ишлатилган.

Бу кўмакчилар чиқиш келишигидаги отни бошқариб, бирор иш-ҳаракатни бошқа бир иш-ҳаракатдан аввал бўлганини ифодалайди: *Халқ таоло хоки одамни яратмасдин бурун* (Отойи, 117). *Бу етмасдин бурун наврўзи мискин* (Лутфий ГН, 381). *Гарчан тилар эрсанг то кўргил бурун андин* (Лутфий, 596).

Бар эди кўп таъифа биздин бурун, жирга била дунёда тутқан ўрун (Хайдар, 4). *Бисмил қимасдин бурун недик қанотын суруб* (Навойи МК, 52). *Дўзаҳқа етмасдин бурун баъзини куйдурдилар* (Навойи МК, 105). *Ул кэ одамдин бурун ҳам бор эди* (Навойи ЛТ, 8). *Нури мавжуд офаринидин бурун* (Навойи ЛТ, 8). *Сени кўргач дер эдим чиқғай фиғон жондин бурун* (Навойи МН, 234). *Барчасидин бурун ўтгай* (Навойи МН, 3). *Ул йетардин бурун бу аъзам эткай* (Навойи СС, 197). *Чу сен мундин бурун хоманг қилиб ўз* (Навойи ФШ, 19). *Ҳажр ўқин жонимға сен отма тонг отмасдин бурун* (Мухтасар, 1276). *Мирзо боридин бурун бу Фотима Султон ағани олиб эди* (БН, 15). *Икки-уч йил мундин бурун Носир Мирзо тамом эл-у улус кўчуруб суруб Кобилдин ёғиқиб чиқиб* (БН, 457). *Хабардин бурун а уч кун туқғандин сўңғара аноси алидин хавоҳи-ю на хавоҳи олиб эвимизга келтуруб сахлабтурлар* (БН. 282). *Ўзидин бурун ғазал дард ангиэ фитна омиз айтиб ул хонларға юбаргани* (ШН, 119а). *Барчадин бурун о Сутон Маҳмуд ўтти дараёдин бўлди хушнуд* (ШН, 154). *Элчидин бурун о хабар йеткандур* (ШН, 148а). *Биздин бурун турки тарих ва айтқанлар* (Ш. тар., 6). *Мен сендин бурун рақ айтур теб умид қилур эдим* (Ш. тар., 48). *Қариндошлари хабардор бўлмасдин бурун қочиб келиб-мен* (Ш. тар., 76).

Бу кўмакчи XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида бурун, бурунроқ шаклида қўлланиб, чиқиш келишигидаги отни бошқаради ва иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини ифодалайди: *Курбон ҳайитидан бурун бир ифак сари салла юборилиб эрди* (Муқимий II, 147). *У исломдан ҳам бурун инсон жамийати ичида бўлуб келган* (Хлар. 1930 I, 9). *Бундан саксон йил бурун биринчи ишчи ёшлар уюшмаси майданға чиқти* (КМТ, 6). *Бу яхшилик аризадан ҳам бурун мирза бошидан бўлди*. (М. ча., 60). *Фақир тиғи бирла ўлдур ўзни ўлмасдан бурун* (Мунис, 192).

Ҳозирги ўзбек тилида бурун шаклида қўлланадиган бу кўмакчи бош ёки чиқиш келишикдаги отни бошқаради. Бир ҳаракатдан аввал бошқа бир ҳаракат ижро этилганини ифодалайди. Пайт эргаш гапнинг кесимида келади (125. 97,98).

Бу кўмакчи чиқиш келишикдаги бўлишсизлик формасидаги сифатдошга бирикади. Иш ва ҳаракатни ўзи англаган иш-ҳаракатдан, воқеа ва бажарувчи шахслардан олдин содир бўлгани маъносини англатади: *Бу йўлни урушдан бурун колхозчилар қурган эдилар* (Ойбек). *Булар нонимиз яримта бўлади деб ҳалитдан, ҳали трактор келмасдан бурун ирилаётитти* (А. Қ. Қўшчинор чироқлари, 44-бет) (70. 310; 189. 557; 125. 98).

Илгару//иллару//илгари кўмакчиси. Бу кўмакчи илк сифатига *-гару* (-га+ру //ри) келишик қўшимчасининг қўшилишидан яратилган (илк+гару>илг+гару>илгару>илга+ри).

XIII—XIV асрларда кўмакчи таркибидаги *лг* товушлари ассимиляцияга учраб, *лл* бўлган: *илгару*>*иллару*.

Ҳозирги ўзбек тили шеваларида унинг *илгэри*, *иллэй* шакллари ҳам учрайди (185. 115).

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида *илгари* морфологик бир бутунликни яратиб, равиш ва кўмакчи сифатида ишлатилган.

XIII—XIV асрларда *илгару//иллару* кўмакчиси ишлатилган. У ТФда қўлланган. У чиқиш келишигидаги от, кишилик, кўрсатиш олмошларини бошқариб, **бир иш-ҳаракатдан кейин бошқаси бажарилганини** — пайтни ифодалаган: *Ахшамдан иллору тасбиҳ тилар* (ТФ, 52а). *Бир қавм йаратти одамдин иллору* (ТФ, 51а). *Ул китобда мендин илгару юбориб турурди* (ТФ, 87а). *Пайғамбардин илгару йуриманг* (ТФ, 44б).

XV—XVI асрларда *илгари*, *илгаррақ* шаклларида қўлланиб, чиқиш келишикдаги отларни бошқаради ва **бир иш-ҳаракатдан аввал бошқа иш-ҳаракат ижро этилганини-пайтни ифодалайди**: *Илғор беклари ўзларидин илгарроқ бир пора йигитларни қаравул йибардилар* (БН, 81). *Ишқулла етти-саккиз кишидин илгарроқ айрилу* (БН, 272). *Кендлар қилаварди андин илгари шаҳар-у конд-у эв йўқ эрди* (Ш. тар., 8). *Муҳлаттин илгари келганни қўймадилар* (БН, 77).

Бу кўмакчи инкор гаплар таркибида келганда: 1. Пайт ифодалайди ва кўмакчили бирикмани бошқараётган феъл тасдиқ формада бўлса ҳам кесим инкор маънода бўлади, у кесим бажарилмаган ҳолатни ифодалайди: *Маҳаллатдин илгари келгани қўймадилар* (БН, 120).

2. Кўмакчи ўрин англатиладиган отга бирикканда **иш-ҳаракат бирор ўринга етган-у, лекин ундан ўтолмаганини ифодалайди**: *Юққариғи ўқниң зарбидин Хожа Хизр масжидидин илгари ўта олмадилар* (БН, 147).

Бу кўмакчи XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида *илгари*, *илгарида* шаклларида ишлатилган. Улар бош ёки чиқиш келишикдаги отларга бириккан. Пайт, шарт маъноларини англатган.

1. **Пайт англатиши**: *Мундин илгари билмаслигимдан парво қилмас эрдим* (Фуркат II, 146). *Тўйдан бирор ҳафта илгари хабар берилса* (М. ча., 132). *Бундан ўн йиллар илгарида яна ҳам мушқилроқ эди* (М. ча., 17). *Бундан илгари бу денгизларда кимлар юрган* (Кук, 9).

2. **Бир ҳаракатдан олдин бошқа ҳаракат ижро этилиши шарт экани ифодаланеди**: *Бунинг сабабини сўзлашдан илгари имом афандининг ўтган тарихига бир оз кўз ташлаб олишга мажбурмиз* (М. ча., 62). *Умумий мақсадга кўчишдан илгари биз ҳозирги кўрганларимиздан озгина сўзлаб ўтайлик* (Хлар. 1930 I, 79).

Бу кўмакчи ҳозирги ўзбек тилида *илгари* шаклида қўлланиб, чиқиш ёки бош келишикдаги отларни бошқаради, пайт ифодалайди. (125. 96,97).

С у р а т сўзидан пайдо бўлган кўмакчилар. Бу кўмакчи XV—XVI асрларда ишлатилган. У этимологиясига кўра арабча бўлиб, *сурат* отидан яратилган. *Сурат* оти эса *шакл, расм; ҳол кайфият, ташқи кўриниши* каби маъноларни ифодалайди (104. 576). *Сурат* отига -да ўрин-пайт келишиқ кўшимчасининг кўшилишидан *суратда*; келишиқ кўшимчасидан олдин «и» эгалиқ кўшимчасини келтириш билан *суратида* кўмакчиси яратилган. *Сурат* отига кўшилган «и» эгалиқ кўшимчасидан кейин -ға жўналиш келишиги кўшимчасининг бирикишидан *суратиға* кўмакчиси яратилган.

Суратида, суратиға кўмакчилари бош келишиқдаги отларга бирикади ва предметнинг ҳолатини ифодалайди: *Дарвишлиқ ва саллоҳ, суратиға кирибтур* (Навой МН, 57).

Суратида кўмакчиси XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида қўлланган. У бош келишиқдаги отга бирикиб, ҳолат ифодалаган: *Жидди с у р а т д а ўрганиш кераклигини қўядир* (Кмт, 56). *Меҳнаткаш ёшларнинг мустақил с у р а т д а уюшиш фаолиятиға ўрганишлари керак* (Кмт, 40). *Яширин с у р а т д а миссионерлар юбориш* (Хлар. 1930, XII, 26). *Ниҳайатда фаал с у р а т д а ташвиқатға чиқадилар* (Хлар. 1930, I, 7).

Бу кўмакчи ҳозирги ўзбек тилида *суратда* шаклида ишлатилади. У бош келишиқдаги отарга бирикиб, ҳолат ифодалайди: *Партия комитетлари коллектив суратида ҳабул қилинган қарорни бажариш борасида ҳаммиша ҳам кадрлар олдиға қаттиқ талаб қўймоқдалар деб бўлмайди.* (ТХ, 30 март, 1985).

А с н о сўзидан пайдо бўлган кўмакчилар. Бу кўмакчи XV—XVI асрлардан бошлаб қўлланган. Этимологиясига кўра арабча бўлиб, **асно** — замон, замон ораси каби маъноларни англатган (104. 64). У XV—XVI асрларда *аснода, асносида* шаклларида ишлатилган

Аснода кўмакчиси бош келишиқдаги кўрсатиш олмошларига бирикиб, пайт ифодалайди: *Бу аснода ҳазрат маҳдуми нурон мулозиматиға битиб, бирар сабоққа дағи мушарраф бўлур эрди* (Навой МА, I 39). *Ушбу аснода Боқибек манга қаррат-у маррат айтур эдиким* (БН, 178). *Аскарлари ҳам ўшул аснода келди* (БН, 444). *Ногохон келди бу аснода хабар, ким йиғиб Боқи Тарихон лашкар* (ШН, 48).

Асносида кўмакчиси бош келишиқдаги от, қаратқич келишиқдаги -ан кўрсатиш олмошиға бирикади ва пайт ифодалайди: *Анынг асносида ҳазрат кичик мирзо мулозиматида Катъба сафариға бориб Ироқда айрилиб қолди* (Навой МА, 151). *Ул иш асносида тортар дилкаш ун* (Навой ЛТ, 196). *Таҳсил асносида шеърға ҳам иштифол кўргузди* (Навой МН, 96). *Ғанимнинг кишиси зўрроқ келиб байакбар уруш асносида Саидбекни олдири* (БН, 84). *Сайр асносида маъжун ихтиёр қилилди* (БН, 293).

XVII—XVIII асрлардаги биз кўриб ўтган ёзма ёдгорликларда *аснода/асносида* кўмакчисини учратмадик. Лекин XIX асрларда *асноси, асносида* шаклларида ишлатилган. Улар бош келишиқдаги отга бириккан ва пайт маъносини ифодалаган: *Бу аснода дигар тахаллус илтимос айладим* (Фурқат II, 127). *Бу аснода топди*

Мусажон шикаст (Муқимий II, 22). *Ҳикояни эшитиш асносида имомда бир ғижиниш вазияти бор эди* (М.ча., 60). *Худоёр муҳр босиш асноси ёзилган ёрлиқ ва номларни ўқитиб эшитар* (М.ча., 52).

Асноси кўмакчисининг ўзига хос хусусияти шундаки, у ажратилган пайт ҳоли таркибида келади: Чамаси, нисбишабасноси, дўстим, деб ёнида қиз, Султоналининг уйига келган (М.ча., 218). *Деди мундоқ гуҳарафшонлиғ асносида ул пурфан* (Мунис, 314).

Бу кўмакчининг асносида шакли ҳозирги ўзбек тилида ҳам ишлатилади: *А. Ахмедов таржима қилиш асносида мўътабар манбалар Хоразмийнинг жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма асарларидан фойдаланган* («Сов. Ўзб.» 1985, 7 март).

* * *

Ўзбек тилининг тарихида қўлланиб, ҳозирги ўзбек тилида ҳам ишлатилаётган кўмакчилар ҳозирги туркий тилларга тааллуқлидир. Лекин у кўмакчиларнинг айримлари бошқа туркий тилларда айнан ўзбек тилидагидек бўлмасдан, ҳар хил фонетик ўзгаришларга эга бўладилар: *Бирлан минан, бирла-ба, учун/ушун, каби/кими* ва б.

Энг қадимги ёзма ёдгорликлардан ҳозирги ўзбек тилигача етиб келган кўмакчилар ниҳоятда оз миқдорни ташкил этадилар: *билан, учун, узра* ва б.

Ҳозирги ўзбек тилида ишлатилаётган кўмакчилар ўзбек тилининг даврларга кўра ривожланиш процессида вужудга келган. Масалан, XI асрдан бошлаб қуйидаги кўмакчилар қўлланган: *била, каби, сингари, янглиғ, ичра, сариқа, сариға, ара, арала, араси, бери/беру, бурун, узала* ва бошқалар.

XIII—XIV асрлардан бошлаб қуйидаги кўмакчилар ишлатилган: *бирлан, билан, -ла, -чун, сингар, сингардин, сингарға, сынгару, узра, узара, сару, сайу, қадар, араси, арада, арасида, ўза, бобинда, ҳақинда, ҳақина, ҳақинға, оша, илгару/иллару* ва бошқалар.

XV—XVI асрлардан бошлаб қуйидаги кўмакчилар пайдо бўлган: *ила, илан, сайи, туфайли, сабаби, сабабидан, борасида, бобидин, бобда, бобинда, бобида, ҳақида, ҳақингда, бурно, илгари, илгарироқ, суратда, суратида, суратиға, аснода, асносида* ва бошқалар.

Айрим кўмакчилар XVII—XVIII асрларда ва XIX асрнинг бошларида пайдо бўлган: *хусусда, хусусида, соясинда, соясида, тўғридан, тўғрисида, тўғрисида, тўғрисиға, ҳузурида, ҳузуридан, ҳузуриға, боисдан* ва бошқалар.

Қуйидаги кўмакчилар эса XIX асрнинг охири XX асрнинг бошидан бошлаб ишлатилган: *томон, нисбатан, биноан, қаторида, ниятида, ўрниға, суратда, суратида, суратиға* ва бошқалар.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатилаётган кўмакчиларнинг кўпчилиги XIII—XIV ва XV—XVI асрларда яратилган. XVII—XVIII ва XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида пайдо бўлган

кўмакчилар ўзларининг миқдорига кўра анча кам. Шунингдек, қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида учрайдиган кўмакчилар ҳам ниҳоятда озчиликни ташкил этади.

Ўзбек тили тарихида яратилган кўмакчиларнинг ҳамма фонетик вариантлари ҳозирги ўзбек тилига етиб келавермаган *узала, узара, сариқа, сингардин, сингарға, бурно, бобинда, суратиға, сайи* ва бошқалар.

Ўзбек тили тарихида яратилган кўмакчиларнинг айрим фонетик варианты ҳозирги ўзбек тилига етиб келган бўлса-да, ҳозирги ўзбек адабий тилида актив ишлатилмасдан, баъзан поэзиядагина учрайди: *ила, илан, ичра* ва бошқалар.

Ўзбек тилидаги кўмакчиларнинг пайдо бўлишида асосий манба ўзбек тили ва бошқа туркий тиллар бўлиб, араб тили, форс-тожик тилларининг роли ҳам ниҳоятда катта бўлган.

Туркий тилларга ва араб тилига тааллуқли кўмакчилар ўзбек тилидаги кўмакчиларнинг асосини ташкил этади. Чунки, тарихда араб тили ўзбек тилига ўз таъсирини ўтказган.

Тарихан ва ҳозир қўлланишида бўлган соф кўмакчилар қўлланиши, англатган семантикасига кўра бир-бирига ўхшаш ва фарқли бўладилар. Улар, асосан, бош келишиқдаги отларга бириккан. Лекин *нисбатан, биноан* кўмакчилари жўналиш келишиқдаги отларга ҳам бириккан.

Айрим кўмакчилар ўзбек тили тарихида ниҳоятда актив қўлланилган. Шунинг учун ҳам унинг қўлланишидаги грамматик хусусиятлари ҳар қайси даврда ўзига хос хусусиятга эга бўлган—Масалан, *бирла* кўмакчиси XIII—XIX асрларда бош келишиқдаги от, ўзлик олмошларига бош ва қаратқич келишиқдаги кишилик олмошларига бириккан. Лекин у *-лиқ, -лик, -луқ, -мэк, -мақ* аффиксли отларга XIII—XIV ва XV—XVI асрларда бириккан.

Қаратқич келишиғидаги кишилик олмошларига бирикиши XV—XVI асрларда бўлса, XIII—XIV, XV—XVI асрларда қаратқич келишиқдаги кўрсатиш олмошларига бириккан. XVII—XIX асрларда бош келишиқдаги отлашган сон, ундовга, қаратқич келишиқдаги *му/бу/, ан* кўрсатиш олмошларга бириккан.

Отлашган сифат, пайт равишларига бириқиб келиши эса фақат XIII—XIV асрларга хос. XV—XVI ва XVII—XIX асрларда бош келишиқдаги сифатдошларга бириккан. Бу кўмакчининг семантик ривожланиши тарихан ҳар хил бўлган: XIII асрдан то XIX асргача восита, биргалик, объект, сабаб маъноларини англатган. XIII—XIV, XVII—XIX асрларда ҳолат, мақсад маъноларини англатган. Лекин XV—XVI асрлардаги ёзма ёдгорликларда ҳолат, мақсад англатиши учрамайди.

XIII—XIV ва XV—XVI асрларда ўрин, пайт маъноларини билдирган. Лекин кейинги даврларда бу хусусияти йўқолган.

Бу кўмакчининг ўхшатиш маъно англатиши XIII—XIV асрлардагина хос бўлса, эваз, зидлик маъноларини англатиши XVII—XIX асрлардагина хосдир.

Бирла кўмакчиси ҳозирги ўзбек тилида ниҳоятда кам ишлати-

либ, поэзияда учрайди, холос.

Илан кўмакчиси XV—XVI асрлардан бошлаб то XIX асргача қўлланган. У ҳамма вақт бош келишиқдаги отга бириккан. Лекин маъно англатишига кўра даврлар бўйича фарқли бўлган:

XV—XVI асрларда пайт англатган бўлса, XV—XVI, XVII—XIX асрларда восита, биргалик маъноларини англатган. Шундай қилиб, айрим кўмакчилар ўзбек тили тарихида ниҳоятда чегараланган ҳолда грамматик, семантик хусусиятга эга бўлган.

Ўзбек тили тарихида айрим кўмакчилар *бирла*, *била*, *ила*, *-ла*; *бирлан*, *билан*, *илан* каби фонетик вариантларга эга бўлса-да, у фонетик вариантларнинг ҳаммаси ҳозирги ўзбек адабий тили нормасига киравермайди. Шунингдек, ўзбек тили тарихида *учун*, *-чун* кўмакчиси кенг қўлланган. Лекин XVII—XIX асрларда унинг мақсад маъносини билдириш хусусияти йўқола бошлаган. Чунки ўша мақсад маъносини ўзбек тилида *мақсадида* кўмакчиси англата бошлаган.

Айрим кўмакчилар ўзбек тили тарихида ниҳоятда актив ишлатилган бўлишига қарамай, чегараланган семантикага эга бўлган: *Янглиғ* кўмакчиси XI асрда мустақил сўз ва кўмакчи сифатида ишлатилган. Лекин кейинги даврларда фақат кўмакчи бўлиб, ўхшатиш маъносинигина билдирган. У XIII—XIV асрларда ҳолат семантикасини ҳам ифодалаган. Лекин кейинги даврда бу семантика учрамайди. Шунингдек, *ичра* кўмакчиси XIII асрлардан то ҳозирги ўзбек тилигача ишлатилмоқда. У грамматик хусусиятига кўра ҳамма вақт бош келишиқдаги отга бириккан. Лекин ҳар хил семантикани билдиради: ўрин, сабаб, пайт, ҳолат, восита, объект, мақсад, комитатив ва б. Лекин у ҳозирги ўзбек тилида фақат ўрин маъносинигина билдиради, холос.

Бу бобда ёритилган бошқа кўмакчилар ҳам юқорида қайд этилгани каби ўзига хос хусусиятларга эга бўлган.

Ҳар қандай кўмакчи мустақил маъноли сўзлардан пайдо бўлганидек, юқорида ёритилган кўмакчилар ҳам мустақил маъноли сўзларга тааллуқлидир. Шунинг учун ҳам улар маълум бир сўз тўркумидан келиб кирганлар: 1. Сондан: *бирла*. 2. Отдан: *учун*, *каби*, *сингари*, *уза*, *узра*, *ичра*, *сар*, *томон*, *қадар*, *хусусда*, *бўйи*, *соясид*, *туфайли*, *ҳузурид*, *қаторид*, *ниятида*, *ўрнига*, *аро*, *йўзидин*, *сабабидин*, *борасид*, *сифатиға*, *ўзга бобда*, *ҳақинда*, *бери*, *суратда*, *асноси* ва б. 3. Феълдан: *Сайу*, *сайин*, *оша*. 4. Сифатдан: *тўғридан*, *илгари*, *янглиғ*. 5. Равишдан: *нисбатан*, *биноан*, *бурун*.

Бу бобда ёритилган кўмакчиларга хос хусусият уларнинг ўзбек тили тарихида қўлланиб, ривожланиб, ҳозирги ўзбек тилида ҳам ишлатилишидир. Тарихан ва ҳозир қўлланишда бўлган соф кўмакчиларнинг энг қадимгилари туркий бўлиб, X аср ва ундан кейинги даврларда араб, форс тилларидан келиб кирган кўмаклар ҳам ишлатилган.

ФАҚАТ ТАРИХАН ҚЎЛЛАНГАН СОФ ҚЎМАКЧИЛАР

Ўзбек тилининг тарихида қўлланиб, лекин ҳозирги ўзбек тилига етиб келмаган қўмакчилар жуда озчиликни ташкил этади.

Улар ўзбек тили тарихининг маълум даврларига тааллуқли бўлиб, ҳар қайси қўмакчининг қўлланиш процесси алоҳида ўзига хос бўлган. Шунингдек, уларнинг қўлланиши ва семантикаси, этимологияси алоҳида диққатга моликдир.

Таба//тапа, табару, табан қўмакчилари. Бу қўмакчилар ўзининг этимологиясига кўра қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида учрайдиган *тапа* равишига тааллуқлидир (102. 41; 157. 140; 7. 207). У XI аср ёзма ёдгорликларида *таба, табару* шаклларида қўмакчи бўлган. (8. 46; 55. 526, 534).

Унинг *табару* шакли *таба* равишига қадимги жўналиш келиши-ги кўшимчаси *-ру* кўшилишидан иборатдир.

Табан қўмакчиси *таба* ўзагига равиш ясовчи «н» аффиксининг кўшилишидан яратилган.

Бу қўмакчи XIII—XIV асрларда *таба, табару, табан* шаклларида қўлланган. *Таба* ТФ, ҚР, НФ, ХШда: *табару* эса ТФ, ХШ да; *табан* ҚР да ишлатилган.

XV—XVI асрларда *табару, таба//тапа* шакллари бўлган. Бу даврдаги *табару* Алишер Навоийнинг асарига; *таба, тапа* эса «Шайбонийномага» хосдир.

Таба//тапа қўмакчисининг грамматик хусусиятлари куйидагича бўлган:

1. Бош келишиқдаги отга бириккан: *қавмлар таба* (ТФ, 42^б). *Фаластин таба* (ҚР, 29^а). *Учмаҳ таба* (НФ, 61). *Ҳиндустон таба* (ХШ, 87^б). *Қуш таба* (ШН, 36^а). *Кун тоғшақы таба* (ТФ, 12^а). 2. Қаратқич келишигидаги кишилик олмошларига бирикади: *мэним таба, сенинг таба, сизнинг таба, бизинг таба* (ТФ, 37^б, 8^б, 2^б, 23^а, 114^а, 21^а, 26^а). *меним таба, сенинг таба* (ҚР, 66^б). 3. Бош ва қаратқич келишигидаги олмошларга бирикади: *сизларнинг таба, сизлар таба, аның таба, анлар таба* (ТФ, 83^б, 32^а, 13^а, 34^б, 23^б, 12^а) *улар таба, уларнинг таба* (ҚР, 152^б, 57^б).

Табару қўмакчиси бош келишиқдаги отга бириккан. XIII—XIV асрларда бош келишиқдаги кишилик олмошларига ҳам бириккан: 1. Бош келишиқдаги отга бирикиши: *от табару* (ТФ, 29^б). *Машҳад табару* (ХШ, 112^б). *Сўз татвоил табару* (Навоий МА, 7). 2. Бош келишиқдаги кишилик олмошларига бирикиши: *Сизлар табару* (ТФ, 28^б).

Табан қўмакчиси бош ва жўналиш келишигидаги отларга бириккан: *Йузи табан, дарға табан* (ҚР, 138^б, 82^а).

Таба қўмакчиси англаган грамматик маънолар: XIII—XIV асрларда иш-ҳаракатнинг ижро этилган, йўналтирилган ўрни, объектини ифодалаган; XV—XVI асрларда иш-ҳаракатнинг пайтини ифодалаган. а) *Иш-ҳаракатнинг ижро этилган ўрнини ифодалаши: Тамуғ таба хорла-йу эрксиз турурлар* (ТФ, 15^б). *Арқа-*

лары йэрлар таба турур (ТФ, 108^б). б) **Объект ифодалаши:** Умид тутғыл изинг таба (ТФ, 24^а). Йарлыг тэкурди одам таба андағ кидғил (ҚР, 11^а). Элчилар Сулаймонға таба айдилар (ҚР, 116^б). в) **Иш-ҳаракатнинг йўналтирилган ўрнини англатиши:** Биз издук Нуҳни қавмлари таба (ТФ, 108^а). Мени фиръаун таба йадавич изитти (ҚР, 86^а). Фаластин таба барур бўлды (ҚР, 99^а). Учмаҳ таба назар қулғил (НФ, 619). Равон бўлды тутуб ул таг таба йўл (ХШ, 64^б). Йурубан куш таба ёнди султон черик аҳли тақи йанди яксон (ШН, 36^а). г) **Пайт ифодалаши:** Молин олдиран улус ҳали таба бордилар бекларига тортиб оҳ (ШН, 106^б).

Табару кўмакчиси XIII—XIV асрларда иш-ҳаракатнинг йўналтирилган ўрнини; XV—XVI асрларда эса сабаб маъносини ифодалаган: 1) **Иш-ҳаракатнинг йўналтирилган ўрнини ифодалаши:** Ут табару элти (ТФ, 29^б). Равон Машҳад табару тебрардилар (ХШ, 112^б). 2) **Сабаб маъносини ифодалаши:** Халойиқ қошида равшан дурур ва ҳам сўз тавоил табару бу назмларнинг асли ва сабалатаси аруз сужурда узанинға мувофиқдур (Навойи МА, 7).

Табан кўмакчи XIII—XIV асрларда ҳолат, восита маъноларини ифодалаган: 1) **Ҳолат ифодалаши:** Балиқлар ерга кўк яшыл юзи табан тушарин қамуғ кўрдилар (ҚР, 138^б). 2) **Восита ифодалаши:** Қуртқани бозор бошинда дарға табан осиб ўлтурдилар (ҚР, 82^а).

Тег, *тегинч*, *тегинча*, *текин*, *тегри*, *тегру*//*декру*//*текру* кўмакчиси. Бу кўмакчилар этимологиясига кўра *тег* феълига тааллуқлидир. *Тег* феъли қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида бирор ўринга етиб бормоқ, бирор предметга етиб бормоқ каби қатор маъноларни англатади (102. 43; 55. 546, 547). Ҳақ *тег* феълига тааллуқли бўлган кўмакчи ҳамма вақт жўналиш келишигидаги отни бошқарган ва иш-ҳаракатнинг етиб борган ўрни ёки пайт чегарасини ифодалаган (55. 546₂). Феъл туркумига тааллуқли бўлган бу кўмакчи кўйидагича шаклларга эга бўлади: *тег*, *дег*, *тегин*, *дегин*, *тегара*, *дегинча*, *дегунча*, *тегинча*, *тегру*, *дегру*, *тегинч* ва б. Бу кўмакчининг кўп варианты бўлиши сабабларидан бири *тег* сўзининг тарихан *тег*, *дег*, *дек* каби ифодаланishi бўлса, яна бир сабаби шу ўзакларга ҳар хил морфемаларнинг бирикишидир. Бу *тег* кўмакчиси ўзига «и» (-у) равиш қўшимчасини олиб, *теги*//*тегу*//*даги* шаклида қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида кўмакчи функциясида қўлланган (102. 41; 12. 245; 157. 139; 8. 46; 176. 190; 177. 197). Шунингдек, *тегин*//*дегин* шакллари ҳам бўлган ва жўналиш келишигидаги отни бошқариб, иш-ҳаракатнинг пайтга кўра чегарасини билдирган (53. 547₂; 8. 46; 168. 14, 17). *Тег* ўзагидан яратилган кўмакчининг қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида *тегара* шакли ҳам учрайди. *Тегара* кўмакчиси бош келишикдаги отларга бирикиб, объектни ифодалаган (55. 547₁).

Бу кўмакчининг *тегинч*, *дегунча*, *тегинча* шакллари ўзбек тили

тарихида ҳам ишлатилган (7. 204; 177. 197). Шунингдек, *тегру*, *дегру* шакли ҳам ўзбек тили тарихида учрайди (177. 197; 7. 205).

Проф. Э. Н. Наджип *текру* аслида тек аффикс-кўмакчига тааллуқли бўлиб, унга қўшилган *-ру* жўналиш келишигининг архаик аффикси қўшилишидан пайдо бўлганини қайд этади (106. 131).

Бу кўмакчи XIII—XIV асрларда *теги*, *тегинч*, *тегинча*, *текин*, *тегру*//*текру*, *тегри* шаклларида қўлланган: XV—XVI асрларда эса *текру*; XVII—XIX асрларда *текру*//*декру* шаклларида ишлатилган. Маълумки, ўзбек тилининг тарихий тараққиёти босқичларининг ҳаммасида *тегру* кўмакчиси ва унинг фонетик вариантлари *текру*//*декру* қўлланган. Лекин бу кўмакчининг *теги*, *тегинч*, *тегинча*, *текин*, *тегри* вариантлари фақат XIII—XIV асрлардагина учрайди. XIII—XIV асрларда қўлланган бу кўмакчилардан *тегинч*, *тегинча*, ТФ да; *теги* ТФ, ҚР, НФ да; *текин* ТФ, МН да; *тегру*//*текру* ТФ, ҚР, НФ, ХШ, «Сайфи Саройи»да; *тегри* «Сайфи Саройи»да ишлатилган. Бу кўмакчининг ҳамма вариантлари жўналиш келишигидаги отларга бириккан: *бу кунга теги*, *қиёматқа текин*, *анчақа тегру* (ТФ, 9⁰, 97^а, 45⁰). *Қиёматга тегинч*, *қиёматга тегинча*, *эвга тегинч* (ТФ, 10^а, 55⁰, 81⁰). *Ул кунга теги*, *азақларин тазларинга текру* (ҚР, 86⁰, 20^а). *Олты йилқа теги* (НФ, 1991). *Қиёматқа текин* (МН, 311⁰). *Бу йерга тегру* (ХШ, 60⁰). *Сахроға тегру*, *анга тегри* (Сайфи Саройи, 62^а, 83⁰).

Тегру//*текру*//*декру* кўмакчисининг *тегру* шакли XIII—XIV асрларда ишлатилиб, у жўналиш келишигидаги отга бириккан ва икки хил грамматик маъно англатган: 1) пайт; 2) ўрин. 1) **Пайт ифодалаганда лексик маъносидан пайт англашиладиган отларга бириккан:** *Агар анлар сабр қилсалар анчақа текру ким чиқар анлар* (ТФ, 45⁰). *Ҳар кеча ўн ботмон таом ер эди тағи саҳарға тегру номозға турур эди* (Сайфи Саройи, 62^а). 2) **Иш-ҳаракат етиб борган охириг нуктага кўра ўринни ифодалайди:** *Қочиб Чину Хитойға тегру кеткай* (Сайфи Саройи, 74⁰).

XV—XVI асрларда *текру*//*дегру* шаклларида ишлатилиб, жўналиш келишигидаги отни бошқариб, асосан, икки хил маъно англатади: пайт, ўрин. Лекин бу даврда кўмакчининг маъно англантиши анча такомиллашиб, қатор маъно оттенкаларига эга бўлади: 1) Иш-ҳаракатнинг пайтини ифодалаганда, кўпинча, лексик маъносидан пайт англашиладиган отларга бирикади ва икки хил маъно оттенкасига эга бўлади: а) **Иш-ҳаракатнинг ижро этилаётган пайтини билдиради:** *Бу чаққа текру ҳеч эрса бу таврнинг оҳанг сендин чиқмай турур* (Амирий, 329⁰). *Кечага текру андоқ ичтилар май* (Лутфий ГН, 352). *Нечага текру куйр жон-у ўртанур баданим* (Лутфий, 46^а). *Анга текру ким тан қуши нола тузды* (Навойи МК, 66). *Бу эди бир ойға текру ҳолати* (Навойи ЛТ, 77). *Тоғга текру иш анга оҳу фиғон* (Навойи ЛТ, 102). *Кечга текру мастараб эрдим* (Навойи, СС, 115). *Кўб яшады бу китоб таснифға текру бор эрди* (НН, 120). *Номозшомға текру*

уруштилар (ШН, 280). б) **Иш-ҳаракатнинг маълум пайтдан бошланиб, маълум пайтгача давом этганини ифодалайди:** *Тонгдин оқшомга текру лат параст* (Навоий СС, 103). *Тонгдин оқшомга текру пайдар-пай* (Навоий СС, 32). 2) *Текру//дэгру* кўмакчиси ўрин англатганда ҳар хил маъно оттенкаларига эга бўлади: а) **Иш-ҳаракат йўналтирилган конкрет ўрин ифодаланади:**

Чопиб Хусравнинг ордусига текру қайу орруға қаршусыға текру (Навоий ФШ, 151). *Ҳинд дарёсига текру мақом тутуб турур* (ШН, 16^б). б) **Иш-ҳаракатнинг бир нуқтадан иккинчи нуқтагача горизонтал масофага кўра йўналишини ифодалайди:** *Етишти пашшадин анқоға текру* (Навоий ФШ, 216). *Оёғдин бошқа текру фараш дебон* (Навоий ФШ, 126). в) **Иш-ҳаракатнинг аниқ бир майдонга-территорияга тарқалишини ифодалайди:** *Бошқард ва дашт қипчақ ва урус ва черкас ва дарбандға текру олди* (НН, 159). г) **Иш-ҳаракат конкрет ўринга йўналтирилмасдан, балки нимагадир бирор ҳолатга интилишини ифодалайди:** *Мақсудиға текру не навъ олди йул* (Навоий ЛТ, 181).

XVII—XIX асрлардаги *тегру//текру* кўмакчиси жўналиш келишигидаги отларга бирикиб, пайт ифодалаган: *Қачанға текру таҳаммул оёқыға бош урай* (Огаҳий, 212). *Утлуғ афғонки кўнгул субҳаға тегру чеки* (Мунис, 156). *Хуснинг баркаш қилурға тонгға тегру интизор* (Фуркат I, 184). *Уч йилға тегру таҳсил қилдим* (Фуркат II, 137).

Бу кўмакчи жуда кам бўлса-да, чиқиш келишигидаги отни бошқаради. У ўзи бирикиб келаётган отдан англашилган предмет ёки ҳолатни ажратиб кўрсатиш, иш-ҳаракат унга тааллуқли эмаслиги каби маъноларни англатади: *Офатлардан тегру бўлсун паноҳинг* (Муқимий I, 230). Бу кўмакчининг фақат XIII—XIV асрлардагина ишлатилган *теги, тегинч, тегинча, текин, тегри* варианты жўналиш келишигидаги отни бошқариб, пайт, ўрин маъноларини ифодалайди: 1) **Пайт билдирувчи отлар билан бирикиб, пайт ифодалайди:** *Ул вақтға тегинч ҳеч йулук сув уза юқору келмас эрди* (ТФ, 31^б). *Қиёматқа тегинч чиқмаслар* (ТФ, 10^а). *То қиёматға тегинча аинг бекчиси фаришталар турур* (ТФ, 55^{а,б}). *Қиёматқа текин айб кўрмас* (ТФ, 97^а). 2) **Иш-ҳаракат этиб борган ўрнини ифодалайди:** *Олти оят тугал бўлгинчаға тегинча бу сура етмиш беш оят турур* (ТФ, 39^б). *Соғ қўлинда кўкка тегинча йилдираю турур эрди* (ТФ, 68^а). *Алқисса етти эвга тегинч кездирдилар* (ТФ, 81^б). *Қайу ерга тоштегса ўтар эрди бошиндин оёқингға тегинча* (ТФ, 143^а). *Бармақлары улуб тушар эрди андин юракина тегинча андағ улуб тушди* (ТФ, 143^а). *Белинга тегинч ютты* (КР, 97^а). *Маширқдин мағрибқа тегинч хуш ариф бўғай* (НФ, 64₃).

Тег(дег) кўмакчиси. *Тег* кўмакчисининг этимологияси ҳақида фикр юритган олимлар у *тег* ўзагига тааллуқли эканини қайд этадилар: *тег < тең* (67. 50). *Тег* қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида бирор предметни ёки ҳаракат-ҳолатни иккинчи предметга, ҳаракат-ҳолатга ўхшашлигини билдирган (102. 43; 55. 546₂ —

547₁). Бу кўмакчи ўзбек тили тарихий тараққиётининг ҳамма босқинчларида *дек* ёки *тег* шаклида қўлланган. Шунингдек, унинг грамматик маъно англатиши ҳам ўзбек тилининг ҳамма тарихий даврларида бир хил бўлиб, ўхшатиш маъносини ифодалаган. Лекин унинг грамматик қўлланишида фарқлар бўлиб, XIII—XIV асрларда жуда кенг қўлланган. XV—XVI асрларда эса унинг қўлланиши анча қисқарган. У XVII асрдан бошлаб жуда кам қўлланган. Ундан кейинги даврларда эса аффиксга ўтиб кетган

XIII—XIV асрларга оид ёзма ёдгорликларда қўлланган *тег* (*дек*) кўмакчиси бош келишидаги от, отлашган сифатга ва бош, қаратқич келишигидаги кишилик, кўрсатиш олмошларига бириқади: *Бизинг тег, мунунг тег* (НФ, 110₁, 67₁). *Сенингдек, сен тек* (МН, 307^а); *мен тег, сарв тег* (XIII, 92^а, 48^а). Бу даврда қўлланган *тег* (*дек*) кўмакчиси ўхшатиш маъносини англатган: *Бизинг тег ашрафларни қабулда тутар* (НФ, 110). *Мунунг тег оқубатлар бирла мубтало турурлар теди* (НФ, 67). *Бизинг тег л а р г а анда сен йўқ, эй жон* (МН, 299^б). *Сенингдек гул магар урмақда бўлмай* (МН, 307^б). *Манга мэн тег киши тутса бу номус керак тавусқа ҳам бўлса бу тавус* (XIII, 92^а). *Сарв тег қади тал янглиғ эгилди* (XIII, 48^а).

Бу кўмакчи XV—XVI асрларда бош келишидаги от, қаратқич келишигидаги кишилик олмошларига бириккан: *менинг тек, сим тек* (Лутфий, 23^а, 10^а); *ганж тег* (Хайдар, 45); *ой тек* (Бобир, 24^а).

Тег// (дек) кўмакчиси XV—XVI асрларда ҳам ўхшатиш маъносини англатган: *Менинг тек динида бечора йўқтур* (Лутфий, 23^а) *Сим тек сақоқинг мени куйдурур Лутфийни* (Лутфий, 10^а). *Нар терк яноқинг шавқидин жонлар боре афкор эрур* (Лутфий, 26). *Ганж тег дол-у хокпўш* (Хайдар, 45). *Йеңги ой тек қошинга мен дурур-мен ошиқ-у мойил* (Бобур, 71).

Кўмакчи *тег(тек)* XVII асрлардан бошлаб ниҳоятда кам қўлланган. Кейинги даврларда эса мутлақо ишлатилмаган. Бу кўмакчини XVII асрга оид «Шажараи тарокима»да бир марта учратдик. У бош келишидаги сифатдошга бирикиб, ўхшатиш маъносини ифодалайди. Иккита иш-ҳаракат бир-бирига ўхшатилади. Ўхшатишга асос қилиб кўмакчи бирикиб келаётган сифатдошдан англашилган ҳаракат олинади: *Ош бу айтылган тек улашуб алсунлар* (Ш.тар, 37).

Проф. Э. Н. Наджип *тэк* кўмакчиси уйғур тилидаги *дэк* аффикс-кўмакчининг жарангсиз ундош билан ($d > t$) ифодаланган шакли эканини, бу кўмакчидаги охириги *к* товушининг *йга* ўтиши натижасида ўзбек, козок, татар ва бошқа туркий тилларда ўхшатиш аффиксига ўтишига сабаб бўлганини айтади: *дэк//дай* (106. 131).

Тег (дег) ҳозирги ўзбек тили диалектларида ҳам ҳар хил шаклларда аффикс тарикасида учрайди. У ҳозирги Тошкент шеvasида *дэг//дэйън* (169. 376); Туркманистондаги ўзбек шеваларида *-дэйн* шаклларида ишлатилади (121. 132). Ўзбек тилининг Қорақўл шевасида *-тэк, дэйн* шаклида (164. 200), Ҳазорасп шевасида эса *-дэйн* шакли ишлатилади (60. 183).

Бикин, бики кўмакчиси. Бу кўмакчи XIII—XIV асрлардан бошлаб ишлатилган. *Бикин, бики* лексик маъносига кўра ўхшаш деган сўзга тенг келиб, *каби, кабин* кўмакчиларига грамматик синоним бўлади. Этимологиясига кўра *киби, кибин* кўмакчиларига тааллуқли бўлиб, ундаги *к, б* товушларининг метотезага учрашидан ҳосил бўлгани фараз қилинади. Чунки ўзбек тили тарихида *бик* ўзаги ва унинг ўхшаш, монанд деган маънода қўлланиши учрамайди. Шунингдек, у қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликлариди ва X—XI асрларда ишлатилмаган. У XIII—XIV ва XV—XVI асрларда *каби//кабин* кўмакчиси билан параллель қўлланган, бир хил грамматик маъноларни англатган. Лекин XVII аср, ундан кейинги даврларда истеъмолдан чиқиб кетган. Унинг функциясини эса *каби, кабин* кўмакчиси бажарган.

XIII—XIV асрларда қўлланган *бикин, бики* кўмакчиси МН, «Сайфи Саройи»да учрайди.

Бикин, бики кўмакчиси қуйидагича грамматик хусусиятга эга бўлган:

1) Бош келишикдаги от, отлашган сифат ва сифатдошга бириккан: *ай бекин* (МН, 307^б). *Ой бики, товус бикин, бурунги бикин, баяғи бикин, қўраққан бикин* (Сайфи Саройи, 115^а, 120^а, 170^а, 170^а, 41^а). 2) Қаратқич келишигидаги кўрсатиш, кишилиқ олмошларига бирикади: *сенинг бики, аниңг бики, сениңг бикин, мунуңг бикин, аниңг бикин* (Сайфи Саройи, 77^б, 146^б, 147^б, 105^б, 82^б).

Бу кўмакчи чоғиштириш маъносини ифодалайди. Чоғиштиришга асос қилиб кўмакчи бирикиб келаётган отдан англашилган предмет олинади: *Яратти ой бикин зебо сени ҳақ* (МН, 307^б). *Алнингда йаваш қўй бекин мушфиқ ёр, артиңда бўри каби терингни йиртор* (Сайфи Саройи, 650^б). *Биликни эр аттор дўкони бикин дурур* (Сайфи Саройи, 170^б).

Бу кўмакчи XV—XVI асрларда, асосан, бош келишикдаги отларга бириккан. Унинг қаратқич келишигидаги кўрсатиш олмошга бирикиши жуда кам учрайдиган ҳодисадир: *Мунунг бикин, зулфунг бики, тулку бикин* (Саккокий, 25, 17, 66). *Гул бикин* (Амирий, 33^а). *Кўнлум бикин* (Лутфий, 16^а). *Фарҳод бикин* (Отыйи, 23). *Кундуз бикин* (ЛН, 115).

XV—XVI асрларда қўлланган *бикин, бики* кўмакчиси чоғиштириш маъносини англатган. Чоғиштиришга асос қилиб кўмакчи бирикиб келаётган отдан англашилган предмет олинган: *Юзунг бики гул йўқ гулистон чаманида* (Саккокий, 20). *Кенг жаҳонни бу заиф кўнглум бикин тор айлама* (Саккокий, 21). *Афлотун бикин риёзат тартибтур-мен* (Амирий, 332 а). *Бу кўнгул булбул бикин гул-тек яноқиңг арзулар* (Лутфий, 11^б). *Беҳабар бўлса вале кўргач сени инсон бекин* (Отыйи, 1). *Эрам боғи бикин бўлмиш ҳалойиқ* (ЛН, 180). *Жаҳонда сиз бикин йўқ одамизод* (ЛН, 133). XVII—XIX асрларда ва ундан кейинги даврларда бу кўмакчи қўлланмаган.

Унг, унгин, унгдин, унгдун, унгинда, унгу кўмакчи-

си. Туркий тиллар ёзма ёдгорликларида қадимги ўзбек тилида қўлланган бу кўмакчи асли туркча ўнг равишининг ҳар хил қўшимчалар олишидан яратилгандир. *Ўнг* лексик маъносига кўра *аввал*, *олдин* сўзларига тенг келади. У қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида *ўңғ*, *ўңғин* шаклларида учрайди (157. 142, 143). Бу даврда *ўнг* равишига қўшилган *-ин* қадимги қурол-восита келишигининг қўшимчаси бўлиб, кейинчалик от, равиш каби сўз туркумларидан равиш ясайдиган аффикс даражасига борган. Қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида қўлланган *ўңғ*, *ўңгин* кўмакчи функциясида ишлатилган. XI аср ёзма ёдгорликларида эса *ўңгун*, *ўңгдун*, *ўңгида* шаклларида ишлатилган (8. 44). Маълумки, бу даврда *ўңғ*, *ўзагига -ун* қадимги қурол-восита келишигининг қўшимчаси ва *-дун*, *-дэ* келишик қўшимчаларининг бирикишидан яратилган *ўңгунғ*, *ўңгдун*, *ўңгинда* шакллари ишлатилган. XIII—XIV асрларга оид биз кўрган ёзма ёдгорликларда *ўңғ*, *ўңғин*, *ўңғдин* кўмакчиси қўлланган. Лекин бу даврга оид бошқа ёзма ёдгорликларда *ўңгу* шакли ҳам учрайди (179. 18).

Ўңғ, *ўңғин*, *ўңғдин* кўмакчиси кейинги даврларда қўлланмаган. ТФ да *ўңғ*, *ўңғдин*; НФда *ўңгин* ишлатилган.

Ўнг кўмакчиси чиқиш келишигидаги кўрсатиш олмошларини, инкор маънодаги сифатдошни бошқарган: *ўлмасдин ўңғ*, *булардин ўңғ* (ТФ, 96^б, 93^а).

Ўнг кўмакчиси бирор иш-ҳаракат, ҳолат бажарилмасдан аввал бўлган бошқа иш-ҳаракат, ҳолатни, пайтни ифодалайди: *Яратди тирикликни ўлмасдин ўнг* (ТФ, 96^б). *Сиз бўлмазда ўңғ ҳақиқатда ул теңғери уза осон эрур* (ТФ, 75^а). *Ул ёранлар ким булардин ўңғ ҳижрат қилиб турурлар* (ТФ, 93^б).

Ўңгдин кўмакчиси ўрин келишигининг қўшимчасини олган *ан* кўрсатиш олмоши билан бирикади: *анда ўңгдин* (ТФ, 38^б). Бу кўмакчи ўтган замондаги пайтни ифодалайди: *Анда ўңғдин ким эрса манжиниқни кўрмиши йўқ эрди* (ТФ, 38^б).

Ўңгин кўмакчиси чиқиш келишигидаги кишилик, кўрсатиш олмошларини бошқаради. Бу кўмакчи предмет, шахсни бирор хусусиятга кўра ажралиб туришини ифодалайди: *Халойиқға сизлар лойиқ турурсиз сиздин ўңгин ким эрса лойиқ эрмаз* (НФ, 145₁₀). *Қатимда мундин ўңғин йарамақ йўқ* (НФ, 353₃).

Қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида *ўңғ*, *ўңғи*, *ўңғару* шаклларида ишлатилган. *Ўңғару-олдида*; *ўңғунғузда*, *ўңғи-бошқа* деган маъноларда қўллангани қайд этилган (157. 142, 143). Шунингдек, *ўңғ* мустақил сўз сифатида ишлатилганда *ўңдин-олдидин* ўрин равиши, *ўңғ* сифат бўлиши; *ўңғунғизда*, *ўңгинда* шаклларида қаратқич келишигидаги отларга бирикиб, от кўмакчилар бўлиши қайд этилган (55. 385₂). *Ўңғ* мустақил сўз сифатида ўрин равиши олд маъносини билдиради. Кўмакчи функциясида *ўнг* пайт маъносини ифодалаши мумкин (55. 386₁). Шунингдек, *ўңгдун* шакли олд равиши ва сифат бўлиб, мустақил сўз ва кўмакчи функциясида қўлланади. Кўмакчи бўлганда чиқиш келишикдаги отни бошқариб, ўрин, пайт англатади (55. 387:8—44).

XIII—XIV асрларга оид ёзма ёдгорликларда *ўңғинда*, *ўңгуна* (ТФ, 30) шаклларида қўлланган (9. 207). Ўзбек тили тарихига оид ёзма ёдгорликларда *ашну*, *ўңг* кўмакчилари синоним сифатида параллель ишлатилган (9. 212).

Ашну кўмакчиси. *Ашну* қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида пайт равиши, предмет белгисини билдириб, сифат тарикасида мустақил сўз бўлган. Бундан ташқари, ўрин-пайт келишигидаги отни бошқариб, пайт ифодаловчи кўмакчи бўлган (55. 63).

XI—XIII асрларга оид ёзма ёдгорликларда ҳам *ашну*, *ашнуда* шаклларида бош ёки ўрин келишигидаги (чикиш келишиги ўрнида) отларни бошқариб, пайт ифодаловчи кўмакчи бўлган (176. 189; 8. 44).

XV—XVI асрлар ва ундан кейинги даврларда бу кўмакчи истеъмолда бўлмаган.

Отру кўмакчиси. *Отру* қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида равиш бўлган (102. 42; 55. 393₁). Қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида *отрэ* шаклида ҳам ишлатилиб, кўмакчи бўлган. У кўмакчи олд, *қарама-қарши томон* маъноларини англатган (55. 618₁).

Қадимги уйғур тили ёзма ёдгорликларида *ўткуру*, *ўтру* шаклларида равиш бўлиб, кўмакчи функциясида ҳам қўлланган. (103. 92).

Утру кўмакчиси этимологиясига кўра *утур* ўзагига *-у* равишдош ясовчи қўшимчанинг қўшилишидан яратилган. Қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида ҳам қўлланиб, *қарши*, *тўғри* маъноларни ифодалаган (176. 186; 157. 140).

Бу кўмакчи XI аср ёзма ёдгорликларида ҳам қарши томонга йўналиш маъносини ифодалаган (8. 43). *Утру* XIII—XIV асрларда қўлланган. Бу даврдаги айрим асарларда *ўтри* формаси ҳам учрайди (61. 20).

Утру кўмакчисининг грамматик хусусиятлари қуйидагича бўлган: 1) Чикиш келишигидаги от, кишилик, кўрсатиш олмошларига бириккан: *андин ўтру*, *мундин ўтру*, *сендин ўтру* (ТФ, 146^а, 48^а, 125^а); *бу маънидин ўтру*, *маънидин ўтру*, *ол жиҳатдин ўтру* (НФ, 409₁₄, 306₅, 31^а). *Ул савдодин ўтру*, *андин ўтру*, *ўшандин ўтру* (ХШ, 62^б, 5^а, 13^а). 2) Жўналиш келишигидаги от, отлашган сон, кўрсатиш, кишилик олмошларига бириккан: *Ангар ўтру* (ТФ, 8^а). *Кофирға ўтру*, *уларға ўтру* (ҚР, 42^а, 66^а). *Куйашқа ўтру*, *юзинга ўтру*, *бир-биринга ўтру* (ХШ, 45^а, 18^а, 45^а).

Утру кўмакчиси қуйидагича грамматик маъноларни ифодалаган: 1) **Сабаб:** *Андин ўтру анга Абдулаҳоб тедилар ким кўрклуғ эрди* (ТФ, 146^а). *Мундин ўтру айдилар* (ТФ, 48^а). *Бу маънидин ўтру ким Абдуҳадёра рози аллоху анмау айди ким* (НФ, 409₄). Халок қилмоқ нө маънидин *ўтру эрди теб суол килдилар* (НФ, 306₅). *Зарифлиқ ичра камол эрди зоти/бу йўлдин ўтру Парвиэ бўлди оти* (ХШ, 8^а). 2) **Пайт:** *Сендин ўтру алло таоладин*

менга китоб келди (ТФ, 125а). Ул бу оят мендин ўтру айди (ТФ, с. 60б). Уш андин ўтру Парвиз бўлди оти (ХШ, 8а). 3. Зидлик: Ангар ўтру айди (ТФ, 8а). Уларга ўтру пароғи йўқ (ҚР, 66а). Қофирга ўтру чиқсинлар (ҚР, 42а). Отасинда ўтру чиқти (ҚР, 71а). Қуйашқа ўтру устурлаб кўтуруб (ХШ, 45а) Етиб икки чериг урушғу ерга тузуб бир-биринга ўтру ерга (ХШ, 45а). Бу кўмакчи XV—XVI асрларда ўтру, ўтрисиға//ўтрисида шаклларида ишлатилади.

Ўтру мустакил сўз сифатида қўлланганда ўрин равиши бўлиб, қарши, кейин сўзларининг лексик маъносига тенг келади: Бек ногоҳ кўзума учраб ўтру мени девона қилдинг эй пари ру (Бобир, 14). Беклар ўтру бориб эдилар (БН, 202). Батуниңг келатурғонин эшитиб ўтру келдилар (НН, 113).

Ўтру кўмакчиси жўналиш келишигидаги отни бошқариб, зидлик маъносини ифодалайди: Отланиб Бобирга ўтру борди (ШН, 21). Ултурурлар эди хонга ўтру (ШН, 70а). Эмди султон анга ўтру турсун (ШН, 1586). Улуғ черик қўшуб Таяңхонга ўтру юборди (ШН, 57).

Отрусиға//отрусиди бош келишикдаги от, қаратқич келишигидаги кўрсатиш олмошига бирикиб, иш-ҳаракат бирор предметга яқин йўналтирилганини ифодалайди: Султан Али Мирзаниң отрусиға чэрик тартиб чиқтилар (БН, 48). Бадиъиз-замън Мирзай отрусиди бариб эди (БН, 348). Ол Сабр бэкин алиб Тэмирэк отрусига чиқтилар (НН, 91).

Отрусиға//отрусиди шаклига кўра от кўмакчи бўлса ҳам иш-ҳаракат бирор предметга яқин йўналтирилганини билдириб, унинг лексик маъносига нисбатан грамматик маъноси кучли ифодалангани ва у мустакил гап бўлаги сифатида қўлланмайди. Шунинг учун ҳам соф кўмакчига тааллуқлидир. Бу кўмакчи кейинги даврларда қўлланмаган.

Меңгиз кўмакчиси. Бу кўмакчи XIII—XIV асрларда яратилган ёзма ёдгорликлардагина ишлатилган. Ундан кейинги даврларда учрамайди.

Мэңиз этимологиясига кўра туркча бўлиб, ўхшаш деган مانого эга. Шунинг учун ҳам у кўмакчи сифатида ишлатилганда бош келишикдаги отларга бирикиб, бирор предметни бошқа предметга ўхшатади. Ўхшашга асос қилиб кўмакчи бирикиб келаётган отдан англашилган предмет олинади: Туман янглиғ тарулди тун ногоҳ чиқа кэлди булутдин кун меңгиз шоҳ (ХШ, 80⁰).

Меңгиз кўмакчиси бош келишикдаги ҳаракат номига бирикканди бир ҳолатни иккинчи ҳолатга ўхшатади. Бунда ҳам ўхшатишга асос қилиб, ўша кўмакчи бирикиб келаётган ҳаракат номи ифодалаган ҳолат олинади. Ул ой юзлуг юзиндин қаб-қара тун ёруқ бўлди тамом туғмиш меңгиз кун (ХШ, 103).

Қата кўмакчиси. Бу кўмакчи ўзбек тили тарихида ниҳоятда кам қўлланган. У XIII—XIV асрларда Сайфи Саройида бир марта учрайди. Асосан ХШ да ишлатилган.

Қата кўмакчиси бош келишикдаги пайт билдирадиган отларга

бирикади. У иш-ҳаракат давомли бўлганига кўра тахминий пайтни билдиради: *Бир кеча карвон тун қ а т а юруб, саҳар вақтин келиб, бир ўрмон ёнинда қўндилар* (Сайфи Саройи, 63^б).

Қата этимологиясига кўра равишдош бўлиб, қат ўзагига «а» равишдош қўшимчасининг қўшилишидан яратилган. Лекин у фақат кўмакчи функциясидагина ишлатилган. *Қат* ўзаги рус тилидаги «к, возле, при» олд кўмакчиларининг грамматик маъносига тенг келади. *Қатингда* шакли «при тебе» маъносидадир. Лекин *қата* «в продолжение, в течение» маъноларида кўмакчи бўлган (106. 133). Ўзбек тили ёзма ёдгорликларида *қат* ўзаги «сторона» — томон маъносини англатгани ҳам маълум (Навоий МН, 164). (178. 169).

Сторона — томон маъносидаги ўзакдан *қатинда, қатиндин, қатинга* от кўмакчиси яратилган. (Бу ҳақда бундан кейинги «Функционал кўмакчилар» номли ишимизнинг «от кўмакчилар» бўлимида фикр юритамиз).

Қата кўмакчиси грамматик хусусиятига кўра қуйидагича бўлган 1) Бош келишиқдаги пайт билдирувчи отларга бириккан: *тун қ а т а* (XIII, 67^а). 2) Бош келишиқдаги миқдор ифодаловчи отларга бириккан: *минга қ а т а* (XIII, 84^а).

Қата кўмакчиси икки хил грамматик маъно англатган: 1. *Иш-ҳаракатнинг пайтга кўра давомлигини ифодалаган: Ақутур кўзлариндин тун қ а т а ёш узун кун бир замон туңгмаз кесар тош* (XIII, 67^а). 2. *Иш-ҳаракат, ҳолат, хусусиятнинг юқори даражасини билдиради: Атиңгдын минг қ а т а ширинрок ўзунг карам қил эшит айин бир тотлу сўзунг* (XIII, 84^б).

Қата кўмакчиси кейинги даврларда қўлланмаган.

Сў//сўй кўмакчиси. Бу кўмакчи XIX асрларда ишлатилган. У Муқимий, Фурқат асарларида учрайди. *Сў//сўй* этимологиясига кўра форсча бўлиб, *томон, тараф* деган маънодадир. (105. 578). *Сў* кўмакчиси бош келишиқдаги белгилаш олмошларига бирикади: *ҳар сў* (Фурқат I, 175).

Сў кўмакчиси иш-ҳаракат йўналтирилган ўринни ифодалайди: *Азми бозор айладинг ҳар сў боқиб танноз ўлуб* (Фурқат I, 175). *Ўтарсан қўл солиб, ҳар ён боқиб, ҳар сў хиром айлаб* (Фурқат I, 143).

Сўйи кўмакчиси ўзи бириқиб келаётган от билан форсча изофани яратиб, ўша отдан олдин келади. У от эса ё жўналиш ё чикиш келишигида бўлади. Келишиқ қўшимчалари кўмакчи ифодалаётган грамматик маъноларнинг янада аниқроқ бўлишини таъминлайди. *Сўйи* кўмакчиси жўналиш келишигидаги от билан бириқиб келганда иш-ҳаракат йўналтирилган ўринни ифодалайди: *Сўйи самога йиғлаб косиб фиғони чиқди* (Муқимий II, 34). *Сўйи* кўмакчиси бириқиб келаётган от чикиш келишигида бўлса, иш-ҳаракат бошланган ўринни билдиради: *Рух очиб сўйи чамандин гул ўзиға фаҳр этар* (Муқимий I, 44).

Қуйи кўмакчиси. Бу кўмакчи ўзбек тили тарихида XV—XVI асрларда қўлланган. *Қуйи* этимологиясига кўра туркча бўлиб, пердметнинг пастки қисмини ифодалайди. У ўрин равиши, сифат

каби мустақил сўз бўлиб қўлланган: *қуди*)*қуйи*. *Қуйи* ўзагидан *қуйисидин* от кўмакчиси ҳам яратилади (Бу ҳақда бундан кейинги «Функционал кўмакчилар» номли ишимизда фикр юритамиз).

XV—XVI асрлардаги *қуйи* кўмакчиси бош ва чиқиш келишигидаги отларга бириккан: *қизил сув қуйи* (БН, 150). *тошакдиң қуйи* (БН, 235).

Бу кўмакчи икки хил грамматик маъно англатади: 1. **Иш-ҳаракат бирорта предмет яқинида давомли (горизонтал йўналиш бўйича) ижро этилганини ифодалайди:** *Қизил сув қуйи кечиб, Андараб суйининг қатилишига ёвуқ тушулди* (БН, 150). 2. **Иш-ҳаракат бирорта предметдан пастда ижро этилганига кўра ўринни ифодалайди:** *Бадеуззамон мирзанинг тўшакидин қуйи чап ёнда яна бир тўшак солиб эдилар* (БН, 235).

Кейинги даврларда *қуйи* кўмакчиси учрамайди.

И л г и д а / и л к и д а кўмакчиси. Бу кўмакчи этимологиясига кўра туркча бўлиб, *илик* — қўл демакдир (104. 27).

У *илик* / *илки*, *илиг* / *илги* шаклларида ҳам учрайди (105. I том, 26). У учинчи шахс бирликдаги эгалик қўшимчасидан кейин -*да* келишик қўшимчасини олиб, соф кўмакчига айланади: *илгида* / *илкида*.

Бу кўмакчи XV—XVI ва XIX асрларда ишлатилган. У бош келишикдаги отларга бириккан. XV—XVI асрларда объект, сабаб маъноларини англатган: 1. **Объект:** *Шо мазкур бўлган падшоҳ и л к и д а шайид бўлди* (Навоий МН, 50).

2. **Сабаб:** *Қим фироқинг илгида ҳолим паришондир, бегим (Отойи, 113).*

Илкида кўмакчиси XIX асрда восита маъносини англатган. *Ҳамиша ҳажринг и л к и д а асир-у зор, айласун* (Фурқат I, 164). *Ғам и л к и д а жигаримни қон этиб* (Фурқат I, 52).

XV—XVI асрларда бу кўмакчининг *илкидин* шаклида қўллангани олимларимиз томонидан қайд этилган. Б: *ён и л к и д и н* (2); Л: *зулф илкидин* (201⁶). (117. 192). (XV—XVI асрларга оид мисоллар ҳам ўша ердан олинди).

Бу кўмакчи туркча бўлиб, XV—XVI ва XIX асрларда ишлатилган. У ҳамма вақт бош келишикдаги отларга бириккан. Лекин маъно англатишида фарқли бўлиб, аввал объект, сабаб билдирса, кейин восита билдирган. У *илкидин* шаклида ҳам ишлатилган.

Қўлланган даврларида унинг семантикасида ўзгариш бўлса ҳам, грамматик хусусияти бир хил бўлган.

К ў й и кўмакчиси. Бу кўмакчи XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида қўлланган. **Кўйи** этимологиясига кўра форсча бўлиб, кўча, йўл, кишлок, маҳалла каби маъноларни англатади (104. 32). **Кўй** отига «и» эгалик қўшимчасининг қўшилишидан *қўйи* кўмакчиси яратилган.

Кўйи кўмакчиси бош келишикдаги олмош, сифатдошга бирикиб, иш-ҳаракат, ҳолат давомли бўлганини ифодалайди: *Домла Ниёз турган к ў й и ёрлигини ўқиди* (М.ча., 72). *Анвар ўчоқ*

бошининг супасига энгашган кўйи сабзи тўғрар эди (М. ча., 175). *Раъно шу кўйи бир оз Анварга қарамай турди.* (М. ча., 93).

Р а в и ш д а кўмакчиси. Бу кўмакчи XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида қўлланган. У аслида форсча бўлиб, *рафтан* феълига тааллуқлидир. *Равишда* кўмакчиси равиш отига *-да*, келишик кўшимчасининг кўшилишидан яратилган. Бу кўмакчи бош келишикдаги отга бирикиб, иш-ҳаракатнинг белгисини билдиради: *Дарҳол вазияти ишонмаслик равишда ўзгариб кетди* (М. ча., 16). *Вазифасини амали равишда кўйишни хохласак* (Кмт, 62).

Оғизда, оғизга кўмакчиси. Бу кўмакчи XV-XVI асрларда қўлланган. У БН да учрайди. *Оғиз* отига «и» эгалик кўшимчаси ва ундан кейин *-да,-га* келишик кўшимчаларининг бири кўшилишидан яратилган. *Ағызда* кўмакчиси бош келишикдаги отга бирикиб, иш-ҳаракатнинг ижро этилаётган ўрнини ифодалайди: *Дара ағзыда-ўқ қўндук* (БН, 246). *Малут қўрғанининг қавлининг ағзида туштук* (БН, 334).

Оғзига кўмакчиси қаратқич келишигидаги отга бирикиб, иш-ҳаракат предметга яқин йўналтирилганини ифодалайди: *Даранинг ағзига чиқтук* (ЮН, 247).

* * *

Фақат тарихан қўлланган соф кўмакчилар ўзбек тили тарихига оид ёзма ёдгорликларида ишлатилган. Лекин ҳозирги ўзбек тилига етиб келмаган.

Бу кўмакчилар микдор жиҳатидан ниҳоятда озчиликни ташкил этиб, ўзбек тили тарихининг маълум бир даврларида қўлланган, холос. Масалан, *тег* феълига тааллуқли *теги, тегинч, тегинча, текин, тегри, тегру//декру//текру* кўмакчиларининг *тегара* шакли қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида ишлатилган.

XIII-XIV асрлардаги ёзма ёдгорликларда эса *теги, тегинч, тегинча, текин, тегри* шакллари ишлатилган бўлса, унинг *тегру//текру//декру* фонетик вариантлари XIII-XIX асрларда истеъмолда бўлган. Шунингдек, *ўнг* сўзидан пайдо бўлган кўмакчиларнинг ҳам шаклан вариантлари тарихда ҳар хил бўлиб, уларнинг айримлари (*ўнг, ўнгин*) қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида ва кейинги даврларда ҳам учраса, айримлари (*ўнгун, ўнгдун*) XI асрда, (*ўнгу*) XIII-XIV асрлардан бошлаб ишлатилган.

Уткуру, утру кўмакчилари ҳам қадимги туркий тиллар ёзма ёдгорликларида ишлатилиб, XI-XVI асрлардан кейин истеъмолдан чиқиб кетган.

Бикин, қата кўмакчилари ва уларнинг фонетик вариантлари XIII-XIV асрларда ишлатилган, холос.

Тапа ва унинг фонетик вариантлари XIII-XIV ва XV-XVI асрларда, *қуйи, илгида* кўмакчилари фақат XV-XVI асрларда, *қўйи, равишда* кўмакчилари XX асрнинг бошларида ишлатилган, холос.

Бу кўмакчилар этимологиясига кўра туркча (*таба, тегги, бикин, ўнг, қата* ва б.); форсча (*сўй//сў, қўйи, равишда*) бўлган.

Бу кўмакчиларнинг пайдо бўлишида ҳам эгалик, келишик кўшимчаларининг, сўз ясовчи (*=н, =ин, =инч*, ва б.) кўшимчаларининг катта аҳамияти бор.

Фақат тарихан қўлланган кўмакчилар ўзбек тили тарихининг ҳамма даврларига тааллуқли бўлганидек, уларнинг функционал кўмакчилар каби ишлатилиши шарт бўлган.

Бу кўмакчиларнинг грамматик, семантик хусусиятлари ҳам жуда тор бўлиб, бош ва жўналиш келишикларидаги отларга бириккан ва ўрин, пайт, объект сабаб каби маъноларнигина ифодалаган.

Бу кўмакчилар ўзбек тили тарихида актив қўлланмаган ва фақат ёзма ёдгорликлар тилига хос бўлиб, жонли сўзлашувда мунтазам ишлатилмаган. Шунинг учун ҳам улар истеъмолдан чиқиб қолган ва ҳозирги ўзбек тилигача етиб келмаган.

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ХОССОФ КЎМАКЧИЛАР

Шу ишнинг «Кириш» қисмида қайд этилганидек, кўмакчилар мустақил сўзлардан келиб чиқади. Ҳар қайси ижтимоий давр фанининг, маданиятининг ривожланишига кўра ўша даврга хос фикрларнинг ифодаланиши учун нутқимизда янги сўзлар-неологизм пайдо бўлганидек, архаизм сўзлар ҳам аниқ бўлиб қолади. Шунингдек, айрим мустақил сўзлар кўмакчи функциясида ишлатила бошлайди. Масалан, *сифатига* кўмакчиси XV-XVI асрларда ишлатилиб, ундан кейинги даврларда учрамайди. Лекин ҳозирги ўзбек тилида янги пайдо бўлган *сифатида* кўмакчиси ишлатилмоқда.

Ўзга кўмакчиси эса XIII-XIV асрда ва XIX асрнинг охири XX асрнинг бошидан бошлаб қўлланган. Бу кўмакчи ҳозирги ўзбек тилида ҳам ишлатилмоқда.

Ҳали ўзбек тили нормасига батамом кирмаган бўлса-да, *мисол* оти поэзияда кўмакчи функциясини бажармоқда. Шунингдек, ҳозирги ўзбек тилида соф кўмакчи функциясида ишлатилаётган *оша*, *чоғли*, *асосан*, *юзасидан* каби кўмакчилар мустақил сўз сифатида батамом қўлланмаяпти дея олмаймиз. Лекин булар маълум бир турғун морфологик шаклга эга бўлиши ва грамматик маънонигина ифодалашига кўра шартли равишда соф кўмакчилар группасига киритилиши мумкин. Чунки *юзасидан* кўмакчиси морфологик тузилишига кўра от кўмакчиларга мансуб бўлса-да, унинг кўмакчи сифатида грамматик-семантик хусусияти соф кўмакчиларга хосдир.

Мисол сўзининг кўмакчи функциясида ишлатилиши уни *каби*, *сингари*, *янглиғ* кўмакчилари билан грамматик синоним эканини таъминлайди ва унинг лексик маъносига нисбатан грамматик маъноси устун туради. Шунинг учун ҳам *мисол* кўмакчисини соф кўмакчиларга мансуб дейиш мумкин.

Оша, *чоғли* ва бошқа катор кўмакчилар ҳам юқорида қайд этилган асосларга эга.

Бундан кейин тарихий ёзма манбаларда учрамасдан, ҳозирги нутқимизда соф кўмакчи функциясида қўлланаётган кўмакчиларни ёритишга ҳаракат қиламиз.

Бу бўлимни ёритишда асосий манба сифатида шу ишнинг «Сўз боши» қисмида қайд этилган иккита ўзбек тили грамматикаси, ўзбек

тилининг икки томлик изоҳли луғати ва муаллифнинг монографияси олинди. Бундан ташқари, авторнинг кундалик матбуот материалларидан олинган мисоллари ишлатилди.

О р қ а л и. Бу кўмакчи туркча бўлиб, *орқа*, *отиға-ли* пратюрк тилидаги жўналиш келишиги кўшимчасининг бирикишидан пайдо бўлган.

Бу кўмакчи бош келишикдаги отлар билан бирикади ва восита маъносидеа қўлланади: а) **Иш-ҳаракат содир бўлишида восита бўлган предмет ёки ҳаракат маъносини ифодалайди:** *Хатни почта о р қ а л и жўнатдим. У бу ютуқларга ҳаётни реал ифодалаш о р қ а л и эришди. У сарполарнинг овозаси кеча кўриб кетган хотинлар о р қ а л и... шаҳарнинг яримига тарқалди (Ойбек).* б) **Иш-ҳаракат содир бўлишида восита бўлган ўрин маъносини ифодалайди:** *Солижон уйига пахтазор о р қ а л и қайтди.* Бундай ҳолларда *орқали* кўмакчиси билан кўмакчисига ёки чиқиш келишигининг аффикси-дан, ўрин-пайт келишигининг аффикси -да га синоним бўлади.

Кўмакчи бирикиб келаётган от қурол-яроғ маъносини билдирганда билан ўрнида *орқали* кўмакчиси ишлатилса, услуб ғализлигига олиб келади: *Кўйни пичоқ билан сўйди. Душманни қилич билан чошиб ташлади (70. 302; 125. 20; 189. 548).*

Я р а ш а. Бу кўмакчи жўналиш келишигидаги отларга бирикиб, тенг, мос, лойик, монанд маъноларини билдиради: *Ўзимизга я р а ш а тўйча қиламиз (Ғ. Ғулوم).*

Бу кўмакчи асос, микдор, ўлчов маъносини билдириши ҳам мумкин: *ЎзССРда социализмнинг «ҳар кимдан қобилиятига яраша» деган принципи амалга оширилади (ЎзССР Конституцияси) (70. 309; 189. 555; 125. 32).*

Д о и р. Бу кўмакчи жўналиш келишигидаги отни бошқариб, тааллуқли, алоҳидлик маъноларини англатади: *Ўктамнинг пахта, ғалла, ипак ва ҳоказога д о и р саволларига Насимжон... жавоб берди (Ойбек). Бу кимёга д о и р гап (П. Турсун). (70. 309; 189. 555; 125. 35).*

А с о с а н. Бу кўмакчи жўналиш келишигидаги отларга бирикиб, бирор иш-ҳаракатнинг содир бўлишида асос, таянч, манба бўлган объект маъносини англатади: *У халқ суди ажримига а с о с а н беғуноҳ деб топилди (189. 555).*

М у в о ф и қ. Бу кўмакчи жўналиш келишигидаги отга бирикиб, иш-ҳаракатнинг содир бўлишида асос бўлган объект маъносини билдиради: *Уларнинг ўзаро писандаларига м у в о ф и қ янги ерлар, чиқарилган сувлар Тешабойга текин ўтади (М. Исмоилий) (189. 555).*

Қ а р а т а. Бу кўмакчи жўналиш келишигидаги отларга бирикади. Иш-ҳаракат йўналган предмет, шахс, жой, томон маъносини, объектни, иш-ҳаракат кимга тааллуқлилигини билдиради: *Абдураҳмон адолатсизлик олдидеа бой, мулла, эшон-у тўраларга қ а р а т а отилган халқ тоши эди (Е. Шукуров). Олимларга қ а р а т а, жумладан, физикларга қ а р а т а қилган менинг даъватим, ҳеч шубҳасиз, инглиз физикларига ҳам қаратилган даъватдир (189. 555; 125. 89).*

Д о в у р. Бу кўмакчи жўналиш келишигидаги отларни бошқариб, ўрин, пайт маъноларини ифодалайди: *Бўлмаса, кечга до в у р ўша ёқдаман денг* (М. Исмоилий, Фарғона тонг отгунча, 32) (70. 307; 125. 31).

Б а р а в а р и д а. Бу кўмакчи бош келишикдаги отларга бирикади: 1. **Восита маъносини англатади:** *Билан бирга, билан баробар* каби бирикмали кўмакчиларга тенг келади: *Шу мақола бараварида маълум қиламанки, суд Иброҳимов мендан пора сўрагани ёлғон* (А. Қахҳор, Сароб). 2. **Ҳажм бирлигини ифодалайди.** Бундай ҳолатда *баландлигида, тенглигида* сўзларига маъно томондан аяқинлашади: *Уранинг чуқурлиги кетмон бўйи баробарида*. Агар сўвни қайтаришга тўғри келса, *унгурни сув баробарида юқоридан чопиб тушириш керак бўлади* (М. Исмоилий, Фарғона т.о.), 3. **Чоғиштириш маъносини англатади.** Предметларнинг бир қийматга эга эканини, бир-бирига ўхшашлигини ифодалайди: *Бизнинг ерларда сув олтин б а р а в а р и д а юради* (184. 79з, 80₁).

Б а р а в а р и г а. Бу кўмакчи бош келишикдаги отларга бирикиб, эвазига, бадалига, ҳисобига маъноларини ифодалайди: *Она-бола неча йиллик меҳнат б а р а в а р и г а келган... ўриқини ўртага қўйиб, хўрлик ва ҳақорат аламидан аччиқ-аччиқ йиғлашди* (П. Турсун, Ўқитувчи). *Сан-Мариада бўлган бир карта. ўйинида бор-ўйғини бой бергандан кейин... Минг тилло б а р а в а р и г а қулоғини тиккан эди* (А. Қахҳор, Барон фон Ринг) (184. 79).

Й ў л и д а. Бу кўмакчи бош келишикдаги отларга бирикади. *Учун* кўмакчисига синоним бўлиб, нарса ёки иш-ҳаракатнинг бирор предметга қаратилганини, бағишланганини билдиради: *Ватан й ў л и д а жонини фидо қилмоқ* (184. 353₁). *Ўз лавозимини шахсий манфаатлари й ў л и д а суиستهъмол қилган раҳбарлардан сафларимизни қатъият билан тозаламоқдамиз* (ТО, 1985, 4март). *Раҳбар кадрларни аниқ мақсад й ў л и д а истиқболни кўзлаб ўстиришдан, барча участкаларни билимдон, ҳалол, партия ишига содиқ кишилар билан мустаҳкамлашдан иборатдир* (Тх, 1985, 30март). *Салбий ҳодисаларни йўқотиш йўлида кенг авж олган курашдан ҳали четда турибдилар* (Тх. 1985, 30март).

Ю з а с и д а н. Бу кўмакчи бош келишикдаги отларга бирикади. 1. *Иш-ҳаракатнинг нимага доирлигини билдириб, учун, ҳақида, бўйича* кўмакчиларига грамматик синоним бўлади: *Давлатга жун сотиш ю з а с и д а н олинган мажбурият бажарилди. Муҳокама қилинган масала ю з а с и д а н Бўтабой акага сўз берилди* (А. Қахҳор, Қўшчинор). *Сержант Лебов отделениесини бошлаб бориб, жангчиларнинг мазкур машқ ю з а с и д а н отишига тайёр эканини доклад қилди* (Шухрат, Шинелли йиллар). 2. Бирор нарса кўзда тутиб, бирор нарсага қараб ёки амал қилиб каби маъноларни англатади: *Адолат ю з а с и д а н гапирмоқ. Инсоф ю з а с и д а н иш тутмоқ* (Нури). *Кувончи кўксига сиғмаса-да, Назокат ва одоб ю з а с и д а н ўзини хомуш тутушига тиришар эди* (Ойбек. Қутлуғ қон) (164. 464₂).

Д е б. Бу кўмакчи бош келишикдаги отларга бирикиб, объектни

ифодалайди: *Уни Сухэ-Батор д е б аташади* (ТО. 1985, 10 июль). *Америкалик ветеранлар ядро қуролини тугатишни бош вазифа д е б ҳисоблайдилар* (Еш. лен. 1985, 2 март). *Бекорга халқимиз эъзозлаб, уни «оқ олтин» д е б атамаган* (ТО. 1985, 4 март). *Маданий ҳаётимиздаги катта воқеа д е б баҳоланаётгани бежиз эмас, албатта* (СЎ. 1985, 7 март). *Уни бемалол ишхонамизнинг атоқли шахмат чемпиони д е б аташ мумкин* (СЎ. 1985, 23 март).

Д е б кўмакчиси мақсад-сабаб маъносини ифодалайди: *У Фулом-жоннинг юракдаги ишқ ҳақида айтган гапини эшитиб, ҳозир шунинг тарихини ҳикоя қилади д е б бир оз кутиб турди...* (М. Исмоилӣ).

М а қ с а д и д а. Бу сўз кўмакчи вазифасида ишлатилганда *учун* кўмакчиси, *ниятида* сўзларининг грамматик ва лексик маъноларига тенглашади: (Ҳасанали). *Отабек билан бирга чой ичиш м а қ с а д и д а эрталаб Ойболдоқнинг дамлаган чойига бормай, Отабекнинг уйғонишини кутиб юрди* (А. Қодирӣ, Ўтган кунлар). (184. 456з).

Мақсадида кўмакчиси бош келишиқдаги ҳаракат номларига бирикиб, ўша ҳаракат номлари ифодалаган иш-ҳаракатнинг ижро этилишини иташ маъносини билдиради: *Шунинг учун йиғим-теримни жадаллаштириш м а қ с а д и д а студентлар ва мактаб ўқувчиларини кўмакча қақирмаётган эмиш* (СЎ. 1985, 7 март). *Х. Тожибоев хўрандаларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида ичимликларни ҳам қўшиб сотиши кўришиб турибди* (ТО, 1985, 10 июль).

Ҳ о л д а / / й ў с и н д а. Бу кўмакчилар ХХ асрдан бошлаб қўлланган. *Ҳол* этимологиясига кўра арабча бўлиб, 1. аҳвол, кайфият; 2. хусусият; 3. вақт, пайт, замон маъноларини ифодалайди (104. 777). *Ҳол* сўзига *-да* келишиқ кўшимчасининг қўшилишидан *ҳолда* кўмакчиси яратилган. Бу кўмакчи бош келишиқдаги сифатдошга бирикиб, ҳолат ифодалайди: *Анвар ўзини завқ ҳам кулгидан тўхтата олмаган ҳ о л д а ташқарига бурилиб жўнади* (М. ча., 91). *Ҳовлида...* ёш канизлар сочилган *ҳ о л д а* вазифалари орқасидан юрар эдилар (М. ча., 106). *Шоир қалин китобни тиззасига қўйиб ёстиққа суянган ҳ о л д а тарих мутолаа қиларди* (Ойбек).

Йўсин этимологиясига кўра туркча бўлиб, *усул, услуб, стиль* каби маъноларни англатади.

Йўсин кўмакчиси бош келишиқдаги сўроқ, белгилаш олмошларига бирикиб, предметнинг, иш-ҳаракатнинг белгисини билдиради: 1. **Предметнинг белгисини ифодалаши:** *Унинг бу й ў с и н и жодини ма учун, биллмадик..* (М. ча., 23). *Гўё Султоналининг кейинги икки жумласига қайси й ў с и н муқобила қилишдан ожиз эди* (М. ча., 22).

2. **Ҳаракатнинг белгисини ифодалаши:** *Шу й ў с и н бу кейинги табақа орасида ўзига замин топди* (М. ча., 65). *Шу й ў с и н гулхан ёнида ўлтириб чой ичар эдик* (М. ча., 155). *Маҳдум довдираган й ў с и н д а Анвар билан ичкарига кирди* (А. Қодирӣ) (189. 551).

М о б а й н и д а. Бу кўмакчи бош келишиқдаги от билан келиб, бирор вақт давомида, икки муддат орасида, оралиғида каби маъно-

ларни билдиради: *Бир неча ой мобайнида қиз ўзи хоҳлабми, ё Сидиқжон «асти қўймагани» учунми, боққа яна бир неча марта тушиб чиқди.* (А. Қаххор. Қўшчинор) (184, 469₁). *Сўнги ўн тўққиз йил мобайнида сув хўжалигини ривожлантиришга 21 миллиард сўм маблағ сарфланди* (ТО. 1985, 4 март).

Асосида. Бу кўмакчи бош келишикдаги отларга бирикиб, *биноан, кўра кўмакчиларига* грамматик синоним бўлади: *қонун асосида, буйруқ асосида* (184. 50₁).

Атрофида. Бу сўз кўмакчи функциясида ишлатилганда куйидагича маъноларни англатади: 1. Теварагида, гир айланасида; 2. Қарийб, тахминан, чамасида; 3. Теварагида, хусусида: шу икки фикр атрофида мунозара жуда қизиқ кетди (184. 622).

Юқорида келтирилган далиллардан маълумки, *атрофида* ўрин англатганда «От кўмакчилар» группасига мансуб эканини намоён қилганидек, иккинчи ва учинчи грамматик маънолар билан «Соф кўмакчилар» группасига хос эканини исботлайди. Қиёсланг: От кўмакчи — Неваралар хонтахта атрофида қалдирғоч боласидай чуғуллашиб ўтиришди (ТО. 1985, 19 март).

Олдида. Бу кўмакчи *нисбатан, қараганда* сўзларига тенг келиб, қиёслаш маъносини билдирганда соф кўмакчиларга хос бўлади: *Бу Ғуломжоннинг бояги ташвиши олдида ҳеч нима бўлмай қолди* (184. 531₁).

* * *

Ҳозирги ўзбек тилида ишлатилаётган қатор кўмакчилар ўзбек тили тарихига оид ёзма ёдгорликларда учрамайди. Улар ўттиздан ошиқдир.

Бу кўмакчилар этимологиясига кўра туркча (орқали, яраша, қарата, бараварида, бараварига, йўлида, юзасидан, деб, олдида) ёки арабча (доир, асосан, мувофиқ, довур, максасида, холда, мобайнида, асосида, атрофида) бўлади.

Бу кўмакчиларнинг яратилишида учинчи шахс бирликдаги эгалик кўшимчаси ва ундан кейин алоҳида-алоҳида бирикадиган *-да, -дан, -га* келишик кўшимчалари катта аҳамиятга эга бўлади: *бараварида, бараварига, йўлида, юзасидан, мақсадида, ҳолда, мобайнида, асосида, атрофида, олдида.* Ниҳоятда кам бўлса-да, чиқиш келишигидаги отларга бирикиб келадиган кўмакчилар ҳам учрайди (*берли, илгари, бурун*).

Куйидаги кўмакчилар эса отнинг жўналиш келишикдаги шаклига бирикади: *яраша, доир, асосан, мувофиқ, қата.* Ҳар қайси кўмакчи алоҳида ва биттадан семантикага эга бўлиши билан тарихан қўлланган кўмакчилардан фарқланади. Ҳозирги ўзбек тилида қўлланаётган орқали, қараганда, қарата, довур ва б. Кўмакчиларгина иккита семантикани билдиради, холос. Ҳозирги ўзбек тилида ишлатилаётган кўмакчилар ўзбек тилидаги ҳозирги диалект вакилларининг ҳаммасига тушунарли бўлиб, улар, асосан, бир хил талаффуз қилинадилар.

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида бирорта сўз кўмакчи функ-

циясида ишлатилар экан, ҳозирги ўзбек тили нормасига конкрет мувофиқлашади.

Ўзбек тили тарихида қўлланиб, ривожланган кўмакчиларнинг хусусияти шуни тақоза этадики, ҳозирги ўзбек тилида қўлланаётган кўмакчилар ҳам даврларнинг ўтиши билан янги-янги грамматик маъно англатиш хусусиятига эга бўлиши мумкин. Шунингдек, уларнинг грамматик хусусияти такомиллашиб, ҳар хил келишиқдаги отларга бирика бошлаши ёки архаик хусусиятга эга бўлиб, истемолдан чиқиб кетиши мумкин. Бундай ўзгаришларни келажакдаги ўзбек тили грамматикаси, лексикологиясининг ривожланиш процесси таъминлайди.

Умумий ҳулоса. Ерданчи сўзлардан бири — кўмакчилар алоҳида сўз туркуми ҳисобланади. Уларнинг маъно системасида ўзига хос мураккаб муносабат пайдо бўлади. Бу мураккаб муносабат предмет, белги, ҳолат, ҳаракатнинг ўзаро хилма-хил маъносининг инсонлар томонидан тушунилиши ҳисобланади.

Борлиқдаги предмет билан ҳодисанинг муносабатини янада аниқроқ ифодаланиши учун сўзларнинг ўзаро муносабатини яратувчи восита алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Шундай воситалардан бири келишиқ кўшимчалари бўлса, ундан кейинги муҳим восита кўмакчилардир.

Кўмакчилар келишиқ кўшимчаларидек сўзларнинг ўзаро грамматик муносабатини яратиш билан бирга ўша келишиқ кўшимчаси ифодадай олмайдиган семантикани ҳам билдиради. Шунинг учун ҳам улар тилнинг структурасида муҳим роль ўйнайди ва гапнинг яратилишида кўмакчиларнинг роли жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Маълумки, янгидан-янги кўмакчиларнинг яратилишидаги сабаблардан бири ўша тилда гапирётган шахсларнинг умумий фикрлаш қобилияти ўсиб боришидир.

Кўмакчиларнинг пайдо бўлишидаги иккинчи сабаб тилнинг ички ривожланиш қонунияти ва тилнинг умумий ривожланиш тенденциясидир. Бу тенденциялардан бири энг қадимда яратилган кўмакчиларнинг кўп маъноликдан қутулиши бўлса, иккинчиси кўмакчили конструкцияларнинг кўпроқ яратилиб, ишлатила бошлаганидир. Масалан, айрим кўмакчилар тарихан бир қанча фонетик вариантларга эга бўлганлар ва семантикаси хилма-хил бўлиб, ўзи кенг истемолда бўлган. Лекин вақтларнинг ўтиши нутқ жараёнида унинг конкретлашишини тақозо қилган. Натижада тарихан қўлланган айрим кўмакчиларнинг баъзи фонетик вариантлари ҳозирги ўзбек тилига етиб келмаган ёки архаиклашган: *илан, киби, кибиқ, уза, узла, узара, сару, сарига*. Шунингдек, тарихан истемолда бўлган қатор кўмакчилар ҳозирги ўзбек тилида учрамайди: *сифатиға, таба, тапа, бикин, отру*.

Ҳозирги ўзбек тилида соф кўмакчи сифатида қўлланаётган *мақсадида, орқали, довур, доир, яраша, йўлида, қарата, мувофиқ, олдида* ва бошқа шу кабилар ўзбек тили тарихида учрамайди. Ҳозирги *мақсадида* кўмакчисининг функциясини тарихан *ниятида*

кўмакчиси бажарган. Лекин *мақсад* семантикасини янада аниқроқ ифодалашда *ниятида* кўмакчисига нисбатан *мақсадида* кўмакчиси зарур экани ўзбек тилининг стилистик ихчамлилигига мосдир. Шунинг учун ҳам *ниятида* кўмакчиси истеъмолдан чиқиб кетиб, унинг ўрнида *мақсадида* кўмакчиси ишлатилган.

Тарихан *уза//узала//узра//узара* шаклларида қўлланган кўмакчиларнинг *узра* шакли ҳозирги ўзбек тилига етиб келган. Шунингдек, *бирла*, *бирлан* кўмакчиларининг ҳам ҳар хил фонетик вариантлари тарихан қўлланган бўлишига қарамай, асосан, *билан* кўмакчиси ҳозирги ўзбек тилида актив ишлатилмоқда. Қатор бошқа кўмакчиларда ҳам аналогик ҳолат учрайди.

Айрим кўмакчилар эса ўзбек тили тарихининг қайси давридан бошлаб қўлланишидан қатъи назар, ҳамма вақт бир хил семантикани сақлаб қолган: *каби*, *сингари*, *янглиғ* ва б. Лекин айрим кўмакчилар ниҳоятда кенг қўллангани сабабли унинг семантикаси ҳам ўзгариб турган. Масалан, *бирла* кўмакчиси ҳамма вақт восита, биргалик, объект, сабаб семантикасини ифодалаган. Шунингдек, XIII—XIV, XV—XVI асрларда ўрин, пайт; XIII—XIV асрларда ўхшатиш; XVII—XIX асрларда зидлик маъноларини ҳам ифодалаган. У кўмакчи ҳозирги ўзбек тилида кенг истеъмол қилинмайди балки баъзан поэзияда учрайди, холос.

Ҳозирги ўзбек тилида ишлатилиб, тарихан қўлланмаган кўмакчиларнинг грамматик ва семантик хусусияти ниҳоятда конкретлашган бўлади. Улар кўпинча отнинг бош келишидаги (орқали, йўлида, мақсадида, ҳолда ва б.) ёки жўналиш келишидаги (яраша, доир, қата) шаклларига бирикиб, биргина семантикага эга бўлади. Ҳозирги ўзбек тилидаги *довур* кўмакчиси иккита семантикани (ўрин, пайт) англатади. Шундан ҳам маълумки, кўмакчилар ривожланган сари полисемиядан моносемияга ўтаверади.

Ўзбек тили тарихида янги кўмакчиларнинг пайдо бўлишида ички ва ташқи шароитнинг аҳамияти жуда катта бўлади.

Ўзбек тилининг ички қонун-қоидаси асосида кўмакчи яратилганда шу тилга оид мустақил сўзлар кўмакчилар группасига ўтади.

Ўзбек тилида кўмакчилар пайдо бўлишида ташқи шароит таъсирида бошқа тиллардан келиб қирган сўзлар ўзбек тилида кўмакчи функциясини бажарадилар. Шунинг учун ҳам ўзбек тилида қўлланган кўмакчилар этимологиясига кўра туркий тилларга, араб, форс-тожик тилларига, қисман хитой тилига алоқадордир: Туркий тилларга хослари: *бирла*, *бирлан*, *учун*, *каби*, *сингари*, *узра*, *ичра*, *сари*, *томон*, *сайин*, *бўйи*, *тўғрида*, *қаторида*, *аро*, *йўзидин*, *таба*, *тенги*, *тег*, *бикин*, *онгин*, *отру*, *қата*, *қуйи*, *илгида*, *ўзга*, *қўлимизда*, *оғзида*, *кейинча*, *орқали*, *яраша*, *қарата*, *бараварида*, *бараварига*, *йўлида*, *юзасидан*, *деб*, *олдида* ва б.

2. Араб тилига хослари: *қадар*, *хусусида*, *туфайли*, *нисбатан*, *биноан*, *ҳузурида*, *ниятида*, *сабабли*, *боисдан*, *сифатда*, *сифатиға*, *суратда*, *аснода*, *доир*, *асосан*, *мувофиқ*, *довур*, *мақсадида*, *ҳолда*, *мобайнида*, *асосида*, *атрофида* ва б.

3. Форс-тожик тилига хослари: *соясида, сў(сўй), кўйи, сингари, равишда*.

4. Хитой тилига мансуб кўмакчи: *янглиғ*.

Мустақил сўзлар кўмакчига ўтганида улар алоҳида морфологик шаклларга эга бўладилар. Уша морфологик шакл кўмакчи учун турғун ҳолатга айланади.

Ўзбек тилига тааллуқли кўмакчилар морфологик таркибига кўра куйидагича бўлади: 1. Ўзакдан иборат: *аро, томон, тег, қадар, сў, доир, ўнг, мувофиқ* ва б. 2. Сўз ясовчи кўшимчалар воситасида яратилган: *янглиғ, сабабли, тегинч, текин* ва б. 3. Локатив келишиқ кўшимчалари ва баъзан келишиқ кўшимчасидан олдин учинчи шахс бирликдаги эгалиқ кўшимчаси кўшилишидан яратилган кўмакчилар: *узра, уза, бирлан, орқали, сари, тўғрида, қаторида, йўзидан, ўзга, боисдан, борасида, йўлида, олдида* ва б. 4. Қадимги қурол-восита келишиги *-ун, -ин* кўшимчасининг кўшилишидан яратилади: *учун, сайин, бурун, бикин, унгин, текин* ва б. 5. Равиш ясовчи кўшимчалар воситасида яратилганлари: *нисбатан, биноан, кейинча, тегинч, асосан* ва б. 6. Учинчи шахс бирликни ифодалайдиган эгалиқ кўшимчасининг бирикишидан яратилади: *туфайли, бўйи, кўйи, каби, сингари, бери, теги* ва б. 7. Равишдош ясовчи кўшимчаларнинг феълга бирикишидан яратилади: *яраша, қарата, деб, оша* ва б.

Маълумки, ўзбек тилидаги кўмакчилар соф туркийлиги ёки бошқа бир тилдан келиб кирганлигидан қатъи назар, аслида мустақил сўзларга тааллуқли бўлиб, ўзбек тилининг ички ривожланиши асосида ёрдамчи сўзлардек грамматик вазифани бажара бошлаганлар ёки сўз ясовчи, сўз ўзгартувчи кўшимчаларни олиб, ёрдамчи сўзлар категориясига ўтганлар. Уларнинг ўзаро фарқи шундаки, бошқа тилдан келиб кирган кўмакчилар турғун фонетик шаклга эга бўлади. Лекин туркий тилларга хос бўлган кўмакчиларнинг айримлари ҳар хил фонетик шаклга эга бўлиши мумкин. Лекин у мустақил сўзларнинг кўмакчига ўтишида яна ўзига хос қатор хусусиятлари бор. Чунончи, кўмакчиларнинг грамматик категория экани тобе бўлакнинг ҳоким бўлакка муносабатини таъминлашидир. Шундай экан, ҳар қандай мустақил сўз кўмакчига ўтавермайди. Кўмакчига ўтадиган мустақил сўзнинг лексик маъносидан муносабат ифодалаш белгиси билиниб туриши керак. Масалан, *қалам, темир, соат* отлари конкрет предметларни англатади. Лекин *сабабли, мақсадида* сўзларининг лексик маъносида иш-ҳаракатнинг ижро этилишидаги хусусиятни ифодалаш мумкин экани сезилиб туради. Шунингдек, *ич, ост, уст* каби отларнинг лексик маъносида ўрин ифодалаш мавжуд. Шунинг учун *сабабли, мақсадида* соф кўмакчига ўтишга мойил: Шундай қилиб, мустақил сўзнинг лексик маъноси релятив муносабатни яратишга хизмат қилса, унинг кўмакчига ўтишида асос бўлади. Бунга *сабабли, мақсадида, ост, уст, ич* каби отлардан яратилган кўмакчилар мисолдир.

Кўмакчиларнинг бошқа бир сўз туркумидан ўтиши узок муддат-

нинг маҳсули бўлиб, ҳар қайси тилнинг ўзининг қонун-қоида-сига асосланади.

Мустақил сўз кўмакчига ўтганида бу сўз ўзининг ўша туркум-даги грамматик белгиларини батамом ёки қисман йўқотади. Масалан, *билан*, *учун*, *каби*, *узра*, *оркали*, *ўзга*, *бурун* ва *бошқа* қатор кўмакчилар ўзларининг от, олмош, феъл туркумига хос хусусиятларини батамом йўқотганлар. Бундай сўзлар кўмакчилар туркумига хос грамматик белгиларни қабул қиладилар. Улар турланиш, тусланиш ва янги сўз ясалишида хизмат қилишдан маҳрум бўлиб, мустақил лексик маъносини қисман ёки батамом йўқотган сўзлар қаторига ўтади.

Кўмакчига ўтаётган сўзлар ўзларидаги конкрет маъно англатиш хусусиятини йўқотиб, умумий маъно англатишга ўтадилар. «Сўзлардаги ҳар қандай умумийлик релятив муносабат-хусусият кашф этавермайди, балки бошқа бир сўзнинг функциясини таъминлашда хизмат қилсагина релятив хусусият касб этади» (114. 25).

Е. Т. Черкасова мустақил сўзларнинг кўмакчига ўтишида иккита ҳолат бор эканини таъкидлайди: 1. Мустақил сўзнинг асл маъноси релятив маънонинг яратилишига хизмат қилади. 2. Мустақил сўз кўчма маъно англатиб, релятив хусусиятга эга бўлади (162. 17).

Бу иккита ҳолат ўзбек тилидаги мустақил сўзларнинг кўмакчиларга ўтишига ҳам тааллуқлидир. Масалан, *сабабли*, *мақсадида* сўзлари кўмакчи функциясида ишлатилганда ҳам сабаб, мақсад маъносини англатаверади. Лекин *каби*, *бирлан*/*била*, *учун*, *туғайли*, *бери*, *соясида*, *бобда* ва бошқа қатор кўмакчилар, асосан, кўчма маъно касб этади. Масалан, *бирла* кўмакчиси биргалик маъносини англатиши билан бир вақтда сабаб, ҳолат, ўрин, пайт, мақсад, ўхшатиш, эваз, зидлик ва бошқа кўчма маъноларни ҳам билдирган.

Уза кўмакчисининг асосий маъноси ўрин билдириш бўлишига қарамасдан, *уза* ва унинг фонетик вариантлари объект, пайт, ҳолат, комитатив, ўрин, сабаб, ўхшатиш, иш-ҳаракатнинг давомли бўлиши каби қатор маъноларни англатган.

Ичра кўмакчисининг асосий маъноси ўрин ифодалаш бўлишига қарамасдан, у ўзбек тили тарихида сабаб, пайт, ҳолат, восита, объект, мақсад, комитатив ва бошқа маъноларни ҳам билдирган.

Юзидин, *юзиндин* кўмакчиси сабаб, манба, асос каби маъноларни билдирган. Мустақил маъноли сўзлардан кўмакчилар пайдо бўлишидаги специфик хусусиятлардан яна бири шуки, у кўмакчилар қайси сўз туркумидан ўтган бўлса, ўша сўз туркумига хос хусусиятларини маълум даражада ва маълум пайтгача сақлаб қолиши мумкин. Масалан, *учун*, *билан* кўмакчилари от туркумидан келиб чиққан. Шунга кўра *сенинг учун*, *менинг билан* каби қаратқич келишигидаги олмошларга бирика олади.

От туркумига хос кўмакчилар бош ёки қаратқич келишикдаги отлар билан мослашув орқали муносабатга киришадилар. Лекин мослашув чегараланган бўлиб, кўпинча учинчи шахс бирликда мослашади: *Стол устида китоб бор*.

Рашиш, сифат, феъл туркумига тааллуқли бўлган кўмакчиларнинг бошқариш хусусияти кучли бўлади: *нисбатан, биноан* кўмакчилари жўналиш келишиқдаги отларни бошқарса, *бурун, оша* кўмакчилари бош, чиқиш келишиқдаги отларни бошқарган. *Илгари* кўмакчиси чиқиш келишиқдаги отни бошқарган ва б.

Ўзбек тилидаги кўмакчиларнинг яратилиши коммуникация принципида бўлиб, жонли сўзлашув, адабий тил жараёнининг узлуксиз узвий боғланишига таянади.

Даврларнинг ўтиши инсоннинг тафаккур қобилиятининг ривожланишини таъминлаганидек, тилда ҳам ривожланиш, ўзгаришни яратади. Натижада тилнинг тарихан ривожланиш процессида кўмакчи категориясининг ривожланиши такомиллашиб бориши сезилади.

БИБЛИОГРАФИЯ

1. Энгельс Ф. Анти-Дюринг, Тошкент. 1974.
2. «Совет Ўзбекистони», газетаси, 1985, 17 апрель.
3. Абдуллаев Ф. О. Кипчакско-огузских соответствий п/б,б/ б,б/ в (по материалам хорезмских говоров узбекского языка)//Вопросы тюркологии, Тошкент, 1965.
4. Абдуллаев Ф. Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласига доир, (журнал), УТА, 1977.
5. Абдуллаев Ф. Тил кандай ривожланади. Тошкент. 1972.
6. Абдуллаев А. Қўмакчилар ёрдами билан таркиб топган сўз бирикмаларида ифодаланган синтактик муносабатлар, ЎЗДУ асарлари, янги серия, 91, Самарканд. 1959.
7. Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент, 1973.
8. Абдурахманов Г. Исследование по старотюркскому синтаксису (XI век) М., 1967.
9. Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. Тошкент. 1984.
10. Абдурахмонов Д. Сўзларнинг бошқарув муносабатлари, (УТА, журнал, 1960).
11. Айдаров Г. Служебные части речи в языке надписей орхонских памятников//«Исследования по тюркологии. Алма-Ата. 1969.
12. Айдаров Г. Язык орхонских памятников древнетюркской письменности XVIII века. Алма-Ата, 1971.
13. Алиев А. Ю. Уйчинский говор узбекского языка. ҚД, Ташкент, 1959.
14. Александров Г. П. Послелогии в современном турецком языке. АҚД. М. 1956.
15. Аксаков К. С. Сочинения филологические. Т. 2. Ч. 1. М., 1975.
16. Афзалов Ш. Ўзбек тилининг Паркент шеvasи. ҚД, Тошкент. 1952.
17. Ахманова О. С. О роле служебных слов в словосочетании//Докл. и сообщ. Ин-та языкознания АН СССР, 1952, № 2.
18. Ахтамова Х. Т. Сўзнинг аналитик формалари ва уни ўтиш методикасига доир//Материалы конференции ученых Самарканда по вопросам методики преподавания в вузах. Самарканд, 1977.
19. Ахтамова Х. Т. Ўзбек тилида аналитик формаларнинг ривожланиши тарихи тўғрисида//Тезисы докладов VI научно-теоретической конференции проф.-препод. состава Самаркандского гос. педагогического ин-та им. С. Айни. Самарканд, 1972.
20. Ахтамова Х. Т. Послеложные аналитические формы в современном узбекском литературном языке. АҚД, Ташкент, 1981.
21. Ахтамова Х. Т. Биргалик, восита маъноларини билдирувчи аналитик формалар // Совет мактаби, 1980, 4-сон.

22. Ахтамова Х. Т. Ўзбек тилида отнинг аналитик формалари, ЎТА (журнал), 1980, 5-сон.
23. Ахтамова Х. Т. Пайт, сабаб, мақсад маънолари//Совет мактаби, 1980, 11-сон.
24. Ашурбоев С. Ўзбек тили грамматик қурилишининг ўрганилиш тарихидан. Тошкент. 1974.
25. Баранов Х. К. Арабско-русский словарь. М., 1957.
26. Баскаков Н. А. К вопросу о классификации тюркских языков// Известия АН СССР // Отделение литературы и языка Т. XI Вып. 2. М., 1952.
27. Баскаков Н. А. Введение в изучение тюркских языков, М., 1969.
28. Благова Г. Ф. «Кутадгу билиг», «Бабур-номе» и методика историко-лингвистического сопоставления//Советская тюркология. 1970. № 4.
29. Благова Г. Ф. О характере так называемого «чагатайского» языка конца XV в. // Тюрке-монгольское языкознание и фольклористика, М., 1960.
30. Благова Г. Ф. Значение данных современной узбекской диалектологии для изучения старобузбекского письменного языка, //ВЯ. 1965, № 1.
31. Благова Г. Ф. Некоторые вопросы развития средневекового среднеазиатского тюркского литературного языка//ВЯ. 1971. № 4.
32. Благова Г. Ф. Смена диалектной ориентации среднеазиатского-тюркского литературно-письменного языка XV — начале XVI вв//ВЯ. 1975. № 6.
33. Благова Г. Ф. О методике изучения морфологии средневековых тюркских поэтических текстов//ВЯ. 1977. № 3.
34. Благова Г. Ф. Характеристика грамматического литературного языка конца XV века по «Бабур-наме», АҚД, М., 1954.
35. Благова Г. Ф. XV—XVI асрлар эски ўзбек адабий тилидаги кўмакчилар ҳақида. ЎТА, 1963, 3-сон.
36. Бектемиров Х. Исследование языка произведений Йусуфа Амирий. АҚД. Ташкент, 1973.
37. Богородицкий В. А. Введение в татарское языкознание в связи и с другими тюркскими языками. Изд. 2. Казань, 1953.
38. Боровков А. К. Ценный источник для истории узбекского языка. I// Известия АН СССР, Отделение литературы и языка. Т. VIII, Вып. 1, 1949.
39. Боровков А. К. Очерки истории узбекского языка, II. (Опыт грамматической характеристики языка среднеазиатского «Тевсира» (XIV—XV вв))// Советское востоковедение, М., 1949.
40. Боровков А. К. Очерки истории узбекского языка, III (лексика среднеазиатского тевсира (XII—XIII вв.))// Ученые записки Института востоковедения. Т. XVI. М.—Л., 1958.
41. Боровков А. К. Лексика среднеазиатского тевсера XII—XIII вв. М., 1963.
42. Боровков А. К. Из материалов для истории узбекского языка//Тюркологический сборник. № 1. М.—Л., 1951.
43. Боровков А. К. Рукопись и особенности языка среднеазиатского тевсира XII—XIII вв.//Ученые записки института востоковедения, Т. XVI, М.—Л., 1952.
44. Будагов Л. З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Т. I. Спб., 1869.
45. Буслаев Ф. И. Историческая грамматика русского языка. Ч. II, М., 1963.
46. Бердияров Х. Послелогии в современном узбекском литературном языке. АҚД. Самарканд, 1949.
47. Вандриес Ж. Язык, лингвистическое введение в историю. М., 1937.
48. Виноградов В. В. Русский язык (Грамматическое учение о слове). М.—Л., 1947.
49. Газизов Р. С. Сопоставительная грамматика татарского и русского языков. Казань, 1966.
50. Грамматика туркменского языка. Ч. I. Фонетика и морфология. Ашхабад, 1970.
51. Дмитриев Н. К. и Чистяков В. М. Русские предлоги и татарские послелогии// Вопросы методики преподавания русского и родного языков в нерусской школе. М.—Л., 1948.

52. Дмитриев Н. К. Грамматика кумыкского языка. М.—Л., 1940.
53. Дмитриев Н. К. Служебные имена в турецком языке // Советское языкознание. Т. 3. Л., 1937.
54. Дониоров Х. Эски ўзбек адабий тили ва кипчок диалектлари. Тошкент. 1976.
55. Древнетюркский словарь. Л., 1969.
56. Девону лугатит турк, индекс, Тошкент. 1967.
57. Демирчизада Э. М. Китаби-д дада Горгуд дастанларынын дили. Баку. 1959.
58. Егоров В. Г. Современный чувашский литературный язык. Чебоксары; 1971.
59. Жирмунский В. М. О границе слова // ВЯ. 1961. № 3.
60. Жуманазаров Ю. Ўзбек тили хазорасп шевасининг морфологик хусусиятлари, ҚД. Тошкент. 1961.
61. Зияева М. Т. Исследование памятника XIV в. «Китаб ат-тухфат узакийа Фил-лугат-ит туркийа. АКД. Ташкент, 1972.
62. Зейналов Ф. Р. Служебные части речи в современных тюркских языках. Баку, 1966.
63. Исангалиева В. А. Служебные имена и послелоги в казахском языке. Алма-Ата, 1957.
64. Исангалиева В. А. Послелоги в казахском языке // Изв. АН КазССР. Серия филологии, искусствоведения. Вып. 1—2. Алма-Ата, 1954.
65. Исангалиева В. А. Русские предлоги и их эквиваленты в казахском языке. Алма-Ата, 1959.
66. Исхаков Ф. Г. Некоторые предложения о происхождении конечных «т» и «д» в словах аст, уст, алд, арт и т.д. // Академику Гордлевскому к его семидесятипятилетию. М., 1953.
67. Кондратьев В. Г. Очерк грамматики древнетюркского языка. Изд. Ленинградского университета. Л., 1970.
68. Коклянова А. А. Послелоги и служебные имена в узбекском языке // Труды Института языкознания АН СССР. Т. 3. М., 1954.
69. Кононов А. Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. М.—Л., 1956.
70. Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.—Л., 1960.
71. Кононов А. Н. К природе тюркской агглютинации // ВЯ. 1976. № 4.
72. Кононов А. Н. Послелоги в современном узбекском литературном языке. Ташкент, 1951.
73. Корш Ф. Е. Классификация турецких племен по языкам // Этнографическое обозрение. Кн. 84—85. М., 1910.
74. Котвич В. Исследование по алтайским языкам. М., 1962.
75. Курилович Е. Очерк по лингвистике. М., 1962.
76. Курышжанов А. К. Язык старокыпчакских письменных памятников XIII—XIV вв. АДД. Алма-Ата, 1973.
77. Курышжанов А. К. Исследование по лексике старокыпчакского письменного памятника XIII в. «Тюрко-арабского словаря». Алма-Ата, 1970.
78. Кенжабаева Ф. Послелоги и частицы в современном казахском языке. АКД. Алма-Ата, 1964.
79. Ломоносов М. В. Российская грамматика. Полное собрание сочинений. Т. VI. М.—Л., 1952.
80. Левитская Л. С. Историческая морфология чувашского языка. М., 1976.
81. Магомедов А. Г. Собственно послелоги и послелоги, изолированные формы имен, глаголов и наречений в современном кумыкском литературном языке. АКД. Махачкала, 1963.
82. Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М.—Л., 1951.
83. Малов С. Е. Ибн-Мухани о турецком языке // Записки коллеги востоковеда при Азиатском музее АН СССР. Т. 3. Л., 1928.
84. Малов С. Е. Древние и новые тюркские языки // Известия АН СССР. Отделение литературы и языков. М., 1952. № 2.
85. Маматов А. Ўзбек тилининг Андижон шахар шеваси. ҚД. Тошкент, 1966.

86. Мамедов Н. Н. Основы азербайджанского языкознания (в связи с другими тюркскими). АДД. Баку, 1964.
87. Махмуд Кошғарий. Девон-у луғат-ит турк (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов). Ўз ССР ФА нашриёти. Тошкент. 1-том. 1960. 2-том, 1962. 3-том — 1963.
88. Махмудов К. Ахмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида. Тошкент. 1972.
89. Мирзээдэ Х. И. Азербайжан дилинин тарихи морфолоки јасы Бақы, 1962.
90. Мирзээдэ Х. И. Историческая морфология азербайджанского языка. АДД. Баку, 1960.
91. Мирзакаримова У. Морфологические особенности «Қысасы Рабғузы». АКД. Ташкент, 1969.
92. Мураталиева Дж. М. Послелогии в современном киргизском языке. АКД. М., 1958.
93. Мусаев К. М. Грамматика караимского языка. М., 1964.
94. Муталлибов С. М. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк, Тошкент, 1959.
95. Мухаммаджонов К. Туркистон шеvasи. ҚД. Тошкент. 1970.
96. Мухамедова Б. Исследования по истории туркменского языка XI—XV вв. (по данным арабоязычных филологических сочинений) АДД. М., 1969.
97. Мелиоранский П. М. Араб-филолог о турецком языке. СПб., 1900.
98. Мелиоранский П. М. Сказание о пророке Салихе // Сборник статей учеников проф. В. Р. Розена. СПб., 1897.
99. Мелиоранский П. М. Турецкие наречия и литературы // Энциклопедический словарь Ф. А. Брокгауза и И. А. Ефрона т. XXXIV. СПб., 1902.
100. Мещанинов И. И. Члены предложения и части речи. М.—Л., 1945.
101. Назарова Х. Бобир ва ўзбек адабий тили. Тошкент. 1971.
102. Насилов В. М. Язык орхоне-енисейских памятников. М., 1960.
103. Насилов В. М. Древнеуйгурский язык. М., 1963.
104. Навоий асарлари луғати. Тошкент, 1972.
105. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тошкент. 1983. 1—2-томлар. 1984, 3—4-томлар.
106. Наджип Э. Н. Тюркоязычный памятник XIV века. Гулистон Сейфа Саран и его язык. Ч. 1-я. Алма-Ата, 1975.
107. Наджип Э. Н. Кыпчакско-огузский литературный язык мамлюкского Египта XIV века. АДД. М., 1965.
108. Наджип Э. Н. Хосроу и Ширин Кутба и его язык // Тюркологический сборник к 60-летию А. Н. Кононова). М., 1966.
109. Наджип Э. Н. Архаизм в лексике тюркоязычного памятника XIV века «Гулистан». Сейфа Саран // Краткие сообщения Института Азии и Африки АН СССР. М. 1964. № 83.
110. Наджип Э. Н. О памятнике XIV века «Нахджал-фарадис» и его языке. // Советская тюркология (Баку). 1971. № 6.
111. Носиров Ш. Ўзбек тилининг Қўқон шеvasи. ҚД. Тошкент, 1965.
112. Овсяников-Куликовский Д. Н. Синтаксис русского языка. СПб., 1902.
113. Оразов М. Служебные имена в тюркских языках (на основе материала современного казахского, узбекского и туркменского языков). АКД. Ташкент. 1971.
114. Потебня А. А. Из записок по русской грамматике, I—II. Харьков, 1988.
115. Пешковский А. М. Русский синтаксис в научном освещении. М., 1938.
116. Персидско-русский словарь. М., 1953.
117. Радлов В. В. Ярлыки Тохтамыша и Темир-Кутлука. ЗКВ. Т. III, СПб., 1883.
118. Радлов В. В. Опыт словаря тюркских наречий. Т. IV. Ч. I. СПб., 1911.
119. Ражабов А. А. Язык орхоне-енисейских памятников древнетюрской письменности. Морфология (В сопоставлении с азербайджанским языком). Баку, 1967.

120. Расулов Н. А. Исследование языка «Китаб-ал идрак ли-лисан ал-атрак Абухайяна. АКД. Ташкент, 1969.
121. Рахимова К. Н. Узбекские говоры Туркменской ССР (Морфология). КД. Ташкент, 1985.
122. Решетов В, Шоабдурахмонов Ш. Узбек диалектологияси. Тошкент. 1962.
123. Рустамов А. Некоторые грамматические особенности языка Махбубул-Кулуб Алишера Навои. АКД. Ташкент, 1958.
124. Рустамов А. Фонетико-морфологические особенности языка Алишера Навоий. АДД. Ташкент, 1966.
125. Рустамов Т. Хозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар. Тошкент. 1965.
126. Рустамов Т. *Узра кўмакчиси*. ЎТА, 1974, 6-сон.
127. Рустамов Т. *Сари кўмакчиси* // Узбек тили тарихи масалалари, ФАН, Тошкент. 1977.
128. Рустамов Т. *Учун кўмакчиси* // Узбек тили тарихи масалалари. ФАН. Тошкент, 1977.
129. Рустамов Т. Каби кўмакчиси, журнал, ЎТА, 1977, № 1.
130. Рустамов Т. Ичра кўмакчиси, журнал, ЎТА, 1984, № 5.
131. Рустамов Т. Теги кўмакчиси ва унинг вариантлари, журнал, ЎТА, 1985. № 1.
132. Русско-чувашский словарь. Под ред. Н. К. Дмитриева. М., 1951.
133. Резюков Н. А. Очерки сравнительной грамматики русского и чувашского языков. Чебоксары, 1954.
134. Решетов В., Шоабдурахмонов Ш. Узбек диалектологияси (Фонетика, морфология: лексика), Тошкент—1962.
135. Самойлович А. Н. История литературного-среднеазиатского языка // Мир-Али-шир. Л., 1928.
136. Самойлович А. Н. Некоторые дополнения к классификации турецких языков. Шпр., 1922.
137. Современный казахский язык. Алма-Ата, 1962.
138. Современный татарский литературный язык. М.—Л., 1969.
139. Стеблин-Каменский М. И. О предлоге и предложном словосочетании. М.—Л., 1957.
140. Стеблин-Каменский М. И. Об основных признаках грамматического значения // Вестник ЛГУ. Л. Серия общественных наук. 1954. № 6.
141. Севортян Э. В. Фонетика турецкого литературного языка. М., 1955.
142. Серебrenников Б. А. К истории суффикса деноминативных глаголов // Советская тюркология. 1972. № 5.
143. Серебрянников Б. А. О древней структуре суффиксов некоторых местных падеже в тюркских языках // Структура и история тюркских языков. Наука. М., 1971.
144. Тулаков С. Узбек тили Наманган шевасининг морфологик хусусияти. КД. Тошкент, 1965.
145. Турапова М. Я. Морфологические особенности языка «Шайбани-нама» Мухаммад Солиха. АКД. Ташкент, 1966.
146. Турсунов У. Узбек тилида *сўнг* кўмакчилар // Узбек давлат университетининг асарлари, янги серия, 34-сон, Самарканд, 1947.
147. Тургунов Т. Узбек тилининг ғарбий Фаргона шевалари. КД, Тошкент, 1968.
148. Тенишев Э. Р. «Кутадгу билиг» и «Алтун ярук» // «Советская тюркология, 1970, № 4.
149. Тенишев Э. Р. К истории узбекского языка // Академику В. А. Гордлевскому к его семидесятипятилетию, М., 1958.
150. Убаева Ф. С. «Билан» ёрдамчиси хакида // Научные труды ТашГУ. 260. Языкознание. Ташкент, 1964.
151. Узбекско-русский словарь. М., 1959.
152. Узаков Х. Узбек тилининг Жанубий Фаргона шевалари. КД, Тошкент. 1965.
153. Усмонов А. «Мухокамат ал-луғатайн» Алишера Навои, АКД, Ташкент, 1948.

154. Усмонов О. Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласига доир // В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат унивеситетининг илмий асарлари. Тошкент, 1957.
155. Файзуллаева Ш. А. Исследование языка памятника XIV в. «Китабу булгат ал-муштак фи лугат ал-турк ва л-Кифчак Джамал ад-дина ат-турки. АКД. Ташкент, 1969.
156. Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмские памятники XIV века. Т. 1. Ташкент, 1966; Т. 2., Ташкент, 1971.
157. Фозилов Э. И. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. Тошкент. 1965.
158. Халидов Б. З. Учебник арабского языка. Ташкент, 1965.
159. Харитонов Л. И. Типы глагольной основы в якутском языке. М.—Л., 1954.
160. Хыдыров М. Н. Послелоглар ва уларнын уланышлары. Ашхабад, 1947.
161. Хорезми, Мухаббат-нэма, М. 1961 (издание текста, транскрипция, перевод и исследование Э. Н. Наджиба).
162. Черкасова Е. Т. Переход полноязычных слов в предлоги. М., 1967.
163. Махматов А. А. Синтаксис русского языка. М.—Л., 1941.
164. Шамсиддинов И. И. Каракульский говор узбекского языка. КД. Ташкент, 1968.
165. Шарипов С. Ўзбек тилининг Поп шевасининг морфологик хусусияти. КД. Тошкент, 1962.
166. Шишков А. С. Нечто о предлогах // Собрание сочинений и переводов. Ч. V. СПб., 1825.
167. Шмелев Д. Н. К вопросу о «производных» служебных частях речи и междометия // «Известия АН СССР, ОЛЯ», Т. XX. Вып. 6. М., 1961.
168. Шоабдурахмонов Ш. Ердამчи сўзлар. Тошкент, 1953.
169. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. ДД. Тошкент—1963.
170. Шукуров А. Дж. К вопросу об этимологии послелогов birla и ila в тюркских языках // Советская тюркология. 1984. № 1.
171. Шукуров А. Дж. К вопросу об этимологии послеслога sagu//sagu и история его развития в азербайджанском языке // Советская тюркология. 1985. № 4.
172. Шукуров Ш. Ўзбек тили тарихини ўрганилишига доир, ЎТА. 1969. № 2-сон.
173. Шукуров Ш. Ўзбек адабий тилининг ривожланиши масаласига доир. ЎТА. 1965. 4-сон.
174. Щербак А. М. К истории узбекского литературного языка древнего периода // Академику В. А. Гордлевскому к его семидесятипятилетию. М., 1953.
175. Щербак А. М. К истории образования узбекского национального языка // ВЯ. 1954. № 6.
176. Щербак А. М. Грамматический очерк языка тюркских текстов XI—XIII вв. из восточного Туркестана. М.—Л., 1961.
177. Щербак А. М. Грамматики староузбекского языка. М.—Л., 1962.
178. Щербак А. М. Огуз-нама, Мухаббат-нама, М., 1959.
179. Щербак А. М. Сравнительная фонетика тюркских языков. Л., 1970.
180. Щербак А. М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (наречие, служебные части речи, изобразительные слова) Л., 1987.
181. Щербак Л. В. Избранные работы по русскому языку. М., 1957.
182. Юнусов А. Исследование памятника XIV в. «Таржиман турки ва Ажами ва мугали. АКД. Ташкент, 1973.
183. Ярцева В. Н. Предложение и словосочетание // Вопросы грамматического строя. М., 1955.
184. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-2 том, М., 1981.
185. Ўзбек халқ шевалари морфологияси. Тошкент. 1984.
186. Ўзбек халқ шевалари луғати. Тошкент, 1971.
187. Ўзбек шевалари лексикаси. Тошкент, 1966.
188. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент, 1975.
189. Ўзбек тили тарихи масалалари. Тошкент, 1977.

- 190—191. Ўзбекско-русский словарь. М., 1959.
192. Қудратов Т. Ўзбек тилининг оралиқ шевалари, ҚД, Тошкент. 1968.
193. Фуломов А. Ғ. Қўмакчили конструкция ҳақида // ЎзФА Ахбороти. 1940. 6-сон.
194. Фуломов А. Ғ. Ўзбек тилида аниқловчилар. Тошкент. 1941.
195. Фуломов А. Ғ. Ўзбек совет тилшунослиги тарихидан. УТА, 1967. 4-сон.
196. Фуломов А. Ғ. -Ла аффиксининг маънолари ҳақида // Бюллетень АН ЎзССР, 1944. 5—6.
197. Фуломов А. Ғ. Об аффикси -ла в узбекском языке. Уч. зап. Ташкентский гос. пед. и учит. инст., серия обществ. наук, Вып. I. Ташкент—1947.
198. Гулямов Я. Г. Из наблюдений над морфологией Ташкентского говора // Ўзбек диалектологиясидан материаллар. I. Ташкент, 1957.
199. Ҳожиёв А. П. Қўшма аффикслар ёрдамида ясалган феълларнинг изоҳли лўғатда ишланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 1984, 5-сон.

МУНДАРИЖА

Айрим шартли қисқартмалар.	3
Фойдаланилган манбаларнинг шартли қисқартмалари.	4
Сўз боши.	7
Кириш.	9
Тарихан ва ҳозир қўлланишида бўлган соф кўмакчилар.	18
Фақат тарихан қўлланган соф кўмакчилар.	94
Ҳозирги ўзбек тилига хос соф кўмакчилар.	107
Библиография.	117

ТУРДИ РУСТАМОВ

РАЗВИТИЕ СОБСТВЕННО ПОСЛЕЛОГОВ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

На узбекском языке
Ташкент «Фан»

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тилшунослик институтининг Илмий
совети ҳамда Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих, тилшунослик ва адабиётшунос-
лик бўлими томонидан нашрга тасдиқланган*

Мухаррир А. Комилова
Мусаввир Х. Меҳмонов
Техмуҳаррир Н. Абдурахмонова
Мусаххия М. Саидова

ИБ №5155

Терншга берилди 20.02.91. Босишга рухсат этилди 14.10.91. Формат 60×90¹/₁₆
Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Офсет босма. Шартли босма т. 7,75
Ҳисоб-нашриёт т. 8,3 650. нусха. Буюртма 52. Баҳоси 3с.

Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.
Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170. Тошкент, М. Горький шох кўчаси, 79